

Аброр Ғуломов


# ИСТАНБУЛ

## Дафтари



АБРОР ҒУЛОМОВ

# ИСТАНБУЛ ДАФТАРИ



Тошкент  
«O'zbekiston»  
2019

УЎК 908(560)  
КБК 26.89(5Тук)  
Ғ 79

Ғ 79 Ғуломов, Аброр.  
Истанбул дафтари [Матн]/А.Ғуломов. – Тошкент: «O'zbekiston»  
НМИУ, 2019. – 344 б. + 16 б. вкл.  
ISBN 978-9943-25-895-2

*Оммабон нашр*

**АБРОР ҒУЛОМОВ**

**ИСТАНБУЛ ДАФТАРИ**

Муҳаррир *Ш. Шоабдураҳимова*  
Бадий муҳаррир *Р. Маликов*  
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*  
Кичик муҳаррир *М. Салимова*  
Мусахҳиҳ *Д. Ғайбуллаева*  
Компьютерда саҳифаловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АІ № 158.14.08.2009.  
Босишга 2019 йил 16 декабрда рухсат этилди.  
Бичими 60x90 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози.  
«Cambria» гарнитурасида офсет усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 21,50+1,0 вкл. Нашр табоғи 16,12+1,15 вкл.  
Адади 2000 нусха. Буюртма № 19-713.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

ISBN 978-9943-25-895-2

© А. Ғуломов. 2019  
© «O'zbekiston» НМИУ, 2019



*Онам ўғитларини дилимда сақладим, Ватанимга, оиламга, касбимга ва дўстларимга садоқатни азиз билдим, қарздорлик бурчимни унутмадим.*

*Ушбу китобни падари бузрукворим Аҳрорхўжа Нўъмон ўғли хотирасига бағишлайман.*

## **I. МУҚАДДИМА**

**2005 ЙИЛ 11 ОКТАБРЬ: НАҚДИ АСАЛ!**

Аллоҳ раво кўрган саодатли умрнинг олтмишинчи поғонасига ҳам эсон-омонликда етиб келмоқдамиз, табиий, соғлом ақл-идрок эгаси бу маррада турган ҳолида ортига боқади, бошдан кечган воқеа-ҳодисаларни тош-тарозуга солади, адоқсиз тафтиш онлари шафқатсиз сарҳисобга айланади. Сарҳисоб қандай бўлмасин, бир банда сифатида бу фоний дунёдан миннатдорлигимни бирон лаҳза ёдимдан чиқармайман, ўзимга ато этилган тақдир, қисмат учун икки дунё Соҳибига беҳисоб ҳамду санолар айтишдан тинмайман.

Мен журналистман, ҳаётда нимага эришган бўлсам, ушбу касбнинг шарофати деб билдим. «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририятига бошловчи журналист сифатида қандайин тоза ва беғубор орзу-ҳавасларда кириб келган бўлсам, мана, орадан аллақанча сувлар оқиб ўтгандан сўнг – ҳаётий сардафтарим саҳифалари тўлиб-тошган бир паллада ҳам ўша тозалик, беғуборлик ва ўша эзгу орзу-ҳаваслардан заррача мосуво бўлганим йўқ дея баралла айта оламан.

Тарихнинг бемисл инояти ила Ватанимизнинг истиқлолга эришиши нафақат Ўзбекистон ва халқимизнинг, каминага ўхшаш миллионлаб ёшларнинг толеида пор-

лаган офтоб бўлди. Зеро, ишонч билан айтаманки, ўтган асрнинг 90-йилларидан эришилган ҳар бир шахсий омад, шахсий муваффақият моҳиятида буюк Мустақиллик руҳи, имконияти ва шукуҳи пойдевор вазифасини ўтаб турибди, десак ҳам инсофдан, ҳам адолатдан бўлади!

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлигида фаолият бошлаганимда миллий мустақиллигимиз эндигина ўзининг 4 ёшлигини нишонлаган эди. Ватанимиз ёш, жамиятимиз бироз беқарор, биз қатори қалам аҳли ҳам анчагина мурғак эдик. Ўзбекистонда жаҳон билан юзлашадиган, жаҳон афкор оммаси билан тиккама-тикка мулоқот олиб бора оладиган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий имконият юзага келишини ким ўйлабди дейсиз! Кимнинг тушига кирибди дейсиз!

Ҳарқалай, «Жаҳон» ўз номи билан жаҳон билан бўйлашадиган рутбага монанд тарзда дунёга юз тутган Ўзбекнинг овози бўлмоғи кўзланган эди. Ушбу ахборот агентлигининг хизматчиси сифатида (1996–2005 ва 2016–2018 йиллар) дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатда бўлдим, хорижий элчихоналаримиз фаолиятини бевосита кузатиш, ўрганиш, тажриба орттириш имконига эга бўлдим.

Узоқ-яқин хориж сафарлари нари борса ўн кундан ошмас, янгидан-янги таассуротлар, танишувлар билан тўлиб-тошарди, ҳар қанча ҳайрату ҳаяжонларга бой бўлмасин, икки-уч кундаёқ уйни, оиламни, Тошкентимни соғиниб қолардим. Ҳатто мусофирчиликни бўйнига олиб, Ватандан олисда хизмат вазифасини ўтаётган дўстларга ачиниш ҳиссини яширолмай қолган пайтларим бўлган. Ана ўшанда насибамизда ўн йиллик ҳижрат синовлари «илҳақ» кутаётганини, ҳадемай каминанинг ўзлари ҳам ачинган, ҳамдардлик билдиришдан тортинмаган ҳамкасблар қатори хорижга йўл олишини қайдан ҳам билибман?!

Яширмайман, «Жаҳон»да қалам тебратиб, ҳатто агентликка раҳбарлик қилиб юрган йилларимда жилла

қурса икки йилгина хорижга чиқиб келсам деган хаёлларга борганман, ҳатто шоду хуррамлик билан олисларга отланаётган йигитларни кузатиш онларида менга ҳам насиб этсин, булардан кам жойим йўқдир, дея дуоларга қўл очганман.

«Жаҳон»га келишимни эсласам-чи. 1995 йилнинг декабри эди. Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст Давлат матбуот қўмитаси раиси ўринбосари лавозимига ишга боришга таклиф қилиб қолди. Розилигимни олгач, ҳар соатда тайёр туринг, ҳар замон суҳбатга чақирилишингиз мумкин, деб огоҳлантирди. Кутдим, бу орада Янги йил ҳам кирди. Хизматнинг тажрибали журналисти Лев Левин «Сен тўғрингда бошқа гап эшитдим, Ташқи ишлар вазирлигига ишга боришинг мумкин», деган хабар етказди.

Январь ойининг ўрталарида Президентнинг Туркманистонга расмий сафари бўлиб ўтади. Муваффақиятли ташрифдан барчанинг кайфияти кўтаринки. Фурсатдан фойдаланган Абдулазиз Комилов мени яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) ҳузуридаги ахборот агентлиги раҳбарлигига юборишларини сўрайди. Ислон Абдуғаниевич мени қаергадир тавсия этилганимни аниқ хотирлай олмай, Мурод Муҳаммад Дўстни ҳузурига чақиради. Мурод ака вазиятга ойдинлик киритади.

Хуллас, менинг тақдирим Ашхободдан Тошкентга парвоз этиб келаётган учоқда ҳал бўлади. Икки кундан кейин ТИВда мени таништириш маросими бўлиб ўтди.

2005 йил, август ойи. Мутлақо кутилмаганда вазирликнинг ходимлар билан ишлаш бўлиmidан Истанбулга бош консул бўлиб бориш таклифи келиб тушди. Вазирнинг биринчи ўринбосари бўлган ажойиб инсон, тажрибали дипломат Илҳом Неъматов ҳузурларига маслаҳатга кирдим. Муддаони очиқчасига айтдим. Илҳом ака ҳам дангалчи эди.

– Гапнинг очиғи, – деди у киши кўнглимни кўтариб, – сиз элчиликни ҳам эплайдиган даражага келиб қолдингиз. Ҳозирги алғов-далғов замонда бу ҳам ёмон таклиф эмас. Ота-боболаримиздан қолган нақл бор: нақди асал! Ҳозирча отни қамчиланг, у ёғига худо – пошшо!

Вазирнинг биринчи ўринбосари хонасидан бамисоли учиб чиқдим. Устозим А.Комиловни хабардор қилиш мақсадида Вашингтонга сим қоқдим.


– Табриклайман, ажойиб иш бўлибди! – деди Абдулазиз ака. – Мамлакатимизнинг неча нафар элчиси бор, биласизми? Менга ўхшаганлар роса кўп. Бош консуллар эса – саноқли! Нью-Йорк, Жидда, Афина, Бангкок ва Франкфуртда, холос! Бу ёғига омад!

Устознинг қўллаб-қувватловчи товуши ҳамон қулоғим остида: «Элчилар сероб, бош консуллар бармоқ билан санарли, шулар орасида энди сиз ҳам бўласиз!»

Расм-русум ишларини бадастир адо этдим, белгиланган кунни оилам билан Тошкент – Истанбул самолётида ҳавога кўтарилдик!

Ўша кунги ёндафтаримга қарайман: 2005 йил 11 октябрь.

Шу кетишда 2016 йилнинг 15 апрель кунини соғинч тўла ёш билан азиз ва муқаддас юртимга қайтиб келдим. Роса ўн йилу олти ой ҳам хизмат қилдим, ҳам яйраб яшадим десам заррача муболаға бўлмайди!



## ТУРКИЯ БИЛАН ТАНИШИШ

Туркия. Бу мамлакат ҳақида, унинг олис ва бой тарихи, бетакрор табиати, одамлари, эътиқодлари ҳақида ўқиганман, билганман. Лекин у билан юзма-юз келганда, унинг қалби, юраги бўлмиш шаҳарга келиб тушганда барча билганларим, адабиётлар орқали ўқиганларим қанот чиқариб аллақаяқларга учди-кетди. Менинг тассаввуримдаги Туркия ҳаётда тамоман бошқа экан.

Нима қилмоқ керак? Нимадан бошламоқ керак? Умуман Туркияни англаб, идрок этиш мумкинми? Ўтмиш уммонларига шўнғийсанми, азиз-авлиё зотлари кечмишларини ўрганасанми, султонлари ҳаётига нигоҳ ташлайсанми ёхуд мамлакатнинг бугуни – сиёсати, маданияти, мақсад-маслакларини битта-битталаб маржон ипидан ўтказасанми? Бундай десанг, мумтоз куй-қўшиқлари бир олам, замонавий мусиқалари мухлиси бўлган ўзбекистонлик ватандошларимиз оз дейсизми?! Қолаверса, зиммамда аниқ вазифам бор – хизматга боришим, бевосита адо этишим зарур бўлган юмушлар саржин-саржин бўлиб қалашиб ётибди.

Бош айланиб кетади десангиз!..

Ўзимга тасалли бераман: мусулмончилик аста-секин дейман. Бир бошдан яқин-атрофдаги шаҳар-қишлоқларни кездим, олиму зиёли, деҳқону ишчилари билан суҳбатларда бўлдим. Давлатимиз билан боғлиқ ҳикоялар, хотиралар эшитдим, ҳужжатлар билан танишдим.

Машҳур турк тарихчи олими, «Тўпқопи» саройи директори, профессор Илбер Ортайли ҳикоя қилган жойни кездим: «Амир Темур Измирни юнонлар қўлидан олиб усмонлиларга ҳадя этиб кетган. Ундан кейин бу шаҳар турли даврларда жуда қисқа вақт қўлдан қўлга ўтди, аммо у ҳеч қачон душманларга бошқа тобе бўлмади».



Шаҳар ҳокими билан бўлган учрашувда Эгей бўйидаги бу кент кўчалардан бирига Амир Темур номини бериш таклифини айтдим, ҳоким афанди чуқур сиёсий одоб ила таклифимни эшитмаганликка олди.

Мавлоно Жалолиддин Румий маърифат тарқатиб, абадий кўним топган Қуниё шаҳрининг салобати, руҳи ўзгача. Қабрининг нима сабабдан ярим нишаб ҳолатдалиги сабабини аниқлаштирдим ўзим учун.

Шонлиурфа келажакда ислом оламининг зиёратгоҳларидан бирига айланади, деган хулосага келдим. Бу ўлкада ҳазрати Иброҳим (алайҳиссалом) туғилган, у дунёга келган ғор сақлаб қолинган, унинг Намруд томонидан ваҳшийларча даҳшатли гулханга ташланган жой худди шу ерда. Гулхан ўрнида ҳосил бўлган ҳовуз ичида муқаддас балиқларнинг «авлод»лари ҳамон сузиб юрибди!

Шонлиурфа ва Диёрбақир аҳолисининг аксариятини курдлар ташкил этади. Диёрбақирга зиёратим чоғида ҳокимиятнинг масъул вакиллари билан бири мендан: «Қайси юрак билан бу ерларни кезиб юрибсиз? АҚШ элчисидан бошқа бу тарафларга хорижий дипломатлар келмаган», деганди. Бу қадим шаҳарнинг нима сабабдан Пайғамбарлар шаҳри деб аталишини билиб олдим.

Буюк Ҳомер «Илиада» ва «Одиссея» дostonларини ёзган жойни кўрсатишганида бир лаҳза хаёлан антик даврга тушиб қолгандек ҳис этдим ўзимни. Эрамиздан аввалги VIII асрда бунёд этилган кошоналар бугун харобага айланган, аммо Эллада юртининг акрополи – гумбази сақланган.

Троя урушини эшитмаган ёки унга бағишланган фильмни кўрмаган киши топилмаса керак. Чанокқалъа шаҳридан 30 чақирим нарида бўлиб ўтган воқеалар

эрамиздан аввалги 3000–2500 минг йилларда юз берган. Ҳомернинг «Илиада» поэмаси асосида олинган тарихий драма АҚШ, Мальта, Буюк Британия киноусталари маҳорати билан экран дурдонасига айланган. Кино учун махсус ишланган ва 20 йилга маҳаллий ҳокимиятга ижарага берилган баҳайбат Троя оти ўша антик даврдан буюк хотира! Отга «миниб» суратга тушиш мен учун буюк хотира эди.

Усмонли замонидан ўлмас хотиралар бисёр, Ислом дини ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)га дахлдор кўплаб осори атиқалар сақланмоқда. Маҳаллий тарихнависларнинг ҳеч бир муболағасиз таъкидлашларича, Туркияда, айниқса Истанбулдаги ҳар бир тошнинг остида тарих варақлари қат-қат тахланиб ётибди!..

Мен Ўзбекистоннинг Туркиядаги бош консулхонаси раҳбари бўлиб фаолиятимни бошлаган йиллар мамлакатнинг ошиғи олчи тушиб турган пайтларга тўғри келди! Иқтисоди барқарор ўсишда давом этаётган, 2005 йил октябрь ойида Европа Иттифоқига аъзо бўлиш юзасидан расмий музокаралар бошланган давр эди. Адолат ҳаққи ҳурмати, бу муваффақиятларда 2002 йилда ҳукумат бошига келган Адолат ва тараққиёт партиясининг (АТП) роли ниҳоятда катта эканини эътироф этиш ўринли.

Ўтган асрнинг 50-йилларига қадар Туркияда президент Мустафо Камол Отатурк асос солган Жумҳурият халқ партияси (ЖХП) яккаҳукмронлик қилган. Кўппартиявий тизим юзага келгач, ҳокимият демократлар қўлига ўтади ва қисқа муддатдан сўнг партия етакчиси Аднан Мендерес турли айблар билан қамоққа ташланиб, осий орқали ўлимга ҳукм этилади.

Бундан буёғига АТП ҳокимиятга келмагунча Туркия давлатини Турғут Ўзалнинг «Она Ватан» партиясидан ташқари фақат коалицион ҳукуматлар бошқаради. Фақат-

гина Сулаймон Демирэл 1965–1993 йиллар орасида ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида (турли даврларда етти марта) ҳукуматни бошқарган. Шунингдек, Бюлент Эжевит, Месуд Йилмаз, Тансу Чиллер, Нажмиддин Эрбоқан ва бошқалар Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилганлар.

Яна бир тарихий аччиқ ҳақиқатни таъкидлаш керакки, давлат фаолиятини ҳарбийлар доим ўз назоратида ушлаб келган. Ўтган асрнинг 60-, 71-, 80-йилларда «қулоқсиз ҳукумат раҳбарларини тартибга чақириб қўйиш учун» росмана давлат тўнтаришлари содир этилган. Энг сўнгида – 1998 йилда эса ҳарбийлар куч ишлатмасдан Нажмиддин Эрбоқан бошчилигидаги Туркия Ҳукуматининг истеъфосини талаб этади. Тўрт ойлик тортишувлардан сўнг исломий «Рефаҳ» партияси фаолияти тўхтатилади ва Ҳукумат тарқатиб юборилади. Бу воқеага сиёсатчилар ва тарихчилар «постмодерн давлат тўнтариши», деб ном беришади.

Ражаб Таййиб Эрдўғон Нажмиддин Эрбоқаннинг хос шогирдидир. Унинг исломий партияси бир неча бор тазйиққа учрайди ва бир неча марта номини «Рефаҳ», «Фазилат» деб ўзгартириб, фаолиятини қайта давом эттиради. Устозининг бевосита кўмагида 1994 йилги маҳаллий сайловларда Ражаб Таййиб Эрдўғон Истанбул шаҳар мэри (ҳокими) этиб сайланади.

1997 йилнинг декабрида «Рефаҳ» партияси топшириғи билан аёли Эмина Эрдўғоннинг юрти – Сииртга боради ва ўша ердаги митингда катта чиқиш қилади. Маърузасида: «Мамлакатда эркин фикр йўқ, ирқчилик давом этмоқда, курд, араб, черкез (умумлаштириб Кавказ халқларига айтилади) деган айирмачилик қилишларга йўл қўйилмоқда. Биз ислом йўлидан борамиз, бизни ҳеч ким синдиrolмайди!», дея оташин нутқ ирод этади, шу мазмунда шеър ҳам ўқийди. Оташин ва жанговар нутқ прокуратуранинг аралашуви билан ўн ойлик ҳибс жазоси ва катта миқдорда жарима пули тўлаш билан «тақдирланади».

Ражаб Таййиб Эрдўғон 2001 йилда АТПни тузади ва кейинги йил ўтган парламент сайловларида биринчи марта иштирок этиб, кутилмаганда катта муваффақиятга эришиб, ҳукумат бошқарувини қўлга киритади. Бироқ партия етакчисининг судлангани ҳисобга олиниб, Марказий сайлов комиссияси (МСК) унинг депутатлик ваколатини бекор қилади. Аммо у партияга раҳбарликни давом эттираверади. 2002 йил АТПнинг парламентдаги фракцияси раиси этиб Эрдўғоннинг сафдоши, яқин дўсти Абдулла Гул сайланади ва унга Президент Аҳмад Нежат Сезар томонидан янги Ҳукумат тузиш топширилади.

Олти ойлик маҳкама ишлари натижасида Ражаббейдан судланганлик тамғасини олиб ташлашга эришилади ва у қайта депутат этиб сайланади.

Абдуллабей ўша заҳоти Ҳукумат ва фракция раислиги лавозимларини дўстига қайтариб топширади, ўзи эса Бош вазир ўринбосари ва Ташқи ишлар вазири этиб тайинланади.

Эски партиядошлар – Абдулла Гул, Бюлент Аринч, Абдулатиф Шенер, Меҳмет Али Шахин, Жамил Чечек ва бошқалар ўн йиллар давомида Ражаб Таййиб Эрдўғон атрофида ҳамжиҳат ишлайдилар. Кейин эса партия ичида парокандалик бошланади, аниқроғи, партия лидери «сиёсий ўйин»ларга киришиб кетади! Машҳурлик ва шон-шуҳрат юки остида унинг фикри ва ғояларига қарши чиқишларга тоқат қилолмайди, мулоҳаза ёхуд таклиф ва истақ билдирганлардан бирма-бир воз кеча бошлайди.

АТП Ҳукумат бошига келган 2002 йилдан (34,3 % овоз олган) бошлаб 2007 (46,58 %) ва 2011 (49,8 %) ва 2015 (49,5 %) йилларда бўлиб ўтган парламент сайловларида мутлақ ғолибликка эришган. Бундан ташқари бу йиллар давомида ўтказилган уч умумхалқ референдуми (2007, 2010, 2017 йиллар)да ҳам муҳолифатни орқада қолдириб ниятига эришади.

Шуни таъкидлаш жоизки, референдум одатда мавжуд Конституцияга ўзгаришлар киритиш зарурияти туғилганда ўтказилади. Туркия тарихида етти мартаба бундай умумхалқ овозига қулоқ солинган, шундан учтаси АТП даврида бўлиб ўтган.

Ҳукумат бошидаги партия фаолиятини таҳлил этганда, уни икки бўлимга ажратиб ўрганишни тавсия этган бўлардим. 2011 йилгача бўлган давр, яъни яккаҳоқимликнинг илк даври ва бугунги кунимизгача давом этиб келаётган давр.

Холисанлиллоҳ айтганда, 2011 йилгача Туркия деярли барча соҳаларда фақат илгарилади. Иқтисодиётда мисли кўрилмаган ғалабаларга эришди – хорижлик сармоядорларга яратилган имтиёзлар хориж маблағининг, айниқса араб дунёси сармоясининг бу мамлакатга оқиб келишини таъминлади. Маҳсулот экспорти ҳажми 150 миллиард доллар даражасига етди. Янги завод-фабрикалар, йўллар, кўприклар каби улкан қурилишларнинг адоғи кўринмай қолди. Истанбулда Европа ва Осиё қитъаларини боғловчи учинчи кўприк бунёд этилди ҳамда учинчи аэропорт қурилиши режалари ишлаб чиқилди.

Ҳатто Босфор бўғозига параллел равишда Истанбул каналини қуриш режаси ҳалигача кун тартибидан тушмаган. Бўғоз халқаро ўтиш йўли ҳисобланади, шунинг учун ундан кунига ўтадиган ўртача 150 юк кемасидан бож олинмайди. «Эколог-яшиллар»нинг фикрича, нефть ёки газ ташувчи кема фавқулодда кўнгилсизликка учрагудай бўлса, ундан келадиган зарарни ҳисоблаб бўлмайди.

АТП ҳокимиятга келганида давлат 23 миллиард АҚШ доллари миқдорида халқаро молия институтлардан қарзи бўлган. Ўн беш йил давомида бу қарздан қутулибгина қолмай, Туркия Халқаро валюта жамғармасига 5 миллиард доллар қарз бериш даражасига етди. Мазкур рақамнинг ўзи Туркия давлатининг салоҳияти, қудратидан далолат беради.

Инфляция жиловланди. 2005 йилга келиб маҳаллий валюта – лирадан олтита «0» (ноль) рақами олиб ташланди, яъни миллион, миллиард лира, деган калималар муомаладан чиқди. Шапалоқдай пуллардан воз кечиб, улар ўрнига замонавий ихчам миллий валюта муомалага киритилди.

Бу орада аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тартиблари жорий этилди. Бюджетдан бу соҳага ажратилган маблағ сезиларли равишда ошди, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш ишлари жадаллашди. Бу соҳаларга 2002–2015 йилларда 165 миллиард лира ажратилди. Бюджетдан ижтимоий ҳимоя учун 2000 йиллар бошида 1,15 фоиз маблағ ажратилган бўлса, 2015 йилда келиб бу кўрсаткич 4,8 фоизни ташкил этди. Аҳолининг кам таъминланган қатлами давлат ҳимоясига олинди, мақсад камбағаллик даражасини тушириш эди. Умуман ишламаганлар, меҳнат дафтарчаси бўлмаганларга нафақа тайинланди, ўта муҳтожларга уй-жой ажратилди, қаровсиз ота ва оналарга давлат ёрдами, туғилган чақалоқларга ҳимоя пули, неvara боқаётган бобо ёки бувига нафақа пули белгиланди ва ҳоказолар.

Ўн йиллаб амалда бўлган олий ўқув юрти ва мактабларга рўмол ўраб келишни тақиқловчи қонун бекор қилинди. Телевидение дикторларининг рўмол ўраб сиёсий ахборотлар ўқиб чиқишига кўникилди. Таълим муассасаларида дин дарслари, хусусан ислом динини ўқитиш соатлари сезиларли даражада кўпайтирилди.

Бу даврга келиб ҳарбийлар ҳокимияти батамом заифлаштирилди. Ҳукуматни ағдаришга интиланган «Эргенекон», «Бальоз» сингари эски ҳарбий генераллар аъзо бўлган, террорист деб аталмиш гуруҳлар фош этилди. Бош штаб раҳбарлари, қатор кўшин кўмондонлари, армия генераллари қамоққа олинди.

Булар орасида 1980 йилдаги ҳарбий тўнтаришни амалга оширишга бош бўлган, салкам 100 ёшга етиб қолган

мамлакат Қуролли Кучлари Бош штаби собиқ раҳбари Кенан Эврен ва унинг ўринбосарлари устидан маҳкама иши кўзғатилди. Кейинроқ давлат раҳбари бўлган Эврен жаноблари касалхонада ётган ҳолатда видеоконференция орқали судья ва прокурорларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ташқи сиёсат борасида ҳам муваффақиятлар давомли кечди. 2008 йилда Туркия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашининг вақтинчалик аъзолигига сайланди. БМТга аъзо 193 давлат иштирокидаги сайловларда Австрия ва Исландияни ортда қолдириб, 151 рекорд овоз олишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, орадан 48 йил ўтиб Туркия янгидан дунёнинг катта сиёсатига кириб борди.

2015–2016 йиллар учун Туркия БМТ Хавфсизлик кенгашига вақтинчалик аъзоликка сайланишга такроран уриниб кўрди. Бу орада давлатнинг халқаро майдонда обрўси анча заифлашиб қолгани сезилиб қолди ҳамда Янги Зеландия ва Испания билан сиёсий рақобатда мағлубиятга учради.

Махсус хизматларнинг қатъий баёнотларига кўра, 2011 йилнинг бошида бошланган «араб баҳори» инқилоби занжири Туркияга ҳам таъсир этиши мумкин эди, бироқ ғаламисларнинг нияти бу ерда амалга ошмади. Чунки бу мамлакат ҳар томонлама оёққа мустаҳкам туриб олган, иқтисодиёти гуркираб ўсишда давом этмоқда эди.

2010 йилларга келиб араб дунёси ва мусулмон оламида Туркиянинг обрўси ошиб кетганлигини пайқаш қийин эмасди. Ҳатто араб ўлкалари учун демократия масаласида Туркияни ўрнатиб қилиб кўрсатиш бошланган эди. Минтақа етакчилиги учун курашда олдинги сафга чиқиб олишга бир баҳя қолмоқда эди. Эски коалицион ҳукуматлар аразлашган минтақа давлатлари Исроил, Сурия, Саудия Арабистони ва бошқа бир қатор мамлакатлар билан ярашиш сиёсатини амалга ошириш бошланганди.

Қисқа муддатда Ражаб Таййиб Эрдўғон ва Башир Асад оилавий борди-келди алоқаларини ўрнатдилар. Ўзаро ишонч алоқалари шу даражага етдики, Туркия Сурия билан Исроил ўртасидаги совуқликни бартараф этиш учун воситачилик вазифасини ҳам ўтай бошлади. Ўн йиллар давомида муаммо бўлиб келаётган Голан тепаликлари борасида ижобий силжиш юзага келганди.

Маҳаллий таҳлилчиларнинг эътирофича, Туркия парламентида 2011 йилги сайловлар АТП фаолиятида бурилиш нуқтаси бўлди. Давлат арконлари шу қадар қатъиятли эдилар-ки, 70–75 фоиз овоз оламиз, деб ўзлари ишонган ва, ҳатто, сайловчиларни ишонтирган эдилар. Халқ эса ўз билганидан қолмади. Бош вазир партияси 12 июль куни сайловчиларнинг 49 фоиз овозини ололди, холос, бош мухолифат – республикачилар халқ партияси эса – 25, қолган овозларни эса бошқа мухолиф партиялар олишди.

Кутилмаган бу сайлов натижалари партия лидери жаноб Эрдўғонни чуқур ўйга толдирди. Охир-оқибат кадрлар пешма-пеш ўзгартирила бошланди, ҳатто узоқ йиллар елкама-елка хизмат қилган сафдошлари билан ҳам бирма-бир хайрлашишга Бош вазир ўзида куч-ирода топа олди.

Конституцияга ўзгартиш киритилганлиги туфайли 2014 йил 10 августда мамлакат тарихида илк бор президент халқ томонидан сайланди. Сайловчиларнинг 51,79 фоиз овозини олган Ражаб Таййиб Эрдўғон Туркия Жумҳуриятининг 12 раҳбари бўлди.

2018 йилнинг 24 июнида бўлиб ўтган навбатдан ташқари президентлик сайловларида Ражаб Таййиб Эрдўғон мухолифат вакиллари – Муҳаррам Инже, Салоҳитдин Демиртош ва Мерал Акшенерни ортда қолдириб, сайловчиларнинг 52,6 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди ва қайта Жумҳурият раиси этиб сайланди.



Шу куни парламентга ҳам навбатдан ташқари сайловлар бўлди. Унда АТП 42,6 фоиз овоз олиб, такрор биринчилкни қўлга киритди.

2015 йилнинг 1 ноябрида бўлиб ўтган парламент сайловларида АТП 49,9 фоиз, бош мухолифатчи ЖХП эса 25,31 фоиз олганди. Сайловдан-сайловга иқтидордаги партиянинг овозлари тушиб кетаётгани хайрли бўлмаётганини сиёсатчилар гапира бошлашди. Жамият аҳолисининг ярми давлат, Ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлаши ҳали етарли натижа эмас, деб фикрлайдиганлар топилди.

Авваламбор, Туркия деганда кўпчилик хаёлига Истанбул келади. Китобда Истанбул турклар бу шаҳар номини Истанбул, руслар Стамбул, деб ёзадилар. Раҳматли Ўзбекистон халқ шоири ва Қаҳрамони Эркин Воҳидов билан суҳбатда «Истанбул фожиаси»да бу шаҳарни қандай ёзганликларини сўраганман. «Истанбул», деб ёзганман, аммо «Истамбул» бўлиши керак эди. Негаки, бу шаҳар «дард», «ситама»дан келади, дегандилар. Шаҳар номи билан батафсил маълумот кейинги бобларда келади) ҳақида кўп фикр-мулоҳазалар, тарихий очерклар берилади. Ҳозир эса қисқа умумий статистик рақамлар билан чегараланаман.

«Бутун дунё бир бўлса унинг пойтахтини Истанбул, деб эълон этардим», деганди Франция императори Бонапарт Наполеон. Бу баёнот азим шаҳарга берилган энг юксак баҳо! Тағин XIX асрнинг бошида айтилган бу гап. Икки аср давомида бу кент ҳам энига ҳам бўйига кенгайди, тарихий меъморий асарлар қаторига янгилари қўшилди.

2016 йилда 9 миллион 200 минг сайёҳ Истанбул билан танишгани келди.

Отатурк ва Сабиха Гёкчен номидаги аэропортларга 2017 йилда «биринчи» аэропортда 460 минг 777 самолёт кўниб-учиб кетган, наригисидан эса 220 мингта. Икки «ҳаво вокзали» шу йили 95 миллион йўлчига хизмат кўрсатди.

5 315 квадрат километр ерда жойлашган қадим шаҳарда 93 та беш юлдузли меҳмонхона бор.

Шаҳардаги 54 музейни уч миллиондан ортиқ киши зиёрат этди, Аё Софияни бир миллион 200 минг киши кўрди.

Истанбул аҳолисининг 45 фоизининг ёши 30 дан паст, яъни ёшлар шаҳри, дейиш мумкин. Туркиянинг турли шаҳарларида 200 дан зиёд университетлари бор, улардан 61 таси бу ерда жойлашган. Дорулфунунларда 700 мингга яқин талаба таҳсил олади, яъни мамлакат талабаларининг 11,5 фоизи деганидир.

Мактаб ва лицей ўқувчиларининг сони уч миллиондан ошади. Бу рақам Норвегия, Финляндия аҳолисининг ярмидан кўп демакдир!

Мегакентдаги компания ва фирмаларнинг давлат экспортидаги улуши 56 фоизни ташкил этади. Мамлакат миллий даромадининг учдан бири истанбулликлар меҳнати самарасидир. Бу рақам эса салкам 140 давлат иқтисодиёти билан тенгдир.

2016 йилда чет элликларга 5 811 та вилла ва квартиралар сотилди.

Халқаро Wealth-X консалтинг компаниясининг маълумотларига кўра, Истанбулда энг кўп миллиардерлар истиқомат қилиши билан у дунёнинг 20 давлати қаторига киради (Москва тўртинчи ўринни эгаллайди). 2017 йилда бу шаҳарда 36 нафар миллиардер яшаган.

Истанбулда хорижий давлатларнинг 71 бош консулхонаси ҳамда 73 та фахрий консуллик ва вакилликлари бор. Дипломатик ваколатхоналари кўп бўлган Нью-Йоркдан кейин дунёдаги иккинчи шаҳар ҳисобланади.

Туркиянинг ўн йиллик тарихининг бевосита гувоҳи бўлдим. Унинг муваффақиятию инқирозини жойида – марказда туриб кузатишга муваффақ бўлдим.


Демократия назариясини яхши ўрганган эдим, амалда уни аниқ мисолларда қандай ишлашини Туркияда кўрдим.

Унинг мақтовга сазовор нуқталари кўп, аммо ҳукуматга қарши тарафдорларнинг уни кенг маънода суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳам оз учрамас экан. Баъзи мушкеттиларни кўриб, «демократия дегани шунақа бўлса, бизнинг мамлакатда бўлмай қўя қолсин», деб юборган пайтларим ҳам бўлган.

Ҳукуматнинг бир партия кўлида бўлишининг ижобий томонлари анча экан. Узоқ йиллар коалицион ҳукуматлардан кейин бошқарувга келган Адолат ва тараққиёт партияси яйраб ишлади, муваффақиятлари ҳам шунга яраша бўлди. Шулар билан баробар демократия тамойиллари ҳам бузилди.

Ушбу китоб менинг шахсий кузатувларим ва ўзим бево-сита иштирок этган айрим тарихий лавҳалар ва новелла-лардан иборат.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, бу асарда келтирилган факт ва рақамларнинг аксарияти турк манбаларидан олинган. Шунга кўра, улар мамлакатимиз ва тарихчиларимиз архивларида мавжуд бўлган айрим факт ва рақамлари билан фарқланиши мумкин.





## II. МОЗИЙДАН САДО

### УЧ САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ - ИСТАНБУЛ

Маслаҳатли гап чиқиб қолиб, яна Вашингтонга телефон қилдим. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Абдулазиз Комиловнинг биринчи саволлари шу бўлди: Аё София музейини бориб кўрдингизми?

– Энди бир ой бўлди Истанбулга келганимга, ҳали фурсатим бўлмади!

– Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида биринчи марта бу музейни кўрганман. Бу маҳобат, бу гўзаллик мени ўшанда ром этган эди.

Устоз Ливандаги элчихонада хизмат қилган, таътилга Тошкентга Истанбул, Одесса, Москва орқали қайтар экан. Хуллас, Абдулазиз Ҳафизович Аё София музейи билан танишимизга бир ҳафта муҳлат берди.

Тиғиз иш графигимдан амаллаб вақт ажратиб устознинг талабларига кўра музейни бориб томоша қилдик.

532–537 йилларда бунёд этилган бу муҳташам тарихий обида минг йилдан зиёд вақт мобайнида христиан дунёсининг энг катта ибодатхонаси ҳисобланиб келган. Иншоотнинг баландлиги 55,6 метр, гумбазининг диаметри 31,5 метр. Шу даражада мустаҳкам қурилган бу ибодатхона бир ярим минг йил давомида содир бўлган барча зилзилаларга бардош берган, фақатгина фавқулоддаги ёнғинлар натижасида оз-моз зарарлар билан чиққан, холос.

Ана шундай қилиб, Аё София билан танишгандан кейин Византия, Рим империялари ва Усмонли салтанатининг пойтахти бўлган шаҳар тарихини ўрганишга киришдим.

Милоддан аввалги VIII асрда ҳозирги Мармар денгизи, Босфор бўғози ва Холич сувлари қуйиладиган жойда қадимги грек шаҳарлари – Астак, Селимбрия, Перитос ва Халкедон бўлган.

658 йилда бу жойда биринчи Византия императорлиги ҳарбий бош қўмондони Визас ёки Византа шарафига Византия шаҳри бунёд этилади. Ҳар жиҳатдан жуғрофий қулай жойлашган шаҳар қисқа муддатда ривож топади. Шу сабабли ҳам бу шаҳар салкам XX асрдан буён йирик давлатларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Милоддан аввалги 74 йилда Византия Рим империяси билан тинчлик битими имзолайди ва унга кўра шаҳар римликларнинг қўлига ўтади.

Тахминан тўрт юз йилдан сўнг буюк император Константин Рим империясининг пойтахтини Византияга кўчиради ва уни «Янги Рим» деб номлайди. Бу ном халқ орасида оммалашмайди ва оз вақт ўтгач у шаҳар асосчиси Константинополь номи билан янгидан атала бошлайди.

Эрамизнинг IV асри охирига келиб, Рим иккига – Ғарбий ва Шарқий империяга ажралади. 476 йилдан Византия империяси ёки оддий Византия деб ном олади. **Константинополь** эса Шарқий Рим империясининг пойтахти деб эълон қилинади.

VI асрга келиб император Юстиниан Константинополга янги қиёфа бериш мақсадида шаҳарга замоннинг энг яхши меъморларини таклиф этади. Қисқа муддатда янги саройлар ва ибодатхоналар қад кўтаради. Улар орасида энг кўрками, албатта, муқаддас Аё София бўлади.

Тарихдан маълумки, 1054 йилда христиан черкови инқирозга учраб, у иккига: маркази Римда бўлган ғарб рим-католик черкови ва шарқда маркази *Константинополь* бўлган православлар черковига ажралади.

1204 йилда Константинополь венециялик рицарлар томонидан босиб олинади. Улар шаҳарни буткул харобага айлантиришади, унинг ўрнида салибчиларнинг лотин

империяси пойтахтига асос соладилар. 1261 йилда Константинополь византияликлар томонидан қайтариб олинади.

Жуғрофий жиҳатдан, қолаверса стратегик нуқтаи назардан ниҳоятда қулай бўлган шаҳарни эгаллашга бўлган интилишлар тўхтамаслиги табиий эди. Манбаларга кўра, ўша пайтларда *Константинополь* ислом дини манфаатлари борасида ҳам алоҳида аҳамиятли шаҳар ҳисобланган. Боязид I қудратли султон *Константинополни* қамал қилган. Рим Папаси катта қўшин тўплаб шаҳарни Боязиднинг қўлидан тортиб олишга жаҳд қилган. Бироқ Усмонли султони бўш келмади, босқинчиларга қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлган. Ана шундай қалтис бир пайтда Амир Темур Анқарани ишғол қилади ва Султон Боязидни асирга туширган.

Орадан озмунча сувлар оқиб ўтдимиз, озмунча тарихий силсилалар изли-изсиз йўқликка юз тутдиларми, улардан қатъи назар Амир Темур билан Султон Боязид ўрталаридаги тўқнашув тарихчилар, мутахассислар, сиёсатчилар, динимиз раҳнамолари ва қизиқувчилар томонидан турлича талқин этилган ва ҳамон этиб келинмоқда. Мен бу ўринда тарихнинг ғоятда чигал ва баҳсли ушбу воқеаси юзасидан тугал хулоса чиқариш даъвосидан йироқман албатта, лекин кейинги воқеалар ривожини Константинополь шаҳрига эгаллик қилишга бўлган иштиёқ заррача бўлсин камаймаган. Боязиднинг ўғиллари ўртасидаги ўзаро низоларнинг ҳам бир чеккаси мазкур шаҳар билан боғлиқ бўлган. *Константинополнинг* қўлдан-қўлга ўтиши давом этаверган ва ниҳоят тарих саҳнасига Меҳмет исмли султон чиққан.

Меҳмет Фотиҳ султон томонидан *Константинополни* ишғол этилишининг ўзи алоҳида тарих! 1453 йилнинг эрта баҳорида юз берган мазкур қамал воқеаси жанг санъати сифатида ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Бир сўз билан айтганда, енгилмас Византия императори таслим этилган.

«Бу фатҳ усмонийларнинг энг буюк фатҳи» сифатида тарих саҳифаларига битилган. «Ушбу буюк ғалабалардан сўнг Усмонийлар давлати қудратли исломий императорликка айланди. Мусулмонлар саккиз асрдан буён амалга ошира олмай келаётган Константинополь фатҳи ана шу императорликка насиб қилди».

Мен ўзимни кўп қатори оддийгина мусиқа ихлосман-ди ҳисоблайман. Ана шу мухлислик доирасида турк халқ мусиқаси ўзгача оҳанг, ўзгача шукуҳларга бой олам эканлигини ҳаяжонланмай айтмасам бўлмас. Ўрни келганда, таниқли турк композитори Жон Атилланинг бундан 665 йил бурунги Константинополь фатҳига бағишланган симфонияси ўзининг залвори, маҳобати, мусиқанинг илоҳий қудратини – тингловчига беадад ғурур, шукуҳ ва некбинлик бахш этишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шундай қилиб, Меҳмет султон сешанба куни шаҳарни фатҳ этган бўлса, жума намозини Аё Софияда ўқишга ҳозирлик кўришга амр этади. Шу муносабат билан ибодатхонадаги Исо алайҳиссалом, Биби Марям ва маъжусийликка оид расм-иконалар шоша-пиша қириб ташлана бошланади, тарихий чизмалар устидан бўёқлар чапланади.

Кўп марта сайёҳларнинг зиёрат маркази Султон Аҳмад майдонида бўлганман. Бу ердаги гид-таржимонлар инглиз, араб, форс, немис, француз ва бошқа тилларда Истанбул тарихини қизиқарли мисоллар билан гапиришларини эшитиб маҳлиё бўлганман. Рус тилидаги ҳикояларни тинглаш ҳам мароқли эди.

Константинополнинг усмонлилар томонидан забт этилиши Шарқий Рим империясининг тугатилишига олиб келди. Шаҳар ўша пайтдан бошлаб то 1922 йилгача Усмонли салтанатининг пойтахти бўлиб хизмат қилади. Император Константин XI христиан-диндошларини мусулмонлар билан урушга чорлашига қарамай, ёлғиз қолади, католиклар ҳам уларга ёрдам беришдан воз кечади. Тарихий ҳақиқат

эслатиладиган бўлса, империя XV асрнинг ўрталарига келиб, шартли равишда мавжуд эди – *Константинополнинг* қалъа деворлари орасида сақланиб қолмоқда эди, аҳолиси ҳам 50 мингдан ошмасди.

*Константинополь* осонликча эгалланмаган. Бир йил аввал фатҳга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. Можар муҳандиси Урбан ниҳоятда бақувват тўпотар ясашга муваффақ бўлади, у ярим тонна оғирлигидаги тош-ядрони отишга мўлжалланган эди.

Босфор бўғозининг Европа қисмида тўрт ярим ойда Румелихисори қалъаси қуриб битказилади. Унга тошлардан ясалган ядро-ўқлар отадиган тўпотарлар жойлаштирилади. Шунингдек, қалъадан бўғоздаги ҳаракатлар кузатиб борилади. Аскарлар сони кўпайтирилади.

27 май куни Султон Меҳмет барча кўмондонликни айланиб чиқиб, аскарларни руҳан қўллаб-қувватлайди йигитларни сўнгги ҳал этувчи ҳужумга чорлайди. Жангчилар жўрликда «Ло илаҳа иллаллаҳ, Муҳаммадур расуллуллоҳ» калимасини айтаётганини христианлар эшитишади. Тарихчиларнинг ёзишича, бу илоҳий калимани эшитган душманнинг юраги баттар така-пука бўлади, қалъа деворлари қалтирашга тушади.

28 майдан 29 майга ўтар кечаси христианларнинг мусулмонларга таслим бўлишдан бошқа чораси қолмайди...

Тахминан 200 йилдан кейин тахтга келган Султон Аҳмаднинг православ ибодатхонасидан масжидга айлантирилган Аё Софиядан кўнгли тўлмайди ва унинг рўпарасига бундан-да муҳташам росмана масжид барпо этишни буюради ва бу олти минорали баҳайбат масжид 1617 йилда ибодатга – намоз ўқишга очилади.

Аё София ва Султон Аҳмад номидаги масжидлар орасидаги тарихий майдондаги оқшомда товланадиган ажойиб фаввора атрофидаги чимда чўкка тушиб хаёллар оғушида ўша замонларга кўчасиз. Кейин ўша масжид қурилиши тўғрисидаги тарихий ривоят эсга тушади.



Султон Аҳмад масжид қурилишидан бот-бот хабар олиб туради. Навбатдаги ташрифи чоғида минораларни олтиндан ясашга буйруқ беради. Бунёдкорлик ишлари битиш арафасида подшоҳи олам не кўз билан кўрсаки, масжид атрофига олти дона минора ўрнатилибди. Фиғони фалакка кўтарилган султон дарҳол битта минорани кўпориб ташлашни амр этади ва Аллоҳга илтижо қилиб, қурувчиларнинг гуноҳларини авф этишни сўрайди.

Мулозимлар ҳайрон, нечун бунчалар кўз ёши?!

Султон Аҳмад вазиятга ойдинлик киритади. «Ахир Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг масжиди харамларида олти минора бор. Бунақа тенглик Аллоҳ элчиси учун хуш келмайди!».

Бунёдкорлар султоннинг масжид атрофига олтиндан миноралар қуринг, деган топшириғини, масжид олти минорали бўлиши керак, деб янглиш тушунган эканларини тан оладилар.

Вазирлар ва уламоларнинг маслаҳатлари билан масжиди Ҳарамдаги олти минорага зудлик билан қўшимча равишда еттинчиси ўрнатилади. Ўша пайтда Усмонли салтанати тасарруфига кирувчи Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара Истанбулдан туриб бошқариладиган замонлар эди.

Истанбул қисқа муддатда мусулмонободга айлана бошлайди, дунё ислом маркази номини олишга мушарраф бўлади, усмонлилар куч-қудрати билан исломга оид қадимги осори-атиқалар шу ерда жамлана бошлайди.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаши XVI асрнинг ўрталарига тўғри келади. Бу йилларда иккинчи бир маҳобатли шоҳ асар – мусулмон оламининг тимсолига айланган Сулаймоний масжиди бунёд этилади.

Асли юнон бўлган, кейинчалик мусулмонликни қабул қилиб, Усмонли салтанатига кирувчи ўлкаларда ўзидан ўлмас асарлар – масжидлар, мақбаралар, хонақоҳлар қолдирган машҳур меъмор Синан 99 йил умр кўради (1489–1588 йиллар). У яратган 700 дан зиёд меъморий иншоот-

лар ҳали-ҳануз мутахассислар ва зиёратчиларни ҳайрат-ҳаяжонга солиб келмоқда.

Кўкка бўй чўзиб турган тўрт минорали мазкур жоме Истанбул фатҳидан кейин тўртинчи султон замонида қурилгани тимсолидир. Унинг ҳовлисида Султон Сулаймон ва Хуррам султон мақбаралари бор. «Муҳташам юз йил» сериали намоиши бошланмасдан аввал бу мақбараларни тарихга қизиққан маҳаллий аҳолигина зиёрат этарди. Сериалнинг қисқа муддатда рейтинги ошиши билан киноишқибозлари бу мақбараларни қидириб зиёрат этадиган, уларнинг тарихи билан астойдил қизиқадиган бўлдилар. Истанбулга келувчи сайёҳлар ҳам бу мақбараларга келиб, дуои фотиҳа қилишга одатландилар.

Гапнинг очигини айтиш керак бўлса, Сулаймоний масжидини бошқа тарихий обидаларга нисбатан анча кам зиёрат қилганмиз, меҳмонларимизни ҳам санокли мартагина олиб борганмиз у ерга. Чунки у жойлашган мавзе ниҳоятда тор кўчалар орасида қолиб кетган. Ўнғайсизликлар кўп.

Аммо уни зиёрат қилгач, баҳридилингиз очилади, бу ҳақиқат. Бу асарнинг бунёд этилиши тарихи бор. Султоннинг одамлари қурилишдан вақти-бемаҳал хабар олиб туришар экан. Шундай сафарларнинг бирида меъмор Синаннинг масжид ўртасига ўтириб олиб, чилим чекаётганига гувоҳ бўлишади. Султон Сулаймон бу хабарни олгани заҳоти қариб қуйилмаган 85 ёшли меъморни жазолаш учун дарҳол масжидга етиб келади.

Маълум бўлишича, устанинг чилими ҳақиқий бўлмай, унинг шиша идиши сув билан тўлдирилган экан. Меъмор сувни хўриллатиб, масжиднинг товуш таратиш хусусияти – акустикасини текшираётгани англашилади. Дарҳақиқат, бу мукамал меъморий асарнинг бугун ҳам исталган чеккасидан имомнинг маърузаси бир хил маромда таралади!

Ҳар бир Усмонли султонлари Истанбулнинг тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини қўшишган. Кимдир салтанат ҳудудини кенгайтиришга қизиққан, кимдир эътиборини муқаддас қадамжолар – Макка ва Мадинани қайта тиклашга қаратган, бошқаси Истанбулни ободонлаштиришга куч-ғайратини сарфлаган.

Султон Абдулмажид Усмонли салтанатида темир йўл қурдирган, телеграф олиб келган, XX аср бошида Истанбулда трамвай қатнови йўлга қўйилган. Ана шу трамвайдан бир донаси сақланган, у таъмирланиб ҳалигача халққа хизмат қилади. Тарихий Тақсим майдонидан Истиқлол кўчаси бўйлаб бир ярим километрлик масофа орасида оҳиста қатнайдиغان трамвайнинг эшиги ёпилмайди, улгурган одам унга чиқиб, саёҳат қилиши мумкин.

1880 йилларда Европадан чиққан поездлар Константинополга етиб келган. Йўловчи поездларда илк бор «Шарқий экспресс» номи билан танилган люкс вагонлар пайдо бўлган. Демакки, ўша пайтда европаликларнинг уч империя пойтахтини кўришга ошиқишлари бошланган.

Хорижий меҳмонларни муносиб кутиб олиш учун шаҳар марказида замонавий меҳмонхона бунёд этилади, унга машҳур жуғрофий олим «Пера Палас» номи берилади. Меҳмонхонага биринчи марта электрда ишлайдиган лифт жойлаштирилади ва илк марта иссиқ сув берилади.


Ҳозирда ёши бир асрдан зиёд меҳмонхонанинг 411-хонаси ихчам музей сифатида жиҳозланган. Машҳур инглиз адибаси Агата Кристи ҳар сафар Истанбулга келганида шу хонага жойлашган. Мутахассисларнинг уқтиришича, «Шарқий экспрессдаги қотиллик» машҳур детектив асарнинг ёзилишига айнан мана шу хона деворлари гувоҳ!

Отель тарихида ёзилишича, бу меҳмонхонада ўз вақтида подшо Эдуард VIII, Император Франц Иосиф, Сара Бер-

нар, Александр Вертинский, Грета Гарбо сингари атоқли ва машҳур шахслар яшаганлар.

Меҳмонхона ҳали ҳам муваффақиятли ишлаб турибди. Юз «ёшли» лифт энг замонавий лифтлардек бекаму кўст ишлашини кўриб ҳайратингизни яширолмайсиз! Айрим хорижий дипломатик ваколатхоналар қабул маросимларини ушбу меҳмонхонада ўтказишади. Ана ўшандай пайтда бу лифтнинг хизматидан фойдаланганмиз!

Биринчи жаҳон уруши Усмонли империясининг тугатилишига туртки берди. 1919 йилдан эътиборан усмонли ерлари парчалана бошлади. Узоқ тортишувлардан кейин 1920 йили французлар Истанбулнинг бошқарув ҳуқуқини инглизларга тақдим этишади. Олий бош кўмондон Мустафо Камол тавсияси билан ўша йили пойтахт Анқарага кўчирилади. Бу шаҳардан эса Туркиянинг янги тарихи бошланади.





## ДУНЁНИ 623 ЙИЛ ТИТРАТГАН - УСМОНЛИ САЛТАНАТИ

Турк киноси азалдан тарихий даврлар ва шахсларга бағишланган фильмлар ишлаб чиқаришнинг ҳадисини олган. Авваллари бир-икки қисмли бўларди, сўнгги 15–20 йилларда узундан-узун кинолар ишланмоқда. Охири етти-саккиз йилдан бошлаб тарихий асарлар асосида ярим ҳужжатли-бадий фильмлар яратилмоқда. «Муҳташам юз йил», «Косем», «Эртуғрул» ва бошқалар шулар жумласидандир. Булар усмонли замони тарихидан ҳикоя қилади.

Олти асрдан зиёдроқ даври даврон сурган Усмонли салтанати тарихи қанчалар мураккаб эканини изоҳлаб ўтириш ортиқча деб ўйлайман. Чегаралари – шимолда Рим империяси ҳудудларидан бошланиб Вена, Венгриягача, жанубда Яман, ғарбда – Жазоирдан бошланиб, шарқда Каспий денгизи бўйларига етиб борган. Бошқача айтганда, жануби-шарқий Европа, Осиёнинг ғарби ва шимоллий Африканинг катта қисмини ўз тасарруфига олган эди салтанат.

1299 йилдан 1922 йилгача салтанатни жами 36 нафар султон бошқарди. Давлатни Усмон Ғози қурган бўлса, энг сўнгги султон Меҳмет Ваҳбиддин бўлди. Подшоҳлар ичида салтанатда энг кўп қолган султон Сулаймон бўлади – у 46 йил тахтда ўтиради. Мурод V эса, бор-йўғи 93 кун салтанатнинг «гаштини» суради.

Аксарият султонларнинг биринчи аёллари ўз миллатдошларидан бўлган. Аммо 36 подшоҳдан 27 нафарининг турмуш ўртоқлари бошқа миллатдан, яъни рус, юнон, украин, болгар, венециялик, румин, француз, серб, испаниялик келинлар эди.

Бу йиллар давомида Сог'ют, Бурса, Эдирне, Константинополь шаҳарлари ўз даврида Усмонли давлатининг пойтахтлари бўлиб хизмат қилган. Бу шаҳарларнинг барчасини зиёрат этганмиз. Сог'ютда Усмонли давлатининг асосчиси Усмонбейнинг отаси Эртуғрул ва Бурсада Усмонли подшоҳлар – Усмон ва Ўрхон Ғозийлар, Боязид Йилдирим, Мурад I, Боязиднинг куёви Эмир султон қабрлари бошида дуои фотиҳалар ўқиганмиз.

Охирги султон Ваҳбиддин Англия маъмуриятига: «Истанбулда ҳаётим таҳликада, сиздан ёрдам истайман» мазмунидаги ёзма мурожаати ижобат бўлиб, у яширин равишда британ кемасида Мальтага чиқиб кетади. Шу билан Усмонли салтанати таназзулга юз тутади.

### *Усмонлилар*

Турклар учун 1071 йилнинг 25–26 августи муҳим саналардан ҳисобланади, ҳар йили Туркия давлати арконлари иштирокида Малазгрит (Манцикерт) шаҳрида тарихий воқеа муносабати билан тадбир ўтказилади. Салжуқий давлатининг асосчиси Алп Арслон, яъни Муҳаммад ибн Довуд, шу кунлари Византия империяси билан бу шаҳарда жангга киришади. Қақшатқич уруш натижасида туркларнинг қўли баланд келади. Ана шу кун ва воқеадан эътиборан салжуқий туркларининг Онадўлуга кириб келиши тарихи бошланади.

Усмонли даврининг йирик мутахассисларидан бири профессор Илбер Ортайли бўлади: унинг бу мавзуда ўнлаб китоблари бор. Олим билан кўп мулоқотда бўлганман, бу тарихий салтанат тарихи тўғрисида кўп қизиқарли факт ва маълумотлар билан мени таништирган.

Салжуқий Қуниё султонлиги парчалангач, 1300 йилларга келиб Онадўлу бир неча мустақил бейликларга

бўлинади. Охир-оқибат Византия империяси Онадўлудаги катта ерларидан ажралади.

Ана ўша бейликлардан бирига Эртуғрулнинг ўғли Усмон (1258–1326 йиллар) бошчилик қилади. Маркази Эскишаҳар бўлган бу бейлик кенгайиб, Усмонли давлати тузилишига олиб келади. Қисқа муддатда унинг қудрати кучайиб, Византия чегараларига етиб боради. Кўп ўтмай шарқий Ўрта Ер денгизи ва Болқонлар усмонлиларга бўйсундирилади.

Усмоннинг ўғли Ўрхон 1324 йилда Бурсани ишғол этиб, уни империянинг янги пойтахти деб эълон қилади.

Бурсанинг йиқилиши Византия назоратида бўлган ши-моли-ғарбий Онадўлунинг қўлдан чиқишига замин ҳозирлайди.

1352 йилда усмонлилар Чаноққалъа бўғозидан кечиб, Европага чиқиб оладилар. Болгария подшолиги қўлга киритилади, 1387 йилда *Константинополдан* кейин йирик ҳисобланмиш Солоники Усмонли давлати тасарруфига ўтади. 1389 йилда Косово қақшатқич мағлубиятга учрайди ва серблар ҳокимиятининг йиқилишига сабаб бўлади.

Усмонлиларга кетма-кет насиб этган бу ғалабалар ниҳоят *Қунстантанияни* олишга фурсат яратади. Аммо Амир Темур билан 1402 йилда бўлган Анқара атрофидаги жанглар бу йирик шаҳар ишғолини 50 йилга кечиктиради.

XV–XVI асрларда империянинг иқтисоди сезиларли даражада ўсади. Бунда Европа ва Осиё ўртасидаги қуруқликдаги ва денгиз савдо йўлларининг назорати анча қўл келади.

1475 йилда Қрим турклар қўлига ўтади, уч йилдан кейин Қрим хонлиги Усмонли салтанатини тан олишга мажбур бўлади.

1514 йилда турклар форсийларни тор-мор этиб, Кичик Осиёда ягона ҳукмрон бўлиб оладилар.

XVI–XVII асрларда Усмонли давлати кучайгандан-кучаяди. Бу даврда дунёнинг энг йирик салтанатларидан бирига айланади. XVII аср бошида империя ичига 32 вилоят ва кўплаб вассал давлатлар киради. 1683 йилдаги маълумотга кўра, империянинг майдони 5 миллион 200 минг квадрат километрни ташкил этган, аҳоли сони эса 36 миллионга яқин бўлган.

Салим I (1512–1520 йй.) даврида Усмонли давлати халифаликни қабул қилади. Аслида Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Халифалик мендан кейин 30 йил бўлади. Ундан сўнг подшолик ва амирлик бўлади», деган эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан кейин Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) (2 йил), Ҳазрати Умар (р.а.) (10 йил), Ҳазрати Усмон (р.а.) (12 йил) ва Ҳазрати Али (р.а.) (6 йил) халифалик қиладилар. Ундан кейин умавийлар, аббосийлар, фотимийлар, мамлукийлардан кейин усмонлилар даврида ҳам халифалик давом этади.

74-халифаликни Салим I олган бўлса, 102-сигача барча султонлар халифалик вазифасини ҳам кўшиб бажарганлар. Энг сўнгги 103-халифа этиб Туркия Буюк миллат мажлиси томонидан Абдулмажид II (1922–24 йиллар) тайинланган.

«Муҳташам юз йил» сериали Султон Сулаймоннинг 46 йиллик ҳукмронлик давридан (1520–1566 йиллар) ҳикоя қилади. Сериалдаги сарой ўйинларини чиқариб ташлаганда лавҳалар ўлароқ бўлсада ҳарб юришлари ҳикоя қилинади. 1521 йилда султон Европага кенг юриш бошлаб, тез орада Белградни қўлга киритади, Венгрияни ўзига бўйсундиради. Бир неча уринишдан кейин Венани забт этади.

Подшоҳлик даврида жами 13 марта сафарга чиққан султон жами 10 йилу 1 ой ватанидан узоқларда бўлади.

Энг охирги сафардан ватанига қайтиш йўлида Венгрия қироллиги ҳудудида вафот этади. Бу ҳақда кўшинга



билдирилмайди. Унинг ички аъзолари ўша ернинг ўзида ерга кўмилади. Узоқ йиллар унинг аъзолари қаерга кўмилгани баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Яқин йилларда можар ва турк тарихчилари Сулаймоннинг ички аъзолари кўмилган жой аниқлаганини эълон қилдилар.

1683 йилдаги қақшатқич жанглардан кейин Вена кўлдан кетади, ана шундан кейин усмонлиларнинг Европага борадиган йўли анчага торая бошлайди.

Иван Грозний Поволжьени босиб олгач, руслар Каспий денгизи бўйларида мустаҳкам ўрнашиб оладилар. 1571 йилда Қрим хони Девлет/Герай усмонлилар ёрдамида Москвани олов ичра қолдиради.

1635 йилда Мурод IV Ереванни босиб олади.

1711 йилда Прут дарёси бўйида руслар билан жиддий жанглар бўлади ва унда усмонлиларнинг кўли баланд келади.

1735–1739 йилларда турк-рус урушида Австрия Рус империяси томонидан жангга киради. Натижада Австрия Сербия ва Валахияни Усмонли империясига топширишга мажбур бўлади, русларга эса Азов ўтиб кетади.

1768–1774 йиллар орасида бўлган турк-рус урушидан мақсад руслар Қора денгизга чиқишни, усмонлилар эса шимолий Қора денгиз бўйлари ва Кавказни ўз назоратига олишни мўлжаллайдилар.

Охир-оқибат Рус империяси ғалаба қозонади, Қримнинг айрим ерлари – Керчь ва Янгиқалъа (9 йилдан кейин эса Қримнинг бошқа ҳудудлари Россияга киради) ҳамда Азов, Кабарда берилади.

1789–1807 йилларда Салим III ҳарбий ислоҳот ўтказишга киришади, биринчи марта Европа намунасидаги армия яратишга уринади.

Замонавий Туркияда почта алоқаси шу даражада аъло даражада йўлга қўйилганки, махфийлиги бўлмаган, ҳатто давлат даражасидаги ёзишмалар почта орқали амалга оширилади. У ёки бу тадбирга, ҳатто қабул маросим-

ларига таклифномалар, даъватномалар тарқатишда бу усулдан фойдаланилади. Биз ҳам бундан истеъфода этганмиз ва ўн йил давомида бирор марта унинг хизматидан шикоятда бўлганларни эшитмаганмиз. Бу алоқанинг икки тури бор: деярли бепул-арзон ва пулли. Хужжатнинг тезкор манзилга етказилишига қараб почта хизмати бироз қимматроқ бўлади. Оддий почта хизмати эса анча жўн, унга аҳоли оғринмай мурожаат этади.

Мана шу почта алоқасининг илк тамал тоши 1840 йилда қўйилган: Истанбулда Усмонли давлатининг почта алоқаси вазирлиги ташкил этилади. 7 йилдан кейин Истанбул–Эдерне–Шумен ўртасида телеграф линияси ишга тушади.

1853–1856 йилларда бўлиб ўтган Қрим уруши Европадаги йирик давлатларнинг Усмонли империясини босиб олишдаги курашини давом эттиришга йўл очади.

1877–78 йиллардаги рус-турк уруши рус империясининг қатъий ғалабаси билан якун топади. Бунинг оқибатида Болгария, Руминия ва Сербия мустақилликка эришадилар. 1878 йилда Кипр бошқарувини инглизлар эгаллашади. 1882 йилда британияликлар Мисрга қўшин киритадилар.

Тарихчи олим Илбер Ортайлининг маълумотига кўра Усмонли салтанати ҳам ғарб давлатларида удумга кириб бораётган демократия амалларидан фойдаланган. Хусусан, 1876 йилда усмонлининг биринчи Конституцияси қабул қилинади. Ва унинг кетидан парламент тузилади. У, афсуски, фақат икки йилгина фаолият кўрсата олган, холос.

XX асрнинг биринчи ўн йиллигида Усмонли империясига «Европанинг хаста одами» номи берилади. 1914 йилга келиб у Европа ва Шимолий Африкадаги деярли барча ерларидан ажралади. Бу орада Усмонли давлатининг аҳолиси 28 миллион кишини ташкил этмоқда эди. Хусусан, улардан ўн етти миллиони Онадўлуда, уч миллиони

Сурия, Ливан ва Фаластинда, икки ярим миллиони Ироқда, қолган беш ярим миллиони эса араб яриморолида яшамоқда эди.

1908 йилнинг июлида ёш турклар бош кўтариб чиқадилар, мақсад – Султон Абдулҳамид II ни ағдариб, Конституцияни қайта тиклаш эди. Ғарб ўлкалари бу талатўпдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар. 1911–1912 йилларда италияликлар туркларга қарши уруш бошлайдилар. Ливия Усмонли давлатидан ажралиб чиқади, бу орада Болқон яримороли ҳам ҳаракатга тушади.

Профессор Ортайлининг айтишича, аввал Усмонли салтанати, кейин Туркия Россия билан ҳеч чиқишмайди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан турклар руслар билан тўқнашишдан кўрқиб бетараф позицияни эгаллайди. 1711 йилдан бошлаб Усмонли давлати руслар билан бўлган урушда 7 марта мағлубият аламини чекади. Аммо 1914 йилнинг ноябрь ойига келиб, Ғарб давлатларининг тазйиқи билан усмонлилар урушга киришга мажбур бўладилар. Кўшинлар Яқин Шарқ ва Кавказ fronti жабҳасидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этишади. Айрим муваффақиятларга қарамай, турклар асосан мағлубиятга учрайди. 1918 йилга келиб, Биринчи жаҳон уруши тугагани эълон қилинган, Ғарб давлатлари томонидан *Константинополни* эгаллаш ва Усмонли давлатини парчалаш ҳаракати бошланади.

Тарихдан маълумки, 1920 йилнинг 10 август куни Антанта давлатлари (Россия, Франция ва Буюк Британия) ва уларни қўллаган иттифоқдошлар – Италия, Бельгия, Греция, Португалия, Руминия, АҚШ, Сербия, Қоратоғ, Япония, Ҳижоз, Миср, Арманистон ва бошқа давлатлар бир томондан ва Усмонли давлати ҳукумати бошқа томондан Франциянинг Севр шаҳрида тинчлик битими имзоланади. Натижада Усмонли давлатининг Шарқ ва Европа давлатларидаги ерлари парчаланишга маҳкум бўлади.

Аммо Туркия бу битимнинг кучга киришига қатъиян қаршилик қилади. Буюк миллат мажлиси бу битимни ратификация қилишдан бош тортади. Шундан кейин туркларнинг талаби билан 1923 йилнинг 24 июль куни янги Лозан тинчлик битими тузилади, бунга кўра бугунги Туркиянинг чегаралари белгилаб берилади.

Парламент 29 октябрь куни Туркия Жумҳуриятини эълон қилади.

1924 йилнинг 3 март куни Усмонли халифалиги расман тугатилгани эълон қилинади.

– XX асрнинг 20-йилларидаги турк миллатининг барча муваффақиятлари Мустафо Камол ва унинг сафдошларининг хизматлари билан боғлиқ. Шунинг учун уларнинг қаҳрамонликлари ҳар доим тилда ва дилда эътироф этиб келинади. Биринчи президент номи эса Туркияда аксарият аҳоли томонидан ҳар доим самимий ҳурмат этилади ва эъзозланади, – деб таъкидлаган эди Илбер Ортайли.

Яна тўрт йилдан кейин Туркия Жумҳурияти ўзининг 100 йиллигини нишонлайди.

Агар тўрт-беш йиллар аввал «Туркия давлати юбилейни қандай ютуқлар билан кутиб олмоқчи?» деб сўрашганда қайси соҳадан мақтовни бошлашни билмай биров шошиб қолган бўлардиқ. Саккиз-ўн йиллар бурунгача Адолат ва тараққиёт партиясига омад устига омад келаверди, мақтовга арзигулик ишларнинг чегараси йўқдек эди. Иқтисодий ривожланишдан тортиб ижтимоий соҳага қаратилган мислсиз ўзгаришлар фақат халқ манфаатларига хизмат қилар, авом халқ кўз ўнгида ҳукумат фаришта бўлиб кўринарди. Ташқи сиёсат бобида ҳам ҳурмат-эъзоз жойида эди.

Сал кейинроқ мукамал деб билинган Туркияга назар теккандек бўлди!

2011 йилда минтақада бошланган «рангли инқилоблар» Туркияни четлаб ўтган бўлса ҳам, унинг акс садоси,

асорати етиб келди мамлакатга. Уч миллион атрофидаги суриялик қочқинларга бошпана берган юртдан барака қоча бошлади.

2013 йилнинг декабрида учинчи кучлар томонидан бошланган коррупция можаролари натижасида ҳукуматга жиддий путур етди. Уч нафар вазир истеъфо беришга мажбур бўлди.

2016 йилнинг июлидаги давлат тўнатиришига бўлган уринишлар изсиз қолмади.

Иқтисодий соҳа ва ташқи дунё билан алоқалар издан чиқа бошлади.

Адолат ва тараққиёт партияси 2002 йилда ҳукумат бошига келганда давлатнинг Халқаро валюта жамғармасидан 23,5 миллиард доллар қарзи бор эди. 2013 йилга келиб мамлакат бу қарздан батамом қутулди. 2016 йил охирида ХВЖ Туркиядан 5 миллиард доллар қарз истади!...

Туркия Европа Иттифоқининг савдо-иқтисодий ҳамкорлари сафида ўнликка кирувчи давлат деб тан олиншига қарамай, бу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлолмаямапти.

Ва... охиргиси! 2019 йилнинг баҳорида бўлиб ўтган маҳаллий сайловлар натижаси ҳукумат бошидаги партияни шошириб қўйди. Беш-олтита йирик шаҳарлар бошқаруви қўлдан чиқиб кетди. Истанбулда ўтказилган такрорий сайловлар ҳам ижобий натижа бермади.

Сув ҳам бир лойқаланиб тинади, деганларидек, Туркиядаги бугунги бўҳрон қисқа муддатда тугаб, яна эл-юрт ва дунё наздида юзи ёруғ бўлишини тилаб қоламиз.

Жумҳуриятининг 100 йиллик тўйини муносиб кутиб олади орқадоларимиз, иншааллоҳ!



## ЎРТА АСРЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА ЎЗБЕК-ТУРК МУНОСАБАТЛАРИ

Тарихнинг гувоҳлик беришича, турк қавмидан бўлмиш вакиллар Ўрта Осиёдан чиқиб, дунёнинг кўп томонларига тарқаганлар. Шимолда Сибирь ўлкасига, шарқда Хитой ва Узоқ Шарқ, жанубда Ҳиндистон, Афғонистон, Уйғуристон. Ғарбга эса икки йўлдан борилган: бир қисми Каспий денгизининг шимолидан Қора денгизнинг шимоли ва Европага, бошқа қисми эса Каспий денгизининг жанубидан Эрон, Ироқ, Сурия, Миср ва Онадўлуга қадамлари етиб борган.

Онадўлуга илк оқим IV асрда хунлар ва VI асрда сибирликлар томонидан етиб боргани қайд этилади. Бундан мақсад эса у ерда яшаб қолиш бўлмаган, кўпроқ тижорат ишлари бўлган.

Дастлаб туркнинг ўғуз қавми вакилларининг 1071 йилда Кичик Осиёга келиши тарих манбаларида қайд этилган. Алп Арслон бошчилигидаги салжуқий турклар византияликларни тор-мор қилиб, у тупроқларда ҳукмронлик ўрнатадилар.

Шундан сўнг Онадўлуда асл турклар сони кўпая бошлаган.

Туркларнинг ранг-рўйи, феъл-атвори ва гапириш услубига қараб, у қайси қавмга мансуб эканини анча ажратадиган даражага етиб қолгандим. Масалан, кавказлик туркларни Туркияда черкезлар, деб аташади. Озар, чечен, доғистонлик, қорачай, қабар, авар ва бошқаларни ажрата олиш мумкин.

Болқон турклари – Болгария, Албания, Косово, Қордоғ, Босния ва Герцоговина ҳамда бошқа европаликлар-

нинг тана ранги оч сарикдан келади, ёши катталарининг пўрим кийиниши ва зодагонларча сўзлашиш услубларидан уларни ҳам осон таниб олса бўлади.

Шарқ ўлкаларидан Онадўлуга келиб қолган араб турклари ота-боболари удумлардан асло воз кечмайдилар, уларни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириб келмоқдалар. Ёз пайти енги, этаги узун оппоқ кийим кийган арабни ким ҳам танимайди, дейсиз.

Курдларни, зотан, ажратиш анча қулай, зеро уларнинг ўзига хос кийиниш услуби бор. Гап-сўзларига эътибор берилса, тожик-форс калималари қулоққа чалиниб қолади, талаффузни димоқдан чиқаришади.

Мен ўзбекман, боболарим бу тупроқларга Бухородан, Самарқанд ва Хоразмдан бундан уч-беш аср илгари келиб қолишган, деган гапларни ўқтин-ўқтин эшитиш мумкин. Масалан, фамилияси Бухорий ва Ўзбек бўлган инсонлар кўплаб учрайди. Улар орасида Тошкан, Гокче (Кўкча), Олтойли, Есека (Асака) сингари бошқа турли жой номлари билан кўшиб айтиладиган фамилиялар тез-тез қулоққа чалинади. Масалан, Туркиянинг машхур «Галатасарой» футбол клуби собиқ раҳбарининг фамилияси Ўзбек эди!

Ёки, Ташқи ишлар вазири, кейин Бош вазир бўлган Аҳмад Довутоғлу бизнинг юртимизга келганда «Мен тошкентликман» деб керилиб кўярди. Ҳатто Президент Ислом Каримов билан суҳбатда фамилияси тўғрисида «афсус, паспортим меҳмонхонада қолиб кетибди, бўлмаса кўрсатган бўлардим», деб айтган. Унинг паспортида туғилган жойи Қуниё вилоятининг Тошкент қишлоғи деб кўрсатилган.

Юртимиз билан боғлиқ номларни айтиб, халқаро «Гугл» қидирув хизматига топшириқ берилса, кутилганидан ҳам сероб жавоб топилади. Улар орасида исм-фамилия ҳам чиқади, турли хил соҳалар билан шуғулланувчи

фирма ва компаниялар учрайди. Ўз вақтида уларнинг айримларига эринмай телефон қилган пайтларим ҳам бўлган. Жавоб ўша – ота-боболаримиздан насл сурдириб келмоқдамиз!

Туркия Жумҳурияти мадҳиясининг муаллифи Меҳмет Акиф Эрсой (1873–1936)нинг онаси Эмина Шарифа хоним асл бухороликлар авлодидан бўлган. Тақдир тақозоси билан ота-онаси Онадўлуга келиб қолишган, аввал Ама-сия, кейин Истанбулда яшай бошлашган. Отаси Нуриддин оға Истанбулнинг Фотиҳ (дин пешволари кўп учрайди-ган ҳудуд) уламоларидан бўлган. Мадрасани аъло даражада битирган Меҳмет йигирма йиллар давомида давлат идораларида хизмат қилади. Арабча, форсча ва француз тилларида эркин сўзлаша олган. Оила қуриб, олти фарзандли бўлади. Парламент депутати этиб сайланади.

Ҳукуматдаги зиёли дўстлари томонидан унга ишонч билдирилиб, давлат мадҳияси ёзиш вазифаси топширилади. Муваффақиятли чиққан мадҳия матни Буюк миллат мажлиси томонидан 1921 йил 12 март куни қабул этилади. Бу маълумот билан танишганимдан кейин эрталаб саҳардан ярим тунгача, мактабларию хорижий давлатлар раҳбарлари келганда мадҳия янграганда ичимдан бир ҳис келади, яшшавор бухоролик ҳамшаҳримнинг ўғли, деб юбораман бехосдан.

Она юртига бўлган муҳаббатини Меҳметбей «Туркистонга ҳаракат» шеъри орқали ифода ҳам этган. Аммо ҳамшаҳримиз ўз шеърида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг хурофотчилар кўлига тушиб қолганини кескин тарзда афсус билан танқид остига олади.

Нақшбандия тариқатининг усмонли тупроқларида кенг ёйилишида ҳам ота-боболаримизнинг муҳим ўрни бор. Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хўжа Аҳрор Валийнинг издошлари, шогирдлари Амир Аҳмад Бухорий, Бадриддин Бобо, Бобо



Ҳайдар Самарқандий, Неъматуллоҳ Нахчиванийлар Мовароуннаҳрдан чиқиб Онадўлуда яшаб, бу тариқатнинг у томонларда тарқалишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Улардан бири бўлган Аҳмад Бухорий 1477 йилда Истанбулга келиб, Султон Боязид II нинг изни билан шаҳар марказида, ундан кейинги йилларда яна иккита бошқа жойда нақшбандийлик тариқати даргоҳларини ташкил этади. Унинг дўстлари эса салтанатнинг турли вилоятларида бу каби ишларни бажариб, оила қуриб, шу ерда вафот этадилар.

Буюк саркарда бобомиз Амир Темур билан турк султони Йилдирим Боязид ўртасидаги урушнинг қандай бошлангани, икки буюк шахснинг зиддиятига нималар сабаб бўлгани ҳали ҳам баҳсталаб масала бўлгани учун бу воқеанинг тафсилотларига ортиқча тўхталгим келмаяпти.

Бу масалада фикримиз – аниқ! Турклар ичида ҳам икки хил қараш ҳукмрон. Совет замони тарихи ўқитилган турк дарсликларида ўтган асрнинг 90-йилларигача Амир Темур бобомизга нисбатан салбий қарашлар очиқ баён этилган.

Фақатгина ўша давр билан шуғулланган илм одамлари, айрим мустақил фикрли зиёлилар айбни кўпроқ Йилдирим Боязидга қўйишади.

Турк зиёлилари ҳам кўпроқ ўзларини айблайдилар.

Ҳатто Мустафо Камол Отатурк ҳам буюк Соҳибқиронга ажойиб таъриф берган эди. «Агар мен Темур замонида яшаганимда у амалга оширган муваффақиятларига эришолмасдим. Агар Темур менинг ўрнимда бу замонда яшаганда мен бажарган ишларни ортиқчаси билан удаларди».

Мен ўртоқлашмоқчи бўлган фикр бошқа. Буюкларимиздан бири деярли Осиё минтақасини ишғол қилган тарихий шахс, бошқаси шимолий Африка ва марказий

Европагача етиб борган толмас курашчи. Аслида улар кучларини бирлаштириб, ягона турк давлати куришга интилишлари мумкин эмасмиди!?

Бу жараёнга оид бир тарихий ҳақиқатни эслатиб қўйишни лозим билдим. Йилдирим Боязиднинг куёви асли бухоролик Муҳаммад ибн Али ёки Муҳаммад Бухорий 17-18 ёшларида дўстлари билан ҳажга бориб, бир неча йил Маккада, Мадинада ва Бағдодда қолиб кетади. Ривоятларга кўра, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва куёвлари Ҳазрати Али унинг тушига кирадилар. Икки улуғ зотнинг даъватларига кўра, Онадўлуга келиб қолади.

Султон Боязиднинг қизи Ҳунди Фотма ҳам бухоролик паҳлавонни тушида кўриб, фақат шу кишига турмушга чиқаман, деб туриб олади. 1391 йилда Бурсада уларнинг тўйлари бўлиб ўтади. Салтанат хонадонининг куёви бўлгани учун унга Амир султон унвони берилади.

1402 йилдаги уруш бошланмасидан аввал Амир султон қайнотасини қатъий равишда Амир Темур билан урушдан воз кечишга чақиради. Табиийки, Боязид бу нолага кулоқ солгиси келмайди.

Амир Темур 140 (баъзи манбаларда 120) минг аскар билан Анқарага келади. Бу катта армиянинг озиқаси, кийиниши, шунингдек, от ва филлар (32 дона) каби жониворларнинг харажатларини ҳисобга олсак, катта бир рақам ўртага чиқади. Шунинг учун уруш тугагач бобомиз Онадўлуда қолиш истагида бўлган аскарларга монелик билдирмайди.

Маълумки, урушдан ғолиб чиққан Амир Темур Боязидни қатл этмайди. Унга илтифот кўрсатиб, султон ва унинг сербиялик рафиқаси Мария Деспина учун икки от қўшилган усмонли тахтиравонига ўхшаш махсус, чиройли безатилган арава ясаттиради. Турк тарихчилари уни усмонли тахтидан асло фарқ қилмайди, деб алқашади. Баъзи нобакор ёзғувчилар уни «темир қафас», деб нотўғри аташади.

Бошқа бир ривоятга кўра, икки туркийзоданинг ўзаро суҳбати асносида Амир Темур Боязиддан «агар сен мени асирга олганингда қандай йўл тутган бўлар эдинг», деб сўрайди. Шунда турк султони: «Сени темир қафасга солиб юрардим», дейди у ҳеч иккиланмасдан.

Амир Темур қардошига меҳрибонлик кўрсатишни канда қилмайди, қандай овқат еса, худди ўшандан Боязидга марҳамат кўрсатади.

Соҳибқироннинг хоҳиши билан катта невараси – Мироншоҳнинг ўғли Абубакир Мирзога Боязиднинг қизи никоҳлаб берилади. Шундай қилиб, улар ўртасида ўзаро қариндошлик ришталари ҳам боғланади.

Айрим манбаларда таъкидланганидек, у ўлдирилмайди, балки турк саркардаси 1403 йилнинг 8 март куни 44 ёшида Оқшаҳарда ўз ажали билан вафот этади (у бод, нафас қисиши каби касалликлар билан оғриган деган гаплар бор), бошқа маълумотга кўра, у ўзини заҳарлаб ўлдиради.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида қардошининг вафоти қуйидагича таърифланган: «Боязид Йилдиримнинг ўлим хабарини эшитгач Амир Темур чуқур қайғуга ботади. Кўзларидан шашқатор ёшлар оқиб тушди. Аллоҳдан диндошига гуноҳларининг авфини сўраб, маконлари жаннатдан бўлишини тилайди».

Бобомиз Усмонли давлатини ўз салтанатига нега қўшиб олмади, деган ҳақли савол туғилади. Мабодо бу ишни амалга ошириш режаси бўлганда ҳам ҳеч ким унинг раъйини қайтаролмасди. Соҳибқироннинг асло бундай нияти ҳам бўлмаган!

Назаримда, бу сиёсий тантилик ва жўмардликни қуйидагича изоҳлаш мумкин: Амир Темур онадўлилик туркларни ўзининг энг яқин қардоши каби кўргани учун шундай йўл тутган.

Ўша замон турк дунёсининг йирик шахслари Амир Темур ва Йилдирим Боязид ўртасида бўлиб ўтган асосий жанг майдони – Чубук тўғрисида икки оғиз айтишни лозим топдик. Бу пойтахтнинг шу номдаги бир тумани, марказдан 38 километр узоқликда. Халқаро Эсонбога аэропорти ҳам шу ҳудудда жойлашган.

Ўн йил давомида Анқарага кўп марта бордим, самолётда ҳам етиб борган вақтларим бўлди. Туркиянинг шунча шаҳар, қишлоқларини кезиб, бу жойни зиёрат этиш ақлимга ҳам келмабди. Бугун, рости, армондаман! Бугун ўзимдан роса уялмоқдаман!

Мирзо Улуғбекнинг шогирди, таниқли олим – математик, астроном Али Қушчи ҳам бир неча йил Истанбулда фаолият кўрсатган. У устозининг вафотидан кейин 1449 йили Самарқандни тарк этади. Оз муддат Ҳиротда қолиб, кейин Эроннинг Табриз шаҳрига жойлашади. Бу кент усмонли шаҳарлари билан муносабатни яхши йўлга қўйган эди.

Шаҳар ҳокими Узун Ҳасаннинг тавсияси билан Али Қушчи 1470 йилда Табризнинг Константинополдаги элчиси этиб тайинланади. Уч йил ўтгач, олим маҳаллий ҳокимиятдан Аё София масжидида мударрислик қилиш таклифини олади. Натижада дарсларга, айниқса, математика ва астрономияга «жон» киради. Унинг дарсларида шахсан Фотиҳ султон, подшоҳнинг устози Синан поша ҳам қатнашардилар. Кейинчалик султон Али Қушчини устозим, деб эътироф этади.

Мана шу тарихий ҳақиқатни эшитганимиздан кейин ҳар сафар Аё Софияга кирганимизда ҳамшаҳрим Али Қушчи хаёлимга келаверади. Кенгроқ, супароқ жойга бориб, ўша ерда ўтириб, дарс берганмикин ёки сал нарироқда, деб ўй сурамиз. Кейин эса китобда ўқиганимизни тасаввур этишга ошиқамиз.

Али Қушчининг шахсий ташаббуси билан Аё Софиядаги дарсларга кўплаб ўзгаришлар киритилади,

натижада ўқишнинг савияси анча ошади. Бора-бора бу ерда ўрта ва юксак таълим жараёни вужудга келади. Олим Фотиҳ султоннинг тўлиқ ишончига киргач, уни ўзининг шахсий кутубхонасига мудир этиб тайинлайди.

Али Қушчи 1474 йилнинг 15 декабрида Истанбулда вафот этади. Унинг қabri Айюб қабристонининг бир чек-касида, кичик бир хонақоҳда.

Алоҳида махсус рухсат билан қабристоннинг махсус бўлимига кирилар экан. Панжаралар билан ўралган бўлимда эликдан зиёд қабр бор. Истанбулдаги «Панорама – 1453» тарих музейи директори Солиҳ Доган билан бирга Али Қушчи қabri зиёратига бордик. Мавлоно юртдошимизнинг ҳақларига дуои фотиҳалар қилдик.

Кейинчалик Истанбулда таълим-тарбия олган Али Қушчининг невараси Мирим Челаби (1525 й.) машҳур астроном ва математик бўлиб етишгани тўғрисида гапириб беришади.

Гапнинг ростини айтиш керак бўлса, Али Қушчи қabri зиёратидан кўнгилим хира бўлиб чиқди, чунки ёдгорлик тоши анча унқиқиб қолган, қабртошнинг бурчаклари уқаланиб кетган эди.

Бу эътирозларни ҳамроҳим Солиҳбейга айтдим, қабртошни таъмирлашга бош кўшишини жиддий таъкидлади. Менда унга нисбатан ишончсизлик бор.

2018 йилнинг сентябрь ойида Туркия Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим жаноблари расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Самарқандга сафари давомида ҳоким Эркинжон Турдимов билан бир «фитна» уюштирдик. Унга кўра ҳоким Мирзо Улуғбек расадхонаси зиёрати чоғида Али Қушчи ҳақида сўз очади. Суҳбат давомида турк мулозимига унинг қabri бироз таъмирталаб эканини эшитганини имо қилади ва уни Самарқанд усталари томонидан таъмирлашга ҳокимиятдан рухсат олиб беришни сўрайди.

– Али Қушчи жаноблари сизлар учун қанчалик қадрли бўлса биз учун ҳам шундай эъзозли шахс. Ул зотнинг Усмонли салтанатига анча меҳнатлари сингган. Менга ишонсангиз қабрни таъмирлаш ишини шахсан ўзим назоратга оламан!

Бу суҳбатдан кейин бир ярим ойдан ўтиб Истанбулга йўлимиз тушиб, Қонунчилик палатаси спикери Нурдинжон Исмоилов билан Али Қушчи қабри зиёратига бордик. Дарҳақиқат, қабр атрофида жиддий таъмир ишлари бошлаб юборилганининг гувоҳи бўлиб анча севиндик ва Бинали Йилдирим жаноблари ҳаққига дуо қилдик.

Ўрни келганда Улуғбек академиясининг машҳур вакилларидан яна бири – Қозизода Румий номи билан танилган олим Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд тўғрисида ҳам икки оғиз лутф айтишга бурчлимиз.

Улуғбек расадхонасининг асосчиларидан бири бўлган бу зот тахминан 1364 йилда Бурса шаҳрида туғилган. Дастлабки сабоқни бу ерда олгач, астрономия билимини ошириш учун Қуниёга боради, у ерда мунажжим Файзуллоҳдан таълим олади. Бурсага қайтиб, математикага оид китоб ёзади. Қисқа муддат Хуросонда яшагач, 1410 йилда Самарқанд шаҳрига етиб келади. Бу ерда Амир Темур саройининг бош астрономи Мавлоно Аҳмаддан сабоқ олади, Мирзо Улуғбек билан танишиб, унинг илмий мактабини шакллантиришга ҳисса қўшади, мадрасаларда дарс беради.

Кўп қиррали қомусий билими туфайли замондошлари Румийни «Афлотуни замон» (ўз даврининг Платони) деб аташган. Олим Улуғбек билан бирга машҳур «Зижи Кўрагоний» жадвалини тузишда фаол иштирок этган, кўп-лаб шогирдлар етиштирган.

Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий раҳбарлигида Самарқандда фаолият олиб борган бу илмий мактаб – Академияда 200 дан зиёд олим фаннинг турли соҳалари бўйича изланишлар олиб борган. Қозизода Румий

1437 йили Самарқанд шаҳрида вафот этган ва шу ерда дафн этилган.

Тақдир тақозоси билан Моворауннаҳрдан ҳаж сафарига йўлга чиқиб Истанбулда қолиб кетган ҳамшаҳримиздан яна бири Султон Аҳмад ибн Маҳмуд Ҳазинийдир. Ул зот 1533 йили Қашқадарёнинг Ҳисорида туғилиб, 63 ёшида Истанбулда вафот этади. Аҳмад Яссавий тариқатини тарқатувчилардан бўлиб, XVI асрдаги султонлар – Салим II ва Муродхон III ларнинг ҳурматига сазовор бўлган зотлардандир. Подшоҳларнинг талаби билан Аҳмад Яссавий ва яссавийлик тариқати тўғрисида китоблар ёзади. Булардан ташқари Жалолиддин Румий, Фаридуддин Аттор, Фахри Ризо ва бошқа бир қатор тасаввуф илмининг вакиллари тўғрисида кенг маълумотлар беради.

Ҳазинийнинг Истанбулда ёзган асарлари «Яхшиларнинг боғларидаги денгиз манбаси» (1586), «Улуғ волийларнинг исмларидан яхшиларнинг далиллари» (1589), «Ҳазиний девони» (1591), «Яхшиларнинг денгиз мавжларидаги жавҳарлари» (1993), «Муршидларнинг баёни тўпланган китоб» (1994) шулар жумласидандир. Бу асарлар Истанбулдаги Сулаймоний, Истанбул университети, Париж миллий ва Берлин давлат халқ кутубхоналари ҳамда Қуниёнинг Жалолиддин Румий музейида сақланмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида советларни қўллаб-қувватламагани учун Иосиф Сталин Туркиядан ранжиганини ошкор этади ва Кавказ чегаралари яқинидаги Қарс ва Ардаҳан шаҳарларини талаб қила бошлайди. Бу таҳдидлардан чўчиган расмий Анқара руслардан қутулиш йўллари ахтаришга тушади.

Айрим Ғарб давлатларининг талаби билан Туркия Корея яриморотида бўлаётган урушда (1950–1953 йиллар) иштирок этади. Оқибатда 1952 йилда НАТОга аъзоликка

қабул этилади, шу билан баробар СССР билан ўртасидаги муносабатларнинг янада совуқлашишига олиб келади.

Замонавий Туркия тарихи билимдони Чиғатой Кочарнинг бизга айтиб беришича, 1962 йилнинг октябрь ойидаги Кариб кризиси Анқаранинг Вашингтон билан муносабатларини янада музлатади. Туркия ҳудудида жойлаштирилган АҚШ ракеталари иттифоқчи давлатнинг розилигини олмасдан ва огоҳлантирмасдан фойдаланиши Анқара маъмуриятини эсанкиратиб қўяди ва Вашингтонга бўлган ишончини сўндиради.

Туркия 1950–1960 йилларда советлар ва коммунизмга қарши Ғарбнинг кўрсатмаларини бажарадиган мамлакат ҳисобланган. Юқоридаги воқеадан сўнг Анқара Москва билан алоқаларни тиклаш ҳаракатига тушади. Сталин вафотидан кейин ҳам бундай уринишлар бўлган, аммо «ҳамкорлар» бунга йўл бермаган.

1963 йили Туркия Буюк миллат мажлиси ҳайъати, 1965 йилнинг августида бош вазир Суат Хайри Ургуплю бошчилигидаги ҳайъат Москвага ташриф буюради.

Икки давлат тарихида илк бор Иттифоқ Бош вазири Туркияга келади. 1966 йилнинг 20–27 декабрь кунлари Министрлар Совети раиси Алексей Косигиннинг ташрифи давомида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга оид қатор шартномалар имзоланади.

Кейинги йилнинг 19–29 сентябрь кунлари Бош вазир Сулаймон Демирэл расмий жавоб ташрифини амалга оширади. Москвадаги музокараларини битиргач, у Ўзбекистонга келади. Жаноб Бош вазир Ўзбекистон ССР Олий совети президиумининг раиси Ёдгор Насриддинова ва Министрлар Совети раиси Раҳмонқул Қурбоновлар билан учрашади. У Самарқандни зиёрат этиб, Боку орқали ватанига қайтади.

Ўтган асрнинг 60-йилларига қадар собиқ Иттифоқда фақат Нозим Ҳикмат, Сабаҳиттин Али ва Азиз Несин



сингари таниқли адибларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ва чоп этилган бўлса, мазкур ташрифдан кейин иқтисодий-сиёсий, маданий ва гуманитар алоқалар бирмунча жонланади.

Совуқ уруш даврида СССРни ерга қориштириш кампаниясида турли-туман усуллардан фойдаланилган, жумладан «Озодлик» радиоси ташкил этилиб, у орқали дунёга Москванинг «бутун социализм ва коммунизмга оид қилмишлари» пешма-пеш фош этиб борилган.

Вақти келиб, Москвадан чет элда қолиб кетган туркистонлик ватандошлар билан ёзишмалар олиб боришга рухсат берилади. «1958 йилда Тошкентда «Чет эллар билан дўстлик ва маданий муносабатлар ўрнатиш жамияти» (қисқача – «Ватан») ташкил этилади. Бу жамият шўролар даврида биринчи бор хориждаги ватандошлар билан расмий алоқа боғлаш воситаси эди», – деб бизга маълумот берган эди кекса ватандошимиз Собир Сайхон.

Икки йилдан кейин эса республикамизда «Ватандош» радиоси фаолият бошлайди. Унинг тўлқинлари Туркия ва Яқин Шарқ мамлакатларида яшаётган туркистонликларга йўналтирилади.

1968 йилда лотин ва араб алифбосида «Ойдин» журнали таъсис этилиб, у Туркия, Олмония, АҚШ, Сурия, Миср, Саудия Арабистони, Афғонистон ва Покистон мамлакатларига тарқатила бошлайди.

Михаил Горбачёвнинг «қайта қуриш», «ошкоралик» жараёнлари натижасида чет эллар учун ҳам эшиклар очиб юборилади. Янги даврда илк Ўзбекистон–Туркия ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатиш бошланади.

1986 йилнинг ёзида 5 кунлик ташриф билан советлар давлатига Турғут Ўзал бошчилигидаги турк ҳайъати расмий ташриф билан Москвага келади. Аммо М.Горбачёв уни қабул этмайди. Бундан турк томони ҳайрон!

30 июль куни турк ҳайъати Тошкентга етиб келади. Эҳтимол, дейдилар ўшанда турк журналистлари, Михаил Сергеевичга Туркия президентининг Ўзбекистонга бориши ёқмагандир.

Икки самолётда 160 кишилик ҳайъатни Тошкент аэропортида Бош вазир Ғайрат Қодиров қаршилайди. Икки томонлама музокаралар чоғида Турғут Ўзал: «Икки давлатда яшайдиган бир миллатмиз. Салкам минг йил ўтганига қарамай халқларимиз ҳали ҳам бир-бирларига ўхшайдилар. Хитойга – Уйғур минтақасига борганимда худди шундай илиқликни кўрган эдим», дейди.

90-йиллар охирида Туркия-Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида алоқалар ўрнатиш бошланади. Илк расмий зиёратлар Тошкент ва Истанбул шаҳарлари орасида бўлиб ўтади. 1990 йилнинг ноябрь ойида мегаполис ҳокими Нуриттин Созен Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюради.

1991 йилнинг февраль ойида республикамиз Соғлиқни сақлаш вазири Туркияда бўлиб, дори-дармон алмашишга доир шартномаларга имзо чекилади.

1989 йили профессор Туран Язган «Турк дунёси тадқиқотлар жамғармаси», этник ўзбек, профессор Аҳат Андижон «Туркистон тадқиқотлар жамғармаси»ни ташкил этадилар. Ҳар икки ташкилот Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари билан алоқаларни ривожлантириш, уларни турк дунёси фаолиятига жалб этиш, Туркиядан ташқарида яшаётган миллатдошлар билан яқиндан муносабатлар ўрнатишни кўзлаган эди.

Аҳат Андижон ташаббуси билан 1990 йилнинг 3–5 декабрь кунлари Истанбулда Халқаро Туркистон қурултойи ўтказилади. Унда АҚШ, Олмония, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, шунингдек, араб давлатларидан меҳмонлар иштирок этади. Илк марта собиқ Иттифоқ ҳудудидаги туркий республикаларнинг вакиллари қатнашади.

Турғут Ўзал 1991 йилнинг март ойида илк ташриф билан Қозоғистонга боради, Нурсултон Назарбоев жавоб ташрифини 25–28 сентябрь кунлари амалга оширади.

Боку раҳбарияти 29 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Озарбайжоннинг мустақиллигини эътироф этиш мурожаати билан чиқади. Туркия биринчи бўлиб, 9 ноябрь куни «жон қардоши»нинг мустақиллигини тан олади.

Туркиянинг қолган туркий давлатлар мустақиллигини эътироф этишидан эса дарак йўқ эди.

Бу орада декабрь ойида Туркманистон (2–6 кунлари), Ўзбекистон (16–18 кунлари) ва Қирғизистон (22–23 кунлари) республикалари раҳбарлари Туркияга зиёратларини амалга оширадilar.

Ислом Каримов ва Асқар Акаевнинг ташрифлари Туркиянинг собиқ Совет Иттифоқи республикалари мустақиллигини тан олгандан кейин амалга оширилгани билан эътиборлидир!

Қолган давлатларнинг сафари эса собиқ Иттифоқ республикаси таркибида бўлгани билан ажралиб туради.





## КОНСТАНТИНОПОЛЬ ФАТҲИДА – ЎЗБЕКЛАР

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида мусулмонларни Константинополни ишғол этишга ундаган. Аллоҳ таолонинг элчиси бу шаҳар бир кун келиб албатта мусулмон умматига тегишли бўлади, уни забт этган киши энг кучли кўмондон саналади, дея васият қилганлар.

Усмонли давлати қурилиши билан ислом дини таълимини олган барча султонлар Расулуллоҳ (с.а.в.) васиятларининг ижобати йўлида астойдил ҳаракатга тушадилар. Лекин бу бахт 21 ёшли Султон Меҳметга насиб этади! 1453 йилда у Константинополни византияликлардан тортиб олиб, уни мусулмон шаҳри, Усмонли салтанатининг пойтахти этиб эълон қилади, ушбу жасорати учун Фотиҳ унвонини олади.

Ўн йил давомида турли соҳа кишиларидан, хусусан олимлар, илоҳиётчилар ва сайёҳлик агентлари вакилларидан Константинополь учун курашда дунёнинг турли чеккаларидан, жумладан Мовароуннаҳр диёрларидан келган мусулмонлар, турклар иштирок этганликлари маълумотини эшитган эдим.

Улардан бири – Оқ Муҳаммад, Туркияда у Оқбобо Султон номи билан машҳур инсон эди. Бу толмас жангчи атайин шарқий Рим салтанатининг пойтахтини забт этиш мақсадида Бухородан йўлга отланади.

Ватандошимиз ўз даврининг таниқли дин уламиси Оқ Шамсиддин билан бирга султон саройида маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади. Бу икки инсон Константинополь фатҳида алоҳида жонбозлик кўрсатадилар. Алоҳида

тахсинга сазовор бўладилар. Шаҳар қўлга киритилгач, Оқ Муҳаммад Фотиҳ подшодан бу шаҳарда қолиш учун изн сўрайди ва умрининг охиригача шу ерда яшаб ўтади (унинг қабри Истанбулнинг Осиё қисмида).

Насриддин Убайдуллоҳ ибн Маҳмуд Шоший, яъни Хожа Аҳрор Валий (1404–1489 й.) Моворауннаҳрнинг йирик дин ва давлат арбоби, нақшбандия тариқатининг маънавий пешволаридан. Бул зот Бўстонликнинг Боғистон қишлоғида дунёга келган, отаси асли бағдодлик бўлиб, X асрда Шошга келиб қолган. Хожа Аҳрор волидаси томонидан Шайх Ҳованди Тохурнинг аварасидир. Ўзининг ёзишича, ҳали тили чиқиб улгурмай одамларнинг суҳбатларини тушунар, атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг фарқига борар экан.

Хожа Аҳрор 22 ёшида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида таълим ола бошлайди. Бундан тўла қаноат ҳосил қилмай кўп вақтини Қусам ибн Аббос қабри ёнида ўтказди. Ўзининг айтишича, айнан ўша жойга ғойибдан келиб турган Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) билан Исо алайҳиссалом уни эътиқод йўлига бошлашади ҳамда уни садоқат ва дарвишлик йўлини танлашга даъват этишади.

Шундан кейин у ҳеч иккиланмасдан сафарга отланади, Бухоро ва Ҳиротда бўлади, дин пешволаридан таълим олади.

Фотиҳ султон билан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ўртасида маънавий ва моддий боғлиқлик бўлган. Усмонли султон нақшбандийлик уламосига маълум миқдор пул йўллайди, у эса бу маблағни Қарши шаҳрида кўприк қурилишига сарфлайди. Мазкур ривоят турли тарихий манбаларда учрайди.

Бошқа бир ривоятга кўра, Истанбул фатҳи жанглари айни қизғин паллага кирган бир пайтда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари Самарқанддан оқ отга миниб, Истанбул томон ошиқади!

Тасаввуф олими Амир Хусайн Энисининг «Диний уламо Оқ Шамсиддин» асарида Фотиҳ султон билан Оқ Шамсиддиннинг суҳбат қуриб ўтирганлари лавҳаси тасвирланган. Унда подшоҳи олам: «Менга шундай бир дуо ўргатгинки, токи Истанбул фатҳида у менга қўл келсин», дейди.

– «Дестур ё Шайх Аҳмад»ни кўп зикр этиб, шайхнинг ёрдамини талаб эт, – деб таълим беради устоз.

– Хўп бўлади, аммо ким у Шайх Аҳмад, нима учун мен унга тазарру этишим керак? – яна савол қотади подшоҳ.

Жавоб қисқа бўлади:

– Ул зот замонасининг халоскор соҳиби ва қутбидир!

Ушбу мулоқотда шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни назарда тутган эди!

«Дарҳақиқат, Фотиҳ султон бу зикрни Истанбул фатҳи давомида жуда кўп такрорлайди ва шаҳарни забт этишга муяссар бўлди», деб ёзади Эниси.

Туркистон манбаларида ҳам бунга ўхшаш ривоят бор. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг муридларидан мавлоно Шайхнинг форс тилида ёзган «Аҳрорнинг ёрдам одатлари» («Наварік») асарида Фотиҳ султоннинг бир ғайри мусулмон душмани бўлгани айтилади. Унга кўра, томонларнинг жанги авжига чиқиб, подшонинг мағлуб бўлиши аён бўлиб турган бир пайтда оппоқ либосли киши от чоптириб келиб, урушга қўшилади ва Султоннинг ғалабасига муҳим ҳисса қўшади.

Фотиҳ султон у кишининг сиймосини хотирасига муҳрлаб қўяди.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг муридларидан Мустафо Румий Самарқанддан Онадўлуга келиб, подшо билан кўришади ва унга устозининг соғинч туйғулари битилган мактубини етказади. Суҳбат асносида ундан хўжасининг сурати ва шакл-шамойилини таъриф этиб беришни сўрайди. Жавобни олгач, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга кат-

та миқдорда пул ва қимматбаҳо ҳадялар бериб, муридни Самарқандга қайтариб жўнатади.

Усмонли Лами Челабийнинг «Nefahâtü'l-üns» ва Меҳмет Меҳмет афандининг «Hadâiku'ş-Şakâik» асарларида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг набираси Муҳаммад Қосимдан шундай ҳикоя келтирилади:

– Бобом бир пайшанба куни дўстлари билан Самарқанддан дашти Аббос томон кетадилар ва чўлга чиқиб олгач, сизлар мени бу ерда кутиб туринглар, деб амр этадилар ва кўздан ғойиб бўладилар.

Муридларидан мавлоно Шайх устози кетидан от кўшади, биринчи от шундай тезликда кетадики, бир зумда узоқлашиб кўринмай қолади.

Маълум вақт ўтгач, Хожа Аҳрор Самарқандга қайтиб келганида ундан қаерга борганини сўрашади. Шунда устоз:

– Рум (Онадўлу) подшоси Султон Меҳмет душман билан саваша туриб, мени ёрдамга чорлади. Етиб бордим ва Аллоҳ таолонинг ёрдами ила султон ғалаба қозонди, – деб жавоб беради.

Муҳаммад Қосим ривоятини давом эттириб, султон билан бобоси ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан парча келтиради.

«Бобом султоннинг жангда мағлуб бўлаётган пайтида етиб келади. Подшоҳни тушкун ҳолда кўриб, сен албатта ғалаба қозонасан, дейди. Султон эса: «Ахир душман менинг аскарларим сонидан ниҳоятда кўп-ку», деганида, бобом Қуръони каримнинг Бақара сураси 249-оятидан иқтибос келтиради: «Қанчадан қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳларга ғолиб келганлар!»

– Мен барибир хавотир оляпман, улар кўпчилик!

Шунда Хожа Аҳрор чопонининг бир чеккасини кўтаради ва беҳисоб мусулмонларни жанг майдонида кўради.

Шунда султонга қараб амр бермиш: «Қани, душманга қарши олға!» дея ўзлари ҳам биргалашиб жангга кирган эканлар.

Меҳмет султоннинг «душман аскарлар роса кўп», деган гапларини эшитиб турган вазиру уламолар Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни кўрмагани учун ўшанда подшоҳ ўзи билан ўзи гаплашяпти, деб ўйлашган экан!

Оқ Шамсиддиннинг асл исми Муҳаммад бин Ҳамзадир, у 1390 йилда Шомда туғилган. XV асрнинг буюк сўфийларидан. Ул зот 7 ёшида ота-онаси билан Онадўлунинг Амасия вилоятига жойлашади. Замонасининг донишмандларидан Ҳожи Байрам Валининг шогирдидир.

Анқарага келгач, шифокорлик таълимини олади, юқумли касалликлар мутахассиси бўлиб етишади. «Maddet-ül-Nayat» асарини ёзади. Китобда юқумли хасталиклар тўғрисида одамларда нотўғри тушунчалар борлиги, кўзга кўринмас жонли заррачалар мавжуд, ана ўшалар касаллик тарқатади, яъни касаллик одамдан одамга юқишини тушунтиради. Мазкур хулосанинг ўзиёқ жаҳон микробиология илмига асос солинганидан далолат эди.

Бу билдирилган фикрдан 400 йил ўтиб, Францияда Пастер Луи микробиология ва иммунология тўғрисида тадқиқот олиб боради ва у бу соҳани кашф этган, деб тан олинади, аммо бу соҳанинг «пионери» (кашшофи) бўлган турк олими кашфиёти турк дунёси ичида қолиб кетади!

Бундан ташқари Оқ Шамсиддин руҳий касалликлар бўйича ҳам йирик мутахассис деб тан олинган.

Юқоридаги тиб илми билан боғлиқ фикрлари ва амаллари учун уни Онадўлуда «иккинчи Луқмони ҳаким» деб эътироф этишган.

Султон Мурад II нинг даъвати билан Оқ Шамсиддин устози Ҳожи Байрам Вали билан Эдирнега келади.



Султон ундан Истанбул фатҳи менга насиб этадими, деб сўраганда у рад жавобини беради. Бироздан кейин бешикда ётган Меҳметга қараб, унга ишора этади.

Истанбул фатҳидан кейин Аё София масжидида ўқилган илк намознинг хутбасини айнан Оқ Шамсиддин ўқиган экан!

Бу тарихий шахснинг исмига доир. «Шамс» арабча-форсча сўз бўлиб, «қуёш» маъносини беради. Шамсиддин «диннинг қуёши» демак.

Нега оқ? Ривоятларга кўра, соч-соқоли оқ бўлган ва доим оқ кийимда юргани учун экан.

Оқ ва қора аслида ранг маъноларини англатади. Гарчи кўпроқ қора салбий, оқ ижобий маъноларда келса-да, қора – катта, маҳобатли деган маънони ҳам англатади (мисол учун Қора денгиз, Қора сарой, қора қуш сингари). Оқ ранг эса асосан яхшилик, софлик ва ҳалоллик сингари ижобий фазилатлар тимсоли ҳисобланади.

Оқ Шамсиддин кўркам ахлоқи, оқил, ишончли ва фазилатли маъноларида қабул қилинади!

Истанбул фатҳидан кейин Султон устозини тақдирламоқчи бўлади. Бироқ оқибатли ва имони бутун ул зот катта мукофот-у мансаблардан воз кечиб, юртига устидаги қуруқ чакмонида қайтиб кетади.

Ривоят қилинишича, Оқ Шамсиддин 4 яшар ўғли Ҳамди Челебини тиззасида олиб ўтиради ва у булбул каби Қуръони каримни қироат қилади. Фахр-ифтихор туйғуси жўшиб аёлига: «Ўғлимиз қалай, зўрми?!», деб ҳайратини изҳор қила туриб кутилмаганда «унинг етим қолишидан кўрқаман», деб оғир тин олади. Бир оздан сўнг масжидга чиқиб талабаларига сабоқ беради, уларни: «Яхши ўқинглар, бўталарим», деб огоҳлантиради, уйига қайтиб, жон таслим қилади. Шунда 1459 йилнинг февраль ойи эди!

Тошкентда ўрта асрларда кўплаб шоир ва адиблар, алломалар, риёзат ва табобат аҳллари етишиб чиққан.

Ана шундай алломалардан бири Қаффол Шошийдир (903–976 й.). У ҳунарманд оиласида дунёга келади. Шу сабабдан «қаффол» – қулфсоз номи билан машҳур бўлади.

Имом Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий каби йирик мутафаккирларнинг мероси билан танишади, улар асарларидан баҳраманд бўлади. Фикҳ илмини эгаллаш билан бирга фикр доираси ўта кенг, фалсафа, мантиқ, адабиёт соҳаларини ҳам пухта эгаллаган зот эди.

Доимо илм-маърифат чашмаларидан баҳраманд бўлиш ниятида Ҳижоз, Бағдод, Шом каби шаҳарларда бўлиб кўзга кўринган олимлардан таълим олади.

Қаффол Шоший яхши шоир ҳам бўлиб, шеърларини араб тилида ёзган.

Унинг қаламига мансуб ижод намуналари Субҳий асарига кирган. Бу парчадан маълум бўлишича, Византия императори билан араб халифаси ўртасида жанжалли ёзишмалар бўлади. Бу ёзишмаларда император халифага дўқ-пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар уларнинг ўлкалари бўлган ва ҳозир Бағдод халифаси эгаллаб турган ерларни тинчлик билан ва осонликча қайтариб беришни талаб қилади.


Византия ҳукмдорининг дағдағаси баланд пардада чиқиши учун уни араб тилида шеърий оҳангда битдиради. «Шом, Миср, Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, шарқу-ғарб ҳаммасини эгаллаймиз», деб пўписа қилади.

Халифанинг, табиийки, бундан фиғони кўкка кўтарилади ва Константинополга қарши урушга тайёргарлик кўришга амр этади. Шунда вазирлар бу ишдан воз кечиб, жавоб мактуби ёзиш таклифини берадилар. Ёзилган 3–4 намуна-мактублардан халифанинг кўнгли тўлмади. Бошлари қотиб турган бир пайтда уламо-лар Бағдодга бўлиб турган Қаффол Шоший тўғрисида хабар берадилар ва ундан хат ёзиб беришни илтимос қилишади.

Унинг шарқона дипломатларга хос услуб тарзида ёзган жавоб мактуби византияликларни шоширтириб қўяди. «Халифатда шундай истеъдодли шоирлар ҳам бор экан, демак улар маърифатпарварлик йўлидан кетаётгани аниқ», деб уруш очишдан воз кечади.

Шундай қилиб, Қафқол Шошийнинг бир мактуби Бағдод халифасини Константинополга қарши уруш очиш ниятидан қайтаради.

Миннатдорлик маъносида Бағдод ҳукмдори Қафқол Шошийга Халифаи Усмон мусҳафи нусхасини ҳадя этади, деган тахминлар бор. «Шунинг учун ушбу мусҳаф узоқ йиллар манзилу маконини ўзгартириб, охиросида Қафқол Шоший қабри ёнига келтирилган», дейилади.





## ИСТАНБУЛЛИК САҲОБАЛАР

Истанбул таърифун тавсифининг чеки йўқ, унинг айрим жиҳатлари аввалги бобларда зикр этилди. Нега шундай? Менинг назаримда бунинг жавоби жуда жўн, бу шаҳарга Пайғамбиримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг назарлари тушган. Ҳадисларда келтирилишича, Аллоҳнинг элчиси: «Бир кун албаттаки Константинополь фатҳ этилажак. Уни фатҳ этган кўмондон энг гўзал аскардир, уни фатҳ этган кўшин эса энг гўзал лашкардир», сўзлари бутун мусулмон оламига даъват каби янграган.

Усмонли давлатидан олдин не-не кўмондонлар Константинополь йўлини тутишмаган, турк султонларининг бутун фикру хаёли бу шаҳарда бўлган. Бу ишни амалга ошириш 21 ёшли Меҳмет султонга насиб этади.

Илоҳиётчиларнинг ривоятларга асосланиб англаштишларича, Истанбулда мингдан ортиқ саҳобанинг қабри бўлиши керак. «Токли деде» деган қабристонда ўз пайтида ниҳоятда кўп саҳобийлар дафн этилгани айтилади. Аммо аниқлангани 29 та қабр ёки мақом, холос.

Саҳобийлар ким, деган саволга кичик изоҳ бермоқни лозим топдим. «Саҳобий» сўзи араб тилида «суҳбатдош», «сафдош», «тарафдор», «ҳамроҳ» каби маъноларни англайди. Муҳаддислар истилоҳида саҳобий бу – «Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўриб, имон келтирган ва мусулмонлик ҳолида вафот этган кишидир» дейилади. Шунингдек, ҳали балоғатга етмаган бўлса-да, гапга тушуниб унга жавоб бера оладиган ёш бола ҳам саҳобий ҳисобланган.

Саҳобийларнинг фазли борасида Қуръони каримнинг бир неча сураларида оятлар келган. Жумладан: «Фатҳ» сурасининг 29-оятда: «Муҳаммад Аллоҳнинг расулидир.

У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминларга нисбатан) эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни (мудом) рукуъ ва сажда қилаётган ҳолларида кўрарсиз...», дейилган.

Имом Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар» асарида: «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг барча саҳобийлари яхши сўз билан эсга олинади», деб таъкидлаганлар.

Константинополь томон илк юриш ҳижрий 48 (милодий 668) йилга тўғри келади. Тарихий манбаларда келтирилишича, илк кўмондонлар Суфиён ибн Авф Яздий ва Фадале ибн Убайд Ансорий бўлишган, улар бошчилигидаги ислом армиясида 63 нафар саҳобий қатнашган.

Шаҳарга кириш учун бўлган жангларда анча талафотлар кўра бошлаган бу армияга 669 йилнинг баҳорида ҳазрати Муавийнинг ўғли Язид бошчилигидаги аскарлар ёрдамга келишади. Христианларнинг кўли баланд эканини сезган мусулмонлар совуқ кунлар яқинлашгунча Шомга қайтишади.

Абу Умайя Яздий раҳбарлигидаги саҳобийларнинг Константинополга навбатдаги юриши беш йилдан кейин, яъни 673–674 йилда бошланиб, 7 йил давом этади. Ҳам қуруқликдан, ҳам денгиздан олиб борилган муросасиз жанглар натижа бермайди.

Саҳобийларнинг сўнгги учинчи юриши 715–717 йилларда амалга оширилади, унга Маслама ибн Абдулмалик бош бўлади.

Шу ўринда Истанбулда қабрлари бўлган айрим саҳобаларнинг тарихи тўғрисида маълумотлар бериб ўтишни лозим топдик.

Юқоридаги салиб юришларининг бирида иштирок этган Аби Шайба Худри шаҳид бўлади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг кўкалдоши бўлган бу аскар Константинополга келганда 89 ёшда бўлган. У кишининг қабри Истанбулнинг византияликлар қурган шаҳарнинг қалъа деворлари

биқинида жойлашган. Бу маълумот ислом армиясининг шаҳарни ишғол қилишга бир баҳя қолганидан далолат беради, деган тахминларни олға суради.

Истанбулда ертўлада жойлашган ягона масжид бор, номи ҳам «Ерга ботган», унинг қачон бунёд этилгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо тарихчи Авлиё Челабийнинг билдиришича, у ҳижрий 92 (милодий 711) йилда Абдулазиз ўғли Умар томонидан қурилган.

Масжид бошқаларидан ажралиб туради, у 54 дона йирик устунларда туради, шу юздан бир қарашда минбар кўринмайди. Қанча меҳмонни зиёратга олиб борган бўлсам, ҳамма бу такрорланмас жомедан ҳайратланиб чиққан.

Унинг икки кириш-чиқиш эшиги бор. Унинг ичига ёруғлик фақат денгиз тарафидан тушади. Ҳозирги кунда масжид биносининг устида соғлиқни сақлаш муассасаси жойлашган.

Жоменинг ичида Амр ибн ал-Ас ва Суфён ибн Уяйна розиёллоҳу анҳуларнинг қабрлари бор. Бу ерда яна Ваҳоб ибн Хушайр қабри бўлиб, бу зотнинг саҳоба бўлиб-бўлмагани тўғрисида маълумотлар сақланмаган.

Ривоятларга кўра, Галата кўприги яқинида вафот этган саҳобалар шу ернинг ўзида кўмилади. Душманларнинг кўзидан яшириш мақсадида унинг устига шошинч масжид каби бир бино қурилади. Салкам ўн тўрт асрдан бери деярли унинг оҳори бузилмаган.

Замонамиз уламолари саҳоба, муфассир Абу Дардога кўп мурожаат этадилар, унинг сўзларидан иқтибослар келтирадилар.

Бу саҳобанинг асл исми Уяймадир, у киши ҳам мадиналик бўлиб, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Қуръон, фикҳ ва ҳадис илмларининг билимдони бўлган асҳоблардандир. Истанбулга ҳеч келмаган, деб айтилади-ю, аммо шаҳарда у кишининг қабри бор. Уламоларнинг айтишича, бу ер Абу Дардонинг мақомлари, асл қабри Шомда.

Туркияда Айюб Султонни билмаган ёки эшитмаган киши бўлмаслиги аниқ. Султон Аҳмад ва Сулаймон номидаги масжидлар қаторида халқ томонидан севилиб зиёрат ва ибодат этиладиган муқаддас жойлардан бири – унинг номидаги масжид.

Халқ ичида Айюб Султон, деб номланган мақбара Абу Айюб Ансорий Холит ибн Зайдниқидир. У Истанбулнинг маънавий юлдузларидан ҳисобланади.

Асли мадиналик бўлган Айюб Султон илк мусулмонлардан бўлган. Келиб чиқиши ҳам отаси ҳам онаси тарафидан Пайғамбаримиз (с.а.в.)га бориб тақалади. Набий (с.а.в.)нинг Мадинага ҳижрат этганларида, то у муҳтарам зотга уй қуриб битгунча, Айюб Ансорийнинг хонадонларида 70 кун яшаб қоладилар. Бу хизматлари эвазига «Набийнинг меҳмондори» деган унвонга сазовор бўлади. Расули Акрам (с.а.в.) ўз уйларига кўчиб ўтганларидан кейин ҳам Айюбнинг хонадонини зиёрат қилишни қанда қилмаганликлари айтилади.

Аллоҳ элчисининг Мадинага келганларидан эътиборан, Айюб ҳазратлари у зотнинг ёнидан ҳечам айрилмади, улар билан барча жангларда қатнашади, баъзан тансоқчилик вазифасини ўтагани айтилади. Бу ҳақда 200 дан зиёд ҳадиси шарифларда келтирилади.

Бундан ташқари, Пайғамбаримиз (с.а.в.) замонида Қуръони карим оятларини тартибга келтиришда иштирок этганлиги зикр этилади. Халқ орасида ўз илмлари ва одоб-ахлоқлари билан ҳурмат-эътибор қозонган киши эди.

Айюб Ансорий Ҳазрати Абу Бакр (р.а.), Ҳазрати Умар (р.а.) ва Ҳазрати Али (р.а.) замонларида ҳам ислом ривожига кўп ҳисса қўшган саҳобийлардандир.

Ҳижрий 49–52 йиллар орасида 90 ёшлар атрофида вафот этган.

Константинополь фатҳидан кейин султон устози Оқ Шамсиддин билан кўп суҳбатлар қуради, сабоқлар ола-

ди. Ана шундай учрашувларнинг бирида Меҳмет подшоҳ Айюб Султоннинг Константинополни фатҳ этишга келиб, жангда ҳалок бўлганини қадим китобларда ўқиганини устозига айтиб, у жасур саҳобанинг мазорини топишни илтимос қилади.

Оқ Шамсиддин ҳам анчадан бери дилидагини айтолмай ичида сақлаб юрган Айюб Ансорий тўғрисидаги фикрини амалга оширишга зудлик билан киришади. Бир куни султон ёнига келиб: «Хув анув тепанинг этагида бир нур кўряпман. Ўша ер қазилса, бир оқ мрамор чиқади. Айюб Султон ўша ерда бўлиши керак», дейди.

Султоннинг амри билан хизматкорлар ишга киришади. Дарҳақиқат, устознинг айтганидек бўлиб чиқади, у ердан лотин ёзувида: «Бу ер Ҳолит ибн Зайднинг мазоридир» лавҳа чиқади.

1453 йилнинг баҳорида қазилш ишлари битиш арафасида, султон жасадни ўзи қўллари билан ушлашни сўрайди. Жасад мутлақо чиримаган ҳолда топилади. Подшоҳ Айюб Ансорийнинг оёқларини силай бошлаганда, жасад ҳаракатга келиб, оёқларини ундан тортиб олади.

Меҳмет султон хафа бўлиб, мазорни вақтинча ёптириб, саройга қайтади. Тушида Айюб Ансорийни кўради ва ундан нега оёғини ушлатмагани сабабини сўрайди.

– Сен Пайғамбаримиз (с.а.в.) васият қилган буюк саркардасан, сен Константинополни фатҳ эттинг. Мен эса бу васиятни амалга оширолмаган оддий саҳобийман, холос, – дейди.

Уйқудан мамнун ҳолда уйғонган султон такрор қабр бошига бориб, зарур ишларни давом эттиради ва кечиктирмасдан мақбара қурдиришга фармон беради. Орадан беш йил ўтгач – 1478 йилда эса унинг ёнида масжид бунёд эттиради.

Айюб Султонга оид эканини билдирувчи ёзув ҳақида. Оқ Шамсиддиннинг англатишича, Ансорий вафот этганида константинополлик христиан роҳибининг тушига



Пайғамбаримиз (с.а.в.) киради. Ундан исломни қабул қилишни сўрайдилар. Айюбнинг вафоти тўғрисида хабар бериб, унинг душманлар қўлида ғариб бўлиб қолмаслиги учун қабр ичига бир ёзув ёзишини истайдилар.

Роҳиб ярим кечаси айтилган жойга боради ва қабрдан нур таралиб турганини кўради. У ерга бир белги қўйиб, саҳарлаб мусулмонликни қабул этади ва такрор мазорбошига бориб, қабрни очиб, юқорида келтирилган ёзув-лавҳани унинг ичига кўмиб қўяди.

Оқ Шамсиддиннинг кароматлари тўғрисида ҳам икки оғиз гап. Буюк дин уламози бўлган бу зотни бир кун замондошлари меҳмонга таклиф этади. Ўртага катта товоқда овқат келтирилади. Уни кўргач, «Бу овқат бизга эмас, уни қандай емоқчисизлар», дейиши билан эшик тақиллайди. Бир гадоё; болаларим билан очман, қорнимизни тўйдиришга бир нималар беринглар, деб ёлворади.

Шунда Оқ Шамсиддин: «Овқатнинг ҳақиқий эгаси келди, уни дарров олиб чиқиб беринглар», дейди.

Оқ Шамсиддин Айюб Ансорий қабрини якка ҳолда топиб, устига белги учун тош қўйиб кетади. Эртасига Султон билан бирга бу манзилга келса, тошнинг жойи ўзгарганини кўради. Устоз бу ишга эътибор бермай, тўғри қабр ёнига боради.

Белги-тошнинг жойини Меҳмет султон ўзгартириб қўйган бўлади. Шундан кейин подшоҳ яна бир марта устозига таъзим этиб, Айюб Ансорийнинг қабри ўша эканига бўлган шубҳаси тамоман тарқаб кетади!

Каромат – авлиёлардан, мўъжиза – Пайғамбарлардан дегани шу бўлади.

Динимиз тарихига қизиққан мамлакатимиз ҳайъати аъзоларини юқорида тилга олинган муборак жойларга зиёратга олиб борганман, оборолмаганларим учун бу тарихни гапириб берганман.

Уламоларимиз Айюб Ансорий тўғрисида эшитган ва ўқиганликларини айтиб, мазори шу ерда экани тўғрисида

маълумотга эга эмасликларини билдиришган эди.

Истанбулда яна бир қадимги «Араб масжиди» бор. У эски шаҳар қалъасидан бироз нарида. Константинополда илк азон товуши чиққан макон, деб қабул этилади. Унинг қурилиши тўғрисида икки хил ривоят бор.

Биринчисига кўра, масжид 717 йилда (ҳижрий 95 йил) Истанбул фатҳи учун келган саҳобалардан бўлган кўмондон Маслама ибн Абдулмалик томонидан бунёд этилган. 7 йил бу шаҳарда қолган араб мусулмонлари армияси ибодатларини бу ерда қилганлар, дейилади. Араблардан кейин бу жойдан христианлар черков сифатида фойдаланишади. 1453 йилда эса у яна такрор масжидга айлантирилади.

Иккинчи ривоятга кўра, 1200 йилларнинг бошида католиклар Қуддусга кетатуриб, фавқулодда Константинополни қўлга олиш режасини ишлаб чиқадилар. Черков ва монастир қурдирганликлари айтилади. 1475 йилда Фотих султон черковни масжидга айлантирган, деган тахминлар бор.

Дарҳақиқат, масжидга ташқаридан бир қарашда уни мусулмонларга оид бир макон, деб бўлмайди. Деворлари қизил-кулранг ғишдан ишланган. Минораси ҳам бугунгиларидан анча фарқ қилади. Миноранинг асоси ҳам қизил-кулранг ғишдан тўғри тўртбурчак шаклида кўтарилиб, унинг устига қисқа қалъасифат минора қурилган.

Унинг ичидаги меҳроб ва минбар мрамардан ишланган.

Масжидни 22 ёғоч устун кўтариб туради.

Санъатшунос Турсунали Кўзиев ҳам илк бор ўзгача масжид кўраётганини эътироф этган эди.

Масжид ҳовлисида эса Маслама ибн Абдулмаликнинг қабри бор.



## ЎЗБЕК ХОНЛАРИ ВА УСМОНЛИ СУЛТОНЛАРИ

Ўзбек хонлари билан Усмонли давлати ўртасидаги алоқалар Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ташкил этилиши билан бошланади. XV асрга келиб, улар янада кенгаяди. Давлатлараро муносабатларда фақат сиёсий масалаларгина эмас, балки илмий ҳайъатлар алмашиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, ҳаж масалалари ҳам кенг ўрин эгаллаган.

Дўстона алоқалар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин, яъни Чор Россиясининг Туркистонга босқинидан кейин сустлашади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, моддий ва ҳарбий ёрдам талабида бўлган хонликларга Усмонли султонлари очикдан-очик руслар билан алоқалар таранг экани, шунингдек, 1877–1878 йиллардаги жанглар ҳамда Биринчи жаҳон уруши халақит бераётганини рўқач қилиб, юз ўгирганини айтишади.

Аммо алоҳида таъкидлаш ўринлики, маърифий алоқаларда узилиш сезилмайди.

Туркия-СССР муносабатлари бошланган дастлабки йилларда турклар Туркистон ўлкасига эътибор қаратишни давом эттиришган. Ўлка парчаланиб, Ўрта Осиё республикаларига бўлинганидан кейин алоқалар тамоман узилган!

Амир Темур ва Шайбонийхон даврида ҳукмрон бўлган барқарорлик афсуски Бухоро амирлиги ва Хива, Қўқон хонликларга бўлиниб кетгач, ўзаро аҳиллик ва биродарликдан асар ҳам қолмайди.

Истанбулдаги «Тўпқопи» саройи-музейи экспонатлар ва тарихий ҳужжатларга бой. Профессор Илбер Ортайли

Галатасарой университетидида ўқитувчилик билан баробар 2005 йилдан эътиборан етти йил давомида «Тўпқопи»да мудирлик қилди.

– Музейнинг ҳар бурчаги, ҳар бўлимида тарихдан қолган қандай намуналар сақланади – барчасидан хабардорман. Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари ҳали бор, – дейди ҳурматли домла ва бизни қизиқтирган мавзуга оид суҳбатимизни давом эттиради.

Империя ва хонликлар ўртасидаги муносабатлар Ёвуз султон Салим (1512–1520 й.) даврида бошланади. Подшоҳ Эрон билан курашга ёрдам истаб, Самарқанд ҳукмдори Кўчкунчихон (1510–1530 й.) га 1514 йилда мактуб жўнатади ва ижобий жавоб олади.

1515 йилнинг сентябрь ойидаги такрорий мактубда Ёвуз султон Хуросоннинг забт этилгани тўғрисида самарқандлик ҳукмдорни хабардор қилади.

Ўзбек ҳукмдорларидан Хўжа Муҳаммад Султоннинг ўғли Жонибек ва Амир Ҳожи Саид Юнус хат йўллаб, Миср фатҳи билан султонни табрик этадилар.

Қонуний Султон Сулаймон (1520–66 й.) даврида Мовароуннаҳр билан алоқалар анча кенгайди. Сиёсий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам янада ривож топади. 1534 йилда Бухоро амирлари Убайдуллахон (1533–1539) ва 1540 йилда Абдулатифхон (1540–1552) турк султони давлатига биринчилардан бўлиб ўз элчиларини юборадилар.

Усмонли подшоҳ Мурод IV (1623–1640 й.) Бағдод жангига киришдан аввал кучларнинг тенгсизлигини сезиб, ўзбек ҳукмдори Имом Қулихондан мадад сўрайди.

Узоқ йиллар тахтда ўтирган бошқа ҳукмдор Абдулазизхон усмонлилар билан муносабатларни ва Мовароуннаҳрга элчилар юборишни давом этиради. 1677 йилда Муҳаммад Аминни Истанбулга элчи этиб жўнатади.

Ҳукмдорлардан Субҳонқулихон Муҳаммадхон ҳам 1689 йилда Кичик Ҳожи Бейни Истанбулга элчи этиб юборадикки, у ҳам дўстлик муносабатларининг давом этишини истайди.

1704 йили Бухоро амири Кучук Али Бейни элчи этиб тайинланганини билдириш учун Мустафо II га мактуб йўллайди. Шу билан бирга Эдирненинг забт этгани билан Султонни муборакбод этади.

Убайдуллохон 1706 йилнинг март ойида Хўжа Муҳаммад Аминни Аҳмад III салтанатига Истанбулга элчи этиб тайинлайди.

Убайдуллохоннинг вафотидан кейин унинг ўрнига тахтга Абдулфайз Саидмуҳаммадхон ўтиради (1711–1748 йй.) ва у Усмонли подшоҳига йўллаган мактубида алоқаларнинг давом эттиришига умид билдирди.

Усмонли подшоҳи Бухоро амирлиги билан муносабатларни давом эттириш билан чекланмайди. Хива хони Анушахон 1688 йилда ўғли Баҳодир Ўрнак Муҳаммадхон орқали Усмонли султонига ўз элчисини юборади. Ишонч мактубида шунингдек, Австрия билан урушда уларга ёрдам беришга тайёр эканини билдириб ўтади.

Арангхон 1694 йилда тахтга чиққан Аҳмад II га табрик хати жўнатади.

Бошқа ҳукмдор Элбарсхон (1728–1740 йй.) Маҳмуд I нинг султон этиб тайинланиши муносабатини билан 1732 йилнинг август ойида қутлов хати билан бирга қимматбаҳо совға-саломлар йўллайди.

Хива хони ва Абулғозий Муҳаммадхон билан Султон Маҳмуд I ўртасида ёзишмалар бўлиб тургани, элчилар алмашгани тўғрисида ҳужжатлар сақланган.

«Туркий давлатларнинг ўзаро алоқалари тобора равнақ топаётганидан Рус давлатининг ғаши кела бошлайди. Бу дўстликни бузиш учун ҳаракат бошлайди. Аввалига Қримни босиб олиб, кейин Туркистонга кўз олайтиради», – деб маълумот беради Илбер Ортайли.

Руслар билан овора бўлган Усмонли давлатининг Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари билан алоқалари 1873 йилга келиб бироз сусаяди. Туркистонга бошланган ҳамла Усмонлиларнинг тинчини бузади. Турк манбала-

рининг ёзишича, Усмонли султонлари аввалгидек ўша мудҳиш кунлар бошланганда туркистонли хонликларни бирга ҳамжиҳат, дўст бўлиб, душманга қарши биргалашиб курашга чорлайди.

Профессор хонликлар бир-бирлари билан маъносиз жангларни давом эттиргани ҳақида ачиниб сўзлаб беради. «Бухоро амирлигининг Қўқон хонлигига тегишли ерлари ишғол қилиш бошланган пайтда Усмонли салтанати бевосита бу ишга аралашишининг имконини тополмайди. Шунинг учун султон Қашқар хони Яқуббейдан бу ишда қардошларга кўмаклашишини сўраб мурожаат этади», – дейди домла.

Аслида Қўқон хонлиги билан Усмонли салтанатининг муносабатлари Бухоро амирлиги каби муаммоли бўлмаган. XVIII асрнинг бошида Қўқон хони Шоҳрухбей (1710–1721 й.) билан бошланган алоқалар хонликнинг тугатилгунига қадар давом этади.

Салкам бир асрдан сўнг – 1819–1820 йилларда икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилади, ўзаро элчилар юбориш бошланади. Саид Муҳаммад Амир Умархон (1810–1822 й.) Султон Маҳмуд II га юборган мактубида бу ҳақда хабар беради.

Усмонли ва Қўқон ўртасидаги ёзишмалар сони 130 дан зиёд, улардан фақатгина 30 тасигина эълон қилинган, қолганлари ҳануз Истанбулдаги Усмонли салтанати архивида сақланмоқда.

– Бу ҳужжатларда катта сир йўқ, архивни очиб, ёзишмалар билан танишишда ҳафсаласизлик қилинмоқда, холос, – деб изоҳ берди Илбер домла.

Очилган ҳужжатларда қайд этилишича, Қўқон Истанбулдан рус ва хитойлик душманлар билан кураш учун ҳарбий ёрдам истагида бўлган.

Хонликнинг дастлабки йиллари Абдураҳмонхон (1721–1739 й.) қурол-аслаҳа сўраган. Аммо ижобий жавоб ололмаган.

Бор-йўғи Норбўтабейхон (1770–1800 й.) ва Муҳаммад Алихон (1822–1842 й.) даврларида ҳарбий ёрдамлар олинган холос.

Бўлғуси ўзбек ҳожилари учун Макка-ю Мадинага бориш айнан Истанбул орқали амалга оширилар эди. Ана шундай йўлчилик давомида биродарлар бир-бирларига зарур кўмакни берардилар. Турклар ҳар доим қардошларига мусофирпарварлик кўрсатишган. Мовароуннаҳрлик ўзбекларимиз ҳам бу меҳрибонликларни жавобсиз қолдиришмаган. Масалан, 1768 йилдаги рус-турк уруши пайтида фавқулодда бу ерда бўлиб қолган ўзбеклар кўнгиллилар сафида жангга кирганлар. Болқон яриморолида (1912–1913) бўлган курашларда эса 400 нафар ҳамшаҳримиз жасорат намуналарини кўрсатишган.

Қардош давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам токи Россия ва Англия ўртасида Ўрта Осиё учун кураш бошланмагунча давом этади.

Маълумки, Хива ва Қўқон хонликлари ҳам, Бухоро амирлиги ҳам Усмонли давлатига ҳарбий ёрдам олиш учун мурожаат қилганлар. Сиёсий мулоҳазалар сабаби билан улар жавобсиз қолдирилган. Аммо усмонлилар ўз қардошларига империянинг олий таълим масканларида талабаларни ўқитишга имкон яратиб берадилар. Шунингдек, Истанбулдан Туркистон ўлкасига мунтазам равишда дарсликлар жўнатиб турилган.

Октябрь инқилобидан то 1924 йилларгача Туркистон халқлари билан алоқалар давом этиб турган.

Илбер хожа биз илгари ҳеч эшитмаган маълумотлар тўғрисида баҳс этди. XIX асрнинг сўнгидаги рус-турк урушида асир тушган турк аскарлари Сибирнинг Красноярск, Тобольск, Ветлуга, Кострома, Симбирск, Новгород ва Вологда шаҳарларига сургун қилинган эмишлар. 1917–1918 йилларда кўп сонли асирлар қамоқлардан қочишга

мувафақ бўлиб, уларнинг аксарияти Тошкентга келиб жойлашган эканлар.

Ҳужжатларда қайд этилишича, 1917 йилнинг октябрида етиб келган тўрт нафар офицерни Мунавварқори илиқ кутиб олади. Улар «Туркистон маърифатига хизмат қилишни шарафли бурч, деб қабул этадилар», деб ёзилган экан манбаларда.

1918 йилнинг баҳорида Тошкентга етиб келган бошқа гуруҳ зобитлар «Намуна мактаби», «Турон мактаби», «Мухторият мактаби», «Ирфон мактаби» каби дарсхоналарда дарс берганликлари ва бир қатор ёшлар жамиятларида раҳбарлик қилганликлари айтилади.

Мустафо Камол ўз юртидаги ташвишларига қарамай, Туркистонда бўлаётган воқеалардан ҳам мунтазам хабардор бўлиб туради. 1920 йилда Эскишаҳарга бориб қолган туркистонлик генерал Саид Ҳамза билан фавқулодда танишиб қолади. Дўстлик риштаси боғлангач, уни мамлакатига қайтиб, вазиятни ўрганиб келиш вазифасини топширади.

Худди шу йили инглизлар ўзбеклар «таккаси» (карвонсарой)дан хабардор бўлиб, унинг фаолиятига чек қўядилар. Ускудар карвонсаройи шайхи Ота Афанди ишсиз қолади. 1921 йилнинг ўрталарида Мустафо Камолпоша (ҳарбийларда генералга тенг келади, шунингдек, йирик давлат арбоблари, ҳарбийлар ва зодагонларга бериладиган унвон)нинг таълимоти билан Бухоро ва Хоразмга бориб, у ердаги республикалар раҳбарлари ва «босмачилар» билан учрашиб қайтади. Унинг ҳисоботини ўқиган Камолбей шунга яраша тадбирлар кўради.

1922 йилнинг 7 январь куни Мустафо Камол Бухородан элчилик мақомида келган Ражаббей ва Назирийбейларни қабул этади. Музокаралар давомида Бухорода элчихона очишга келишилади. Туркия раҳбарига Амир Темур замонида нашр этилган Қуръони карим ва уч дона қимматбаҳо қилич совға қилишади.



Апрель ойида бу ҳайъат билан бирга Қуниё волийси (губернатори) Ғолибпоша Бухорога қўшилиб кетади. Бундан хабар топган Москва Анқара билан илиқ муносабатларни бузилишининг олдини олиш учун рус элчиси Араловга Мустафо Камол билан кўришиш топширилади.

Туркияда Анварпошага нисбатан қарашлар турлича. Айрим олимлар Мустафопоша дўстини оғир кунда ташлаб кетди, деса, бошқаси Туркистондаги қардошларини руслардан ҳимоя қилишга шошилди, деб оқлайди.

Дарҳақиқат, аввалига Камолпошанинг сафдоши бўлган кейинроқ айрим қарашлари бир-бирларига тўғри келмагани учун йўллари айрилган усмонли генерали Анварпоша 1921 йилнинг 16 октябрь куни Бухорога келди. Республика раҳбари Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва ҳарбий вазир Абдулҳамид Ориф билан кўришади. Унинг мақсади озодлик ҳаракати – «босмачилар» қаторида русларга қарши курашмоқ бўлган.

Тошкентга келмасдан олдин у Боку ва Москвада бўлган. Руслар ундан Туркистонда инқилобий ҳаракатларни кучайтириш ҳамда аксилшўровий кучларни бостириш йўлида фойдаланмоқчи бўлади.

Пошанинг иттиҳодчи дўстлари – Нурипоша ва Кичик Талъатбейлар унинг руслар билан жангга киришишини истамасдилар, турли ҳийлалар ўйлаб топиб, уни Туркияга қайтармоқчи бўладилар. Ҳатто Россия элчиси Еренеев ҳам генерални мақсадидан қайтара олмайди.

Анварпошага «қизиллар»га қарши курашда олдинги сафда бўлган Шермуҳаммадбек кўрбоши билан кўришиш насиб этмайди, аммо улар тез-тез мактуб орқали фикр алмашиб турадилар. Ўзбек қўмондонининг розилиги билан турк генерали Шарқий фронтда жангга киради. Муваффақиятли бошланган кураш 1922 йилнинг ўрталарига келиб орқага кета бошлади. Анварбей 4 август куни русларнинг дайди ўқидан ҳалок бўлади ва ҳозирги Тожикистон ҳудудида дафн этилади.

1996 йилнинг август ойида Анварпоша хоки Истанбулга келтирилади.

Генерал шаҳид кетгач, унинг поччаси Сомийпоша Қушчибоши (Салимпаша) Анварпошанинг ўрнини эгаллайди.

Юқорида таъкидлаганидек, Усмонли салтанати ва хонликлар ўртасида маърифий алоқалар ҳеч қандай вазиятда ҳам узилмайди. Ўтган асрнинг 20-йилларига келиб, Усмонли давлати ва Туркистон ўлкаси ўзаро талабалар алмашинувини йўлга қўяди. 1922 йили туркистонли етмиш нафар талаба Олмонияга ўқишга юборилган пайтда, Туркия ҳам 25 нафар ўқувчимизни қабул қилади.

Ҳатто бир-биридан 4–5 минг километр узоқликда яшашларига қарамай ўзбек турклари ва онадўлилик турклар бир хил алифбо қўллардилар. Диққат этилса 1929 йилгача ўзбеклар ва турклар ўқиш ва ёзишни араб алифбосида амалга оширганлар. Ундан кейин баб-баравар лотин графикасига ўтганлар. Совет раҳбарияти бундан анча шубҳага бориб, ўзбекларни 1940 йилда кирилл алифбосига ўтишга мажбур қилади.

Жадидлар ҳаракатининг йўлбошчиларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий 1906 ва 1914 йилларда Истанбул орқали ҳажга боради. Охирги зиёрати тўғрисида Усмонли давлати ва унинг пойтахти тўғрисида ўзининг «Ойна» журналида туркум мақолаларини эълон қилади. У 13 кунлик саёҳати давомида шаҳардан, унинг бетакрор бўғоз манзараларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашади.

Беҳбудий 1918 йилда учинчи марта Истанбулга бориш учун отланади. Америка тарафидан ташкил этилган большевикларга қарши курашга бағишланган конференцияда қатнашишга ҳозирлик кўради. Йўл тадорикларини битиргач Бухорода қўлга олиниб, қатл этилади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий Истанбулда таълим олаётган туркистонлик талабалар тўғрисида на журнал саҳифаларида, на ўзаро суҳбатларда бир оғиз гап гапирмайди,

ёзмайди. Ҳар ҳолда талабалар билан махфий учрашувлар ўтказган бўлиши керак, деб тахмин қилади турк манбалари. Ошкора бу ҳақда хабар бермаганига сабаб, олим доим руслар томонидан таъқиб этилган.

Ана шундан кейин турклар билан алоқалар 70 йил ҳасратда қолади. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирида «қайта қуриш» даврида борди-келди бошланиб, Мустақилликдан кейин том маънодаги қардошлик ришталари қайтадан тиклана бошланди.





## ЎЗБЕК «ТАККА»ЛАРИ

Усмонли ҳамда ўзбек амирлиги ва хонликлари ўртасидаги муносабатларда ҳажга бориб-келиш мавзуси муҳим ўрин тутган. Биринчидан Макка-ю Мадина Усмонли салтанати тасарруфида бўлган, иккинчидан пойтахт Истанбул орқали ҳажга бориш мовароуннаҳрликлар учун энг хавфсиз йўл ҳисобланган.

Йўловчиларнинг ҳаж йўлида бироз ҳордиқ олишлари учун XVII асрга келиб замонавий карвонсаройлар қуриш ишларини амалга ошириш бошланган. Турклар уларни «ўзбеклар таккаси» ёки «Бухоро таккаси», деб атайдилар. Давлат архиви ҳужжатларида 1882 йилда Истанбулда бўлган 52 «такка»нинг 11 таси туркистонлик шайхлар томонидан бунёд этилгани айтилади.

Бошқа маълумотда келтирилишича, 1809–1826 йилларда Онадўлу (Осиё) тарафидаги Ускудардаги «такка»да 254 мусофир меҳмонга хизмат кўрсатилгани баҳс этилади.

Бундай меҳмонхоналар усмонли пойтахтидан ташқари, Онадўлу, Қоҳира, Бағдод, Макка ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бугунги кунда ана шундай «такка»лардан Истанбулда иккита – биттаси Европа, иккинчиси Осиё қисмида сақланиб қолган.

Иккисидан ҳам шаҳар ҳокимияти таълим ва маданият марказлари сифатида фойдаланмоқда. Этник ўзбекларимиздан, фидоий жонкуяр ҳамшаҳарларимиздан Чигатой Кочар билан дўстона, самимий ва ижодий ҳамкорлик ўрнатган эдик. Истанбулда янги иш бошлаган давримдан бошлаб, куюнчаклик билан у киши бу икки «такка»ни Ўзбекистон ўз тасарруфига олиши керак, деб

такрор-такрор қайтаришдан астойдил чарчамасди. Ҳатто Бош консулхонани айнан ўша ерга жойлаштириш лозим ва бунинг учун қўлдан келадиган ва келмайдиган ишларни бажариш шарт, деб қаттиқ тайинлар, бунинг учун мамлакатимизнинг маънавий ҳаққи бор, деб уқтиришдан толмасди.

Ростдан ҳам бу карвонсаройларнинг айримлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги маблағлари ҳисобидан ўзбек усталари томонидан бунёд этилгани тўғрисида гапирилади.

Ўзбекистон-Туркия муносабатлари яхши бўлиб турган тақдирда бунинг уддасидан чиқиш мумкин бўларди, ҳозир қиладиган барча ҳаракатларимиз чикора, дердим вазиятга холис баҳо бериб. Чиғатой ака: «Жилла курса мамлакатдан бир энлик хат ташкил этиш мумкин эмасми?», – дея Худонинг зорини қилган пайтлари ҳам кўп бўлган.

Султон Аҳмад майдонидаги «такка» 1692 йилда Нақшбандия тариқатининг мансубларидан Шайх Дарвиш томонидан қурилган. 1925 йилда Мустафо Камол Отатурк фармони билан Усмонли салтанатига тегишли барча ижтимоий даргоҳлар, шу жумладан, барча «такка»ларни ёпиш юзасидан қарор чиқаради. Бунинг натижасида бу карвонсаройдан «Туркистон турк ёшлари бирлиги», «Турк маданият жамияти», «Туркистонлиларга ижтимоий ва маданий кўмак» ва «Туркистон талабалар бирлиги» биноси сифатида фойдаланилган. Энг сўнгида чет элдан келган турк ва маҳаллий муҳтож оилаларнинг талабаларини дастлабки ўқитиш масканига айлантирилади.

Тахминан 1960 йилдан бошлаб йигирма йилча «Туркистонликларнинг ётоқхонаси» бўлиб хизмат қилган «карвонсарой»ни Чиғатой ака билан айланиб юриб, иккинчи қаватдаги шинам бир хонага кириб ўйга толдилар. Биз ҳам уларнинг хаёлларини бўлгимиз келмади. Бироздан кейин у киши ўзларига келиб:

- Олий ўқув юртида таҳсил олиш даврида мана шу хонада тўрт йил яшаганман. Қорнимизни ҳеч қачон тўқлаб юрмаганмиз. Қуруқ чой-нонга қолган кунларимиз ҳам кўп бўлган. Этник ўзбек дўстларим Соғлом Ясса ва Халил Тўралар билан бирга ётиб, бирга турардик, топган нонни бўлишиб ердик, - хўрсиниб эсладилар бундан эллик йил аввалги кунларни эслаб.

Айюб Султон маҳалласидаги мусофирхонани 1743 йили Лализода Абдулбоқи афанди бунёд эттиради. Бу жойдан шунингдек, қаландархона сифатида ҳам фойдаланилган. Афсуски, ҳозирги кунга қадар у сақланиб қолмаган.

Учинчиси (1752–1753 йиллар) Осиё тарафидаги Ускудар маҳалласида бўлиб, у Мараш волийси Абдуллоҳ поша томонидан қурдирилган, Мурод III даврида самарқандлик Шайх Абдулакбар афанди тарафидан кенгайтирилган. 1884 йилда эса Султон Абдулмажид замонида бугунги ҳолга келтирилгани айтилади.

Бу карвонсарой Истанбулни душманлардан озод этишда (1919–1922 й.) кўп хизматлар берган, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жуда муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун бу ҳақда батафсилроқ маълумот бериш керак бўлади.

Бу «чойхона» муҳим стратегик баландликда жойлашган бўлиб, штаб ва кузатув маркази вазифасини бажарган. Шаҳарнинг Европа томонига йўл айнан ана шу карвонсарой орқали ўтган. Ҳарбийларнинг жанговар ҳаракатлар режаси худди шу ерда муҳокама қилинган экан.

Бундан ташқари «такка» худудида маҳаллий қабристон ҳам жойлашган. Бу ерга тобутда майит ўрнига яширилган қурол-яроғлар ташилар экан, бундай ҳаракатдан душманлар заррача шубҳа қилмас эмиш. Қолаверса бу маскан уруш мобайнида хасталарни даволаниш маскани бўлиб ҳам хизмат қилган.

Юқоридаги бу мисолларни менга Истанбулда хизмат вазифамни янги бошлаган 2005 йилнинг охирида шаҳар

мэри Қодир Тўпбош шахсан гапириб берган эди. Ўшанда мен у кишининг олдига эҳтиром ташрифи билан борган эдим.

Карвонсарой худудидаги қабристонда Бухоро совет халқ республикаси марказий ижроия қўмитаси раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев, этник ўзбеклардан чиқмиш миллиардер Аҳмад Эртуғул, унинг оиласи ва бошқа Усмонли салтанатининг қатор таниқли кишилари дафн этилган.

Такиянинг чоғроққина хоналарида Ўзбеккангай оиласи истиқомат қилади. Бу оила карвонсаройнинг ўтган асрнинг 20-йилларидаги энг сўнгги шайхларидан Иброҳим афандининг авлоди экан. Ёшлари 70 дан ошган чол-кам-пир ҳукуматдан рози эканини айтади. «Бутун бошли карвонсаройдан бизни чиқариб ташлашмади, ота-боболаримиз ҳаққи ҳурмати уй-жойимизни сақлаб қолишди. Бунинг эвазига қабристонни супуриб-сидириб турамиз, савоб ҳам ишлаймиз», – деганди оилабоши.

Оиланинг энг кичиги Эда хоним рассом, санъаткор. Биз билан суҳбатда у ота-боболаримиздан мерос эбру санъати ишини давом эттирмоқдаман, деди фахрланиб. Бизга асарларидан намуналар кўрсатиб, Ўзбекистонда уларнинг намойишини ўтказсам, деган ният билдирган эди.

Ҳақиқатан ҳам эбру санъати ўрта асрларда Бухорои шарифда шаклланиб, XVIII-XIX асрларда Константинополга етиб келади. Эбру санъатидан ҳосил бўладиган расмлар махсус сувлар устига ранг-бўёқ сачратиб ишланади.

Эбру – сувда сурат чизиш санъатидир. Рассом махсус идишдаги сувда бўёқлар билан сурат чизади ва уни махсус қоғозга ўтказади. Бугунгача етиб келган тасвирларнинг мукамаллиги бу санъатнинг ўрта асрларда бизнинг ҳудудда пайдо бўлгани фахрлидир. Бизнинг баъзи санъатшунос олимлар ҳалигача эбрунинг қачон ва қачонда пайдо бўлгани ҳақида ягона хулосага келишмаган,

деб янглиш маълумотлар беришади. Турк олимлари тарихий манбаларга асосланиб, унинг Бухорода пайдо бўлиб, Эрон орқали туркларга етиб келганини эътироф этадилар...

Ота-боболаримиз ўзларидан кейин Онадўлу тупроқларида фақатгина «таккалар» қолдириб кетмаганлар, янги замонавий Туркия пайтида ҳам қатор хотиралар қолдиришган. Масалан, Адананинг Синанпоша ва Козим Башар маҳаллаларида масжидлар борки, уларни бизнинг ҳамшаҳарларимиз бунёд этишган. Чиғатой Кочар билан бу жойларни кезганмиз.

1965 йилда ибодат учун очилган «Туркистон» масжидида лавҳа бор, унда «Меҳмет Миндан тарафидан Аллоҳ розилиги учун иншоот этилмиш», деб ёзилган.

М.Минданнинг кичик қизлари Муқаддас хоним Истанбулда тиш дўхтири. 2000 йиллардан бери Бош консулхонада ишлаган барча ходимлар, хусусан камина ҳам, у кишининг хизматидан фойдаланган. «Бизга саломатлигимиз ҳимояси учун давлат мақсадли маблағ ажратган, агар уни истамасангиз киссамиздан хизмат ҳақини тўлаймиз», деган зору ёлворишларимизга қарамай, салкам йигирма йилдан бери ватандошларига холисанлиллоҳ хизмат қилиб келаяпти.

– Биз олий таълим олаётган пайтда, амалиёт дарсларида ва, ҳатто, ўқишни битиргач уч йил бу давлатга бепул хизмат қилганмиз. Нега энди мен ота юртимдан келиб, бу ерларда мусофирчиликда юрган ҳамшаҳарларимга беминнат хизмат қилмаслигим керак, – дерди Муқаддас хоним астойдил бизга хайрихоҳлигини билдириб.

Уларнинг оналари Кавсар хоним ва бошқа қариндошлари тўғрисида кейинги лавҳаларимизда сўз юритамиз.

Узоқ йиллар Аданада яшаб, 1987 йилда Саудия Арабистонида вафот этмиш Жалолиддин Туркистоний ҳақида кўп илиқ гаплар айтиб беришди. Улар ҳам ўзларидан



хотира сифатида 1984–1985 йилларда «Туркистон – 2» ма-  
читини бунёд этиб, авлодларга, ҳамшаҳарларига қолдириб  
кетган.

Ўзидан кейин Аллоҳ розилиги учун бундай хотиралар  
қолдириб кетган ҳамшаҳарларимизнинг Туркияга бемин-  
нат хизматлари кўп сингган. Уларнинг барчасини Яратган  
ўз раҳматига олсин!





## ИСТАНБУЛ ВА УСМОНЛИНИНГ ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШИДА - ЎЗБЕКЛАР

Усмонли давлати билан Туркистон халқлари ўртасида шаклланган алоқалар XIX асрнинг охирларига келиб анча сусайди. Чор Россиясининг аср охирига келиб ўлкани босиб олишга зўр берганида амирлик ва хонликлар усмонлилардан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. Вазиятга қараб зарур кўмак олинган, деб юқорида ҳам айтиб ўтган эдим.

– Биринчи жаҳон уруши даврида ўзи истамаган тарзда коалицияга қўшилган Усмонли империяси охир-оқибатда яна ўзи ночор аҳволда қолади. Унинг ҳудудини талон-торож қилиш бошланади. Мустафо Камол (у даврда ҳали Отатурк номини олмаган эди) бошчилигидаги миллий-ватанпарвар кучлар хорижий ҳарбий интервенцияга қарши қуролли кураш бошлайдилар, – дейди профессор Абдулваҳоб Кара.

Абдулваҳоб Кара этник қозоқ. Тарихчи дўстимиз турк дунёсининг тарихи, тили ва маданияти ҳамда Туркистон бўйича тадқиқотлар олиб борган. Маълум муддат Усмонли давлат архивида ишлаган. Турли мавзулардаги ўн бешга яқин китоблари босилган.

Туркистондан ҳам имкон қадар ёрдам келиб турган, халқ томонидан амалий кўмак берилган. 1912 йилда Болқон жанги учун Туркистон халқи 40 минг сўм пул жўнатган. Русларнинг махсус хизмати ҳужжатларига кўра, 1913 йилда қўқонликлар 39 минг рубль ёрдам пули тўплаб, Истанбулга юборганлар. Бухоролик йирик тижоратчи

Абдулраззоқ афанди шахсий ҳисобидан 25 минг сўм пулни қардош халққа душманлар билан кураш учун йўллаган.

Биринчи жаҳон уруши тугаши билан Истанбул Британия, Франция ва Италия қўшинлари босқини остида қолади.

Айни ўша даврда Туркистон ўлкасида ҳам жиддий сиёсий ўзгаришлар амалга оша бошлайди. Мустақил ҳисобланмиш хонлик ва амирликлар тугатилиб, ўрнига икки кичик – Бухоро ва Хива халқ совет республикалари қурилади. Бухоро республикаси анча фаол бўлиб, Анқара ҳукумати билан муносабатларни йўлга қўяди. Анқара ҳам Бухоро совет республикасини таниган тўртта хорижий давлатлардан бири бўлиб тарихга киради. Бундан ташқари Мустафо Камол 1921 йилнинг июль ойида Туркистонга Исмоил Субҳи Сойсаллиўғли бошчилигидаги ҳайъатни юбориши икки томонлама дўстона муносабатларнинг ўрнатилганидан дарак беради.

Қисқа замонда жавоб ташрифи ҳам амалга оширилади. Икки тажрибали дипломат Меҳмет Ражаб ва Туркияда таълим олган Меҳмет Назарийларнинг Анқара сафари ҳукумат ва парламент алоқаларининг тўғридан-тўғри ўрнатишга бўлган интилишнинг тасдиғи сифатида кўриш мумкин.

Бухоронинг иккинчи ҳайъати ўша йилнинг декабрида Анқарага етиб келади, Мустафо Камол уларни жуда илиқ қарши олади. Ўша замоннинг ноёб совғаси бўлмиш Қуръони каримнинг қўлёзмаси ва уч дона олтиндан ишланган қилич совға қилинади. Бу учрашувда Мустафо Камол меҳмонларга «азиз қариндошларим» деб мурожаат қилгани айтилади.

Шундан кейин Қуниё волийси Ғолиб поша Бухоро совет республикасига элчи этиб тайинланади.

Суҳбатларимизнинг бирида Абдулваҳоб Кара илтимосимизга кўра, архив ҳужжатларига асосланиб, қуйидагиларни гапириб берган эди:

– Мушкул аҳволга тушиб қолган Мустафо Камол, бир манбада Ташқи ишлар вазири Юсуф Камол Тенгиршенкни, бошқасига кўра турк миллатчиси Бекир Сами Бей бошчилигидаги ҳайъатни 1921 йилда Владимир Ленин ҳузурига ёрдам сўраб юборади. Ҳайъат Совет давлати раҳбарияти томонидан қабул қилинади. Айни ўша пайтда Петербургда бўлиб турган Бутун Бухоро марказий ижроия кўмитаси раиси Усмонхўжа Пўлатхўжаев ва Бухоро халқ нозирлар шўроси раиси Файзулла Хўжаев ҳам музокараларда иштирок этадилар.

Ленин туркларга мамлакатдаги оғир вазиятни баҳона қилиб, ёрдам беришдан бош тортади. Шу билан бирга Бухоро раҳбариятидан туркларга имкон қадар кўмаклашишни сўрайди.

Бу воқеадан биров аввал Анқара ҳукумати Бухоро совет халқ республикасини биринчилар қаторида расмий тан олган эди. Табиийки, бу қардош турк биродарларига ёрдам бериш мажбуриятини юклар эди. Мамлакатга қайтган раҳбарият қардош ўлкага бериладиган маблағ ҳажми устида узоқ бош қотиради. Бухоро ҳукуматидаги узоқ тортишувлардан сўнг 100 миллион олтин рубль (бир олтин рубль 0,774234 тоза олтинга тенг эди) ажратишга келишилади.

– Энг ачинарлиси, – дейди профессор, – бухороликлар бу кўмакнинг Лениннинг Петроград орқали манзилга етказилиши талабини инкор этолмайдилар.

Расмий турк манбаларига кўра, Туркияга бор-йўғи 11 миллион (?) ёрдам пули етиб боради, қолган 89 миллион олтин тангалар Россияда қолиб кетади (!).

«Шу оз маблағ ҳам Истанбулни душманлардан озод этишда муҳим ўрин тутган», деб эътироф этилади турк манбаларида.

Ўша пайтда Бухоронинг янги армиясини шакллантиришда иштирок этаётган собиқ турк офицери (у Россиядаги асирликдан озод қилинган эди) Рожи Чақирўз ўз

хотираларида олтинларнинг саналиб, вагонларга ортирилганини ўз кўзи билан кўрганини қайд этади.

Москвада Ленин билан музокара олиб борган Туркия ҳайъати раҳбари Юсуф Камол Тенгиршенк орадан 50 йил ўтгандан кейин чоп этган хотираларида бу ҳақда гапириб ўтади. 1971 йилдаги ёзувида Бухоро Халқ Кенгаши Республикасидан қайтариб бермаслик шарти билан 11 миллион рубль олинганини тасдиқлайди.

Натижада озодлик кураши 1922 йилнинг 30 август кунини туркларнинг ғалабаси билан якун топади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида «Олтин вагон» номли ҳужжатли фильм намойиш этилган эди, юқорида тасвир этилган воқеалар ўша асарда ҳам ўз ўрнини топган, дейди ўзбек тарихчилари.

Аданага борганимда туркистонликларга ижтимоий ва маданий ёрдам кўрсатиш жамияти раиси Илкер Мадани, Чиғатой Кочар ва Абдулла Қуёш мени Тарсусга олиб боришди. Аданадан тахминан 40 километр узоқликда жойлашган шаҳар қабристонидан 1933 йилда ўрнатилган хотира мақбараси бор. Унинг тагида Ҳожи Йўлдош ва унинг сафдошлари номлари қайд этилган. Дуои фотиҳалардан кейин ҳамроҳларим бунинг тарихини айтиб беришди.

Биринчи жаҳон урушидан аввал ҳаж ибодатини амалга ошириш йўлида 40 дан зиёд ўзбеклар Истанбулга келдилар. Бу пайтда усмонли аскарлари Болқон урушида жон олиб-жон бераётган экан. Йигитлар ҳеч иккиланмасдан усмонлилар тарафида жангга кирадилар. Уруш битгач, ўз мақсадлари йўлида давом этадилар.

Ҳаж ибодатини бажариб, 1918 йилда Туркистонга қайтиш йўлида Чукурова минтақасида тўхтаган йигитлар тўғридан-тўғри усмонлиларнинг озодлик ҳаракатига қўшилишади.

Французларга қарши жангда иштирок этган 26 нафар туркистонликдан 16 нафари ҳалок бўлади. Улардан икки нафар ҳамшаҳримиз Ҳожи Йўлдош ва Саид Туркистоний

минтақани француз истилосидан озод этишда алоҳида мардлик ва садоқат намуналарини кўрсатишади. Шунингдек, наманганлик Ҳожи Абдуллоҳ Акер (Ҳофиз Абдуллоҳ), тошкентлик Ҳожи Усмон ва туғилган жойлари номаълум Абдужалил Ўзгул, Абдурахмон ва Иноятхонлар ҳам Ҳожи Йўлдош билан баробар жангларда фаоллик кўрсатдилар.

1884 йилда Марғилоннинг Қумтепа қишлоғида туғилган Ҳожи Йўлдош жанг давомида французларга нисбатан ҳарбий ҳийла ишлатади. Қоронғу тушишини пойлаб туриб, икки француз жангчисига ташланади ва уларни ўлдиришга мувафақ бўлади. Мард ўзбек ўғлони французларнинг икки дона винтовкасини қўлга туширади ва улар миллий армиянинг жанглардаги муваффақиятида муҳим роль ўйнайди.

Ҳожи Йўлдош Ийди Қурбон куни шаҳид кетади. Унинг қаҳрамонликлари узоқ йиллар тилларда дoston бўлади.

Ҳожи Йўлдошнинг ўша пайтларда кўрсатган мардлик ва жасоратини Туркия Президенти Ражаб Таййиб Эрдўғон ҳам Ўзбекистонга ташрифи давомида алоҳида таъкидлаб ўтади. 2018 йилнинг 30 апрель куни Олий Мажлис палаталарига мурожаати давомида Чукурова минтақасида бўлиб ўтган бешафқат жанглар ҳақида гапира туриб шундай дейди:

– Муборак ҳаж сафаридан бугунги Туркия ерларидан мамлакатларига қайтишда менинг юртимни душманлардан озод этишда ўзларининг жонлари, моллари ва дуолари билан қатнашган туркистонлик кўнгилли Ҳожи Йўлдош ва унинг сафдошлари хотирасини абадий ёдда тутамиз, – деб баёнот берган эди.

Тарсусда, шунингдек, XIV асрда яшаб ўтган туркистонлик Абдуллоҳ Менжек номига мўъжазгина Менжек бобо масжидини кўриб роса севиндим. Айтилишича, у киши ҳам ислом ахлоқини Усмонли тупроқларига ёйиш учун Мовароуннаҳрдан келганлардан экан.

Бу ерда яна тарихи юз йилларга борадиган Туркистон кўчаси бор. Тахминларга кўра, ўша замонларда ҳамшаҳарларимиз тўп-тўп бўлиб бу ерларда яшагани учун юрт номи-ни кўчага беришган.

Ариқли қишлоғида самарқандлик Шайх Муҳиддин Самарқандий ҳазратларининг қабри мавжуд.

Тарсусдан Анқара йўлида Мерсинга етмасдан Тошкент номида кичик мавзе бор. Бу ерда ҳам кўплаб ҳамшаҳарларимиз истиқомат қилишган, деган хулосага келишимиз мумкин, деганди Чиғатой ака.

Мовароуннаҳрлик бўлажак ҳожилар Константинополдан кейин XVIII асрда қурилган Тарсусдаги (Чукурова минтақаси) «ўзбек таккаси»да қолиб кейин йўлни давом эттирардилар. Ҳар замон карвонсаройни ўзбек шайхлари бошқарганлар. Озодлик курашидаги хизматлари учун ўзбек шайхи Ота афанди Мустақиллик медали билан тақдирланган.

Бу Озодлик кураши мавзуида Туркия давлат раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатидан яна иқтибос келтиришни лозим билдик.

– Бухоро амирлиги хазинасидан Туркияга ёрдам юборилишини ҳеч иккиланмасдан қўллаб-қувватлаган Бухоро парламенти вакиллари ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбек қардошларимиз турк армиясининг муваффақиятини худди ўзининг ғалабаси деб қабул қилган. 1922 йил октябрь кунлари Тошкентнинг Эски шаҳар қисмининг Жума майдони ва Минораи калон майдонида бухороликлар Онадўлудаги қардошларимизнинг зафарини қутлаб митинглар ташкил этганлар. Масжидларда шаҳидлар хотирасига хатмлар қилинган!

1922 йил 16 июль куни «Бухоро ахбори» газетасида турк қардошларининг буюк ғалабаси тўғрисида йирик мақола босилган бўлса, ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Онадўлу зафарига бағишлаб шеър ёзади, дея Р. Т. Эрдўғон бу шеърдан парча

ўқиб бериб, Олий Мажлис вакилларининг давомли қар-  
сакларига сазовор бўлади.

Бухоро халқ совет республикаси раҳбарларидан бири бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжаев 1923 йили Афғонистон орқали Туркияга келади. Унинг ўғли – АҚШнинг Мичиган университети профессори Темур Хўжаўғли китобларида англатишича, Истанбулдаги озодлик курашидаги кўмак-лари учун Мустафо Камол у кишини жуда илиқ қарши олади ва унга миллат вакиллари – депутатлар оладиган миқдорда ойлик маош белгилайди. Бухоро амалдорининг вафотидан кейин унинг беваси бу маошни олишда давом этади.

Бу шингил келтирган мисолларим билан озгина бўлса-да туркистонликларнинг Туркия, хусусан, Истанбул озодлик курашига қўшган беминнат ва бегидир ёрдам-лари тўғрисида тасаввур пайдо қилсин, деб китобхонларга илиндим.





## АНҚАРА АЭРОПОРТИ КИМНИНГ НОМИ БИЛАН АТАЛГАН?

Анқара аэропорти Европадаги энг катта ва мухташам ҳаво дарвозаларидан бири ҳисобланади. Унинг номи – Эсенбога. Қизиқми? Бу қандай инсон? Ким ўзи у?

Бу каби саволларга анчагача жавоб ололмадим: на тарихчи олимлар, на кўпни кўрган суҳбатдошлар елка қисиб кўйишдан нарига ўтишолмади. Қизиқ-да, аксари зарурат туғилганидагина бир нарсалар ҳақида билгимиз келади, суриштириб қоламиз. Ортиқча бош оғритгимиз келмайди-да.

Хуллас, Анқара аэропортининг номланиши билан боғлиқ қизиқишларим жавобсиз қолаверди. Ўз вақтида республикачилар партиясининг бир қатор фаоллари пойтахт аэропорти номини ўзгартириш ташаббуси билан чиқишган. Мустафо Камол Отатуркнинг сафдоши, Жумҳуриятнинг илк Бош вазири, давлатнинг иккинчи президенти Исмат Инюню номини бериш таклифи илгари сурилган. Илк уриниш 1992 йилда бўлган, кейингиси – 2000 йилда.

Мамлакатнинг йирик аэропортлари давлат раҳбарлари номи билан аталиши асослаб гапирилади. Дарҳақиқат, энг катта аэропорти биринчи президент Мустафо Камол Отатурк, Истанбулдаги иккинчи аэропорт – биринчи учувчи аёл Сабиҳа Гекчен, Измирдагиси – ўтган асрнинг 50-йилларида Бош вазир бўлган Аднан Мендерес, Испартадаги аэропорт президент Сулаймон Демирэл номида эди.

Жамоатчилик Исмат Инюню исми аэропортга ярашадими-йўқми, деб тортишувни қиздириб турган, аэропортга Эсенбога номи «номзодлиги» масаласи кўтарилган бир пайтда «Хурриет» газетасида чоп этилган бир мақола барча тортишувларга чек қўйди. Газетанинг 2000 йил 31 декабрь сонида эълон қилинган мақолада таниқли тарихчи олим, профессор Мурод Бардакчи шундай ёзган:

«Эсенбоганинг тўғри номи «Исон Буга»дир. Бу инсон номи, Амир Темур лашкарбошиларидан бирининг исми-

дир! Бу қўмондон 1402 йилдаги Анқара жангидан қолмиш мудҳиш бир хотирадир».

«Эсонбуга» сўзининг биринчи қисми «эсон» эмас, балки «исон», яъни бахт маъносини англатади, иккинчи қисмдаги «бога» эса «буқа» деганидир. Тўлиқ маънода Эсонбуга – бахтли, гўзал, яхши ва соғлом буқа маъносини беради.

Исон Буга Осиёдаги турк императорларидан бири Чигатой ҳукмдорлиги даврида яшаб ўтган. Хизр Хўжанинг невараси ва Увайс хоннинг ўғлидир, аждоди Чингизхонга бориб тақалади. У Чингизхон авлодига мансуб бўлгани учун хон унвонидан воз кечади. Соҳибқирон билан юрт кезади, жангларнинг олд сафида бўлади. Ривоятларга кўра, Анқара урушида филларни жангга тайёрлаш ва уларни майдонда бошқаришда, қолаверса жангда турк армияси устидан қозонилган ғалабада Исон Буганинг хизмати катта бўлган.

2018 йилнинг сентябрь ойида Туркия Буюк Миллат мажлиси раиси Бинали Йилдирим Ўзбекистонга расмий ташриф буюради. Делегация таркибида таниқли тарихчи, публицист Мурод Бардакчи ҳам бор эди. Самарқанд ва Бухороларга сафар давомида у киши билан бафуржа суҳбатлашиш имкони бўлди. Ўшанда такрор Анқара аэропорти тарихи ва мени қизиқтирган бошқа мавзуларга батафсил маълумотлар олдим. Янги ҳукумат зудлик билан пойтахтда янги аэропорт мажмуасини бунёд этишга киришади.

Янги ном танлаш жараёни давом этаётганда, деди олим, топономик комиссия аъзоларидан бири аэропорт номини шу қишлоқ номи, яъни Эсонбога, деб аташ таклифини илгари суради. Шу онда ортиқча баҳс-мунозараларга барҳам берилади ва Анқара аэропортига Эсонбога номи берилиши расмийлаштирилади.

Бу тўғрида бирон ҳужжат сақланиб қолмаган, аммо бу исбот талаб қилинмайдиган факт, деб қатъий уқтирди Мурод Бардакчи.

Яна бошқа факт шундаки, Эсонбога – тарихий шахс, Амир Темурнинг лашкарбошиларида бири!



## НАСРИДДИН АФАНДИ ҚАЧОН ЯШАБ ЎТГАН?

Халқимиз орасида Насриддин афандининг латифаларини эшитиб, ундан завқланмаган инсон топилмаса керак. Унинг ичакузди ҳангомалари оғиздан-оғизга ўтиб келаётганига қанча йиллар бўлганини эса ҳеч ким аниқ айтмайди ва шунинг натижасида Насриддин афанди халқ оғзаки ижодида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг маънавий қаҳрамонларидан бири деган тўхтама келинган, вассалом.

Чиндан ҳам шундаймикан?! Наҳотки, Насриддин афандининг ўзи ёки бу образ яратилишига туртки бўлган аниқ тарихий шахс бўлмаса?

Хизмат сафари йилларида турли тадбирларда, мулоқот ва суҳбатлар чоғида шу сингари саволларга ўзимча жавоб излашни кўнглимга тугиб қўйгандим. Ният холис экан, аста-секин маълумотлар йиғила бошланди.

Аввало, биз Насриддин афанди, деб билган зотни Туркияда Хўжа Насриддин, озорлар Мулла Насриддин, қозоқлар Хўжа Носир, туркманлар Эпенди деб аташар экан, латифалари Тожикистон, Эрон, Россия, Хитой, Юнонистон, Сербия, Хорватия ва Босния каби давлатларда ҳалигача сақлаб қолинган.

Баъзи халқларда уни мўътабар шахс сифатида ҳурмати бажо келтиришган ҳам. Бухоронинг Лабиҳовуз мажмуасидаги Насриддин афанди ҳайкали, шунингдек, Озарбайжон пойтахти Бокуда, Туркиянинг Оқшаҳар ва Сивриҳисор шаҳарларида, Москвада, Усть-Каменогорск (Қозоғистон), Харьков (Украина)да унинг ҳайкаллари борлиги кичик гап эмас. Насриддин афандининг турк дунё-

сидаги машхурлигига унча-мунча тарихий инсон ҳавас қилса арзийди! Бу муболаға эмас.

Туркия оммавий ахборот воситаларида Насриддин афандига бағишланган қатор мақолаларни ўқиб, камига турк олимлари билан суҳбатлардан унинг ўша мамлакатда яшаганига шубҳам қолмагандек десангиз.

Илк бор Насриддин афанди тўғрисида Сервет Қобаклидан эшитган эдим. Бу инсоннинг Истанбулдаги Султон Аҳмат номидаги майдоннинг жануб томонида «Туркистон ош уйи» қаҳвахонаси бор, касби журналист. Нима бўлдию, Истанбулда хизмат қилаётган мусулмон давлатлар Бош консуллари учун ифторлик ташкил этиш масаласида унга маслаҳатга бордим. Шунда мезбон билан Насриддин афанди хусусида суҳбатлашиб қолдик. Серветбей анча-мунча зиёли оила вакили, жияни Истанбул консерваторияси ўқитувчиси Асад Қобакли ҳар жума оқшомида мазкур қаҳвахонада яккахон концерт беради. Мухлислар сиғмай кетади.

Сервет устанинг акаси Аҳмад Қобакли эса филология фанлари доктори, профессор бўлган. Укасининг айтишича, акаси илмий асарларида биз билган ва ардоқлайдиган Насриддин афанди XIII асрда Салжуқийлар даврида яшаб ўтганини ёзган. Шоир ва закий бу инсон Сивриҳисорнинг Хорту қишлоғида 1208 йилда дунёга келган. Ака-укалари билан қишлоқ масжидида таҳсил олган, отаси Абдуллоҳ имомнинг вафотидан кейин Сивриҳисордаги мадрасада таълим олишни давом эттирган. Ўқишни ниҳоялагач, қишлоғига қайтиб, отасининг домлалик маслагини давом эттирган.

1237 йилда Эскишаҳарга кўчиб ўтади. Мадрасада дарс беради. Ўзаро суҳбатларда ҳозиржавоб, адолатсевар ва тўғрисиўзлиги билан танила бошлайди.

Ҳаётининг охириги ўн йилликларини Оқшаҳарда ўтказади ва 1284 йилда шу ерда вафот этади. Халқ орасида тарқалган латифаомуз гапларга қараганда, қабристон

тевараги девор билан ўралмаган бўлса ҳам кираверишга ўрнатилган дарвозада катта қулф осифлиқ туради. Шу билан Ҳақ раҳматига қовушгандан сўнг ҳам Насриддин афанди одамларни кулдириб юрибди, дейишади турклар.

Насриддин Афанди Мавлоно Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Ҳожи Бектош Вали, Саид Маҳмуд Ҳайронийлар билан замондош бўлган. Аммо буюк сиймолар билан кўришиб-кўришмагани тўғрисида маълумот сақланмаган.

Тарихий манбаларда Насриддинхўжанинг Оқшаҳарда мадраса қургани ва у ерда ўзи фикҳдан дарс бергани ёзилади.

Афандининг ҳангомалари йиллар ўтса ҳам унутилмаган, аксинча ундан қолган мерос тўлдирилиб, бойитиб келинмоқда. Илк бор 1837 йилда Истанбулда унинг латифалари тўплами чоп этилади ва тез орада турк дунёсига тарқалади. Кейинги асрда Европа ва рус тилларига таржима қилинади.

1862–1863 йилларда биринчи марта ўзбек тилида тош босма усулида нашр этилади. Унинг ким томонидан босмага тайёрлангани ҳам аниқ эмас.

Рус ёзувчиси Леонид Соловьевнинг «Хўжа Насриддин тўғрисида ҳикоялар», Шапи Казиевнинг «Насриддиннинг олтин эшаги», шунингдек, Озарбайжонда кўп асарлар ёзилган, ҳатто «Мулла Насриддин» номида ҳажвий журнал ҳам чоп этилган.

Шўролар даврида Афандига бағишлаб кўплаб фильмлар суратга олинди. Хусусан, «Насриддин Бухорода» (1943 й.), «Насриддиннинг саргузаштлари» (1946), «Насриддин Хўжандда ёки шаҳзоданинг мафтунни» (1959) ва «Хўжа Насриддиннинг 12 қабри» (1967) шулар жумласидандир. Мустақиллик йилларида ҳам қардош мамлакатларда Афандининг ўлмас образини яратишга бўлган иштиёқ кучайса кучайдики, асло камаймади.

Туркия ҳукуматининг ташаббуси билан ЮНЕСКО 1996 йилда «Хўжа Насриддин афанди йили»ни ўтказди.

Шу муносабат билан бир қатор нуфузли халқаро анжуманлар ташкил этилди. Олмониянинг Франкфурт шаҳрида ўтказиладиган анъанавий китоб ярмаркасида махсус бўлим очилиб, унда дунёнинг турли тилларида нашр этилган Афанди тўғрисидаги асарлар кўргазмага қўйилди. Ўзбек ноширлари ҳам бу ярмаркада муваффақиятли иштирок этдилар.

Хулоса қилсак, Насриддин Афанди исмли инсон бир замонлар Туркия заминида туғилган, яшаб ўтган. Унинг ҳаёти, феъл-атвори, хусусан тўғрисидаги, сўзга чечанлиги, адолатпарварлиги ҳозирга қадар кенг тарқалган Афанди образига айнан ўхшайди. Яъни, Насриддин афанди исмли инсон муайян тарихий шахс десак у қадар хато бўлмас. Қолаверса, ушбу фараз нечоғли асосли ёки асоссиз бўлмасин, жуда кенг доирада оммалашган Насриддин афанди образи барҳаёт ва ардоқли сиймо бўлиб қолаверади.





### III. МУНОСАБАТЛАР АВВАЛИ: ИЛИҚЛИК ВА СОВУҚЛИК ОРАСИДА

#### ЯНГИ ДАВР САБОҚЛАРИ

Туркиянинг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк 1933 йилнинг 29 октябрь Жумхурият байрами куни сўзлаган нутқида: «Совет Иттифоқи бир кун келиб парчаланди ва у ердаги турк республикалари мустақил бўладилар», деб башорат қилган эди.

Мустафо Камол Отатуркнинг шахси, Туркия тарихида тутган ўрни ва хизматлари ҳақида зиёлиларимиз жамоатчилиги орасида озми-кўпми тасаввурлар бор. Бироқ у инсоннинг айна мазкур нутқи бизнинг диёрларга етиб келмаган, бинобарин ундан беҳабармиз. Шу боис тарихий асосий ўринларига мурожаат қилсак фойдадан холи бўлмас.

«Бугун Совет Иттифоқи дўстимиз, кўшнимиз, иттифоқдошимиздир. Бу дўстликка эҳтиёжимиз бор. Фақат эртага нима бўлишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Усмонли каби, Австрия-Венгрия каби парчаланиши, майда бўлакларга бўлиниб кетиши мумкин. Бугун қўлларида маҳкам ушлаб турган миллатлар қочиб кетиши мумкин. Дунёда бошқа бир янги мувозанат пайдо бўлиши мумкин. Ана ўшанда Туркия нима қилажagini яхши билмоғи керак. Бу давлатнинг ичида дили бир, эътиқоди бир ўз қардошларимиз яшамоқда. Уларга пешвоз чиқишга тайёр бўлмоғимиз керак. Ҳозир бўлиш керак дегани хотиржам у кунни кутиб ўтириш керак дегани эмас. Тадоригимизни кўрмоғимиз керак.

Миллатлар бу ишга қандай тайёргарлик кўрадилар? Маънавий кўприкларни мустаҳкам сақламоқ билан! Дин бир кўприкдир... Эътиқод бир кўприкдир... Тарих бир кўприкдир.

Илдизларимизни танимоғимиз ва содир бўлган воқеалар тарихининг ичида бирлашмоғимиз керак. Уларни (ташқаридаги туркларни) биз томон яқинлашишини кутиб туролмаймиз. Бизлар уларга томон одим отмоғимиз керак...».

Биродарим, ҳамшаҳрим Чиғатой Кочар тўғри айтди, доҳий Мустафо Камол Отатурк Туркия Совет Иттифоқи билан муносабатлари анча дуруст бўлиб турган бир пайтда бу фикрни ниҳоятда дадиллик билан айтган, узоқни кўра билиб, фидойилик ва жасорат кўрсатган. Нутқнинг мазмуни, қадри мана шунда.

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам, ўз навбатида илк муносабатлар ўрнатилаётган даврда шундай хитоб этган эди:

«Тарихий сабабларга кўра сизлар Онадўлу томонларида яшашга мажбур бўлиб қолдингиз, бизлар эса ота юртда қолдик. Орамиздаги масофа узоқ бўлса ҳам қалбларимиз ҳеч қачон бир-биридан узоқлашмаган. Биз асрлар давомида жудаям мураккаб шароитларда бўлсак-да бир-биримиздан маънавий руҳ олиб яшадик. Бундай бахтни Аллоҳ бошқа ҳеч қандай миллатга бермаган. Бу ҳақиқатни яхши англашимиз ва жудаям яхши ҳимоя этишимиз керак. Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Мирзо Улуғбек, Юнус Эмро, Алишер Навоий каби буюк устоз ва олимларимизнинг номини билмаган ҳеч бир ўзбек ва турк йўқ десак муболаға бўлмаса керак. Муштарак тарихимиз, тилимиз, бир бўлган динимиз, маънавий меросимиз, дўстлигимизнинг ҳақиқий юзи бу!».

Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида Туркия Жумҳурияти эътироф этган. Беихтиёр савол туғилади: нима сабабдан биринчилар қаторида? Нега биринчи бўлиб эмас?!

1991 йилнинг августдаги амалга ошмаган давлат тўнтаришидан кейин собиқ Совет Иттифоқига кирувчи



республикалар бирин-кетин мустақиллигини эълон қилишни бошлайдилар: август ойида Украина, Беларусь, Молдова, Ўзбекистон, Қирғизистон, сентябрда Тожикистон, Арманистон, октябрда Туркманистон.

Эски советлар таркибига кирувчи, хусусан туркийзабон давлатларни қутлашда Туркия нега биринчиликни қўлга олмади, деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Озарбайжоннинг Олий Мажлиси 30 августда «Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллигини тиклаш тўғрисида декларация» ва 18 октябрда эса «Давлат мустақиллиги тўғрисида Конституцион акт»ни қабул этади. Расмий Боқунинг талаби билан 9 ноябрь куни Туркия давлати Озарбайжон мустақиллигини эътироф этади.

Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликка эришилгач, биринчи расмий хориж сафарини (1991 йил 16 декабрь куни) Туркиядан бошлади. Ваҳоланки, Туркия ҳали Ўзбекистон мустақиллигини расман эътироф этмаган эди. Назаримизда, бу «сусткашлик» расмий Олма-отанинг ҳалигача ўз мустақиллигини эълон қилишга шошмаётгани билан боғлиқ эди. Анқара ҳукумати Қозоғистондан келадиган хушxabарни кутаётган эди. Бахтли тасодифни қарангки, Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти аъзолари ва вакиллари самолёти Тошкентдан ҳавога кўтарилган пайтда Қозоғистон мустақиллиги эълон қилинган. Анқарада эса Туркия Вазирлар Маҳкамаси навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиб, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг мустақиллигини тан олиб улгуради!

Икки тараф учун шу кунги хурсандчилик-шодиёнининг чеки йўқ эди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг икки томонлама музокаралар учун йиғилиш залига кирилаётганда СССРнинг Туркиядаги элчиси Альберт Чернишев ҳам ҳайъатга қўшилишга чоғланади. Шунда

Ислом Абдуғаниевич у кишига мурожаат этиб, бу ерда Ўзбекистон–Туркия ўртасида суҳбат боради, сиз бошқа ишингизни қилаверинг, деб «илтифот» кўрсатади. Бироқ элчи жаноблари ўзбекона лутфнинг салмоғини идрок этолмай қуюшқондан чиқа бошлайди – «Мен ҳам бу учрашувда иштирок этаман», – деб туриб олади.

– Кечирасиз-у, сизнинг бу ерда мутлақо ишингиз йўқ!

– Мени бу йиғилишда иштирок этишимни Москвадаги раҳбарларим талаб этишган.

– Демак, сиз бу мажлис натижаси тўғрисида Москвага ҳисобот ёзишингиз керак, шундайми?

Элчининг чехрасига табассум югуради, ҳамон хомтамалик билан Ислом Каримовга мамнунлигини изҳор этишга уринади:

– Тушунган одамнинг садақаси кетса арзийди.

Шундан сўнг Ислом Абдуғаниевич ўзига хос очиқчасига кўчади:

– Менга қаранг, сиз СССРнинг Туркиядаги элчиси эдингиз. Шундайми?

– Ҳозир ҳам шундай!

– Бугун СССР деган давлат йўқ, ёзадиган ҳисоботингизнинг манзили ҳам мужмал. Бу ерда икки мустақил давлат, яъни Ўзбекистон ва Туркия мамлакатлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтади. Сизга жавоб, илтимос, бизга халақит берманг!

Оёқ устида бўлиб ўтган ўша тарихий «гурунг» турк матбуотида фахр-ифтихор билан ёритилди. «Кечагина буюк Совет Иттифоқи давлати элчисининг мулзам аҳволини тасвирлашга сўз ожиз. Бу воқеага гувоҳ бўлган биз турк журналистлари биродар, қардош, дўст Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишини неча ўн йиллардан бери орзиқиб кутган эдик. Озодлик билан бу давлатга мард, жасур Ислом Каримовдек раҳбар бергани учун Аллоҳга шукроналар келтирдик», деб ёзди ўша пайтда турк матбуоти.

Илк марта мустақил Ўзбекистон ва Туркия байроқлари билан безатилган мухташам залда икки давлат ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўша йилнинг 22 декабрь куни расмий ташриф билан Туркияга келган Қирғизистон президенти Аскар Акаев бошчилигидаги ҳайъатнинг икки томонлама музокараларида эса элчи Альберт Чернишев иштирок этади...

...Орадан чорак асрдан мўлроқ вақт ўтди. 28 йил мобайнида ўзбек-турк ўзаро алоқалари бир текисда кечмади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари давлатлар ўртасидаги алоқалар мисли кўрилмаган даражада самимий ва дўстона тус олди. Мисол тариқасида эслайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг Биринчи президенти Ислон Каримов Тошкентга келган катта-кичик барча турк делегация аъзоларини шахсан ўзи қабул қилар, уларнинг фикрларини диққат билан тинглар эди. Ана шундай қабуллардан бири ҳақида Истанбул университети профессори, таниқли олим Невзат Ялчинтош шундай сўзлаб берди:

– Биз олти нафар меҳмонни Президент олтинчи қаватдаги иш кабинетида қабул этди, биз у кишини бағримизга босиб, озодлик-эркинлик билан табрикладик. У киши ҳам мамнунлигини яширмади. Суҳбат анча узоқ давом этди, тилга олинмаган мавзу деярли қолмади.

– Худога беҳисоб шукурлар бўлсин, – дея ҳикоя қилди Президент, – бугун озодмиз. Мен Давлат план қўмитаси вазири бўлиб туриб, Ўзбекистонда қанча олтин қазиб олинаётгани тўғрисида маълумотга эга эмасдим. Ҳисобот тугул, барча олтинлар Зарафшондан тўғри Москвага олиб кетиларди. Республика хўжалиги учун, тасаввур қилинг, оддий мих ёки гугурт ундириш учун Москванинг рухсатини олиш зарур эди. Кабинетма-кабинет юравериб, ҳолдан тойиб кетардим!

Шундай хотиралардан сўнг Ислон Каримов Москванинг Ўзбекистон бошига солган балоларини бирма-бир са-

най кетди, ора-сирада, Худога шукур, бугун бизга халақит берадиганлар йўқ, деб такрорлашдан чарчамасди.

Турк олимнинг хотирлашича, Президент янги озод Ўзбекистоннинг байроғи устида бош қотираётганидан оғиз очади. Н.Ялчинтош хафа бўлмасангиз, бу ҳақда ўз фикримни билдирсам, деб, байроқда албатта мусулмон давлати эканини англатувчи ой ва юлдузлар акс этиб туришини тавсия этади.

– Менинг ожизона фикрим билан Ўзбекистон байроғида ўша тимсоллар қўлланди, деб даъво қилолмайман, аммо ҳар сафар бу байроқни кўрганимда Ислом Каримов билан бўлиб ўтган ўша самимий суҳбатни эслаб бир ҳаяжонланиб қўяман. Бу байроқни Истанбул университети профессори Доган Каргюл давлат раҳбарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб юрган кезларда раҳматли Турғут Ўзалга кўрсатганида, унинг қўлидан оҳиста олиб, уни уч марта меҳр билан ўпиб қўйганини ҳалиям кўп эслаб тураман, – дея илова қилди турк олими.

Домла билан турли тадбирларда кўришиб турар эдим, алоқаларимиз тобора самимийлашиб борди. Орадан йиллар ўтиб, профессор билан суҳбатимиз яна байроқ мавзусига бориб тақалди.

– Ўзбекистондан чиқиб Қозоғистонга мустақиллик билан қутлагани бордик. Нурсултон Назарбоев жаноблари билан учрашув чоғида Ислом Каримов қабули чоғидаги тавсияларимни тилга олдим. Ўзбек раҳбари мен берган таклифдан хурсанд бўлганини орада қистириб ҳам қўйдим. Шунда Қозоғистон раҳбарининг боши эгилди, бир неча сония давом этган сукутдан сўнг у киши шундай деб кўнглини очди:

– Ҳақ гапларни айтаяпсиз, аммо... Биласизми, биз шимолда Россия, жанубда Хитой каби буюк давлатлар билан чегарадошмиз... Хафа бўлманг, афсус билан айтаманки, таклифингизни қабул этолмайман!

Қозоғистон байроғида ой ва юлдуз тимсоли акс топмади!

Турк профессорининг менга гапириб берган самимий мисолларига мен ҳам жавоб қайтаргим келди.

Суҳбатдошимнинг эътиборини байроғимиздаги юлдузларнинг жойлашганига қаратдим. Қўлимга қалам олиб, ҳатто чизиб ҳам кўрсатдим. Кейин қаламни юлдузлар устидан араб ҳарфларини юргаздим. Натижада – араб тилида АЛЛОҲ сўзи келиб чиқди!

Домла ўрnidан ирғиб туриб мени кучоқлаб олди. «Баракалла, баракалла, Ислом Каримовнинг мардлигига ҳеч қачон шубҳа қилмаган эдим. Бу ишлари учун Ўзбекистон албатта баракотли юрт бўлади, иншааллоҳ», деб дуога қўл очди.

Невзат Ялчинташ биринчи марта Ўзбекистонга собиқ СССРнинг 50 йиллик юбилеи тантаналари муносабати билан келган экан. Ўшанда Москва, Ленинград ва Минскка саёҳатлардан воз кечиб, бизнинг мамлакатни танлаган эмиш. Туркиялик меҳмонлар шарафига уюштирилган қабул маросимида шахсан Шароф Рашидов қатнашган экан. Ўшанда давлат арконининг кўпини рус миллати ташкил этганининг гувоҳи бўлган. Бунинг устига ўзбек аёллари ер чизиб, сипо ўтиришган бўлса, рус аёллари эса ароқ ичиб хахолашиб ўтиришганди, деб хотиралари билан ўртоқлашди профессор.

1991–1992 йилларда шу даражада Туркияга бағримизни кенг очдикки, самимиятларига гумон ҳам қилиб ўтирмадик. Ҳатто иқтисодий масалаларда этник ўзбегимиз, ота-боболари ўтган асрнинг бошида Намангандан чиқиб, Афғонистонда бир муддат яшаб, кейин Туркияга кўчиб келган Олтойли оиласининг катта ўғли Анвар ака Президентнинг маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Туркиядан завод-фабрика олиб келиб Ўзбекистонда қураман, деганларга арзон-гаров пахта бердик, ўша пайтда қардош мамлакатдан ниҳоятда тансиқ бўлган ун ва шакар келтирганга ҳам бободехқонларимиз 9 ой белини букиб, гербицид деган балоларни ютиб етиштирган бойлигимизни қўш қўллаб тутқаздик.

Эвазига Туркиядан кўп ва хўб ишлаб чиқариш аслаҳалари, ускуналари келтирилганини эътироф этиш керак албатта. Пахтани қайта ишлаб ип-калава қиладиган, трикотаж ишлаб чиқарадиган ускуналар ва ҳоказолар шулар жумласидан. Афсуски, уларнинг аксарияти муқаддам ишлатилган, яъни эски бўлиб, янгидан бўялган, айримларига ҳатто уларнинг ишлаб чиқарилган муддати қайта ёзилган жиҳозлар эканлиги кейинчалик аниқланди. Тўғри, бу каби муттаҳамликлар кенг оммалаштирилмаган ва ишонч билан айтаманки, бундай номаъқулчиликлардан Туркия раҳбари беҳабар бўлган. Янглишмасам, бир сафар Ислом Абдуғаниевич ўзига хос тагдор «илтифот» билан мазкур мавзунини тилга олган. Ўшанда юртбошимиз Ўзбекистон телевидениеси орқали истеъмол муддати ўтиб кетган ширинликлар, сақичлар тўғрисида айта туриб, биз ишонган, дўст деб билган, тили бир, дини бир қардошларимиздан ранжидик, деган эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов билан Истанбулнинг тарихий маконларини кезиб юриб, суҳбатимиз икки давлат ўртасидаги совуқ муносабатларнинг сабабларига бориб тақалди. Шунда мен, Ислом Абдуғаниевичнинг турклардан кўнгиллари қолганига кўп сабаблар бор, деб юқоридаги мисоллар билан фикрлашдим.

Устоз:

– Аброржон, сизга қарши савол: хўп, турклар шунақа бемаза ишлар қилишган экан, биз кўзимизни юмиб ўтиравердикми? Нега ҳай, демадик! Нега кўрмасликка олиб келдик? – Эркин ака эҳтиросга берилмай, ўзларига хос вазминлик билан гапирдилар. – Қарс икки қўлдан, дегани шу бўлса керак!

Туркийзабон давлатлар яқдил бўлишлари керак, нега биз жараёндан чеккада қоляпмиз, деган мулоҳазалар узоқ йиллар зиёлилар, ижод аҳли давраларида қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Баҳс-мунозараларни кўзгаган асл

ниятлар беғубор эди. Зеро, ўтган аср бошларида яшаган кўплаб боболаримизнинг мақсади шу эди. Исмоил Гаспринский, яъни Исмоилбек Гаспирали жаноблари бу ишга ҳаётини тикди. Ўзи ташкил этган «Таржимон» газетаси, ёзган асарлари ва сафарлари билан турк дунёсини бирлаштиришга хизмат қилди. Бунинг эвазига Бухоро амири томонидан муносиб тақдирланди: яъни, учинчи даражали «Чарақлаган олтин юлдуз ордени» («Золотой орден Восходящей звезды») билан.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида Биринчи Президентимиз туркийзабон давлатлар раҳбарларининг саммитларида фаоллик кўрсатди. Кейин бундай ҳамкорликдан воз кечишга мажбур бўлдик. «Бир катта оғадан қутулиб, бошқасига тутилишни истамаймиз!», дедик.

Икки оғиз жумладан ташкил топган ушбу концептуал гап моҳиятидаги маъно-мазмун ниҳоятда чуқур эди. Гап шундаки, Ўзбекистон 74 йил мобайнида шўролар зулми, истибдоди остида яшади. Ниҳоят, Аллоҳ таолонинг беадад инояти ила истиқлол кунларига етиб келди. Мана шундай бир паллада туркийзабон халқлар ўртасидаги иноқлик, тотувлик моҳиятида бошқа бир мақсадлар кўз очиб қолиш хавфи туғилди – бу бирлашувга етакчилик Туркия томонида қолиши яққол кўзга ташланиб қолди. Айни мазкур сиёсий ўйин кайфиятини Ислом Каримов ғоятда зукколик билан, узоқни кўра билиб илғади. Вақтлар ўтади, ўтган аср 90-йиллари бошларида вужудга келган вазият мутахассислар, сиёсатдонлар томонидан янада батафсил ва чуқур ўрганилар, тегишли хулосалар чиқарилар, лекин умумлаштириб айтганда, бизнинг фаразимиз ҳақиқатдан узоқ эмас.

Туркия билан муносабатларимизга раҳна солган бошқа воқеалар ҳам юз берди. 1999 йил феврилидаги очиқдан-очиқ ҳужум. 2005 йил баҳоридаги Андижондаги қонли тўқнашув... Табиий, ўша машъум воқеалар жаҳон

жамоатчилиги, жумладан нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан турлича талқин қилинди. Баёнотлар берилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитасида ўтган овоз бериш жараёнида Ўзбекистон ҳукуматига қарши чиққанлар орасида қардошлар ҳам бор эди!

Шу-шу, турк дунёси ташкилотидан келган таклифларга мутлақо эътибор берилмай қўйилди. Қўшнилармиз «ака-укалар орасида жанжаллар бўлиб туради, аммо ҳеч қачон бир-биридан воз кечмайдилар», деб икки давлат орасидаги вазиятни юмшатишга уриндилар. 2006 йилнинг ноябрь ойида Анталияда ўтадиган туркийзабон давлатлар раҳбарларининг навбатдаги йиғилишига Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов бошчилигидаги ҳайъат қатнашиши тўғрисидаги хабар кўпчиликни шошириб қўйди. Чунки тадбирда давлат раҳбарлари иштироки назарда тутилган эди. Начора, вакилларимизни кутиб олиш билан боғлиқ ташкилий ишларни адо этишга тайёр турдик. Парламентимизнинг халқаро бўлим бошлиғи Файзулла Абдураҳмонов билан бир кун (!) аввал қўнғироқлашиб, ватандошларни Истанбул аэропортида шахсан ўзим кутиб олиш, пировардида эса кузатиб юбориш билан боғлиқ ташкилий масалаларни келишдик. Эртасига пешинга яқин телефон жиринглади. Олдим – элчи Улфат Қодиров.

– Анталияга етиб қолган эдим, Тошкентдан хабар келди: ҳайъат ташрифи қолдирилибди...

Халқаро муносабатларда бундай ҳолат фавқулодда воқеа ҳисобланади. Демак, биз беҳабар қандайдир англашилмовчилик содир бўлган. Ана ўша англашилмовчиликдан кейинроқ хабар топдик.

Маълум бўлишича, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси Камол Ася мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб, «Эртага БМТда бўладиган овоз бериш жараёнида



биз сизларга қарши овоз берамиз», деб «баёнот бериб чиққан экан».

Вакилларимизнинг тадбирга бир кун қолганда ташрифдан воз кечишгани бир фавқулодда воқеа бўлса, энди буниси мутлақо қуюшқонга сиғмас эди. Давлатлараро муносабатлар тарихида, айниқса ғоятда қалтис ҳолатларда (керак бўлса, бошга кулфат тушиб турган бир кунларда!) элчи афандимиздек ғоятда тажрибали дипломатнинг бундай йўл тутиши ҳеч бир қуюшқонга сиғмасди. Наҳотки, Туркия раҳбарияти шундай кўрсатма берган элчига? Наҳотки, бир қардош-оға иккинчи қардош-биродарига шундай кўпол муносабатни раво кўрган?

Ўша кезларда (2003–2007 йиллар) ташқи сиёсий маҳкама вазири Абдулла Гул бўлган. Бу лавозимга келмасдан Абдуллабей ярим йил Ҳукуматни бошқарган, 2007–2017 йилларда Президент бўлган. Қайси лавозимда ишламасин ўзининг оғир-босиқлиги, вазминлиги, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам эҳтиросга берилмаслиги, ҳамиша мурасага бориши каби хислатлари билан ажралиб турган. Давлат раҳбари экан Бош вазир сафдоши Ражаб Таййиб Эрдўғон билан кўплаб ички ва ташқи масалаларда келишолмагани учун катта сиёсатни тарк этишга мажбур бўлади!

Ўзбекистонга қарши қабул қилинган қарор наҳотки ана шундай мулойим ва мурасасоз А.Гулнинг ихтиёри билан бўлган? Яъни, у ўзбошимчалик қилган бўлса? Жайдари тил билан айтганда, Тошкентдаги элчига ТИВга боргин-да, ўзбек ҳайъатини Анталияде кўришни истамай-миз, деб айт, дейиши қайси ақлга сиғади?!

Фикри ожизимизча, расмий Анқара бундай йўл тутолмасди, чунки у Ўзбекистоннинг туркийзабон давлатлари орасида алоҳида ўрни бор эканини, бу мамлакатсиз бу ташкилот тўқис ҳисобланмаслиги бот-бот таъкидлаб келинарди.

Демак, элчи Ася жаноблари ўзича ташаббус кўрсатган бўлиб чиқади! Бундай хулосага келишимиз бежиз эмас.

Камол Ася ўзининг 5 йиллик Тошкентдаги фаолияти давомида унга етарли даражада эътибор кўрсатилмаётганидан норози бўлар эди. Ва у ўз норозилиklarини вазирликка шикоят тарзида етказарди. Дипломатик корпус қатнашадиган тадбирлардан ташқари турк элчиси учун бошқа барча эшиклар ёпиб қўйилган эди.

Аламзада элчи мавриди келганида ўзини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган шекилли? Агар бу тахминимиз тасдиқланса, элчи бундай «қилиғи» учун жазосини олдимийўқми, бизга қоронғи.

Яна бир фараз шундаки, давлат раҳбарлари даражасида ташкил этилаётган анжуманга нисбатан қуйи поғона раҳбарлигидаги ҳайъат йўлланаётгани Туркия раҳбариятининг иззат-нафсига теккан ва юқорида баён этилган ҳолат юз берган. Яъни, Абдулла Гул ҳам, Камол Ася ҳам тегишли кўрсатмаларга оғишмай амал қилишган.

Нима бўлган тақдирда ҳам, бу каби саволлар жавобсиз қолиб кетди.

Гапнинг очиғини айтиш керак бўлса, Истанбул ва Анқарадаги ваколатхоналаримиз фаолияти ўша кезлардаги ўн-ўн икки йил мобайнида ниҳоятда самарасиз кечди. Дипломатик идораларнинг вазифаси-миссияси икки давлат ўртасида кўп томонлама дўстона алоқаларни ўрнатиш, тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Афсуски, бу каби ғоятда зарур ва муҳим вазифалар амалга ошмади, янаям аниқроғи, амалга оширишга имкон берилмади.

Таъна-дашномлар остида қолдик, лекин...

Бу йиллар орасида муносабатларни яхшилашга бир неча бор уринишлар бўлди. Тошкентга музокара ниятида келган ҳайъатларга рўйхушлик билдирилмади. Ҳатто Туркия Буюк миллат мажлиси ўзаро муносабатларда йўл қўйилган хато-камчиликлар учун Ўзбекистондан узр сўрашга розилик билдирди. Ниҳоят 2015 йилда Бош вазир Аҳмад Довутоғлу ташриф буюрди, «Оқсарой»даги суҳбат уч соатдан ортиқроқ давом этди. Энг қувонарлиси, мазкур


мулоқот самарали тугалланди – ора тўлиқ очилди!

Ҳайъат таркибида суҳбат иштирокчиси бўлган этник ўзбек Халил Тўра Истанбулга қайтгач, ўз таассуротларини ўртоқлашди:

– Президент билан учрашувдан кейин ўзбек тарафи томонидан бериладиган зиёфатга кечикиб боришимиз узрли эди. Меҳмонхонага кирар-кирмас, Аҳмад Бей Ражаб Таййиб Эрдўғонга сим қоқиб, зўр ҳаяжон билан суҳбат тафсилотларини батафсил сўзлаб берди, давлат раҳбарининг саволларига жавоб беришини кутиб қолдик.

Бундан буёғига борди-келдилар учун эшиклар ланг очилади, икки томонлама муносабатларда янги саҳифа бошланади, деб икки томон ҳам хурсанд бўлди. Афсуски, бу мамнуният ҳисси ҳам узоққа бормади. Август ойида Эрдўғон жаноблари Президент этиб сайланди, Ҳукумат таркибида кескин ўзгаришлар юз берди. Абдулла Гул, Аҳмад Довутоғлу сингари атоқли шахслар сиёсат саҳнини тарк этишди. Президент давлат бошлиғи, Ҳукумат раиси ҳамда Адолат ва тараққиёт партияси етакчилиги вазифаларини зиммасига олди.

Туркия учун янги давр бошланди.





## ТУРКИЯДАГИ ЎЗБЕКЛАР

Туркияда яшаётган этник ўзбекларнинг сони тўғрисида расмий маълумот йўқ, ҳеч қайси давлат ташкилот-уноҳукумат идоралари бу ҳақда статистика олиб бормайди. Истанбул, Адана шаҳарларида, Шонлиурфанинг Жайлонпинар туманида туркистонликларга маданий ва ижтимоий кўмак кўрсатиш жамиятлари (ўзбеклар жамияти) ва Хатай вилоятининг Овакент шаҳрида афғон ўзбекларининг жамияти мавжуд. Улар юритган ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда тахминан 40–50 минг атрофида ўзбек яшамоқда. Улар асосан Истанбул, Адана, Эскишаҳар, Шонлиурфа, Анқара, Измир каби шаҳарларда истиқомат қилишади.

XX асрда ўзбекларнинг оммавий тарзда Туркияга келиб қолиш даврини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин. Дастлабки давр Биринчи жаҳон уруши арафасида усмонлиларга ёрдам бериш учун ҳажга бораётган ёки у ердан қайтаётган, шунингдек, Мадинада ўқиётган талабаларнинг Истанбул ва Чукурова минтақасига келиб қолиши билан боғлиқ.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам кўплаб ўзбеклар Туркияни ватан тутганлар.

Ўтган асрнинг 70-йилларининг охирида собиқ Иттифоқнинг ҳамда 90-йилларнинг ўрталарида толибларнинг Афғонистон ҳукуматини қўлга олиши билан Туркияга қочиб келган ўзбеклар.

Бу орада 1945 йилдан кейин фашистларга асир тушиб, Москва таҳдидларидан қўрқув остида Европа ва АҚШ давлатларига кетиб қолиб, у томонларда яшолмай Туркияга келган ватандошларимиз бор.

Усмонли салтанатининг сўнгги юз йилликларда Мовароуннаҳрдан чиқиб, бу ерларда жойлашиб қолганларнинг авлодлари бор.

Усмонли тупроғига илк қадами етган ватандошларимиздан бири Жалолиддин Мангубердидир. Ҳатто кўркмас саркарданинг хоки Туркияда, деган гаплар бор. Туркманбаларининг ёзишича, Хоразмшоҳ 1231 йил август ойининг ўрталарида Майфориқин шаҳри (ҳозирги Силван вилояти) яқинида дафн этилади, аввалига унинг хотирасига ихчамгина мақбара тикланади. Эҳтимол, бу ишни Жалолиддинга эътиқоди ғоятда катта бўлган ҳоким Шаҳобиддин Ғозийнинг авлодлари ва Хоразмшоҳ сафларида жанг қилган фарзандлари амалга оширган бўлишлари мумкин. Кейинчалик номаълум сабабларга кўра қабр батамом йўқолиб кетган.

Айтмоқчимизки, Жалолиддин вафотидан кейин у билан Хоразмдан келган лашкарлар у ва кўшни мамлакатларда қолиб кетганлар.

Нақшбандия тариқатини Усмонли тупроқларида кенг ёйилишида ота-боболаримизнинг ўрни катта. Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Валийнинг издошлари, шогирдлари Амир Аҳмад Бухорий, Бадриддин Бобо, Бобо Ҳайдар Самарқандий, Неъматуллоҳ Нахчиванийлар Мовароуннаҳрдан чиқиб, Онадўлуда ўтроқлашиб, бу тариқатни давом эттирганлар.

Улардан бири Аҳмад Бухорий 1477 йилда Истанбулга келиб, Султон Боязид II нинг изни билан шаҳар марказида, ундан кейинги йилларда яна иккита нақшбандия масканларини ташкил этган. Ушбу тариқат издошлари эса салтанатнинг турли вилоятларида бу каби хайрли ишларни бажариб, оила қуриб, шу ерда вафот этгандилар.

Ёки, Туркия давлат архивида сақланган маълумотга кўра, 1867 йилда Бухородан 76 кишилик туркистонлилар гуруҳи Онадўлуга келган. Улардан Дейери-Зор вилоятига жойлаштирилган оилалар чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар.

1908 йилда Сибирдан келган юз ўзбек оиласи Қуниё вилоятининг Богруделик туманида яшай бошлаган.

Чукурова минтақаси азалдан пахта етиштиришга ихтисослашган ва ҳозир ҳам Туркиянинг 30 фоиз «оқ олтин»и шу ерда етиштирилади. XX аср бошларида келиб жойлашиб қолиб, деҳқончилик билан шуғулланган ўзбекларга доир талай маълумотлар сақланган. Хусусан, 1920–1930 йилларда авж олган бедодликларга чидолмаган кўплаб ватандошларимиз она тупроқни тарк этишга мажбур бўлишади. Минг уқубатлар остида Амударёни кечиб ўтиб, Афғонистонга жойлашадилар. СССРнинг мағлубиятига умид қилиб, Туркистоннинг қайта тикланишига ишонган ҳамшаҳарларимизнинг орзу-хаёллари пучга чиқади ва вақтинча макон қилиб турган Афғонистондан бошқа ўлкаларга жўнаш тараддудини кўра бошлайдилар. Тақдир раво кўрганига биноан неча ўн йиллаб Афғонистон, чегарадош Покистон, Ҳиндистон ва Эронда, кўплари Саудия Арабистонига хижрат қиладилар.

1950 йилларининг бошланишида Туркия қавмдошларига ўз эшиklarини очади. Илк оммавий кўчиш бошланади.

Хизмат давримда кўплаб ватандошларимиз билан мулоқотда бўлишга, уларнинг тўй, аза-маъракаларида қатнашишга тўғри келди. Қолаверса, бевосита мулоқотларда туркиялик ўзбекларимизнинг ҳаёти, яшаш тарзини атрофлича ўрганиш имкони туғилди. Уларнинг кўпчиликлари билан оға-ини, биродарлик ришталари боғланди ҳам.

Ана шундай инсонлардан бири – Собир Сайхон. Кўз ўнгимизга келтиришга ҳаракат қилиб кўрайлик-чи: 1931 йил. Ўзбекистон қай аҳволда! Чақалоқ дунёга келганига бир ой бўлар-бўлмас ота-она кўлга илинган кўч-кўронини ортиб Афғонистон сари йўлга отланади. Мусофирчилик, йўқчилик, машаққат, таҳлика исканжасидаги оила амаллаб жон сақлайди. 20 йил ўтгач улар Туркияга кўчиб келишади. Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади, не-не инсон-

лар, не-не тақдирлар омонат дунёни тарк этиб кетмадилар, Собир ака бугун ҳам етти мучаси соғ, ҳамон бардам-бақувват.

Ҳар йили Измирда йирик халқаро кўргазма бўлади. Ватандошларимиз собиқ Иттифоқ павильонига бориб, ўзбекларни ахтаришар эди. Улар билан икки оғиз суҳбатлашиб, ўзларини кўярга жой тополмай қолишган пайтлар кўп бўлган. Кейинчалик юртдошларимиз уларга Ўзбекистондан совға-саломлар олиб келиб тарқатадиган бўлишади.

Кўргазмада қатнашган зиёлилар гапга чечан Собир Сайхонни севиб қолишади ва ўтган асрнинг 60-йиллари охирида у Тошкентдаги «Ватан» жамияти билан алоқа ўрнатиб, ота юртга келиб-кетишга рухсат олади. Дастлаб 1972 йилда, кейингиси икки йил ўтиб, Тошлоқнинг Варзак қишлоғида яшовчи қариндошларини зиёрат этган бўлса, Мустақиллик замонида йилда камида бир-икки марта ота-боболари юртига қадам ранжида этмай қолмайди.

Собиржон бобо шингил қисса, ҳикоялар машқ қиладилар. «Бу хотиралар Ўзбекистон тарихи учун яраб қолар. Кечмишим, хорижда яшаётган ҳамшаҳарларимизнинг ғурбатда кечган ва кечаётган ҳаётларидан олинган ҳикоялар Тошкентда бажонидил чоп этилмоқда», дейдилар. «Тўлғаной», «Ғурурнинг емирилиши», «Адашганлар», «Силсила», «Буғдой экиб, арпа ўрганлар», «Ватан қидирган йигит», «Юрт соғинчи», «Самарқандиёна», «Номус» сингари асарлар шулар жумласидандир.

Бу тўпламларни мутолаа қилар экансиз, соғинч ва ғурбат синовларида тобланган мураккаб тақдир эгаларининг Ватан севгиси ва изтироблари кўз ўнгингизда яққол намоён бўлади. Уларнинг аксарияти шўролар истибдоди йилларида юртини тарк этиб, тақдир тақозоси билан чет элларда паноҳ топган ватандошларимиз турмушлари ҳақидаги ҳаёт ҳақиқатларидир.

«Мен ёзувчи эмасман, ҳаваскор бир қаламкашман», деб қўяди камтарлик билан Собиржон бобо, аммо у кишининг ҳафсаласига тан бермасликнинг сира иложи йўқ.

– Азиз ватандан жудо ва маҳрум яшаганлар Ватан қадрини яхши биладилар. Ватанни иккинчи бор қайта кўролмай, ғурбатда ғариб бўлиб, жабру жафо ва дарбадарлик даврида хору зор оёқ ости бўлишса-да, ҳеч бир замон ўз она тили, Ватанни унутмай, доим ишонч билан она заминга қайтиш шиори билан яшаганлар. Мен ҳаётда яшамадим, десам ишонинг. Чунки яшамоқ дунёда ёлғизгина меъда дарди эмас экан, машина, давлат, пул-маблағ қўмсаш эмас экан. Агар ўз дардингизни бошқасига уқтиролмас экансиз, бу ҳаёт эмас! Ҳамдард топиш кўп қийин иш экан! – дейди Собиржон ота.

Ҳар сафар ота юртдан қайтгач, у киши албатта мен билан учрашиб, хотиралари билан ўртоқлашар эди. Мамлакатимиздаги сўнгги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини тўлқинланиб ҳикоя қилади. Айрим ҳолатлардан, суҳбатлардан ранжиганларини яшириб ўтирмасди ҳам.

– Бир даврада бир йигит дардини дoston қила кетди. Нимамиш, турмуш оғир бўлиб кетаётган эмиш. Нимамиш, қорни оч қолаётган эмиш. Сўзини тугатгунича базўр чидадим, сўзларини бўлгим келмади. Кейин танбех беришга мажбур бўлдим: инсон ўз юртидан ҳам шикоят қиладими?!

Собир ота Ўзбекистонда сираям оч қолиш мумкин эмас, дейди мудом. Ерда тўкилиб ётган меваларни еб одам боласи қорнини тўйдириши, ортганини қоқи қилиб, қишда тановул қилиши мумкин. Қимирлаганга Аллоҳнинг ўзи ризқ беради. Бизнинг ёшларимизга ўз ҳаётий ҳикояларини айтиб, мана буни машаққат деса бўлади, деб тарбиявий соатлар олиб борарди. Гапларига кўра, тавбатазарру қилганлари ҳам бўлган.



1908 йилда Марғилоннинг Бўстон қишлоғида туғилган Абдулҳамид Кўчар 61 йилдан сўнг Ватан тупроғига қадам босишга мушарраф бўлган! У киши 2010 йилнинг февралида Ҳақ раҳматига қовушади.

Туркистон парчаланган, хусусий мулк талон-торож қилинаётган, 1920 йилларнинг охиридаги қашшоқлик ва очарчилик, ҳақ талаб этганларни Сибирга равона қилиш каби бедодликлар халқни ҳаётдан бездирган давр эди. Ёш Абдулҳамиднинг оиласи ҳам бу кўргуликлардан четда қолмади. Маҳалладошлари бирин-кетин зулмга чи-долмай бошқа жойларга кўчишга мажбур бўладилар. Колхоз Кўчарларнинг уйини, мол-ҳолини шафқатсизларча тортиб олади, шундан кейин бу оила ҳам Ватанни тарк этишга қарор қилади. Бор-йўғи бир от аравага юк бўлган буюмлари билан 1928 йили онаси ва аммасини олиб, қишлоқдан чиқиб кетади. Икки йиллик сарсон-саргардонликдан кейин Туркманистон орқали Афғонистонга етиб олади.

Бу юртда ҳам анча машаққатларни бошдан кечиришга тўғри келади. Ҳамшаҳарлар тўпланиб она юртга қайтиш режаларини пухта ўйлашади, бироқ бундаин ниятлар ҳам бирма-бир пучга чиқа бошлайди. Улар 1944 йилгача қулай фурсат туғилганда Ватанга қайтиш хаёли тинчлик бермайди.

Кўчар оиласи Саудия Арабистони ёки Туркияга кетиш тараддудини кўради. Аёли ва уч фарзанди билан Пешовар, Карачи орқали Бомбейга, кейин кемада 18 кун деганда Жидда портига етади. Макка ва Тоиф шаҳарларида ишлаб, маблағ орттириб Туркияга йўл олади.

1952 йилнинг ёзида Саудияни тарк этиб Иордания, Сурия, Ливанда гоҳ машина, гоҳ поездларда ўтириб, сентябрь ойида Аданага келади. Ўша йили тўғри Афғонистондан келган 75 ўзбек оиласи ҳам Туркияни ватан тутди. Улар Қуниёнинг Кулу, Оқшаҳар ва Жаҳонбейлига жойлашадилар. Аднан Мендерес бошчилигидаги ҳукумат

ватандошларимизни бепул уй-жой билан таъминлайди, деҳқончилик қилишлари учун ер ажратиб беради.

Қайси ватандошимиз билан мулоқотда бўлманг, уларнинг дарду ҳасрати битта: ота-боболарининг Ватани озод бўлсин, у ерга қайтиб бориш, дийдорлашиш насиб этсин! Ҳасратли ҳаёт аксари одамларни кўлга қалам тутишга ундаган, Кўчар ака шундайлар жумласидан. Абдулҳамид Кўчар «Қулликдан хурликка» китобини 2011 йилда ёзиб тугатган.

СССР тобора заифлаша бораётган бир давр. 1991 йил августда Абдулҳамид ота кенжа ўғли Чўқайни олиб, Ватанга йўл олади. Чегарадош Грузия ва Озарбайжон орқали Тошкентга етиб келади.

– Ҳали учоқда эканмиз, самолётнинг Тошкентга кўнишга ҳозирланаётгани русча эълонини ёнимизда ўтирган кўшнидан билиб олдик. Отамнинг ҳаяжони янада ортди, бехосдан кўзларидан шашқатор ёшлар тўкила бошладди. Ерга қадам қўйиши билан чўккалаб, уни ўпди. Отам ўпкасини боса олмасди. Падари бузрукворимдан Ватан тўғрисида эшитган ҳикояларини эслаб, мен ҳам ўзимни тутолмай қолдим, – деб гапириб берган эди Чўқайбей.

Тошкентда уч кун қолгач, ота-бола водийга йўл олади. Қариндош-уруғлар билан дийдорлашадилар, жонажон ва ён-атрофдаги қишлоқларни пиёда кезиб, ўтмишни хотирга оладилар. Оталарининг қабрини тополмай оғир изтиробда қоладилар.

«Ақраболарим билан телевизор кўриб ўтирсак, Ислом Каримов кўриниб қолди. Диққат-ҳаяжон билан тинглай бошладик. Билсак, у тарихий нутқни ирод этаётган экан: «Бундан кейин Ўзбекистон мустақилдир! Бугундан эътиборан ҳеч бир давлатнинг ҳимоясига муҳтож эмасмиз. Ўзбек халқини мустақиллик билан қутлайман!».

«1980 йилдан буён қанча-қанча зўрликлар ва азиятлар чекиб, сабр-чидам билан кутгандим бу муқаддас ка-

ломни! Тағин бунинг устига уни бахтли тасодиф туфайли мамлакатда туриб эшитиш ҳаяжонимни ўн чандон ошириб юборди», деб ёзган эди Абдулҳамид Кўчар ўз китобида.

1928 йилда туғилган Кавсар хоним Минданинг онаси Марғилондан, отаси Туркистон шаҳридан. Унинг оиласи эса ҳам узоқ вақт Афғонистонда (1935–1953 йиллар) яшагач, Туркияга келиб қолишган, ўшанга ҳам 65 йилдан ошибди. Онахон ҳам Абулҳамид ота каби 1991 йилда ота юртга бир мартагина борган.

– Мадрасада таълим олиш билан баробар, рус тилини ҳам ўрганганман, деб «спасибо», «до свидание», «пошли», «кукла» ва яна бир қатор сўзларни бемалол айтиб берди. – Бир ҳафта мамлакатда қолган бўлсам, бир кун ҳам кўз ёшим тинмаган, бу дунёдан ўтиб кетган қариндошларим бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверди.

Онахон Кобулда кимсан Амир Олимхондан совчи келганини кулиб айтиб берганди.

Кавсар онанинг икки қиз ва уч ўғли бор, ҳеч бирини хафа қилиб қўймайди – онахон ҳар бириникида галма-галдан яшайди, кўпроқ катта қизи Муаззамхон билан туради. Куёви Соғлом ака меъмор, Истанбулда мен оилам билан 10 йил мобайнида яшаган кўп қаватли уй у кишининг лойиҳаси асосида қурилган экан. Ана, сизга тасодиф!

Босфор бўғозининг шундоқ лабида Онадўлуҳисори деган жойда уй солган. Ичига кирсангиз – музей, Ўзбекистондан келтирилган ноёб ашёлар билан лиқ тўла. Қадимги гилам, самовар, чачвон, беқасам тўн, яктак, мамлакатда унутилаёзган кўплаб ашёларни бу ерда кўриш мумкин, ҳатто дутор ҳам бор! Уларнинг орасида камина томонидан қилинган ҳадялар ҳам ўрин олган.

Жавонда ва дастурхонда пахтагулли чиннилар дид билан териб қўйилган. Чой пиёлада ичилади, палов лаганга сузилади, шўрва косада тортилади ва бошқа емаклар

ликопчаларда тарқатилади. Айнан ўзбекона меҳмондорчилик.

– Уйда фақат ўзбек тилида гаплашамиз, – дейди оила бошлиғи. – Ҳатто 5–6 ёшли неварам ҳам ўзбек калималарини анча тушуниб қолди.

Онахоннинг қўл очиб дуо қилишини ташқарида туриб эшитган одам туркиялик ўзбек эканига ишонмайди. «Ўзбекистонимиз обод бўлсин, гуллаб-яшнасин, Аллоҳим уни ёмон кўзлардан ўзи асрасин!».

Худди шундай дуони Аданада ҳам эшитдик. Ўзбекистоннинг озодлиги учун 1920–1930 йиллардаги толмас курашчи, ўша пайтларда «босмачи» дея ном «қозонган» Шермуҳаммадбекнинг қизи Саодатхоним бола-чақаси билан яшайди. Ота юртга бормаган, орзу-ният доим бўлган, бироқ имкон топилмаган.

Аммо гап-сўзлар ғирт ўзимизники.

– Эсон-омон юрибсизми, уйдагилар тинчми, бола-чақа омонми? Ишқилиб юртимиз тинч бўлсин-де. Намозларимда дуо қиламан ота юртимни.

– Астағфируллоҳ!

– Ота-онамнинг тарбияси бу! Ҳаммаларининг жойлари жаннатда бўлсин!

Иккала онахоннинг ёши 90 ларни қоралаб қолди.

Истанбулнинг Лалили мавзеида мўъзажгина «Ўзбек» меҳмонхонаси бор. Унинг соҳиби Усмон Хўжа. 2005 йилнинг охирида ҳамшаҳарларимиздан бирининг тўйида танишганман. Янги келмаганманми, собиқ ватандошларнинг соф ўзбек тилида гапириши қулоққа ғалати эшитилади – қандайдир майин, мусиқий лутф. Қандай қилиб тилимизни бунчалик сақлагансизлар, – деб берган саволимга шундай жавоб қилишган эди:

– Оиламиз катта, уч ўғил ва уч опа-сингилларим бор эди. Кобулда яшаётганимизга уч-тўрт йиллар бўлиб қолган. Афғон мактабида ўқиймиз. Отам раҳматли «кўчада нима ахлат есаларинг ҳам уйда фақат ўзбек тилида гапирасиз-

лар», деб талаб қўйганди. Бир куни нима бўлдию, мендан катта акаларим дастурхон атрофида урушиб қолишди, ўзаро даришча гапириб кетишди. Отам чап томонида ўтирган катта акамга: «Падарингга лаънатлар, сенларга нима дегандим», деб унинг қулоқ-чаккасига шундоқ бир мушт туширди. Бу бизга катта сабоқ бўлди ва ўша-ўша уйда фақат ўзбекча гаплашадиган бўлганмиз.

Ўша пайтда ёши етмишлардан ошиб қолган Туркия ва Америка фуқароси бўлган Усмон акадан гапларингизда «падарингга лаънат», «қулоқ-чаккаси», «бир мушт» сингари ибораларни қўлладингиз, деб буларга ойдинлик кириштишни сўрадим.

- Буларни эшитганимга 60–65 йиллардан ошди, сиз санаган сўзлар, иборалар ҳалиям қулоғим остида жаранглаб туради. Раҳматли отам талаб қилмаса мен тилимизни бунчалик сақлаб қололмаган бўлардим!

Ўзларининг фарзандлари ҳам ўзбек тилини шу даражада мукамал биладими, деб сўраганимда суҳбатдошим анча мулзам бўлди ва афсус билан «йўқ», деди. Икки ўғил ва бир қиз Америкада яшар экан. Ўзларининг бир оёқлари у ёқда, бошқаси бу ерда экан!

2006 йилнинг 4 августида Усмон ака катта ўғилларини уйлантирдилар, даъватларини ерда қолдирмадим. Менинг назаримда дастурхон тўкин-сочин, бозорнинг олди сархил мевалари, тўй чиройли, бадастир ўтди. Аммо...

- Кўнглим тўлмади, хонадонимга ўзбекдан келин келади, деган ниятларим сароб бўлди. Қандай орзуларим бор эди: Тошкентдан манаман деган хонандаларни олиб келиб, саҳаргача ўйин-кулгу қилмоқчи эдим.

Усмон ака ўғлига атторлик дўкони очиб берган. Ишлаб юрган пайтида АҚШда яшайдиган араб қизи билан дўконда танишиб қолади, қизи қурмағур ўғилнинг бошини айлантириб қўяди. Бор гап шу экан!

Туркиядаги ёши улуғларнинг ўзбекча нутқи мукам-мал, 30–40 ёшдагилариники ҳаминқадар, ундан кичиклар орасида ўзбек тилида отам-онам, Ватан, боболар юрти ва тили дейдиганлари йўқ ҳисобида. Бармоқ билан санарли.

Кексалар бугундан дардчил бўлиб қолишган, эртага фарзандларимиз ота-боболари тилини умуман билмай ўтишади! Истанбулдаги «Туркистонлилар жамияти»ни 2007 йилдан бошқариб келаётган Акбар Яссанинг шу хусусда боши оғрийди.

Барака топкур жамият қошида ўзбек тилини ўргатишни ташкил этди, бир нималарда ёрдам берган бўлдим. Уч ойлик курснинг илк битирувчиларига гувоҳномани Акбар ака билан бирга топширдик. Сўзга чиққанлар курсларни давом эттириш керак, деган фикрни илгари сурдилар. Иккинчи гуруҳ чала ярим ўқитилди... ва ташаббускор ўқитувчи Замира Ҳамидова Анқарага кўчиб кетгач умуман тўхтади бу иш!

Мамлакатдан малакали домла олиб келишимиз мумкин, аммо унга уй-жой, маош керак, уни ҳал этиш керак, дедим. Ҳаракат қилиб кўрамиз, дейишди, бўлмади!

...Паспортида Чағатой ёзилган, биз учун Чиғатой ака бўлиб кетган бу инсон Абдулҳамид ота Кўчарнинг катта ўғли. Кобулда туғилган. Аммо паспортида туғилган жойи Туркистон, деб кўрсатилган. Отасининг Афғонистонни ўз мамлакати этиб қабул этмаслиги учун шундай йўл тутишга мажбур бўлган экан.

Истанбулда икки дорилфунунни битирган. Филолог ва журналист. Олмониянинг Мюнхен шаҳрида фаолият кўрсатган «Озодлик» радиосининг ўзбек бўлимида 21 йил хизмат қилган. «Туркистонга тегишли мақолалар» китоби учун 1994 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан таъсис этилган Маҳмуд Кошғарий мукофотиغا сазовор бўлган.

2008 йилда илк бор мамлакатга оиласи – асли андижонлик хонадон фарзанди бўлган аёллари Севги хоним ва икки қизи билан сафар қилган.

– «Озодлик»да ишлаганим учун мени Ўзбекистон қабул қилмаса керак, деб ўйлаган эдим, – деганди менинг нега аввалроқ мамлакатга бормаганларини сўраб берган саволимга жавобан.

– Жонажон Ватанимиз туризм соҳасини ривожлантириши шарт, фақат даромад келтиради бу иш. Мана мен ўзим мамлакатимда бир ой давомида икки минг доллар сарфладим, – деган эди ҳамкасбим.

Ўзбекистонга бориб келган турли тоифа одамлар билан суҳбатлашганман, улардан давлатимиз тўғрисида илиқ гапларни эшитиб мамнун, танқидларидан хафа бўлганман. Аммо Чигатой ака мен Ватанимдан 20 дан зиёд китоб олиб келдим, деганида ҳайратланганман. Таътилга кетаётганимда мамлакатдан нима олиб келай десам, фақат янги нашрдан чиққан китоблардан сўрарди.

Туркияда мен билган, кўрган, танишган ўзбекларимиз ичида Ватанга, миллатдошларга энг садоқатли, меҳрли оқибатли Чигатой ака бўлади. 1967 йилда СССР министрлар совети раиси Алексей Косигин Анқарага расмий ташриф билан келиши хабарни эшитиб, 5–6 нафар талаба дўстлари билан Истанбулдан пойтахтга етиб боради. Қиш-қаҳратон. Юпун кийим. Белгиланган режага кўра, аэропортда катта меҳмонга норозилик чиқиши қилиш керак. Аэропортнинг олий мартабали меҳмонлар чиқадиган дарвозаси олдида плакатларни очиб турганда полиция ёшларни ушлаб олиб кетади. Катта меҳмон юртига қайтиб кетганидан кейин улар қўйиб юборилади.

– Совуқ уруш даврида «Озодлик»да ишлаб роса собиқ Иттифоқни «савалардим». Қайсидир маънода мен ҳам ота юртимнинг мустақил бўлишига ҳиссамни қўшганман!

Халқаро радиода фаолият юритгани сабаб мажбурдан кирилл ёзувини ўрганган. Икки кун Аданада бўлиб, шах-

сий архивлари билан танишганман. Ниҳоятда бой, Иккинчи жаҳон уруши даврида чиққан Туркистон легионининг «Янги Туркистон», «Миллий Туркистон», «Миллий адабиёт» газета-журналлари, 70-, 80-йиллардаги «Саодат», «Гулистон» журналлари, «Совет Ўзбекистони», «Ёш ленинчи» газеталарининг нусхалари асраб-авайлаб сақланган. Китоб жавонида нималар йўқ дейсиз! 1970–1980 йилларда нашр этилган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Жонрид Абдуллахонов ва бошқа ўзбек адибларининг асарлари батартиб жойлаштирилган.

Мюнхендаги фаолиятлари даврида Вали Қаюмхон, Рўзи Назар, Боймирза Ҳайит каби собиқ ватандошларимиз билан дўстлашган, уларнинг мамлакат тўғрисидаги суҳбатларидан баҳраманд бўлган. Чиғатой аканинг кутубхонасида уларнинг асарларидан намуналар ҳам бор.

У кишининг катта армони раҳматли Вали Қаюмхоннинг кутубхонасидаги бебаҳо асарларни олиш эди. У киши 1922 йилда таълим олиш учун Олмонияга бориб қолган талабалардан бири бўлган. Тақдир тақозоси билан у ерларда қолиб кетган. Уруш бошланган кезде Париждан чиқиб, Берлинда яшаётган катта сиёсатчи Мустафо Чўқай билан танишади, унинг вафотидан кейин «Туркистон легиони»ни ташкил этиб, бошқаради.

Чиғатой ака билан маслаҳатлашиб, В.Қаюмхоннинг бевалари, немис миллатига мансуб Ева хоним билан алоқага чиқдик. Аввалига телефонда боғландик, бирнималар дедик, кейин Истанбулдан туриб расмий хат ёздик, имзони эса мен қўйдим. «Вали Қаюмхон Ўзбекистон мустақиллиги учун курашганларнинг олди сафида ўрин олади, у кишининг хизматлари катта. Эски замонлар ўтиб кетди, у одам мамлакатимизда ҳурмат билан эсланади. У кишининг архивида сақланаётган тарихий асарлар, ҳужжатлар мамлакатимиз тарихини қайта ёзишда фойда беради. Қолаверса, бу ишимиз самара берса, Вали отанинг руҳлари шод бўлади. Ўзингизга соғлиқ, узоқ умр тилайман, қи-



зингиз Бибисорага саломлар!» мазмунида 2010 йилнинг 4 апрелида хат юборилади. Истанбулдан тўрт кунда Олмонияга етиб борар экан.

Мактубни халқаро почта орқали жўнатдиг-у, режанинг давомини белгилаб қўйдик. Худо хоҳласа, ишлар ўнгидан келса, мамлакатдан олинадиган совға-саломларнинг рўйхати тузилди, Тошкентнинг изни билан Чиғатой ака билан Ева хонимнинг зиёратига баробар кетамиз, деган хаёллар қилдик.

Афсуски бошлаган хайрли ишимиз натижа бермади. Икки марта ёзишма қилдик. Кейин Чиғатой аканинг ўзлари Олмонияга бориб, Ева хоним билан кўришди. «Қизим рухсат бермаяпти», деган жавоб олинди Вали Қаюмхоннинг бевасидан. Афсуски бу аёл ҳам 2014 йилда бу дунёдан ўтиб кетди. Қизлари Бибисорадан умид қилиш, қизил қор ёғишини кутиш билан баробар, деган эди Чиғатой ака.

Истанбул ва бошқа шаҳарларда яшаётган 50 ёшдан ўтган ватандошларимизнинг аксарияти олий маълумотли ва энг қизиғи уларнинг кўпчилиги шифокорлар ва фан олимларидир. Солиҳ Айнурал иқтисод фанлари доктори, профессор. Истанбул университетида ўқиган ва ишлаган, кейин Гебзе юқори технологиялар университетида домалик қилган, проректор бўлган. 2015 йилдан эътиборан Силивридаги Румели номидаги университет ректори.

Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети бор, уни навбатма-навбат икки давлат вакиллари бошқариб келишади. Солиҳбей Айнурал ҳам уч йил ректорлик вазифасини бажарган.

Истанбулга янги борган кезларим то 4–5 йил ўтгунга қадар Солиҳбей ўзаро суҳбатларимиз пайтида мамлакатимиз тўғрисида сираям танқидий фикр билдирмасди, кейинчалик оз-оз юмшоқроқ шаклда эътирозлар билдирадиган бўлди. 2013 йили Қозоғистон сафаридан қайтгач эса ўзбек бўлиб туғилганимга минг мартадан ҳамдлар айтдим, деди кўнглини ёриб.

Туркияда ҳар йили Рамазон ойи шодиёнага айланиб кетади. Ёшу кекса рўза тутишга интилади, кўпчилик бўлиб саҳарлик ва ифторлик дастурхонига йиғилиш урфга айланган. Жамоа бўлиб оғиз очиш ва ёпишнинг савоби катта, деб ҳисобланади. Бу ойда масжидлар минораларининг чироқлари ўчмайди.

Бир сафар ифторлик гурунгимиз хийла чўзилди. Домла асосан кўшни давлат таассуротларидан ҳикоя қилди.

– Ихлосим қайтди улардан. Роса миллатчи халқ экан. Ҳамшаҳарларимизни камситиш улар учун оддий ҳол экан. Дорилфунунимиздан ёз ойларида амалиёт учун талабалар Туркияга юборилади. Мен боргунга қадар бизнинг битта қоракўз кўрмаган экан Туркияни. Бу анъанани буздим ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишларига йўл очиб бердим. Кейин эса ... қолдим балога, – деди ранжигани боисини ошкоралаб.

С.Айнурал нуфузли идораларга чақирилиб, нотўғри ишлар қилаётгани тўғрисида огоҳлантирилибди ва ҳоказо.

Бу зиёли одамнинг таниши кўп, шаҳарда бирга юрамизми, у-бу тадбирларда бўламизми, атрофидан ихлосманд аримайди. Бирисини талабам, шогирдим, деса, бошқасини дўстим, оғайним, деб таништиради.

Бир куни телефон қилиб, «эртага фурсатингиз борми, сизни вертолётда Истанбулни айлантирсам, нима дейсиз?», деб қолди. Ўша кунлари Тошкентдан дўстим Ғайрат Зуннунов аёли билан уйимизда меҳмон бўлиб турган эди. «У кишини ҳам олиб келаверинг», деди домла.

Эртасига келишилган манзилга етиб бордик. Махсус жиҳозларни – овозларни эшитиш учун қулоғимизга ва гапириш учун оғзимизга тўғрилаб олдик. Расмий 15 миллион, норасмий 20 миллион нуфузли, бир тарафи 150, бошқа тарафи 250 километр бўлган мегакентни бир соатда «айланиб чиқдик». (Шаҳарнинг умумий ер ҳажми 5 461 квадрат километрни ташкил этади. Бу Москвадан 2 барабар катта дегани.) Аё София, Сулаймоний, Султон Аҳмад номи-

даги масжидлари, «Галатасарой», «Фенербахче» стадионлари, гўзал Мармара бўғозини, Осиё ва Европа минтақаларини боғловчи муҳташам кўприклар, қир-адирлар, автомобиль тўла йўллари баландликдан кўришнинг завқи ўзгача эди.

Захро янганинг оиласи 1971 йилдан бери АҚШда истиқомат қилади. Солиҳ домла 80-йилларнинг охирида Америкага ярим йиллик тажриба орттиришга борганда танишишган ва қисқа муддатда тўйлари бўлиб ўтган. Янга университетда инглиз тилидан дарс беради.

Айнурал жанобларининг дўстлари ниҳоятда кўп, шогирдларининг сони ундан-да ошиб тушади. Шаҳар марказида, соҳилбўйида, эй боринг-ки қайсидир жойда тамадди қилиб ўтирсак, ҳамма жойда «Солиҳ хожа хуш келдингиз», деб кутиб олишади.

Барча дўстлар билан мунтазам кўришиб туришга фурсат тополмаганидан «Дўстлар мажлиси», яъни «Дўстлар йиғини», деган нарсани ўйлаб топади. Мен Истанбулдан кетгунимча саккизта йиғилиш ўтказди. Мақсад – дўстларни бир жойга тўплаш, дийдорлашиш!

Илк учрашувда 60 атрофидаги турли касб эгалари бир жойда тўпланган бўлса, йилдан-йилга уларнинг сафи кенгайиб борди. Охири мен қатнашган «мажлис»да дўстлар сони 200 дан ошган эди.

Йиғилиш бир ресторанда ўтади, ўз ҳомийси бор. Емаклар еб бўлингач, профессор ҳар бир стол ёнига бориб, унинг атрофида ўтирганларни таништиради. Ҳар бирининг елкасига қўлини қўйиб, унга кичик тасниф ҳам бериб улгуради.

Таништирув навбати менга етиб келганда қуруқ қилиб «шу одам, шунақа мансабда ишлайди» деб қутулмайди. Алоҳида урғулаб, «Менинг боболаримнинг юрти, биз барча туркларнинг ота юртимиз – Ўзбекистоннинг Истанбулдаги вакили», дейди алоҳида меҳр билан.

Охирида эса дўстлар орасида янги лавозимга кўтарилган ёки шахсий ҳаётида бирор ўзгариш бўлган бўлса уни

ўртага чақириб, бу ҳақда эълон қилади ва бир даста гул билан эсдалик совғаси топширади. Бу ишларни фақат қалби тоза, бағри кенг инсонгина бажара олади.

Битта ўзбегимнинг шунча турк қардошларимизнинг бошини қовуштириб, бир-бирларига меҳр ришталарини боғлашда воситачилик қилаётган Солиҳбей дўстимизга нафақат мен, бошқа даврадошлар ҳам тасанно айтиб алқайдилар. Балли профессор хожа!

Хуллас, Солиҳ домла ҳақида яна ўрни билан тўхталамиз албатта.

Туркиялик ўзбек қавмларимиз орасида ярқ этган етакчи йўқлиги сезилади. Ҳар ҳолда мен билган Истанбулда аҳиллик ҳам ҳаминқадар, ўзаро борди-келдилар гуруҳлар орасида бўлади холос. Бир гуруҳ ҳамшаҳарлар ойда бир марта «гаштак», яъни бизнинг тилимизда «гап» ўтказишади. Турон ака ва Чўқай дўстимиз қўймасдан мени ана шундай тадбирлардан бирига олиб боришди.

Бизнинг «гап»лардан деярли фарқи йўқ. Хонтахта деган тушунча йўқ, дастурхон ерга ёзилади, унда нон, туркча салат. Одамлар йиғилишгач, иссиқ овқатлар пешма-пеш кела бошлайди: мошхўрда (ё тавба, деб юборганман ўшанда), манти (!) ва палов! Таъмида ва пиширилишида фарқлар бор, албатта. Муҳими, ўзбек миллий таомлари! Гаштакларда маст қилувчи ичимлик мутлақо истеъмол қилинмайди.

Турк одати сақланган, аввал емаклар, кейин суҳбат. Кетидан маданий дастур! Алмисоқдан қолган бўлса ҳам тор, дотор, чилдирмалардан сас таралиб туради, тиллардан тилларга кўчиб келаётган эски ўзбек кўшиқлари айтилади улар жўрлигида.

Эски замонларда мамлакатимизда ўтадиган тўй-ҳашамларда, базму-жамшидларда «хит» бўлиб, кейинчалик айтилмай «архив»га тушиб кетган «Яллама ёрим», «Қарғалар», «Наманганнинг олмаси» сингари кўшиқларни эски усулда, турк оҳангига яқин ширали ва майин овозда куйланиши қалбларни эритади.

Суҳбатлар турк тилида бўлади. Жуда бўлмаса мана шунақа «гаштак»ларда фақат ўзбекча гапиринглар, дейман уларга! «Хўп»дан нарига ўтирмайди!

Худди шу каби тавсияларимни Наврўз тантаналаридаги чиқишларимда ватандошларимга кўп маротаба эслатишга тўғри келди. Яна «албатта, тўғри танбеҳ», дейишади ва шу билан бояги-бояги аҳвол!

Ҳисомиддин Сабрининг от боқишга қизиқишини, от гўшtidан қазии тайёрлашини билиб олдим. Ўзбекистонда озгина тадбиркорлик билан шуғуллангандан кейин Қозоғистонда ишлаб қайтган. Ўша ерда отга муҳаббат уйғонибди. Дала ҳовлисида от боқади.

Аслида турклар қазии емайди, аммо истеъмол қилиш таъқиқланмаган ҳам. Ҳеч ким сабабини аниқ айтиб беролмайди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳижрат йилларида маълум вақтга от сўйишни тақиқлаганлар, орадан йиллар ўтгач яна рухсат берганлар. Марказий Осиёнинг барча халқлари от гўшти истеъмол қилади, динимиз бир, ихлос билан ибодат қиладиган тариқатимиз бир! Шулар ҳақда гапириб айрим орқадоларни қазидан тотинишга кўндирган ҳолларимиз ҳам бўлди.

Турон Акиннинг касби доришунослик. Ижарага олган дориҳонани юргазарди. Аёллари Холида опа ўзимизнинг содда ўзбек аёлларимиздан. Турмуш ўртоқларидан фарқли ўлароқ дона-дона, чўрт кесиб гапиради. Уларнинг уйларида ҳам мамлакатимиздан келтириб безатиб қўйилган ашёлар сероб. Айниқса, ўзбекистонлик санъаткорларимизнинг концерт дастурлари ёзилган видеокассеталар ва СД-дисклар билан тўла. Тошкентдаги унча-мунча ашаддий ишқибоз бисотида ҳам шунча кассета жамланган дея олмайсан киши!

Зоир Хўжа «Ўзбек» отелининг менежери, меҳмонхона ишини Саудия Арабистонида яшаган ёшлик даврида ўрганган. Отаси вафот этгач, 1971 йилда акалари билан

биргаликда ижарага эски тўртта ҳовли-жойни олиб, уни меҳмонхонага ўзгартириб халққа, ҳожиларга хизмат кўрсатишган. Оз муддат Америкада яшагач, Истанбулга кўчиб келган.

Ёшликдан инсонлар орасида бўлгани, хизмат соҳасидан чиққани учун феъл-атвори ҳам шунга яраша шаклланган, очиқкўнгил, ватандошларимиз бўладими, барчанинг кўнглини олишга ошиқади.

Боқи Қорасу тадбиркор, пойабзал дўкони бор. Мен боримда бир марта Ватанга бориб келди. Қариндошларини зиёрат қилиб, энди ҳар йили бораман, дедию қайта бормади ёки боролмади.

Ватандошларимиз ичида молиявий аҳволи дурустлардан Темур Тошкан, кичик тўқимачилик фабрика соҳиби. Деярли ҳар йили Тошкентга келиб кетади десам муболаға бўлмайди. Боболари тошкентлик бўлгани учун фамилияси Тошкан бўлиб қолган.

Боболари фарғоналик бўлган Хоқон Демир адвокат, ҳуқуқшунос, саводли инсон. Собир Сайҳоннинг хос шогирдларидан. Бош консулхонага, расмий қабул маросимларига албатта ўзбек дўпписини кийиб келади. 2000–2005 йилларда туркистонликларга ижтимоий ва маданий кўмак жамиятига раҳбарлик қилган. Қайта сайланишига ички низолар йўл бермайди.

Шавкат Айнурал Солиҳ домланинг акаси. Хокисор, бир ойда камида албатта бир марта телефон қилиб ҳол-аҳвол сўраб туради, байрамларда биринчилар қаторида табрик СМСлари юборарди. Уйларининг олдида кўптармоқли йирик касалхона бор. Нимадир бўлди-ю, Тошкентдан келадиган беморга ташхис қўйдириш лозимлигини айтиб қолдим у кишига. Мен ўзим кутиб оламан, мен ўзим уларга қарайман, деб астойдил туриб олди одатларига кўра кўзларини пирпиратиб.

Мамлакатга телефон қилиб, хотиржам келаверинглар, деб ҳалиги одамга уларни рўпара қилдим. Бемор шифо-

хонада бўлади, унинг ҳамроҳига меҳмонхонадан жой керак, деб, Шавкат акага уйларига яқинлардан жой олишни илтимос қилдим.

– Бунақаси кетмайди, меҳмон менинг уйимда яшайди, – деди гапимни шартта бўлиб.

Хижолат чекдим, бироқ у киши бошқа гапимни эшитишни истамади.

– Нима, мен Тошкентга меҳмонга борсам, меҳмонхонада яшамайман-ку!

Шавкат Айнуралнинг бу каби холисона ҳимматларига истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Шавкат ака Ўзбекистонга бир марта борган, бошқа фурсати бўлмаган.

Отаси Орифжон аканинг 1930 йилларда мамлакатда таркаган вабо касаллигидан турмуш ўртоғи ва қариндошлари вафот этиб кетишади. Қўқонда ўғлини қолдириб, вазият бироз юмшагач уни олиб кетишни айтиб, ўзи Афғонистонга кетишга мажбур бўлади. Афсуски, ўғлини олиб кетолмайди. Фақатгина 1975 йилда ота-бола Қўқонда кўришадилар.

Орифжон ота 1989 йилда 84 ёшда вафот этади.

Ўгай ака 1993 йилда Туркияга келади. Бўй-баста, гапириш тарзи, кулиши, ҳатто қадам олиши ҳам худди отасининг ўзи. Ака-укалар ҳайратда. Шавкат аканинг онаси ўгай ўғилнинг хонадонга кириб келганида ҳушини йўқотишига бир баҳя қолади.

Шу ўринда бир мулоҳазадан оғиз очиш мавриди келди.

Ҳар қандай жамият сон-саноксиз муносабатлардан ташкил топади. Тирик жон борки, яхшироқ, фаровонроқ яшашга ҳаракат қилади. Одамларни ҳам ошкора, ҳам пинҳона манфаатлар бошқаради. Ушбу аснода ё ихтиёрий, ё ихтиёрсиз қонунга хилоф ишларга қўл урилади – жинойт келиб чиқади. Туркияда яшаб, юзлаб собиқ ватандошлар билан танишиб, уларнинг ўтмиши ёхуд ҳозирдан воқиф бўлиб ватандошларимиз орасидан

жиноятчи чиққанини, бирор бир номаъқулчиликка қўл урган ўзбекни билмадим, эшитмадим, бундай мисолга йўлиқмадим!

Баракалла, ўзбегим, деб ҳайқиргим келади!

Аданалик Абдулла Қуёш 1934 йилда Афғонистоннинг Андхойида туғилган. Чаққон, белида ҳали қуввати бор. Ҳаракатлари чаққонлигидан билмаган одам у кишини 70 ёш атрофида, деб ўйлайди.

Тўрт марта ҳамшаҳарларимни йўқлаб у томонларга борган бўлсам, ҳар сафар мени қаршилашга аэропортга чиқади. Хижолат эканимни билдирсам, парво қилманг, сиз бизни қаерлардан сийлаб келаяпсиз-у, деб баттар хижолат чектиради.

Уларнинг оиласи ҳам 50-йилларда Саудия Арабистонида бир неча йил яшагандан кейин Туркияга кўчиб келишган. Абдулла ака йигитлик чоғларида Америкага кетиб, у ерда 37 йил яшаб, яна Аданага қайтиб келган.

Шаҳардан сал четга чиқишда сув омборини кўрсатиб, мен унинг қурилишида қатнашганман, деб ғурурланиб кўяди. Бу ишга ўша пайтда Сулаймон Демирэл бош муҳандислик қилган, деб, у киши билан таниш эканликларини билдиради.

Адана ўзбек жамиятига узоқ йиллар Илкар Мадани раҳбарлик қилди. Ўзбек тилига нўноқ, ўзи удабурон, қўли очиқ тадбиркор. Отаси Исматбейнинг ишини давом эттириб, саноат тарозиси ишлаб чиқарадиган заводни бошқаради. Ўзбекистонга ҳам икки-учта сотганини айтган эди. Жамиятдаги деярли катта харажатлар унинг зиммасида бўлган.

Асли наманганлик бўлган Маданиларнинг ота-бобоси 1900 йилларда ҳажга борадилар. Бир-икки йилдан кейин мамлакатга қайтиб кетаман, деб турганларида ҳаж амаллари бажаришга келган ўзбеклар Туркистонни Чор Россияси босиб олгани, алғов-далғов замонлар бошлангани хабарини берадилар. Шу гапдан кейин Маҳмудбей



оиласи яна 20 йилга яқин Мадинаи Мунавварада қолиб кетади. Янги паспорт олиш жараёнида Мадани фамилиясини олади.

Ҳозир эса Аданадаги жамиятни Шермуҳаммадбегнинг набираси Усмон Бек бошқармоқда. Одобли, андишали, соф ўзбек, куйди-пишди.

Туркияда ҳаддан ташқари бой-бадавлат бўлиб кетган ватандошимизни ҳам учратмадим, қувонарлиси, ораларида камбағал ночори ҳам йўқ. 10 йил давомида бир неча ўнлаб хонадонларда меҳмон бўлиб кирган бўлсам, ҳаммаси ўзига тўқ, турмуши бадастир, эгни бут.

Мени қувонтирган ва ватандошларимиздан фахрланадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Салкам етмиш йилдан бери бирорта ҳамшаҳримиз жиноятга қўл ургани ёки террор балосига аралашгани тўғрисида мисол йўқ! Балли ҳамшаҳрим!

Шунча йиллар давомида ўзбекларимиз орасида сиёсатга кирган икки киши бўлган. Улардан бири Аҳат Андижоннинг асл касби юрак жарроҳи, университетда дарс ҳам беради. 1990 йилларнинг бошида Буюк Миллат Мажлисига депутат этиб сайланади. Этник ўзбек бўлгани учун у хориждаги турклар билан ишлаш бўйича давлат вазири этиб тайинланади. Туркия ҳукуматининг матбуот котиблиги вазифасини ҳам бажарган.

Аҳат Андижон 2018 йилнинг ёзида бўлиб ўтган парламент сайловларида қатнашиб, Истанбул шаҳридан депутат этиб сайланди. «Яхши» партиянинг парламентдаги фракция раҳбари.

Асл маслагидан ташқари Туркистон тарихи билан жиддий шуғулланади, бир нечта китоблар чоп этган.

Туркиядаги ўзбеклар ҳақида гапирганда Анвар Олтойлини ҳам эслаб қўйиш лозим. Ўзбекистоннинг илк

мустақилликка эришган йилларида икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда алоҳида хизматлари бор.

Олтойлининг ота-бобоси асли наманганлик, ўтган асрнинг бошида Чодак қишлоғида дунёга келган. Яхши таълим олган, араб, форс ва рус тилларини яхши ўрганган эди. Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовлар билан таниш бўлган. Ўзбекистон режалаштириш вазирлигида ишлаган, мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгаргунча, республика раҳбарияти изни билан Тожикистонга ўтади ва у ерда ҳам режалаштириш вазирлигида ишлайди.

«Таджикистанская правда» газетаси Шокир Олтойли тўғрисида режим душмани, буржуа жосуси, миллатчи, деб ёзиб чиққандан кейин Афғонистонга қочиб ўтишга мажбур бўлади. Кейинроқ эса Туркияга келиб жойлашади.

Ўғли Анвар ака 1944 йилда Аданада туғилади. Анқара университетининг ҳуқуқ факультетини битиради. Ҳарбий лицейда ўқийди. Олмонияда малакасини оширади. Туркиянинг Миллий разведка ташкилотида хизмат қилади. 1973 йилдан 1980 йилдаги ҳарбий тўнтаришгача Алпарслон Туркеш лидерлигидаги Миллиятчи ҳаракат партиясида, оз муддат бу партиянинг Олмониядаги ваколатхонасида фаолият кўрсатади. 1977 йилда Туркияга қайтган Анвар ака «Ҳар кун» газетасида иш бошлайди, уч йил бош муҳаррир бўлади.

Ҳарбий тўнтариш натижасида кўплар қатори миллиятчи партия раҳбарияти ҳам асирга олинади. Олтойли Олмонияга қочиб кетишга муваффақ бўлади. Аммо ҳарбий тўнтариш билан боғлиқ прокуратура тайёрлаган айбномада кўплаб миллиятчилари қатори Анвар Олтойли жазога тортилиши ва қўлга олиниши тўғрисида ҳукм чиқарилади. Шунингдек, у Туркия фуқаролигидан чиқарилади.

1981 йилнинг 13 май куни Рим Папаси II Иоанн Павелга суиқасд уюштирилади. Уни туркиялик террорист Меҳмет Али Агжа амалга оширади. Москвада чиқадиган «Литературная газета» «Папанинг суиқасдида АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси жосуси Рўзи Назар ва Туркия Миллий разведка ташкилотининг эски жосуси Анвар Олтойли тарафидан ташкил этилган»ини ёзиб чиқади. Бу албатта тухматдан бошқа нарса эмасди.

1988 йилда Франкфуртда ўтадиган анъанавий китоб кўргазмасида ўзбек бўлимига келиб, «Меҳнат» нашриётида ишлайдиган мутасаддилар Убайдулла Абдураззоқов ва Эркин Бойсуновлар билан танишади.

Янги дўстлари воситасида ота юртига боради, икки ойдан сўнг қайта уни Тошкентга даъват этишади ва республика раҳбари Ислом Каримов билан учрашади. Ўша кундан эътиборан то 1995 йилгача маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатади.

Туркия ҳукумати тарафидан ҳам Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлар бўйича ҳам бу каби махсус мавқени эгаллайди.

1991 йилда эса Туркия прокуратураси Анвар Олтойлига нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилади ва унга қайта фуқаролик қайтариб берилади.

Бу кишилардан кейин сиёсатга кирган ҳамшаҳарларимиз йўқ ҳисоби. Профессор Солиҳ Айнурал ва икки-уч нафар ёш ватандошларимиз аввалги йилларда ўтган парламент сайловларида иштирок этиб кучларини синаб кўришган эди.

Истанбулда бўлишим давомида Амир Темур бобомизнинг бу гапларини тез-тез такрорлаб турганман.

Бизким мулки Турон,

Амири Туркистонмиз.

Биз ким миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи,

Туркнинг бош бўғинимиз.

Олти аср аввал айтилган бу тўртлик ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган. Туркия оёғида мустаҳкам турган йирик давлат, салоҳияти ҳам йирик Ғарб мамлакатларидан қолишмайди.


Нуфус, яъни аҳолисининг сони масаласи биров баҳсталаб. Турклар билан бу мавзуда суҳбатлашиб қолганимда ўзбек миллати ҳам дунёда турклардан сон жиҳатидан қолишмайди, деб таҳлил қилиб берганман.

Туркиянинг 80 миллионлик аҳолисининг қанчаси асл турк? Курдлар биз 25–30 миллионмиз, дейдилар. Шунга яқин рақамни алевийлар айтишади. Шу икки миллат энг озида мамлакатнинг ярим аҳолисини ташкил этиб турибди. Қолаверса, қолган майда миллатлар сони ҳам 2–3 миллиондан кам эмас.

Мамлакатимизда тахминан 27 миллион атрофида ўзбек бор. Қўшни Афғонистонда уч миллион, деб кўрсатилади, Саудия Арабистонида ҳам шу атрофда. МДХ ва айрим ғарб давлатларида ўзбек миллатига мансуб яна 5–6 миллион аҳоли бор.

Демак, Туркия иқтисодий ривожига бўйича турк давлатлари ичида биринчи ўринни эгаллайди, нуфуси бўйича эса Ўзбекистон билан ўринни бўлишади. Ана ундан кейин Қозоғистон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар туради.

Ўзаро ҳамкорлик керак, бунга ҳеч ким шубҳа билдирмайди. Тенглик ва биродарлик асосидаги ҳамкорлик икки тилда сўзлашадиган бир миллат манфаатларидан келиб чиқмоғи лозим!



## ТУРКИСТОНЛИКЛАР ЖАМИЯТЛАРИ – КЕЧА ВА БУГУН. ЭРТАГА-ЧИ?

Аввал айтиб ўтганимдек, Истанбул ва Аданада катта, Жейлонпинар ва Овакентда кичикроқ ўзбек жамиятлари бор. Икки йирик жамиятнинг расмий номи «Туркистонликларга ижтимоий ва маданий кўмак кўрсатиш жамияти» деб юритилади. Ҳар иккиси ХХ асрнинг 50-йилларидан шундай аталади, демак, салкам 70 йиллик тажрибага эга. У пайтларда жамият аъзолари орасида ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, деб миллат ажратиш бўлмаган, уларнинг барчаси туркистонликлар деб аталган. Жуғрофий хариталарда ҳам, тарихий ҳужжатларда ҳам Туркистон ўлкасининг номи зикр этилган.

Бундай жамиятлар қандай вазифаларни адо этиши маълум – ҳижратдаги миллат вакилларининг бошини қовуштириш, уюшган ҳолда ҳаётини муаммоларни бартараф этишни енгиллаштириш, миллий удумларни асраб-авайлаш ва ҳоказо. «Туркистонликлар» деган сўз моҳиятида жуғрофий мансубликдан келиб чиқилгани кўриниб турибди, бироқ вақт ўтиши билан жуғрофий мансубликдан кўра миллий мансублик устунлик қилган ҳолатлар сезилмоқда. Ҳозирги пайтда Туркияда қозоқ, қирғиз, туркман миллий жамиятлари фаолият юритаётгани ана шундан далолат беради.

Шундай йўл тутилиши тўғрими-нотўғрими ёки маъқулми-маъқул эмаслиги хусусида тўхталмаган тақдиримизда ҳам миллий жамиятлар нисбатан ихчам эканлиги боис уларни бошқариш, иш юритиш осон кўчиши кўриниб турган ҳақиқат. Айни чоқда муайян маънода бўлиниш, парчаланиш ҳам-да? Назаримизда, хорижда мумкин қадар

ҳеч қандай парчаланишга йўл қўймаган ҳолда, аксинча бирлашиш, йириклашиш тенденциясида собит турган маъқул. «Туркистонликларга ижтимоий ва маданий кўмак кўрсатиш жамияти» ўз нуфузи ва салмоғини сақлаб қолса-да, миллий жамиятлар унинг таркибида вужудга келтирилса ҳар жиҳатдан мақбул иш тутилган бўлар эдими, деган мулоҳазалар туғилади беихтиёр хаёлда.

Ҳай, нима ҳам дердик, булар кечаётган ташкилий жараёнларнинг четдан, лекин қалбдан самимий кузатишлар натижасида келиб чиққан хулосалар холос. Лекин ҳақли савол ҳам туғилади: ҳамонки, миллий мансубликдан келиб чиқиб жамиятлар тузилаётган экан нима сабабдан ўзбек миллий жамияти ёки маркази ташкил этилмаган?

2005 йилда Туркистонликлар жамиятига Турон Акин раҳбарлик қилган, у кишига Чўқай Кўчар ўринбосар эди. Иккиси ҳам ниҳоятда серғайрат, куйди-пишди инсонлар. Ватанимиз мустақилликка эришган кун шарофати билан Бош консулхонага ташриф буюришар, бошқа қувончли муносабатлар билан ҳам шодликларимизни бирга баҳам кўришар эдик.

2007 йилдан жамиятга Акбар Ясса раҳбар этиб тайинланди. Ўзи бирмунча камсуқум, серфарзанд оилабоши. Мамлакатимиз байрамларини биргаликда нишонлаганмиз. Бироқ пича раҳбарлик фаолиятида сустроқ, унчабунча ташаббусларга хуши озроқ инсон.

Этник ўзбегимиз, бобоси асли наманганлик бўлган Исмоил Қовунжу Истанбулнинг йирик Айюб районига, бизнинг тилимизда айтсак, ҳоким бўлган. Беш йиллик фаолияти мобайнида жамиятимизга кўп ёрдами теккан. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрамини аввалига пикник (дала) усулида, кейин шаҳарнинг нуфузли меҳмонхоналарида биргалашиб ташкил этганмиз.

Туркияда 2000 йилларнинг бошларигача Наврўз келишини байрам сифатида нишонлаш тақиқланган. Бу байрамнинг туркларга дахли йўқ деб ҳисобланган. Ке-

йин, бора-бора муносабатлар ўзгарди. Жамият ҳам бу байрамга бағишланган илк йирик тадбирини 2005 йилнинг баҳорида ўтказди. Тиниб-тинчимаган жонкуяр, Ўзбекистоннинг садоқатли фидойиларидан Турон Акин ва Чўқай Кўчарларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ўшанда Наврўз чинакам байрамга айланди, илк бор мамлакатдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожибар Азизова бошчилигидаги санъаткорлар гуруҳи таклиф этилди.

Шундан сўнг жамият миқёсида Наврўз байрамини ўтказиш анъанага айланди. Кейинги йиллардан маҳаллий ҳокимият бу жамоат ташкилотини қўллаб-қувватлай ҳам бошлади.

Туркиядаги Наврўз байрами манзаралари пича бошқачароқ. Расмий қутловлардан аввал бир тобоқдан афғон гуручи ва қизил сабзидан тайёрланган палов ва айрон улашилади. Ундан кейин эскидан удум бўлиб келаётган оловдан сакраб ўтиш, куволда билан қизиган темирга ишлов бериш, тухум уриштириш каби ҳазил мусобақалар байрамга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Айниқса, Ватанимиздан ташриф буюрган санъаткорларимиз ижросидаги ўзбек куй-қўшиқ ва рақслари 300–400 кишилик издиҳомни росмана жунбишга келтиради.

Тўғриси айтганда, замонавий ўзбек қўшиқларимиз мазмунини тушунадиганлар жуда оз. Ёши улуғлар «Тановор», «Муножот» ва «Қора кўзим» сингари мумтоз наволарни кўнгиллари суст кетиб тингласалар, ёшлар кўпроқ замонавий эстрада оҳангларига ишқибозроқ. Мисол учун Истанбул ва Адана шаҳарларига ташриф буюрган атоқли ҳофизимиз Шерали Жўраев ҳар икки йўналишда ҳам туркиялик ватандошларимиз меҳрини қозона олди. Шунингдек, Мустақиллик ва Наврўз байрамларида Ортиқ Отажонов, Насиба Абдуллаева, Ҳосила Раҳимова, Юлдуз Турдиева, Тожибар Азизова, Аброр Зуфаров, Феруза Жуманиёзова сингари машҳур санъаткорларимиз, Самарқанднинг театрлаштирилган «Эл-Мерос» гуруҳи,

«Ўзбегим» гуруҳи ва бошқалар ўзбек санъатини Туркия жамоатчилигига етказишда астойдил хизмат қилишган.

Аданадаги ўзбеклар жамияти Истанбулдагидан тубдан фарқ қилади. Мегаполисда одамларнинг руҳий «об-ҳаво»си ўзгача, яъни ўзаро оқибат анча суст. Ўрта Ер денгизи бўйидаги Аданада илк ўзбеклар жамияти тuzилган, Истанбулдан минг километр нарида жойлашган шаҳар. Жамият томонидан уюштирилган тадбирларига борсангиз, 20–30 кишининг миллий дўппимизни кийиб юрганга гувоҳ бўласиз. Истанбулликлар орасида эса муборак бошларида дўппи чарақлаб турадиган Собир Сайхон ва Хоқон Демир холос.

Аданада йил мобайнида бир нечта тадбир ўтади: Наврўз, Кўрбошиларни хотирлаш куни, Палов сайли, ҳамшаҳарлар биргалашиб сумалак ва ҳалим пиширишади. Истанбулда бор-йўғи Наврўз байрами нишонланади, Бош консулхонанинг ташаббуси билан бир ёки икки марта Мустақиллик байрамлари нишонланди, холос.

Шонлиурфа Туркиянинг жанубидаги шаҳар, Истанбулдан 1,5 минг километр нарида. Аданадан кейин 50-йилларда ўзбеклар кўп муқимлашган иккинчи кент – Жайлонпинардир. Бу жамият фаолиятини бевосита кузатиш, тадбирларида иштирок этиш насиб бўлмади. Лекин жамият раҳбари Сайфитдин Боранинг ўзи консулхонамизга келиб турди. 80-йилларда Афғонистондан кўчириб келинган туркистонликлар шу ерга жойлаштирилган. Ҳозир Жайлонпинарда мингдан зиёд ўзбек истиқомат қилмоқда. Аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади, Ўзбекистондан келтирилган уруғлар билан қовун етиштириш кенг тарқалган. Сайфитдиннинг истагига кўра, жамиятга Ўзбекистон байроғи, харитаси, мамлакатимизнинг бугунги ҳаётидан ҳикоя қилувчи адабиётлар ҳадя этилди.

Овакент қишлоғи Хатай вилояти ҳудудида жойлашган. У ерга Улфат Қодиров билан бирга борганмиз. Бу шаҳар Аданадан 250 километр узоқликда. Ўзбекистонлик



вакиллар келар экан, деб роса тайёргарлик кўришган. Бу кичик шаҳарчанинг чегарасида бизни эллик чоғли киши кутиб олишди. Ҳаммаси оппоқ узун енгли кўйлак, чолвор кийишган, нуронийларнинг нурдай оппоқ соқоллари уларнинг қиёфаларини янада файзиёблаштирган.

Қадрдонлардек кучоқ очиб пешвоз чиқишди. Бу салимий инсонлар афғон урушидан қочиб, бу ерларга келиб қолишган. Аниқроғи, 80-йилларда Бош вазир Турғут Ўзол ҳукуматнинг бир тарафлама қарори билан турк қавмини советлар босқинидан қутқариш учун Мозори Шарифга самолёт юборади. Дастлаб 120 киши келган бўлса, кейинги учоқларда Туркияга келадиган ўзбек ва туркманларнинг сони кўпайган.

Улар учун айнан Овакент танланган, чунки унинг иқлими ва жуғрофий жойлашуви Афғонистоннинг жанубий вилоятларига жуда ўхшаш.

Жамият раиси Абдушукур Мерт шу жойнинг эски ҳокимларидан экан. Унинг уйида меҳмон бўлдик, биз ўтирган хонада йигирма чоғли киши бор эди, қолган яна шунча одам бошқа хоналарга жойлашди. Дастурхонда ўзимизнинг миллий таомлар – сомсадан тортиб, лаҳм яхна гўшт, шўрваю паловлар муҳайё!

Суҳбатлардан маълум бўлдики, уларнинг кўпчилигининг ота-боболари асли сурхондарёлик. Тақдир тақозоси билан XX асрнинг 20- ва 30-йиллари Амударёнинг нариги томонига кечишган.

Измирда яна битта жамият бор, унинг ташаббускори турк Гурбуз Донмез. Салкам олти йил Ўзбекистоннинг нон-тузини еган, тадбиркорлик билан шуғулланган, юртимизга меҳри ўзгача. Бу меҳр шу даражадаки, «Вафот қилсам мени Тошкентга олиб бориб дафн этишади, шу ерда ишлаб турсанг васиятимни амалга оширишга ёрдам қиларсан», деб айтарди ҳар замон.

Уйдаги жавонларда Ўзбекистон билан боғлиқ хилма-хил буюму ашёларни кўришингиз мумкин. Ки-

тоб-журналлар, пахтагулли чойнак-пиёла, коса-лаганларимиз, атласу адраслар дид билан жойлаштирилган.

«Ўзбекистонни севадиганлар» жамиятини Тошкентдан қайтгач, 1990 йилларнинг охирида ташкил этади, расмий ўлароқ ҳокимият рўйхатидан ўтказди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» сўзларини уч метрли афиша шаклидаги матога ёздириб илиб қўйган. Бу шиорни қаерда тадбир ўтказадиган бўлса ўзи билан бирга олиб юради.

«Аллоҳ менга фарзанд бермади, бу ишда бир хайр бордир», дейди самимий. Чол-камбир 75 ёшлар атрофида. Кузда хом зайтунни сотиб олиб, тузлаб сотади. Катта миқдорда сут олиб, пишлоқ, қаймоқ ва яна алланималар тайёрлаб, уларни ҳам савдога чиқаради. Топган маблағининг оз қисмини эҳтиёжи учун қолдириб, қолганини етим-есир, бева-бечораларга улашади. Уйдан меҳмон аримайди. Талабаларимиз кунда-шунда, кекса онахонга кўмаклашадилар.

Ўзбекистоннинг Мустақиллик ва Наврўз байрамларида чоғроқ қозонда ош дамлаб Жамият номидан бепул тарқатади. Йилда бир марта бўладиган машҳур халқаро Измир ярмаркасида шундай саховатини такрорлайди. Мақсад – Ўзбекистон номи чиқиб турсин, одамларимиз қаердан келганликларини унутмасинлар, дейди барака топкур бу ажойиб инсон.

Бир куни телефон қилиб, Регистон майдони тўғрисида маълумот керак, деб қолди. Эртасигаёқ жўнатдим. Бирор ҳафталардан кейин Истанбулга А3 форматда Регистон майдони сурати туширилган, усти ламинация қилинган ва орқасига майдондаги меъморлик санъати намуналарининг тарихи ёзилган ажойиб фотолавҳа келтирди.

– Ҳозирча беш мингта ясаттирдим, тугаса яна бошқатдан буюртма бераман. Сенга ҳам ҳозирча минг дона олиб

келдим, Мустақиллик куни қабул маросимида, бошқа тадбирларда меҳмонларингга тарқатарсан!

Э, асло кам бўлманг, яшшанг, Гурбуз Аби!

2012 йилда Измир университетидеда Ўзбекистон Мустақиллик байрамини нишонладик. 400 кишига чиройли дастурхон тузалди. Истанбулдан мен билан бирга Айюб райони ҳокими Исмоил Қовунжу ҳам борган эди. Тўрт киши бўлиб, бир-биридан чиройли маърузалар қилиб, мамлакатимизни Измирда танитган бўлдик.

Худди шундай ҳамкорликдаги тадбир Истанбулдаги «Кумушкент» саройида ҳам ташкил этилди.

Туркистонликлар жамиятлари ҳақида мухтасар маълумотлар шулар, лекин замонавий ҳаёт шиддати, аҳвол-руҳияси мутлақо ўзгача тус олмоқда. Аввало ўзбек миллий жамиятини ташкил этиш масаласини жадаллаштириш, шу йўналишдаги ишларни кенг йўлга қўйиш мавриди бейбермаслик даркор. Қолаверса, йиллар ўтади, авлодлар алмашади, Туркиядек улкан давлатда ЎЗБЕК деган номни кимлар сақлаб қолади, қай тартиб ва кўринишларда сақланади?

Таассуфким, бундайин саволлар қалбларга оғриқли ҳазинлик олиб келади...





## ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК ИЛЛАТИ ЁХУД ПРЕЗИДЕНТ КЎРСАТГАН НАМУНА

Ҳафта, ой, йил ўтмоқда. Хизмат давом этмоқда. Ҳаш-паш дегунча қарийб тўрт йил ортда қолибди. Энди Ватанга қайтсак ҳам бўлар. Буёғига фарзандлар улғайиб қолишмоқда деганларидек.

Тошкентдан маслаҳат олдим, чет элда ўқиётган талабаларни янги ўқув йили бошида бизнинг олий ўқув юрталарига кўчириш нисбатан осонроқ, ўқув йили ўртасида эса бу иш бироз мушкул кечиши мумкин экан. Ёзга чиқиб ўғлим ва қизимни Тошкентга жўнатдим.

Тошкент тиббиёт академиясидаги талаблардан хабардор қилишди. Қизим Истанбул университетининг тиббиёт факультети толибаси. Хужжатларни йиғишга киришдик. Йил якуни баҳолари яхши бўлишининг аҳамияти катта экан. Баъзи домлалар қизимиз ўқишни Истанбулда битириб кетмаётганига астойдил ачиндилар.

Шаҳзодахонда бор-йўғи иккитагина «уч» баҳо чиқиш хавфи бор экан. «Биттасини ўзим топшириб яхши баҳо оламан, иккинчиси – қийин масала», деди у.

Шунча йил Истанбулда ўзимни Тошкентда юргандек ҳис этганман, ўзимни заррача бегона ҳисобламаганман. «Сенга қийин бўлганини тўғрилаймиз», дедим қатъий ишонч билан қизимга.

Даставвал, шу университетда узоқ йиллар ишлаган профессор дўстимиз Солиҳ Айнуралга мурожаат қилдим, ётиғи билан аҳволни тушунтирдим.

– Эй, нима деяпсиз, – сапчиб тушди биродаримиз, – бу ерда сиз ўйлаган таниш-билишчилик кетмайди. Талаба ўзи ўқиб, ўзи баҳо олади. Шунинг учун 4–5 йиллик олий

Ўқув юрти дастурини айримлар 10 йил давомида битириши мумкин, бу қонунан белгилаб қўйилган. Бекорга овора бўлманг, – гапнинг дангалини айтди-қўйди домла.

Гапнинг очиғи ранжидим, қоғозга ўраб, биров юмшоқроқ-мулойимроқ тарзда тушунтириши мумкин эди-ку! Кап-катта одам лоп этиб илтимосимни чиппакка чиқарди-кутулди! Бироқ...

Бошқа орқадощларга оғиз очдим. Рад жавоблари қаторлашгани сайин Солиҳ Айнуралдан ранжиганим ўзимга наша қила бошлади. Совға-салом, ҳадя-мадяни ҳатто хаёлга келтириш зое эмиш! Ё, алҳазар, деб юбордим! Ўйлаганим амалга ошмагани бир томон, лекин барча мен мурожат қилган ёр-биродарларнинг гаплари бир жойдан чиқиб, ҳар қандай талабага талаб битта – унинг билими эканлигини ўз кўзим билан кўрганим, гувоҳи бўлганим мен учун бамисоли эврика эди!

Солиҳ домла билан навбатдаги сафар кўришганимизда, чиқмаган жондан умид қабилида яна муаммодан сўз очдим. Талаба чет эллик бўлгани сабабли имтиёз берилиш эҳтимоли бор эмасмикан, дедим. Бу сафар домла, менинг кўнглим учун шекилли, университет проректори билан маслаҳатлашди. Натижа нима бўлди денг?

– Бундай ишларга, – узил-кесил жавоб қилди Солиҳ Айнурал домла, – Туркия президенти ҳам аралашолмас экан, мабодо аралашган тақдирда ҳам унинг гапи ерда қолиб кетиши муқаррар экан!

Мана, яна бир кашфиёт!

Тақдирга тан беришдан бўлак чора қолмади деб турганимда бошқа бир маслаҳат чиқиб қолди: яхшиси, ўзим қизимнинг домласига бориб вазиятни тушунтирсам-чи?

Бордим. Учрашдим. Домла ғоят хушмуомалалик билан қарши олди, суҳбатлашдик ва муддаоимни билгач, янада мулойимлик билан албатта ёрдам берамиз, яхшилаб ўқиб келсин, деб кўнглимни кўтариб, хайрлашди.

Қизим астойдил тайёргарлик кўрди, белгиланган куни имтиҳонга борди ва натижа... йўқ! Ваҳоланки, Шаҳзодахон, Тошкентда ҳам, Истанбул ўрта мактаби ва лицейида ҳам фақат «аъло» баҳоларга ўқиган. Бошланишига маҳаллий тилни мутлақо билмаган қизимиз бир ҳафтада «тили» чиқиб кетди. Бир ойдан кейин эса оиламизнинг тилмочига айланди!

Ярим йиллик ўқиш якуни мажлисида синф раҳбари қизимни роса мақтаса бўладими, аълочи, ташкилотчи ва ҳоказо. Ҳамма фандан аъло баҳо!...

Яна турк тили билан боғлиқ бир гап. Консул Жаҳонгирнинг у пайтда икки бир-биридан ширин қизлари бор эди. Таътилни мамлакатда ўтказишар эди. Бобо-бувиларни кўргани қишлоққа борган 4–5 ёшли қизчалар бир куни бобосига «арабангизда бизни айлантириб келинг», деб хархаша қилишади.

Зокир бобонинг эса қовоғи уйилади: «Туркияда зўр машиналарда юриб, энди менинг машинам араба бўлиб қолдимиз?», деб қизлардан ранжийди.

Машина туркчада араба бўлади, деб тушунтиришганидан кейин, бобо роса хохолаб кулиб, невараларини бағрига босиб, уларни «араба»да роса саёҳат қилдириб, туман марказидан совға-саломлар олиб берган экан.

Аҳмад Нежат Сезер Туркия президентлиги лавозимига Конституция суди раислигидан келган. У киши учун қонуннинг устуворлигини ўзим бир неча марта гувоҳи бўлганман.

Шаҳзодахон лицей ўқувчиси. Болалар эрталаб ўқишга кириб кетгач, кечки бешгача уларни безовта қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, табиийки, узрли сабаблар хориж.

Бир маросим туфайли бир кун аввалидан хат ёзиб, изн олиб, қизимни пешинга яқин лицейдан олишга келдим. Дарвоза ёнида машинамни тўхтатишим билан автоинспектор ёнимга келиб, мулойимлик билан автомобилмни кичик кўчага олиб киришни сўради. У тарафларда

«ҳозир кетаман», «икки дақиқада қизим чиқяпти», деган ортиқча гапларга ўрин йўқ!

Машинамни айтган жойга жойлаштириб, қизиқишим ортиб, катта кўчага чиқиб турибман. Ортиқча шов-шувларсиз қатор қора «люкс» машиналар кўринди. Олдида овозсиз турли рангли чироқлари ёқилган махсус хизмат машиналари. Менинг ёнимдан уч-тўрттаси гувиллаб ўтиб кетди, светофорнинг қизил чироғида катта қора машина таққа тўхтади. Ичига қарасам – Президент! Аввалига кўзимга ишонмадим. Олдинга ўтиб кетганлар ҳам светофордан ўтиб тўхтаб, «катта» машинанинг юришини кутиб туришди.

Ё, алҳазар!

Истанбулнинг энг чиройли районларидан бири Сарьер! Президентнинг резиденцияси мазкур бўғознинг бўйида. Давлат раҳбари оиласи билан дам олиш кунларини бу ерда ўтказишга одатланган. Аҳмад Нежат Сезер ҳам шу ерга келаётган экан.

Қайсидир йили Президент қизини турмушга берди. Пойтахтдаги давлат раҳбари резиденциясида тўй маросими ўтди. Оммавий ахборот воситалари бу ҳақда кенг хабарлар тарқатишди. Тўй шахсий иш, табиийки, давлат ҳисобига ўтказилмайди. Газета ва телевидение А.Н.Сезернинг тўй куни ёқилган газ ва сарфланган электр энергия ҳақини ҳам ўз ҳисобидан тўлаганини ёзишди.

Мен эса қизимнинг ўқишидаги битта баҳо учун шунча қайғуриб юрибман! Солиҳ домланинг «Президент Сезер ҳам бу ишга аралашмайди», деган гапининг маъносига ўшанда англаб етдим!



## ТУРКИЯНИНГ ИЛК ҲИЖОБЛИ БИРИНЧИ ЛЕДИСИ

2007 йил турк халқи учун демократия нуқтаи назаридан синов йили бўлди. Адолат ва тараққиёт партияси ҳукумат бошига келган беш йил давомида фаолиятида ҳеч муаммога учрамаган, исталган ташаббусини истаган тарзда амалга оширар эди. Бир йилнинг ўзида режага кўра парламентда депутатларнинг овоз бериш йўли билан Президент сайлови ҳамда фавқулодда юзага келган вазиятлар туфайли парламент сайлови ва референдум ўтказилади.

Ўша йилнинг 16 майида Туркиянинг 10-президенти Аҳмад Нежат Сезернинг етти йиллик ваколати ниҳоясига етиб бораётган эди. Буюк миллат мажлиси уч ой аввал сайлов эълон қилади ва уни ўтказишни 27 апрелга белгилайди. Мухолифат номзодлар кўрсата бошлайди. Президент сайловига уч кун қолгунга қадар биринчи сиёсий партия номзодини эълон қилмайди.

Бу орада турк халқи ва жаҳон афкор оммаси Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдўғон номзоди юзага қалқиб чиқишига шубҳаланмасди. Мухолифат эса бунга қарши, агар у сайланадиган бўлса, давлат ҳам, ҳукумат ҳам бир қўлда бўлиб қолади, давлатнинг инқирозга йўли очилиб қолади, деган хавотирлар билан норозиликларни давом эттираётган пайт эди.

Бунинг устига Вазирлар маҳкамаси раисининг аёли ҳижобда юради, дунёвий Туркия бундан кейин қай аҳволга тушади, халқаро жамоатчиликнинг кўз ўнгида давлатнинг обрўсига жиддий путур етади. Тасаввур қилиш қийин, замонавий, айниқса, Ғарб давлатлари раҳбарлари аёлларининг қаршисига у бош-оёғи либосга чирмалган, бошида



рўмол билан чиқса, уёғи нима бўлади, Туркияга ишончсизлик билдирилмайдими, деб айюҳаннос солганлар бўлди.

24 апрелда мамлакатдаги етакчи ҳукумат бошидаги партия ниҳоят президентлик учун номзодини кўрсатадиган вақт етиб келади. Партия етакчиси Ражаб Таййиб Эрдўғон партиядошлари қаршисида бу сайловнинг муҳимлиги, давлатнинг, халқнинг фаровонлиги учун хизмат қилишини таъкидлайди. Бироз нафасини ростлаб – тин олиб, Адолат ва тараққиёт партиясининг президентликка номзоди, дея, яна бир марта чуқур нафас олиб, партия тузилгандан бери елкама-елка ишлаб келаётган, партиямизнинг фаоли, таниқли сиёсатчи – Ташқи ишлар вазири Абдулла Гул, деб эълон қилади.

Залда бир оз саросима ҳолати кузатилади, депутатлар охириги дақиқаларгача Бош вазир президентликка ўз номзодини қўйишига руҳан ҳозир эдилар. Кутилмаганда... Икки-уч сониялик сукунатдан сўнг делегатлар гулдурос қарсақлари билан Абдуллабейни олқишлайдилар. Телевизор экранларида делегатларнинг севинч кўзёшими ёки афсус кўзёшими, тўкилаётганига тушуниб бўлмасди.

Икки сиёсий лидернинг дўстлиги, ҳамнафас, ҳамфикр бўлгани ҳақида ўша пайтда бошқа мулоҳаза юритиш мумкин эмасди. 2002 йилдаги парламент сайловларида ғалаба қозониб, Адолат ва тараққиёт партияси ҳукумат тепасига келганда, Марказий сайлов комиссияси Ражаб Таййиб Эрдўғоннинг ўз пайтида қамалиб чиққанини рўқач қилиб, депутатлигини бекор қилган эди.

Ўшанда Абдулла Гул мажбуран Бош вазир этиб сайланганди. Ярим йилдан кейин эса партия лидерининг сиёсий фаолият олиб боришини чекловчи қонунлар бекор қилинади, у такрор депутатликка сайланиб, Бош вазир лавозимини эгаллайди. Абдуллабей эса Бош вазир ўринбосари – Ташқи ишлар вазири этиб тайинланади.

27 апрелда парламентда бўлиб ўтган президентлик сайловларида 361 киши овоз беришда қатнашади ва

улардан 357 депутат Абдулла Гул номзодига овоз беради. Етакчи партия ғалаба нашидасини суриб турган бир пайтда бош мухолифатчи – Халқ республикачилари партияси Туркия Конституциявий судига мурожаат этиб, биринчи тур сайлов натижаларини бекор этилишини талаб қилади.

Адолат ва тараққиёт партияси эса энг кўп овоз олган номзод сайловларда ғалаба қозонишида қатъий ишончда эди.

Конституциянинг 102-моддаси биринчи турда президентликка номзод энг кам 367 депутатнинг овозини олиши, иккинчи турда эса 276 овозга эга бўлиши белгилаб кўйилган. Ҳукумат бошидаги партиянинг эса парламентдаги овозлари 354 та эди.

Барча телеканаллар 24 апрель ярим кечаси Туркия Қуролли Кучлари Бош штаб қароргоҳи томонидан тарқатилган мурожаатни ўқиб эшиттиради. Мени ҳам бу ҳақда ўша пайтдаги таржимон дўстимиз Шукуржон Назар зудлик билан бохабар қилади. Тунда Қуролли кучларнинг веб саҳифасида жойлаштирилган ҳужжатда мамлакатда президент сайлови жараёнлари бошланиши билан бир неча марта ошқора огоҳлантирилишига қарамай, Отатуркдан мерос давлатчилик анъаналари поймол этилмоқда, дунёвий тизимдан узоқлашилмоқда, деган мазмундаги хабарлар тарқатилади.

Ҳукуматнинг мужмал ҳолатга тушгани аниқ! Мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари вакиллари шу кечани бедор ўтказганлари ҳам аниқ. Ярим кечаси Бош вазир Вазирлар маҳкамасига келиб, фавқулодда махсус йиғилиш ўтказди. Эртасига кунбўйи ҳукуматдан садо чиқмайди. Халқ ҳам саросимага туша бошлайди. Кечқурунга Бош вазир ўринбосари, ҳукумат матбуот котиби Жамил Чечак телевизорда Туркия Қуролли кучлари зиммаларига ортиқча вазифаларни олаётганини танқид қилиб чиқади.

– Қуролли Кучлар Бош штаби ҳукуматга бўйсунадиган ташкилот бўлиб, унинг вазифалари Конституция ва

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилгандир. Қолаверса, бу олий ҳарбий идора Бош вазирга бево-сита бўйсунди.

Шунингдек, ҳукуматдан рухсат олмасдан туриб бу каби сиёсий баёнотлар билан чиққан Бош штабнинг ҳа-ракатлари, баёнотда қўлланилган ифодаларнинг кўпи ҳақиқатга зид эканлиги учун Конституциявий суд ҳаракат-га келиши қатъиян таъкидланади.

Таҳлилчилар бундан кейин ҳарбийларнинг ҳолига вой, деб тахмин қила бошладилар. Вазият таранглаш-масдан бурун Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдўғон ва Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи, армия генерали Яшар Буюк-канитнинг Истанбулда учрашуви бўлиб ўтади. Оммавий ахборот воситалари бу ҳақда қисқа хабар тарқатиш би-лан чекланадилар. Журналистлар ҳар қулай вазиятда Бош вазир ва Бош штаб бошлиғидан ўша тарихий учрашув тафсилотлари тўғрисида гапириб беришни сўрардилар. Иккиси ҳам бирнималар гапириб, қаламкашлардан узоқла-шардилар.

Чамаси икки йиллар ўтиб, генерал журналистларга жавоб қайтаради: «Бўлиб ўтган суҳбат мазмунини мен ўзим билан нариги дунёга олиб кетаман!» Қисқа ва кескин бу баёнотдан кейин журналистлар унга ва Бош вазирга ортиқча бу тўғрида савол бермайдиган бўлишади.

Турк тарихи билан қизиқувчилар кўздан қочирган бўлсалар, деб Бош вазир билан ҳамнафас ишлаган бир нафар Қуролли Кучлари Бош штаби раҳбари ва юзлаб ге-нераллар, минглаб ҳарбийлар ҳарбий тўнтаришга урин-ган «Эргенекон» ва «Бальоз» каби террор ташкилотларига аъзоликда айбланиб, қамоққа ташланадилар.

Улар орасида Я.Буюкканит йўқ эди!

1 май куни Конституциявий суд Буюк миллат мажли-сида бўлиб ўтган президентлик сайловларидаги биринчи тур овоз бериш натижаларини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

6 майда бўлиб ўтган иккинчи турда Абдулла Гул такрор 367 делегат овозини ололмади.

Икки овоз бериш жараёнида парламентдаги 6 сиёсий партия фракциялари ва 13 мустақил депутатларнинг барчаси сайловларни бойкот этишга келишганликлари учун иқтидор партияси мағлуб бўлади.

Боши қотган Бош вазир партияси навбатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш тўғрисида қарор олиб, уни 24 июнга белгилайди. Марказий сайлов комиссияси эса сайловларни 22 июлда ўтишини тасдиқлаб беради.

Сайловгача иқтидордаги партия амалдаги Конституциянинг сайлов билан боғлиқ моддаларига ўзгартиришлар киритишга уринади. Унга кўра, Президент парламентдаги депутатлар томонидан эмас, халқнинг умумий овоз бериш йўли билан сайланиши, давлат раҳбарининг лавозимда бўлиши – етти йиллик муддатнинг беш йилга қисқартирилиши ва бошқаларни ўз ичига олган эди.

370 овоз билан бу ўзгаришлар парламентда қабул этилади, аммо уларга Президент Аҳмад Нежат Сезер томонидан вето қўйилади. «Конституцияга бундай жиддий ўзгаришлар умумхалқ референдумида ҳал этилиши лозим», деб талаб қўяди.

Бу ўзгаришлар эса 21 октябрдаги умумхалқ овоз бериш – референдум натижасида қабул этилади.

22 июлдаги навбатдан ташқари бўлиб ўтган парламент сайловларида Ражаб Таййиб Эрдўғон бошчилигидаги Адолат ва тараққиёт партияси 46,6 овоз олиб, такрор иқтидорга келади. Янги парламент ташкилий ишларини тугатгач, 20 августда бўлиб ўтган биринчи турда Абдулла Гул 341 овоз олади, иккинчисида эса 337 ва охири учинчисида 28 августда унга – 339 делегат унинг номзодини ёқлаб овоз беради. Амалдаги Конституцияга кўра, учинчи турда рақибини ортда қолдириб, энг кўп овоз олгани учун Абдулла Гул Туркиянинг 11-президенти этиб сайланади.

Шундай қилиб, баҳорда бошланган президентлик сайловлари машмашалари ёзнинг жазирамасида тўлақонли давом этиб, кузга бориб ниҳоясига етади.

Адоқсиз тортишувлар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ҳижобли биринчи рақамли аёл – Хайриниса Гулга халқ ҳам, мухолифат ҳам кўникади. Аммо ҳарбийларнинг бу ишга мослашиши осон кечмади, анча кўнгилхираликлар рўй берди, аммо кейинги босқичларда Қуролли Кучлар батамом Бош вазирга бўйсундирилди.

Абдулла Гул эса ҳижобли аёли билан етти йил давомида 84 давлатга 110 марта ташриф билан боради: энг кўп Қозоғистонга – беш марта, АҚШ, Миср ва Туркманистонга тўрт мартадан. Ун биринчи президент турк тарихида Африка давлатларига кўп ташриф буюрган биринчи давлат раҳбари бўлиб тарихда қолди.

Қиёс учун: Аҳмад Нежат Сезер 2000–2007 йилларда 48 мамлакатга сафарга чиқади, ундан аввал Сулаймон Демирэл эса етти йиллик президентлик даврида 57 давлатга 125 марта ташриф билан борган эди.

Етти йиллик президентлик даври тугагач, Абдулла Гул катта сиёсат саҳнини тарк этади...





## «АРГО» ОПЕРАЦИЯСИ» ҚАҲРАМОНИ – РЎЗИ НАЗАР!

АҚШ киноусталари ишлаган «Арго» операцияси» фильми қаердаю ўзбек Рўзи Назар қаерда? Бу саволга жавоб қайтариш учун фильмнинг қисқача мазмуни билан танишиб олмоғимизга тўғри келади.

Тарихдан маълумки, 1979 йили Техронда содир этилган ислом инқилоби натижасида олти нафар америкалик дипломат ва ходимлар 90 кун мобайнида қамал ҳолатида қолишади. 4 ноябрь куни АҚШ элчихонаси биносига бостириб кирган оломон 66 дипломат ва ҳоказо техник ходимларни ҳам тутқунликда олиб ўтирадилар. Жуда кўп саъй-ҳаракатлар эвазига қамалдагилар қутқариб қолинади.

Вазиятнинг қалтислиги шундаки, олти нафар сиёсатдон Канада элчисининг резиденциясида жон сақлашаётган, эронлик ғазовотчиларнинг эса бундан хабари бўлмайди. Канада ҳукумати Вашингтонга мурожаат этиб, ходимлар зудлик билан бинодан олиб чиқиб кетилиши, акс ҳолда Канада элчихонаси вакиллари ҳам хавф остида қолишларини талаб қилишга мажбур бўлади.

АҚШ ҳукумати, Марказий разведка бошқармасидек мутасадди идоралар оёққа туради. Қандай бўлмасин, тутқундагиларнинг жони омон қолмоғи шарт! Бироқ қандай қилиб?

Тони Мендес 2012 йилда ишланган кинокартинада ҳам бош қаҳрамон ролини ўйнаган, ҳам Эронда амалга оширилган ҳақиқий «Арго» операциясида шахсан иштирок этган. У Канада махсус хизматининг жосуси, деб айтилади. Сценарий ҳам унинг иштирокида ёзилгани хабар бери-

лади. Фильм иждокорларининг юксак маҳорати маҳсули ўлароқ ўткир сюжетли фильм катта доврўғ қозонади. У турли номинациядаги ўнлаб олий халқаро мукофотларга сазовор бўлади. Шу билан бирга турли давлатлар матбуотида фильм сценарийси тарихий хужжатлар асосида ёзилмагани, айрим лавҳалар чалкаш талқин қилингани тўғрисида баҳсталаб мулоҳазалар чоп этилади. Ўтирозли муносабат билдирганлар орасида туркиялик таниқли сиёсатчи ўзбек Анвар Олтойли ҳам бор эди.

– Мен олти йил давомида Рўзи Назар билан елкамаелка хизмат қилдим, – дейди Анвар Олтойли, – бир неча йил мобайнида ёзиб тугаллаган «Рўзи Назар – Марказий разведка бошқармаси агенти» деб номланган китобимни 2013 йилнинг январь ойида нашр эттирдим. Китобнинг икки боби Эрон воқеалари ва қаҳрамоним жасоратларига бағишланади. Фильм эса 2012 йилда экранларга чиқарилди. «Арго» операциясида қаҳрамон ўрнида ўтироф этилган Тони Мендеснинг роли бўрттириб кўрсатилган, аслида ўша операцияда энг фаоллик кўрсатган одам – Рўзи Назар!

Анвар аканинг ҳикоясини тинглаб ўтириб қулоғимга ишонмайман денг! Наҳотки? Қандай қилиб? Бироқ мен у кишидан эшитганларим баёнот тарзида аввал «Хабар турк», сўнгра «Хурриет» ҳамда «Туркие» газеталарининг 2013 йилнинг 17 февраль ва 2 март сонларида чоп этилганида билдирилаётган даъво жиддий эканлигига иқрор бўлдим.

Хўш, асл воқеа қандай кечган? Ўша пайтдаги АҚШ Президенти Жимми Картер АҚШ махсус хизматлари олдида қандай бўлмасин қамалда қолаётганларни соғ-омон ватанга қайтаришлари вазифасини қатъий кўндаланг кўяди. Ушбу вазифани амалга оширишда бевосита иштирок этиши учун Марказий разведка бошқармаси агенти Рўзи Назар Олмониядаги хизмат сафаридан махсус чақиртириб олиниб, унинг аввало мусулмон бўлгани учун қутқарув-

чилар гуруҳи аъзолигига киритилади. Бунда у кишининг Эрондаги шарт-шароитларни ва эронликлар менталитетини мукаммал билгани ҳисобга олинади.

Узоқ йиллар Олмонияда яшаётган афғонистонлик тужжор бўлиб Техронга келади. Ҳақиқатга яқинроқ бўлиши ва эронликларда шубҳа қолдирмаслик учун самолётда Вашингтондан Боннга, Бонндан Франкфуртга, кейин Цюрихга ва у ердан Карачига учади. Бу ерда Швейцариянинг «Ҳаво йўллари»га билет олиб, Цюрихга учиб кетаётганида «самолёт Техронда мажбуран тўхтайди».

Шундай қилиб, америкалик жосуснинг 11 кунлик Техрон можароси бошланади. Ҳар ерда америкаликларни излаш давом этаётган қалтис бир замонда амалиёт ўтказиш учун зарур ишлар билан банд бўлади, турли-туман ҳужжатлар тўплайди, фотосуратлар олади ва ҳоказо.

Китобда ҳам барча деталларга кенг ўрин берилмайди, катта хатар ичида ишлаган даврга оид айрим мисоллар келтирилади холос. Ярим кечаси бир тўда қуролланган ҳарбийлар Рўзи Назар қолаётган меҳмонхона эшигини бузиб киришганида ўтақаси ёрилганини айтиб, совуққонлик билан ўзини тутишга ҳаракат қилганини баён этади. Жангарилар ўринлардан тортиб, душхоналар-у жомадонларидаги барча ашёларни бирма-бир кўздан кечириб, чиқиб кетадилар.

Хуллас, Рўзи Назар разведка маълумотларини тўплаб, Цюрих орқали Вашингтонга қайтади. Марказий разведка бошқармаси бошлиғи Турнер билан бирга «хизмат» сафари якунлари бўйича Президент Жимми Картерга ҳисобот беради.

Бу англатганликлари асосида «қутқарув амалиёти» сценарийси ишлаб чиқилади. Унга кўра, Эронга жангари фильм олиш учун «Холливуд»нинг киночилар гуруҳи «юбориш мўлжалланади». Фильм сценарийси тасдиқлангач, уни суратга олиш учун махсус «Студия-6» ташкил этилади. Суратга олиш мўлжалланаётган фильм тўғриси-



да АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари матбуотида «мақолалар босиб чиқарилади». Бу ҳужжатларни кўрган эронлик мутахассислар Техронда фильм олишга рухсат берадилар.

Жосус Рўзи Назар ким ўзи?

Анвар Олтойлининг юқорида номи тилга олинган китобда бу саволга батафсил жавоб топилади. Анвар ака 1950 йиллардан бери Туркияда яшайди, маълум муддат махсус хизматларда ишлаган. Анвар аканинг отаси Рўзи ака билан Марғилондан дўст бўлишган. Анвар ака китоб ёзиш тарихини қуйидагича сўзлаб берганди:

– Рўзи акани 50 йилдан бери танийман. Бу мемуар китобни ёзишни 2007 йилда бошлаганман. Рўзи ака Вашингтонда яшаётганида бир ой давомида ҳар куни 4–5 соатдан у киши билан суҳбатлашиб хотираларини ёзиб олганман. Вафотидан уч йил бурун устозни Анталияга кўчириб олиб келдик, Вашингтон суҳбатларини бу ерда давом эттирдик.

XX аср инсоният тарихида энг машъум, қонли юз йиллик саналади. Жаҳон урушлари, инқилоблар, ғоявий-мафкуравий қирғинбаротлар озмунча тақдирларни синдириб, парча-парча қилиб ташладими?! Ўзбек Рўзи Назар ана шу машъум асрнинг типик вакилларида бири. Тақдири, қисмати асрнинг ўзидек тахликали, аянчли, изтиробли.

1917 йилнинг кузида дунёга келган Рўзи Назар оиласи билан қаҳатчиликни, оғир кунларни кўради, яқинларининг қатлиомига гувоҳ бўлади. Ўрта таълимни битиргач, жамоат ишларида фаоллик кўрсатади, комсомол ташкилотида ишлайди, комсомол йўналиши билан Москвага боради.

Иккинчи жаҳон урушида жанг майдонига совет аскарлари бўлиб кириб, урушни Туркистон легиони аъзоси бўлиб тугатади.

...1939 йил Назаровлар оиласи учун оғир келди. Бевақт ўлим отаси Жамшид акани олиб кетди. Худди ўша йили Рўзи

онаси Тожиниса аяни ва опаси Шамсихонни ташлаб кетишга мажбур бўлди – совет армиясига хизматга чақирилди. Марғилонда беш ойлик тайёргарлик курсини битиргач, янги йил бошида Одессага келиб тушди. Бу орада фашистлар Германияси Иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборган эди. Кейин эса 1941 йил 22 июнь ҳам етиб келди.

Урушда олмонларга асир тушганлар учун икки йўл бор эди: бири Туркистон легионига қўшилиш, иккинчиси ватанига қайтиш. Ким жигарлари бағрига, киндик қони тўкилган заминга қайтишни истамайди дейсиз! Бироқ уйга қайтган асирларни янада даҳшатли қисмат кутади: уларга ватан хоини тамғаси ёпиштирилиб, камида узоқ муддатли қамоқ жазоси ё сургунга юборилиши ёки отувга ҳукм этилиши муқаррар эди.

Советларнинг ташвиқотига алданиб, дом-дараксиз кетган аскар дўстларининг тақдиридан хабардор бўлган ёш Рўзи биринчи вариантни танлайди. Рўзи кичик лейтенант рутбаси билан Бессарабиядан (Молдова ва Украина чегараларидаги ҳудуд) урушга кирди. Фашистлар урушнинг илк ойлари бу жойларга энг қақшатқич зарбаларини берган эди. Ана шундай дайди ўқдан яраланган ўзбек жангчиси украин оиласида даволанади. Кейин ... кейин эса ... немис газандалари уни ўзлари билан бирга олиб кетадилар. Марказий разведка бошқармасида ишлашга розилик беради ва у ерда 40 йилдан зиёд хизмат қилади. Олмон қизи Линда билан севишиб, унга уйланади ва икки фарзанд кўрадилар: Сильва-Зулфия ва Эркин.

Америка жосуслигига уни АҚШнинг собиқ Президенти Франклин Рузвельтнинг ўғли Кермит таклиф этади. Кермит Марказий разведка бошқармасининг Олмониядаги вакили бўлиб хизмат қилиб турган пайтларида Рўзи Назар билан танишган ва уни ушбу хизматга тавсия этган.

Рўзи Назар турли давлатларда бўлиб, 1959 йилдан эътиборан Анқарадаги АҚШ элчихонасига ишга тайин-

ланади ва бу ерда узлуксиз 11 йил ишлайди. У Туркияга келгач, 5–6 ой ўтмасдан 1960 йилдаги ҳарбий тўнтариш амалга оширилади, унинг бу ишда иштироки қанчалик бор-йўқ, бу ҳақда очиқ айтилмайди, табиийки, ўзи буни рад этади.

Чунки Туркия 1952 йилдан эътиборан Ғарб давлатлари иттифоқчиси, НАТО аъзоси эди.

Аmmo билингани шуки, Рўзи Назар Анқарада туриб, Совет иттифоқи ишлари билан қизиқади. Чунки у пайтда Москва Сурия, Миср ва Ироқда жуда фаоллик кўрсатаётган даврлар эди. Кавказ тоғлари чегара районларига серқатнов бўлади...

Унинг бутун фикри хаёли мамлакатининг мустақилликка эришишига ҳисса қўшиш эди. Халқаро анжуманларга бориб, Ўзбекистондан кузатувчи мақомини олиб, Москванинг кирдикорларини фош этиб келади.

Афғонистонга бориб, совет ҳарбийларига асирга тушган туркистонлик йигитларни қутқаради, айримларини мамлакатларига қайтаради, баъзиларига эса чет эллардан иш топиб беради...

Бу хизматлари эвазига бошидан анча ташвишларни кечиради.

«Озодлик» радиоси орқали 25 йилдан бери кўрмаган, улар тўғрисида ҳеч қандай хабар бўлмаган онаси ва синглиси Рўзи Назарга мурожаат билан чиқишади. Ўзи уларни «жонли» эшита олмайди, унга алоҳида кўчириб беришади жигарларининг овозини.

Унда аввал синглиси Шамсixon гапиради:

– Соғ-саломат эканингизни эшитиб, роса хурсанд бўлдик. Бизда ҳам вазиятлар яхши томонга анча ўзгарди. Бахтли-саодатли ҳаёт кечирмоқдамиз, фаровонлик ва ҳузур ичида яшамоқдамиз. Отамиздан қолган анча мол-мулклар бор, келинг, ўзингиз уларга соҳиб чиқинг.

Онаси Тожиниса оғир хурсиниб, «бисмилло», деб, кетидан «ассалом» дейди. Қуръони каримдан қисқа оят ўқийди.

– Жоним ўғлим, сен отангинг дуосини олгансан, қаерда яшасанг ҳам бошинг тошдан бўлсин. Сени ва ўртоқларингни дуо қиламан. Соғ-саломат бўл. Аллоҳ Таоло сени бугунгача қандай ҳимоя қилган бўлса, бундан кейин ҳам Ўзи сени сақласин», дейиши билан микрофон ўчади.

Муштипар она аввалдан тайёрлаб берилган матнни ўқимайди чоғи!

Рўзи Назар эса бундан кейин оиланинг бошига не балолар ёғилганикин, деб хавотирга тушади.

Турғунлик даврининг сўнгги йиллари Ўзбекистондан АҚШга ўқиш ва малака оширишга борган бир гуруҳ ўзбек олимлари билан кўришиб турар, улардан амалий ёрдамларини аямаган.

Рўзи Назар орадан элик йил ўтиб, 1992 йилда ўғли Эркин билан Ўзбекистонга келади, Президент Ислам Каримов қабулида бўлади. Фарғонада қариндошлари билан кўришиб, яна АҚШга қайтиб кетади.

Рўзи Назарнинг салкам 100 йиллик ҳаёти саргузаштларга ниҳоятда бой, у ҳақиқатан ҳам афсонавий жосус бўлган. Анвар Олтойлининг китобидан олинган қуйидаги лавҳалар, иқтибослар тасаввурни бойитишга хизмат қилади.

... Тошкентда комсомол ишларида фаоллик кўрсатиб юрган ёш Рўзини бир куни хаста отаси ёнига чақириб суҳбат қуради. Узоқ-яқиндан гап-сўзлар тугагач, аввалдан ҳозирлаб қўйган арағидан пиёлани тўлдириб ўғлига узатади.

– Ота, бу нима қилганингиз? Ўзингиз бу ҳаром ишлардан қайтарар эдингиз? – дейди.

– Айтганимни қил, гапимни қайтарма! – деган қатъий жавоб эшитади.

Йигит кўрққанидан пиёладаги арақни бир кўтаришда сипқоради.

Бир зум ўтгач, отаси сигарета олиб, уни чекишга буюради. Йигит бундан кейин ўзини йўқотиб қўяди. Отасининг вазоҳатини кўриб, унинг амрига бўйсунидан бошқа илож тополмайди.

Шундан сўнги, ота ўғлига қилган ишининг мағзини чақиб беради.

– Эй ўғлим, – дея мулойимлик билан гап бошлайди у. – Сен тўғри айтдинг, мен бу ишлардан ҳазар қиламан, аммо замон ўзгариб кетди. Сен ўрислар қилган ишни қилишинг керак, арақ ичиб ва сигарета чекмасанг, эртага сени олиб бориб қамаб қўйишади, шундан кўрқаман...

Икки кун ўтгач ота бечора вафот этади. Дўстларининг маслаҳатлари билан падари бузрукворининг жанозасида ҳам қатнашмайди...


Китобдан олинган бу лавҳани турли ҳолатларда таниш-билишларга сўзлаб берганман. Табиий, талқинлар ҳам ҳар хил бўлган.

Устоз-акахонларимиздан бири Рўзи отанинг 85 ёшида ҳам виски ичгани тўғрисида гапириб берган эди. Ўшанда Рўзи аканинг саломатлиги ва айниқса жигарига қойил қолиб, салкам 60 йил бу қурмагур ичкиликдан чарчамаган жигарга балли, деб юборганди.

Дарҳақиқат, Рўзи Назар мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонамиз ўтказадиган аксарият тадбирларда қатнашиб турган. Ота 1992 йилда Тошкентга «Ёш ватандошлар учрашуви»га келганида у киши билан кўришганман, суҳбатларини олганман.

У киши билан такрор кўришиш насиб этмади. Анталияга борган кезларим устозларига меҳр-оқибат кўрсатиб турган Анвар ака у кишининг бироз хасталиklarини айтган эди. Кейинги сафар ҳам... Хуллас, қисмат бўлмади, ғоятда мураккаб ва сир-саноатларга тўла умр соҳибига мўлжаллаган қатор-қатор саволларим қоғозда қолиб кетди...

Яна бир армон – Рўзи Назарнинг жаноза маросимида қатнашолмаганим. Ҳатто Анвар Олтойли ҳам, мархумнинг яқинлари, ёр-дўстлари ҳам армонда қолишди. Бетакрор афсонавий ҳаёт ана шундай фожиали, армонли поёнига етди – ўзбек Рўзи Назар етти ёт бегоналар қўлида жон берди...





## ТУРК ДЎСТЛАРИМ, ҚАРДОШЛАРИМ

Таниш-билиш, ёр-биродар, ўртоқ, дўст... Ҳар бир сўзнинг салмоғи ўзгача. Агар мана шу салмоқ нуқтаи назаридан таҳлил қилинадиган бўлса, ҳар бир сўз «ортидан» сизга неча-нечалаб таниш қиёфалар, чеҳралар, сиймолар «мўралаб» турган бўлади. Машҳур кўшиқларимиз томонидан дўст бўлиш осон, лек уни сақлаш қийинлиги куйга солинган. Мен ушбу мисрага ҳам андак тузатиш киритгим келади: дўст бўлиш ҳам осон эмас... Хизмат тақозоси билан ҳаётимнинг ўн йили Туркияда ўтди. Бир дунё таниш-билиш орттирдим, қадрдонлашиб кетганларим қанча, дўстлар-чи, дўстлар?..

Вақт ўтгани сайин, баъзан фурсат туғилганда Туркиядаги яқин-йироқлар ёдга тушади, энди тарихга айланиб улгурган лаҳзалар, ҳолатлар хотирада тикланади. Беихтиёр ўйлай бошлайсиз: ким қандай инсон эди, нечоғли самимий эди, нечоғли беминнат эди, нечоғли... Кейинги йилларда Ўзбекистон телеканалларида турк сериалларини намойиш этишга ружу қўйилмоқда. Уларга ким қандай муносабатда эканлиги алоҳида мавзу, мен эса экрандаги воқеалар ичида юргандек, қаҳрамонларини яқиндан танигандек бўлавераман, оддий томошабинларимиз илғамаган жиҳатларни қайта-қайта кашф этаман ўзим учун.

Жанип Грифтиноглу ва Али Ялчин Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида юртимизга ташриф буюрган турк журналистларидан. Мамлакатимизни танитадиган «Ипак йўли» журнали учун махсус сонлар тайёрлашган. Ҳатто биринчи Президентимизнинг оилавий сурат-

ларини олиш учун хонадонларига биринчилардан бўлиб кириб борган ҳамкасбларимиздандир.

Ҳар иккаласи билан 1994–1995 йиллардан танишмиз. Хизмат юзасидан ора-чора кўришиб турганмиз.

Жанипбей билан 2006 йилнинг баҳорида Истанбул аэропортида тўсатдан кўришиб қолдим.

– Менинг хабарим бўлмабди-ку, ярим йилдан бери шу ерда экансиз! – деди ҳаяжон билан ва навбатдаги Тошкент сафаридан қайтишда кўришишга ваъдалашдик.

Ҳамкорлигимиз икки-уч йил қизгин давом этди: Ўзбекистон мустақиллиги кунда ҳамкорликда қабул маросими ўтказдик, неча марталаб турли турк телеканалларида чиқишлар қилдик.

Тошкентда ҳам уни яқиндан танийдиган кўпчилик эди. Нима бўлдию, адашмасам, 2000 йиллардан кейин таниш-билишлар уни қидиришга тушишди. Мендан сўраб-суриштирганлар бўлди. Уни кўпдан буён кўрмаётганимни айтсам, гапларимга шубҳа билан қараганлар бўлди.

Жанип Грифтиноғлуни ахтариб, Али Ялчин билан ҳатто унинг уйига бордик. Кўчиб кетишган, дейишди кўшнилар. Омон бўлгур, ҳали-ҳануз йўқ!

2005 йилда элчихонамиз томонидан Конституция кунини нишонланди. 18–20 йиллик танишим, ҳамкасбим Али Ялчин билан ўша тадбирда бир-биримизни бағримизга босиб кўришдик, атрофдагилар ҳайрон, ўзи бир ой бўлмади, дарров дўстлашиб кетибсизлар-да, деб. Ҳозиргача борди-келдимиз бор.

Жиддий ҳамкорлигимиз Истанбулнинг Тўпқопи майдо-нида Ўзбекистон уйини янгидан таъмирлаш бўлди.

2007 йилда Истанбулда тамсил этилаётган турк жумҳуриятлари учун шаҳар ҳокимияти томонидан икки кичик хонадан иборат мустақил бино ажратилди. Ўзбеклар жамиятига мурожаат этдим, бу уй сизлар ва бизлар



учун хотира бўлиб қолади, келинлар, биргаликда унинг ичини жиҳозлайлик деб ҳол-жонига қўймадим. Орадан неча ойлар ўтиб кетди ҳамки, айтишга арзирли иш чиқмади. Кексалардан жонкуяр инсон, Ватан севгисини қалбида жо айлаган Собир Сайхон уйининг тўрида турган ипакдан тикилган гербимизни келтириб берди. Яна кимдир иккитагина кўрпача ҳадя қилди, холос.

Қолганини ўзимиз амалладик, Истанбулга келадиган «бақувватроқ» ҳамюрт-меҳмонлардан илтимос қилдик. Хуллас, уй битишга битди, аммо ундан кўнгил тўлмади. Атрофимиздаги Озарбайжон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, ҳатто Бошқирдистон, Татаристон ва халқаро тан олинмаган Қибриз республикалари олдида бизнинг уйимиз анча ғариб кўринишда эди.

Наврўз байрамини шу Тўпқопи майдонида нишонлаш энди-энди анъана тусига кирмоқда эди. Бош вазир Р.Т.Эрдўғон келади, дейишди ҳокимият мутасаддилари ва уйларни қайта кўздан кечириб, ичларини тўлдириш сўралди.

Алибей бир оғиз гапимдан нима қилиш кераклигини тушунди, буёғини менга қўйиб бераверинг, деди. Қўйиб беришга қўйиб бераман-а, бироқ бу халқнинг «ичи»ни озми-кўпми таниб-билиб қолганлигим боис хавотирга ҳам тушаман. Телефонлашсам, менга ишонаверинг, дейди у ҳам бояги-бояги оҳангда.

Хуллас, бир кунни белгилаб мени Тўпқопига таклиф этди. Ўша Ўзбекистонимиздан келтирилган буюмларнинг жойларини ўзгартирибди, айримлари йирик тўрт бурчакли шиша идишларга жойлаштирилибди, суратларнинг сирти ламинацияланибди ва ҳоказо. Хоналарнинг бўёғи янгиланибди, бурчак-бурчаклардан мумтоз ўзбек мусиқаси садолари таралмоқда.

Баракалла, Али Ялчин, қардош! Кам бўлма!

Миннатдорлик билдирдим, кўмакдош ҳомийларнинг кўнглини олайлик дедим.

– Кўнглини оласизми? Битта ўзбекча паловхонтўра, сиздан! Шу кифоя!

– Сизлардан ош айлансин! – дедик ва лафзимизнинг «ҳовури» совиб улгурмай сабзи-пиёз қозонга босилди.

Раҳматли журналист Сервет Кабакли мамлакатимизга бўлган муҳаббати тимсоли сифатида «Туркистон ош уйи» очган. Турк журналистларидан биринчи бўлиб 1991 йилда Президентимиз билан суҳбатлашган, уни «Туркие» газетасида чоп этган қаламқаш. Икки ярим бетда чоп этилган материалда, Ўзбекистоннинг мустақилликка қандай келгани, хазинамизда нима бор эди-ю, нималарга эҳтиёжимиз борлиги, собиқ салтанат ва мамлакат келажаги тўғрисида сўз борган унда.

1997 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Туркистон ош уйи» номининг тарихини сўрасам, кўни-кўшнларингизни ҳам хафа қилгим келмади, аммо Ўзбекистон емаклари устунлик қилади бу ерда, деди дўстимиз. Бу ерда 50 кишига мўлжаллаб пахта гулли катта-кичик тақсимчалар, косалар, лаган ва чойнак-пиёлалар келтирган. Овқатланишга борсак, албатта ўзбек палови, мантиси ва сомсасини ўзимизнинг ликопчаларда тақдим этади.

Буларни ким пиширади, деган саволимга аёлини алқаб кўярди раҳматли. Сервет ака журналистика билан, янгамиз ошхона юмушлари билан машғул. Янгамиз ўзбеккона таомларни фақат азиз меҳмонларгагина пишириб берар экан.

2006 йилда рус тилида чоп этиладиган «Босфор» газетаси бош муҳаррири Талҳа Балиқ мен билан учрашишни сўради. Ҳамкасблардан қочиш йўқ эди. Тадбиркорлар мурожаат этсалар уларни Анқарага йўллайман, иқтисодий масалалар билан шуғулланадиган дипломатларимиз бор.

Азбаройи рус тилини севиб қолгани ва Туркияда рус тилли газета бўлмагани учун бу ишга бел боғлабди. Ўзи бир вақтлар Красноярск университетиде ўқиган. Ҳам-

корлик фаолиятимизни келишиб олдик. Фақат бир шарт билан: офисда палов дамланадиган куни уни албатта таклиф қиламан.

– Мен ҳар сафар Москвага борганимда ўзбек паловини соғиниб ресторанга бораман, – деди у.

Аввалига 10 минг нусхада чиқадиган газетанинг мазмуни ҳам, кўриниши ҳам чакки эмасди. Кейинчалик рус журналистлари таҳририятдан кетиб қолгач, ишлар тўхтаб қолди.

Ойда икки марта чиқадиган газетада албатта Ўзбекистон тўғрисида мақолами, хабарми бўларди. Газета мамлакат меҳмонхоналарида, «Турк ҳаво йўллари» самолётларида тарқатиларди.

«Ендер туризм» ширкати соҳиби Шахметтин Курт ёлғон кўшмайдиган, айтган сўзининг устидан чиқадиган мард йигитлардан. Истанбулни кездириб, бу шаҳарга муҳаббат уйғотганлардан бири, десам муболаға бўлмайди.

Жавадбей «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг Истанбулдаги ваколатхонаси очилган биринчи кунидан (1992 й.) бери ҳамкорликда ишлаб келади. Юк ташийдиган ширкати бор.

Ҳусейн Гокче, ўзбекман, дейди-ю, қийналиб гапиради. Боболари Тошкентнинг Кўкча мавзесидан экан. Журналист бўлган, кўплаб китоблар ёзган. Ўзбекистон тўғрисида фақат яхши фикрлар айтади, мақолалар чоп этган. Туркиянинг «Сайёҳлар» ассоциацияси бор, раҳбари профессор Орхан Курал, Ҳусейнбейнинг яқин дўсти. Ассоциациянинг йил якунига бағишланган мажлисида дўстимизнинг таклифи билан Ўзбекистон тақдимоти маросимини ўтказган эдик. Унда Туркиянинг таниқли хонандаси Эмел Сайин қатнашган эди.

Мана, ёдимда, қалбимда қолган Туркиядан топган дўстларим, ўртоқларим, қардошларим. Уларнинг бори-га шукр, улар билан ўтказган яхши кунларимиз, фойдали амалларимиз учун шукр...



## ИСТАНБУЛНИ КЎРГАН ВА КЎРМАГАН ЭРКИН АКАЛАР

Гапнинг очиғи, ушбу китобнинг ёзилишига мени ундаган, йўл-йўриқ кўрсатган, кези келса, талаб қилган устоз Эркин Аъзам бўлади. Ушбу бобнинг йўналишини ҳам шу меҳрибон инсон белгилаб бердилар. Фурсатдан фойдаланиб, бу ва бошқа ижодий ишларимда қўллаб-қувватлагани учун бу бағрикенг инсонга ўзимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Ўн йил давомида 7 марта таътилда мамлакатга келдим ва ҳар сафар Эркин ака билан кўришмасдан кетмасдим ва ҳар қайтишимда у кишини Истанбул зиёратига таклиф этардим. «Йўқ» деган жавобни айтмасдан «бу йил албатта бораман, кутинг», дердилар. Орада яна қачон борган маъқул, об-ҳаво шароитларини ҳам ижикилаб суриштирардиларки, гўёки, индин эмас, эрта сафарга отлангандек!

Байрам, таваллуд кунлари муносабати билан вақти бемаҳал устозлар, биродарлар, дўстларни телефонда йўқлаб туришни канда қилмасдим. Ўшандай суҳбатлар чоғида ҳам «Истанбуллик орқадошлар Эркин ака қачон келадилар деб мендан сўраб қўйишади», деб навбатдаги таклифни эслатиб қўярдим.

Агар бироз ҳаяллаб қолсам, ўзлари сим қоқардилар. Гап айланиб яна ўша таклифга тақалади. «Кутинг! Албатта!».

Шундай қилиб, ўн йил ҳам ортда қолди! Эркин Аъзамни кўзларимиз тўрт бўлиб кутдик, махсус режалар тузиб кутдик, йўқ, насиб-насиба деган сўзларни эслаймиз бундай пайтларда ўзимизга тасалли бериш учун, ўзимизни овутамиз...

Начора, кичик Эркин ака билан Истанбулда кўришиш орзуси ушалмаган бўлса, катта Эркин ака билан тарихи ўн минг йилга борадиган мухташам шаҳарни кезиш, устознинг дарёдил суҳбатларидан баҳраманд бўлиш насиб этгани маънавий бисот, маънавий мулк бўлиб қолди ёдимизда.

Мамлакатимиз парламенти аъзоларининг қайсидир давлатга бориши ва қайтишида самолёт (2008 йилнинг 14 июнь ва 19 июнь кунлари) Истанбулга кўниб ўтадиган бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров бошчилигидаги нуфузли ватандошларни тонг саҳар беш яримда Отатурк номидаги халқаро аэропортда кутиб олдик. Меҳмонхонага ортиқча маблағ сарфлаб боришга ҳожат йўқ, беш соатлар чамасидан кейин сафар давом этадиган. Тўғри идорага келдик. Йўл-йўлакай тушунтириб келдим: «Шаҳар ҳали уйғонмаган, тарихий жойларни кезиш, бозор-ўчар қилишга анча вақтли».

Тошкентдан учадиган самолёт Истанбулга мана шундай ноқулай пайтда етиб келади, қайтишда ҳам шу аҳвол. Ҳайъат аъзоларига икки соат хизмат жойида дам олиб, бир пиёладан чой ичиб, қисқа саёҳатдан кейин сафарни давом эттириш таклифим маъқул келди.

Бу орада уч киши учун оёқни бемалол узатиб нафас ростлашга имкон борлигини машинада огоҳлантирдим.

Манзилга етиб келдик. Беш қаватли бинонинг тўртта-сидан Бўғоз суви ва Фотиҳ Султон номидаги кўприк кўришиб туради. Эсаётган енгил шабада кўнгилларга ҳузур бағишлайди. Атрофимиз ям-яшил!

– Аброржон, анув чарм креслони мана шу жойга қўйдириб берсангиз, мен шу ерда дам оламан, – дедилар устоз Эркин Воҳидов.

Гуруҳ аъзолари устозга илтифот кўрсатиб, ичкаридаги ётоққа шама қилишди. Келишдик.

Қолган меҳмонлар ҳам жойлашдилар.

Айвончага (балконга) чиқсам Эркин ака ҳали ухламаган эканлар. Бир жуфт курси олиб чиқиб, биттасини оёқларига, бошқасини ёнбошларига қўйдим. Ҳар эҳтимолга кўра бир неча варақ оқ қоғоз ва қалам, албатта чойнинг хўрози – «95» ҳам муҳайё этилди.

Қарасам, устоз толиққандан кўра зерикканроқ кўриндилар. Ўтган асрнинг 60-йилларида ёзилган мумтоз ашулалардан терма дискни компьютерга жойлаштирдим.

– Ие, бу Ғуломқори ака-ку, қадимги «запись»?! – дея туриб кетдилар Эркин ака.

– Сиз ҳозир ётиб дам олинг, унинг тарихини кейин сўзлаб бераман, – дедим.

Келишилганидек, икки соатдан кейин эшиклар очилди.

– Анчадан бери бунақа тиниқиб ухламаган эдим, очиғи, қанча ухлаганимни билмайману, аммо мазза қилдим. Буёқда гўзал манзара, кислородга тўла майин ҳаво, ҳар ҳолда ашулалар ҳам аллалаган бўлиши керак!

Суҳбатимиз давомида терма ашулалар тўғрисида айтиб бердим. 60–70 йилларда машҳур Измир кўрғазмасига собиқ Иттифоқ ҳайъати таркибида ўзбек биродарлари ҳам келишар экан. Шу кунлари она Ватанга умид боғлаган ватандошларимиз Туркиянинг тўрт томонидан атайин бу шаҳарга келишибди. Икки оғиз гаплашиш, ҳол-аҳвол сўраш, улардан Ўзбекистонга оид нима бўлса ҳам, ҳатто кичик ҳадяликларни олиб, уйларининг тўрига осиб қўйишар экан.

Мамлакатдан келганлар ўз миллатдошлари билан суҳбатлашишдан қочишларини улар ҳазм қилолмас, бора-бора бунга кўникиб кетган эканлар. Шундай қилиб, республикамиздан борганлар ўзбек куй-қўшиқлар ёзилган грампластинкалар тарқатадиган бўлишибди. Уларни уйларда, гап-гаштакларда йиғлаб-йиғлаб тинглашар экан!

Замонлар ўтиб, миллий қўшиқларимиз шайдоси Тўра оиласининг ўртанчаси Фатхулла ака барчадан грампластинкаларни йиғиб олиб, СД дискка кўчиртирибди. Ана шулардан биттаси менга насиб этган эди.

Таниганимдан ҳам кўпроқ танимаганлар билан бир даврада ўтирар эканман суҳбат мавзуи исталмаган ҳолда Туркияга келиб тақалди. Яқинларимдан бири «дўстим Аброр шу жойларда ишлаб келган», деб мақтаниб қолди. Ўзим бегоналар орасида бу ҳақда умуман гапиргим келмайди. Истамайгина бирнималар дедим. Қаршимда ўтирган нуруний киши мендан нигоҳини узмай ўтирганини сезиб қолдим.

Сигарета чекиш баҳонасида ташқарига чиқдим, у киши ҳам орқамдан эргашди. Худойберди Соҳибов 1977–1981 йилларда қаторасига тўрт йил ўша халқаро Измир кўргазмасида таржимон бўлиб қатнашган экан. Аввалига суҳбатимиз бироз қовушмади, кейин қаршиликли савол-жавобларни ёғдириб ташладик. Мен эски давр тўғрисида сўрасам, у киши бугунги Туркия билан қизиқди.

Хуллас калом мен юқорида ўзбек ватандошларимиздан эшитиб баён этган ҳикоя роппа-рост экан. Худойберди ака барчасини тасдиқладилар, зотан мен ҳам ҳамшаҳарларим суҳбатларидан заррача шубҳага бормаган эдим.

– Тўғрисини айтсам дастлабки йиллар Измирга борганимизда икки тараф ҳам бир-биридан хавфсираб турарди, кейинги йилларда ҳадиклар тамоман йўқолди. Туркия фуқаролари учун 15 та республика ичида Ўрта Осиё ва Қозоғистонга, айниқса Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратишар эди. Совға-саломларни ҳам шунга яраша олиб борардик.

Республикаларга ушбу халқаро кўргазмага нималар олиб бориши кераклиги қатъий режа асосида белгилаб бериларди. Бизга турли маҳсулотлардан ташқари, шу-

нингдек, либослар кўргазмаси ўтказиш юклатилар эди. Республика Модалар уйи раҳбари Эмма Спивак бошчилигидаги гуруҳ томонидан тайёрлаб олиб борилган турли миллатларга оид либослар ичида яна ўзимизнинг маҳаллий саноатимиз маҳсулотлари ял-ял ёниб турар эди: турли рангда товланувчи атласлар, шойи адраслар, рўмол-у шарфларга мухлисларнинг қизиқиши катта эди. Турли миллат дароз модельер қизлари орасида ўзбек гўзалларига ишқибозлар дарров топила қолар эди...

...Илгизар Собиров рубобни олиб чала кетдилар. Кўпчиликнинг «ҳа-ҳа»си билан бир оздан Комилжон Отаниёзов кўшиқлари Истанбулда жонли ижрода янграй бошлади.

Тарихий обидаларни кезиб бир оз ҳордиқ чиқариш учун Султон Аҳмад майдонидаги 500 йиллик чинорлар атрофидаги сунъий ҳовуз ёнида тўхтадик. Аё София музейи деворларидаги Исо пайғамбарнинг бир қатор расмлари (фреска) суҳбат мавзуси бўлди. Уларнинг ярмидан кўпи шилиб ташланган ёки устига бўёқ тортиб юборилган. Ана шунда устоз:

– Султон ўша пайтда ҳаммасини ўчириб ташла, бирортасини кўрмайин, деса бўларди. Аммо у бу ишни қилмади. Нега? Бу исломнинг толерантлиги-бағрикенглигига яққол мисол бўлади!

Бу музейга 50 мартадан кам кирмаганман, турли соҳа кишиларини айлантирганман, аммо бу фикр менинг ва бошқаларнинг ҳам ақлига сираям келмаганди! Ҳайъат аъзолари ҳам Эркин аканинг доно ҳақиқатларига тан беришди.

Суҳбатлардан бирида Шароф Рашидов тўғрисида сўз кетди. Давлат раҳбари Эркин Воҳидовнинг Тошкент зилзиласига бағишлаб ёзган достонининг радиоинсценировкасини эшитиб, унинг муаллифини топиб келишни буюрибди. Георгий Алексеевич Крайнов шоирнинг уйларига телефон қилсалар, у киши кимнингдир жанозасига



кетган эканлар, у маросим хонадонининг уй телефонини олиб, унга кўнғироқ қилибди.

– Рухсат берсангиз, 10 дақиқада уйга етиб оламан, бафуржа гаплашар эдик.

Уйга етиб келгач, Шароф Рашидович билан боғлашибди.

– Деярли барча шоир-ёзувчилар китоблари чиққач дастхат ёзиб менга юборишади, сиздан олмаган эканман. Тағин дoston 15 йил аввал ёзилган экан, – деб Раҳбар шоирни ҳузурларига чорлабдилар.

– Кейинги ҳафта вақтингизни айтсангиз, бафуржа суҳбатлашар эдик, – дебдилар.

– Аброржон, диққат қилдингизми, давлат раҳбари менинг вақтимга қараб, учрашмоқчи!..

Истанбулга келган меҳмон борки, бозор-ўчар қилмасдан уйга қайтмайди, жила қурса, арзимаган ҳадяликлар олади. Ўзбекистонга қайтаётган парламент ҳайъати ҳам бу «анаъана»ни бузмади. «Шопинг» ишида бизга Миллий авиакомпаниямиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Истанбулдаги вакили Ғафур Юсупов ёрдам бермоқчи бўлди.

– Мен сизларни шундай зўр дўконга олиб бораман, – деб «Галерея» деб аталмиш шаҳар марказидаги катта гипермаркетга йўл бошлади. Ярим соатда ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Бир овоздан «қиммат экан, бизга тўғри келмайди», дейишди.

Кейин меҳмонларни мен бошлаб марказдан бир оз узоқроқдаги «Гардероб» магазинига бошлаб бордим. Бирор соатлардан кейин қўйни-қўнжиларини тўлдириб юзларида табассум билан чиқиб келишди.

– Аброржон, ишонсангиз умрим бино бўлиб биринчи марта ўзимга костюм-шим олдим, доим аёлим олиб берарди. Сизни дуо қилиб кийиб юраман.

– Мана бу бошқа гап! Нархлари ҳам бизбоп. Биринчи борган магазинимиз «Ҳаво йўллари»да ишлайдиганлар учун экан, – деди Ўзбекистон Қаҳрамони.

Эркин ака шундай дейишлари билан даврада гурра кулги кўтарилди. Асли бухоролик бўлган Миллий авиакомпания вакили ҳам бўш келмади:

– Парламентарларни ҳам ўзимиздан, деб ўйлабман, хафа бўлманглар, «кечқурунги овқат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳисобидан, – деб меҳмонларнинг кўнглини олгандек бўлди!

Эркин Воҳидов оилам ҳақида сўрадилар. Отам ҳам 22-мактабда ўқиганликлари, у кишидан уч ёш катта бўлганликларини айтдим. Кейин устознинг:

*Қош-кўзинг отангга ўхшар,  
Дейишади билганлар доим.  
Кейин секин кўшиб кўйишар,  
Ўхшамасин умринг илоҳим!*

тўртлигини ўқиб, отамдан эрта қолганимизни айтдим. Устоз ҳам ота-онадан ёш етим қолганлари, тоғалари Рихси Соҳибов кўлида тарбияланганларини сўзлаб бердилар.

Менинг бувам Нўъмонжон Ғуломов ҳам журналист ўтганликлари, «Қашқадарё ҳақиқати» газетаси ва Фрунзе/ҳозирги Бишкек шаҳрида ўзбек тилида чоп этилган «Қирғизистон ҳақиқати» газетасининг биринчи муҳаррири (бу газета қирғизларнинг талаби билан тугатилиб кейин Ўш вилоятида чиқишни давом эттирган) ҳамда ЎзТАГда бош директор бўлганликлари ва бу лавозимга улардан кейин Рихси Соҳибоев келганини айтганимда «ўртада бегона йўқ» экан-ку, деб бағирларига босдилар.

Маҳалламизда яшаб ўтган Миртемир, Акмал Пўлат, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Иброҳим Раҳим, Қуддус Муҳаммадий, Тўхтасин Жалилов, Карим Мўминов, Илёс Акбаров, Раҳим Аҳмедов, Азиз Қаюмов

каби юртимиз фидойилари қатор таниқли шахсларни эслаб ўтдик ва уларнинг руҳига дуои фотиҳалар қилдик.

– Демак, мен маҳаллангиздан, ҳатто кўчангиздан кўп юрган эканман. Ёзда деярли ҳар куни «Парк Победа»га (ҳозир йўқ бўлиб кетган, ўрнида «Интерконтинентал» ва Миллий банк бинолари тушган) чўмилишга оғайниларим билан сизнинг уйингизни «босиб» ўтарканман-де, – дедилар болаларча беғуборлик билан.

Кетар жафосида ҳайъат аъзоларидан кимдир «5 кунда тўрт марта самолётда учиб анча оғирлик қилар экан», деб қолди нолиганнамо оҳангда.

Жавобни Эркин ака бердилар:

– Одамлар касал бўлса, дўхтирлар уни барокамерага тушириб, сунъий нафас олдиришади. Самолёт ҳам худди барокамеранинг ўзи! Фойдаси бор, нолиманглар!

...Катта Эркин акани Аллоҳ ўз раҳматига олсин, кичик Эркин ака соғ-саломат бўлиб узоқ йиллар оилаю бола-чақаларига, шогирдлар-ю дўстларига бош бўлиб юрсинлар!





## АБДУЛЛА ОРИПОВ САБОҒИ

2014 йилнинг ноябри. Туркиянинг «Заман» газетасида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг касал бўлиб ётган шифохонасига мактаб ўқувчилари келиб, шоирнинг турк тилига ўгирилган шеърларидан намуналар ўқиб беришгани тўғрисидаги хабарни кўриб шошиб қолдим. Ахборотга фотосурат ҳам илова қилинган. Демак, шоир шу ерда!

Янглишмасам, хабар газетанинг шанба кунги сониде босилган эди. Душанба кунини шоиримизни излашга киришаман, деб турсам, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг Истанбулдаги вакили Ғайрат Неъматов Қаҳрамон шоирнинг мамлакатга қайтиб кетгани хабарини етказди.

Янги йилдан кейин 5 январда такрор келишади, деб яна хабарлади мени вакил.

Орадан бир неча кун ўтгач, Тошкентдан кўнғироқ – Эркин Аъзам.

– Хабарингиз борми, Абдулла ака Истанбулда даволанаётган экан?

– Ҳа, – деб тасдиқ беришимни биламан, – Истанбулнинг тўла қўлга олганингизга шубҳам йўқ эди, мамлакатдаги барча келди-кетдилардан хабардорсиз, қойил! – деб алқаган бўлдилар. – Борсангиз, мендан албатта салом айтасиз.

Дарҳақиқат, Қаҳрамон шоир шаҳарнинг Осиё қисмида жойлашган касалхонада экан. Палатани топиб, кириб бордим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, бўйнимда қарз қолмасин, деб Эркин аканинг саломларини етказдим.

– Қайси Эркин ака? – қайта сўрадилар кўзларини бир оз яшириб, Абдулла ака.

– Ўзимизнинг Эркин ака-да, – дедим мен ҳам ҳеч нарсадан хабарсиздек соддалик билан.

Кейин билсам, Абдулла ака «Истанбулни кўрган ва кўрмаган Эркин ака»нинг қайси бири, деб сўраган экан. Буни мен анчадан кейин ўргандим.

– Менга нима хизмат? – дедим кетишга тараддудланиб.

– Ўғлим Илҳом билади!

Аксарият хориждаги касалхоналар чет эллик беморни ўзларига оғдириб мижоз қилиб олиш ниятида у давлатга келмасидан бурун ёлғон-яшиқ гапларни айтиб реклама қилишдан тоймайди. Назаримда, Абдулла акани даволовчиларга ҳам ушбу «услуг» бегона эмас. Хуллас, Илҳомжон билан биргалашиб бош шифокор ҳузурига кирдик.

– Ўтган йили бемор даволанишга келганда бизнинг хизматдан мамнун қайтган эди. Бунинг эвазига менга ва касалхонамиз номига атаб шеър ҳам ёзган, – деб ойнали рамкага солинган кўлёзма шеърга ишора қилди.

Биз тарафдан билдирилаётган эътирозларни айтдим. Шифокорлар тилида бир нималарни тушунтирди. Мен Истанбулда мамлакатимнинг расмий вакилиман, шунинг учун бу ердаги мутасаддиларга чиқа оламан, деб кўқонча дўқ ҳам қилиб кўйдим, гарчи бу ерда хусусий ташкилотларга ҳеч кимнинг пўписаси кор қилмаса ҳам!

Кейинги келганимда бош шифокор билан ўзаро тил топишиб, анча енгилликларга эришгандек бўлдик.

Абдулла акани кўлдан келганча ўзбекча тансиқ таомлар пиширтириб йўқлаб турдим. Навбатдаги сафар кўнглингиз қанақа овқат тусаяпти, тортинмай айтинг, деганимда, ийманибгина «манти» дедилар.

Келаси сафар келишда устознинг истакларини бажо келтирдик, фақат қайноққина мантидан лоақал бир жуфтини бизнинг ҳузуримизда тановул қилишларини истадик. Абдулла ака яқингинада овқатланганликларини важ қилдилар, мен кўймадим. Ниятимга етдим, устоз пазандалар ҳаққига дуо қилдилар.

Ўшанда Абдулла ака Истанбулда узоқроқ қолдилар. Ҳар ҳафтанинг охирида у кишини йўқлаш одат тусига кирди. Журналистика факультетини битирганман, дейишимга ҳам шубҳа қилдилар. Бошида бу ҳам бир расмий одам-да, деб ичларини ёрмай гаплашгандилар. Секин-аста суҳбатларимиз ошкора, самимий тус ола бошлади. Ёддан шеърларидан намуналар ўқиб бердим, ҳатто бир куни Истанбулдаги шахсий кутубхонамдан «Сурат ва сийрат» китобини олиб келдим. Уни 1981 йилда факультетимизнинг шундоққина ёнбошидаги китоб дўкандори доим «Беломорканал» чекадиган баланд бўйли қотмадан келган амакидан сотиб олганимни ҳам қистириб ўтдим.

Суҳбатларимизнинг бирида Илҳомжон ўғиллари чақалоқлик кезлари – 80-йилларда юрак хасталиги билан Москвада даволанганликларини хотирладилар. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов Совет Иттифоқи бош кардиологи Евгений Чазовга телефон қилиб, мамлакатимизнинг катта шоири, уларни асрашимиз керак, деб у кишини назоратга олишни илтимос қилган экан. Кейинчалик 4-бош бошқарма бошлиғи, Леонид Брежневнинг, кейинроқ Юрий Андроповнинг шахсий шифокори бўлиб хизмат қилган у одам.

– Москвада журналистика факультетида ўқиб юрган Исмат Хушев ҳам аҳволимдан хабар олиб турарди. Бир оз ўзимга келгач, талабалар билан учрашувга мени зўрлаб олиб кетди. Қурмағур, ҳабаш талабаларга ҳам менинг шеъримни ёд олдирибди, – деб кулиб эсладилар ўшанда Абдулла ака.

Бир куни Илҳомжон телефон қилиб, устоз мени йўқлаётганликларини айтди. Зарурат бўлмаса, ортиқча безовта қилмас эдилар Абдулла ака.

– Эртага юртимизда буюк бобомиз Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари. Майдонда катта митинг бўлади, неча йиллардан бери бу тадбирни мен очиб берар эдим. Ўзим бўлмасам ҳам табрик матнимни

ўқиб эшиттиришсин, деб қоғоз қораладим. Шунинг билан Ёзувчилар уюшмасига етказишни илтимос қилмоқчи эдим, – дедилар.

Яна қўшимча айтдиларки, ўшанда мени ётиқли касал, деб ўйламайдилар мухлисларим.

Ўзбекистон Қаҳрамони Наврўз байрамини, туғилган кунларини уйда қутлашга роса шошилдилар, турк врачлари муолажа тугамаган, деб рухсат беришмади. Ташаббусни қўлга олдим.

Анча тетик бўлиб қолганлари учун Ҳанифа янгам ва Илҳомжон билан келишиб, ресторанда бу икки тадбирни қўшиб нишонлайдиган бўлдик.

Салкам бир йиллардан бери Истанбулнинг марказида фаолият кўрсатиб келаётган «Самарқанд» ресторанига таклиф этдим. Ҳамсоҳиби Музаффар ака Эшмуродов емакдан ташқари кичик концерт дастури ҳам тайёрлаб, хаста одамнинг кўнглини кўтарсак бўлмасмикин, деб таклиф киритди.

Устоз шоирга сюрприз қилишга келишдик. Ўша пайтда Истанбулда бўлиб турган Музаффар ва Азиза исмли яккахон хонандалар таклиф этилди. Улар Қаҳрамонимизнинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан куйлашди.

Этник ўзбекларимиздан Собир Сайхонни таклиф қилдик. Ҳаммаси чиройли бўлди, барча, айниқса устоз хурсанд бўлдилар. Уларнинг кайфиятлари дастурхон атрофидаги барчага тарқалди.

Устоз шоиримиз Тошкентга қайтмасдан олдин хайрлашиб қўйиш учун оилалари билан идорага келиб дуолар қилиб кетдилар.

2016 йилнинг иккинчи чорагида Истанбулдан қайтдим, Абдулла акани саломатликлари бирмунча яхшилигини эшитиб, бориб кўришга шошилмадим. Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг охириги йўлга кузатиш мароси-

мида дафъатан кўришиб қолдик. Бағр бериб саломлашдик, Ҳанифа опангиз сизни эслаб турадилар, деб уйга даъват этдилар.

Саломатликлари хусусида эса «Истанбулда мени нотўғри даволабди, яқинда бошқа давлатга кетаман, унгача албатта уйга келасиз», – дедилар самимий.

Шоир айтган давлатларига бормадилар, кузда Америкага кетдилар. Аввалига яхши хабарлар келиб турди, хурсанд бўлдик, афсус, кун ўтгани сайин хасталик ўз қилмишини давом эттирди... уммон ортидан нохуш хабар келди.

Ўзбек халқи бир қалқиб тушди!

Жойингиз жаннатда бўлсин устоз Абдулла ака!







## «БРАТАН»

Кулоққа ғалати эшитилади-я? Беихтиёр жиноятчилар, безорилар, жанжалкашлар ҳаётидан олинган фильм лавҳалари келади кўз ўнгимизга. Мафиозларнинг каттасини «Братан» дейишадими, деб сўраб ҳам қўямиз. Бу каби шубҳа-гумонларда асос йўқ эмас, чиндан ҳам бу сўзнинг ўз ўрни, ўз муҳити, ўз «эга»лари бор. Аммо-лекин бизнинг хотирамизда, нафақат бизнинг, балки неча ўнлаб, юзлаб таниган-нетганларнинг наздидаги Братаннинг бутун ҳаёти, фаолияти фақат яхши воқеалар, савобли муносабатлар, фидойи амалларга тутшиб кетган. Алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, айти шу инсон туфайли ҳам жаранглашидан хатарли туюлган ушбу сўз тилимизга мутлақо ижобий, мутлақо жайдари, мутлақо ўзбекона тантилик рамзи, тимсоли сифатида сингиб кетган эди.

Жуда-жуда кўплаб инсонларнинг меҳрини, ҳурматини қозонган «Братан»нинг асл исми шарифи Алишер Аббосович Азизхўжаев эди!

Иноятхўжа деган тоғамиз бўларди. Бирор киши юқори лавозимга ўтса, «эшитдингми, фалончи йўғон бўлиб кетибди», дердилар. Нимаси йўғон, десам, панжаларини очиб, «қайси бармоғим йўғон, демак қолган бармоқлар ундан кейин туради», деб тушунтирган эдилар.

Бизнинг «братан» ҳам анча «йўғон»лардан эдилар, зеро ниҳоятда жиддий ва нозик лавозимларда хизмат қилдилар узоқ йиллар. Ўша мўътабар даргоҳларда ҳам инсон сифатидаги ўзидаги самимиятдан, дангалчиликдан, ўрни келса, таваккалчиликдан воз кечмадилар. Энг қалтис мавзуларда ҳам жуда оддий, жуда самимий фикр юритар эдилар Братан.

2008 йил 27 май. Тошкентдан телефон. Кутилмаганда та-ниш овоз:

– Мен ҳам нормалний одамларга ўхшаб, Анталияга дам олгани бормоқчиман. Йигитлар шуғулланишвотти, эртага манга таъна қилиб юрмагин, деб айтвомман: 15 киши, шундан бештаси – болалар. Сув бўйидан жой ке-рак!

Гўшак осилмасидан «Икки кун муҳлат!», деган топши-риқнамо овози эшитилди аканинг.

Алишер Аббосович лавозимидан ташқари асли ҳуқуқшунос олим, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор – ҳар жиҳатдан жиддий одам. Қатъиятлилиги, бир сўзлилиги, ўрни келганда ниҳоятда қаттиққўллиги билан ҳам кўпчиликнинг «ёди»да қолган бўлиши таби-ий. Шу билан бирга юмор туйғуси кучли эди аканинг, ҳазил-ҳузулнинг ҳам, киноя ва қочириқнинг ҳам теша тегмаганларидан топарди. Телефонда айтилган «хушха-бар»нинг замирига қараб кўрайлик: айни саратон, дам олиш масканлари ҳордиқ чиқарувчилар билан тўлиб-тош-ган, тўппа-тўсатдан 15 нафар меҳмон келадиган Ватан-дан! Тагин орада икки кун (!) бор холос! Қайси эшикка бош суқасиз? Кимдан илтимос қиласиз? Кимдан нажот кутасиз?

Яна қандай ҳазил керак сизга?! Бетингизда ҳазилдан куласизу, ичингизда унинг зили тошдек ботади.

Лекин Братаннинг ҳазили ҳам, эркалиги ҳам сира оғир ботмасди. У киши ҳамма муаммони ҳал қилиб қўйиб, юракка бир олов қалаш учун ҳам сим қоққанлигига шубҳа йўқ эди.

Табиий, «топшириқ»ни бажаролмадим. Важ ва баҳо-налар ортиқча. Минг бир хижолатда юзма-юз келдим акага. Братан парвойи палак, ҳа, десам, барча масалалар аллақачон ҳал қилинган – жойлар тайёр, менинг аралашу-вимнинг ҳожати қолмаган экан.

Билмаганлар учун Алишер Аббосовичнинг туғилган куни 1 июль эканини эслатиб ўтмоқчиман. Бир кун бурун сим қоқдим.

– Эртага сизни кўришга бораман, – дедим салом-аликдан сўнг.

– Э, қанақа одамсан, умримда биринчи марта туғилган кунимни оила даврасида ўтказмоқчиман. Эртага эмас, индин кела қол.

Ҳам ҳавасингиз келади, ҳам ачинасиз: одам лоақал туғилган куни оиласи, фарзандлари даврасида эмин-эркин йиғилиша олмаса, хорижга «қочиб» келиб ҳам ўз ҳолига қололмаса!

Хуллас, сурункасига уч-тўрт йил 2 июлни Анталида ўтказиш анъана тусини олди. Бир сафар турк дўстим Шаҳметтин, бошқа сафар қадрдон Миракмал акам ва Юсуфжон билан бордим ва ҳоказо. Суҳбатларимиз тонг-отар давом этарди. Братан билмаган нарса йўқ, ахборотнинг кони, суҳбатнинг гули.

Меҳнат таътилига Тошкентга борганимда кўришишимиз қанда бўлмасди. Алишер ака оқибатни ҳам ўрнига қўярди.

Ўрта Ер денгизи соҳилида суҳбатлашиб ўтириб, фарзандлар тўғрисида сўраб қолди. Бу гап очилганидан хурсанд бўлдим. Чунки анчадан бери ўғлим ўқишни магистратурада давом эттириши керакми-йўқми, деган савол устида бир тўхтамга келолмай юргандик. Ўғлимнинг шу йил бакалавриятни битираётганини айтиб, ўша саволни бердим.

– Албатта керак, – деб гапни чўрт кесди ака, – магистратурани битирсагина тўлиқ маънодаги олий маълумотли инсон бўлади!

Гап шу билан унутилмади. Балки ака ўғлим қайси олий даргоҳда ўқишини билиб олгач, «30 июль куни менга телефон қиласан, ўзим уни яхшилаб дуо қиламан, ана

ундан кейин ўқишга кириб кетади», – деди «Братан» чинакам акаларча меҳрибонлик билан.

30 июль ҳам келди. Йўқ, телефон қилмадим, ўнғайсизландим, ахир денгиз бўйида, қуюқ дастурхон теварагидаги суҳбатни нима деб эслатаман?! Мен шу истиҳоладаману, Туркия вақти билан кечки маҳал «Братан»нинг ёрдамчилари Сарвар телефон қилиб қолди, Алишер Аббосович сиз билан гаплашмоқчилар, деди.

Ҳаяжонда салом берганимни биламан, «Сан унақа қулоқсиз бола эмасдинг-ку? Нега қўнғироқ қилмадинг?!», деб тамомила жиддий койий бошласалар денг!..

Бирсўзли, айтганидан тоймайдиган, танти, Тошкентнинг Ҳастимом кўчаларини чангитиб улғайган Братан – Алишер Аббосович ниҳоятда эрта кетди орамиздан. Дилкаш давралар хувиллаб қолди, нафақат Тошкент, унга қўшилиб Истанбул, унга қўшилиб Анталия, Ўрта Ер денгизи соҳиллари хувиллаб қолди. Ё, Парвардигор, Ўзинг ётган масканларини нурларингга тўлдиргайсан ака-мизнинг, иншааллоҳ!





## АМИР ТЕМУРНИНГ КЎНГИЛ КУЙЧИСИ - АБДУЛҚОДИР МАРОҒИЙ

Туркияда «Мостар» номли журнал чиқади, адади унчалик катта эмас, 20 минг нусха атрофида. 2008 йилнинг илк сонини тўлалигича Ўзбекистонга бағишлади. Бир йил аввал мамлакатимизга бориб, материаллар тўплаб келган журнал ижодкорлари гуруҳининг маҳсули эди. Мавзулар ҳам ранг-баранг: иқтисоддан бошлаб тарихий обидаларимизгача бор, маданий меросимиз-у замонавий шаҳар-созлик, хуллас қамрови кенг.

Бош муҳаррир Осмон Нальбант билан самимий алоқалар ўрнатилди, ҳатто хонадонига ҳам таклиф қилди. Саккиз нафар фарзанди бор экан. Туркиянинг вилоятларида кўп болали оилаларни билардим, аммо Истанбулдек мега-шаҳарда серфарзанд оила борлигини кўриб, тўғриси, ҳайратландик.

Меъмор Синан номидаги Гўзал санъатлар университетида дарс ҳам берарди, бир неча йилдан кейин Босния-Герцеговинадаги университетга домлаликка ўтиб кетди.

Мен ўша журналда босилган бастакор ва ҳофиз Абдулқодир Мароғий тўғрисида тўхталмоқчиман. У Туркиянинг илк мусиқа бастакори, деб билинади.

1353 йилда жанубий Озарбайжоннинг Мерага шаҳрида мусиқачи Ғиёсиддин Ғайби оиласида дунёга келади. 4 ёшида Қуръони каримни ўқишни бошлаб, 8 ёшида ҳофиз бўлиб етишади. Шу билан баробар мусиқага кўнгили кўяди. Отасининг вафотидан кейин онаси билан Табризга бориб жойлашади.

Тарих саҳнасида илк бора Жалойир давлати (1354–1410 йиллар) ҳукмдори Султон Увайс саройида кўринади.

Унинг муסיқалари ҳукмдорнинг жангларда муваффақият қозонишига сабаб бўлади, деган афсона гаплар бор.

Бу орада сафавий шайхи Саабеддин билан муносабатлар ўрнатади, шундай кейин илоҳий муסיқа ва кўшиқлар басталагани айтилади.

Ўз даврининг таниқли муסיқашуноси Ризаэттин Ридван Шоҳнинг 1380 йилда ташкил этган ижодкорлар мусобақасида ғолиб чиқиб, эл орасида танила бошлайди.

1386 йилда Амир Темур у минтақага юриши даврида Абдулқодир ҳақида эшитиб, бир қатор таниқли олим ва санъат усталари қатори уни ҳам Самарқандга жўнатиб юборади. Маҳаллий санъаткорлар унинг талантидан рашк қила бошлайдилар. Абдулқодир бир кун дарвеш кийимини кийиб, Самарқанддан Бағдодга қочиб кетади.

1401 йилда буюк Соҳибқирон Бағдодни қўлга киритгунча Абдулқодирни топтиради. Амир Темур учрашув чоғида бир сабаб билан йигитдан Қуръондан тиловат ўқиб беришни сўрайди. Чиройли овози билан бутун қироатларини жойига келтириб сурадан оятлар ўқийди. Бундан таъсирланган бағрикенг Соҳибқирон уни аввалги айблари учун афв этади ва ўзи билан бирга сафарларга олиб юришга қарор беради.

Ҳордиқ пайтларида куй чалиб, кўшиқ айтиб Амир Темур ва унинг аскарларининг кўнглини олиб юради. Жангга киришдан аввал эса Соҳибқирон унга Қуръон тиловати қилдиргани айтилади.

Бу ҳақда Фитрат ҳам ўз асарларида қайд этиб ўтади.

Амир Темурдан кейин Халил ва Шоҳрух Султонлар саройларида ҳам хизмат қилади.

Мароғий Султон Мурод II га атаб муסיқий асар ёзади. Уни асар қаҳрамонига топшириш баҳонасида 1421 йилда Бурсага кетади ва у ерда қолади. 1435 йилда эса мамлакатда содир бўлган айрим кўнгилсизликлар туфайли Ҳиротга кетишга мажбур бўлади.

Шоир, рассом, ҳофиз, ҳаттот каби ҳунарларни эгаллаган бастакор турк, форс ва араб тилларини мукаммал даражада билган.

Унинг қанча асар ёзгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, аммо ижодидан 25 намуна Туркия телерадиокомпанияси архивида сақланмоқда.

Усмонбей дўстимиз бизга улардан 11 та куй-қўшиқларини СДга кўчиртириб берган.

Таътилга келганимда таниқли мусиқашунос олим, ўша даврда Давлат консерваториясининг ихтисослашган тадқиқот маркази раҳбари вазифасида ишлаб турган Отаназар Матёкубовга Абдулқодир Мароғий тўғрисида баҳс этиб, туркларнинг ўзбек тилида у ҳақда китоб чиқариш таклифини айтдим. Гапларимга илова тарзида у кишига Усмонбей менга оригинал асарларидан намуналар кўчиртириб бергани ва XVIII-XIX асрларда ёзилган нота нусхаларини тақдим этганини етказдим.

– Абдулқодир Мароғий дунёда машҳур санъаткор, бастакор. У ҳақда ва унинг асарлари тўғрисида Оксфорд университети профессори Олен Райт, турк олими Мурод Бардакчи Кантемироғлулар тадқиқот олиб боришган. Турк хонандалари ҳамон унинг қўшиқларини куйлашади, – деб қўшимча маълумот берди.

Бошқа мутасаддиларга Абдулқодир Мароғий ижодини ўрганган ва асарларини тадқиқ қилаётган олимлар ҳамда унинг қўшиқларини ижро этаётган санъаткорларни Самарқандда ўтадиган халқаро «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига олиб келиш таклифини этган эдик.

Ўшанда ўрганиб хабар берамиз, дейишган эди. Биз ҳам ҳафсаласизлик қилдик чоғи...



## КЕНЖА СОҒУНИЙ НИМА ДЕЙДИ?

Истанбулга янги келганимда танишганим Қутлуқхон (Эдиқут) Шокиров билан Тошкентга қайтгач ҳам хабарлашиб турамыз. Иқтисод фанлари номзоди бўлган бу инсон узоқ йиллар соҳаси бўйича мамлакатимизнинг турли идоралари ҳамда илмий тадқиқот институтида ишлаган. Бир сабаб бўлиб, оталари каби мусофирликни ихтиёр этган эди.

Қутлуқхон ака муборак Алихонтўра Соғуний – Шокирхўжаевнинг саккиз фарзандлари ичида энг кенжаси, 1947 йилда Шарқий Туркистоннинг Ғулча шаҳрида туғилгани билан Тошкентда вояга етиб, униб-ўсган.

Алихонтўранинг ўзлари эса 1887 йили (яна бир манбага кўра, 1885 йили) ҳозирги Қирғизистондаги қадимий Боласоғун яқинидаги Тўқмоқ шаҳрида таваллуд топган, кейинчалик Соғуний таҳаллусини олган. Маърифатли бўлган унинг отаси ўғлини диний маълумот олиш учун Саудияга юборади. У ердан қайтиб келгач, Бухородаги Амир Олимхон мадрасасида таҳсилини давом эттиради.

Диний билимларни пухта эгаллашида унинг араб, форс ва турк тилларини мукаммал ўргангани кўл келади. Шунингдек, бўлғуси дин арбоби, тиббиёт соҳасида анча самарали фаолият кўрсатади. Абу Али ибн Синони ўзига пир, деб билади. Унинг табобат илмидан истифода этиб, доришуносликни пухта ўрганиб, одамларнинг саломатлигини тиклаш ишида жонбозлик кўрсатади.

1916 йил Чор ҳукуматига қарши халқ кўзғолонида қатнашади. Бу ҳаракат бостирилгач, тазйиқдан қочиб,



бир марта Қашқарда яшаб келишга мажбур бўлади. Бир неча марта қамоқ азобларини бошидан кечиради.

Ана шундан кейин 1930 йили такрор Шарқий Туркистонга ҳижрат қилади. Шинжондаги ҳақиқий аҳвол-вазиятдан яхши хабардор бўлган довюрак Алихонтўра 1943 йилда Шарқий Туркистонни озод қилиш кўмитасини тузади. Ислom ғоялари асосида аҳолини бирлаштиришга эришади, инқилоб ишида – миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қилади. Ҳарбий соҳадаги муваффақиятлари учун маршал унвонига сазовор бўлади. Шарқий Туркистоннинг биринчи президенти этиб сайланади.

Бу орага катта сиёсат аралашади. 1949 йилда Соғуний совет ҳукумати билан ўзаро келишувга асосан Хитойнинг Шинжон вилоятидан олиб чиқилади.

Қутлуқхон акадан Шарқий Туркистон тўғрисидаги батафсил ҳикояни эшитиб бўлиб, «падари бузрукворингиз ҳарбий билимни қаердан ўрганган эди», деб сўрадим.

У киши ҳам бироз кулимсираб, бир маҳаллар айна шу саволни мен ҳам отамга берганман, дейди.

– Қизиқиб ўрганганман, – олинган жавобдан қониқмаган Қутлуқхон аканинг такрорий саволига: Пайғамбаримиз (с.а.в.) мактабларида, – деган экан.

Дин илмини ўрганиш жараёнида Алихонтўра жаноблари Расули акрамнинг жанг юритиш маҳоратларини мукаммал ўзлаштирган экан!

Шинжондан ўғирлаб келинган ота анча пайт Тошкентнинг чеккасидаги Яланғоч мавзеидаги ҳарбийлар томонидан кўриқланадиган ҳукумат уйида сақланади. Бу ерда Москва талаби билан Шарқий Туркистондаги вазият тўғрисида тўқсон олти варақдан иборат мукаммал ҳужжат ёздириб олишади.

Сталин номига ёзилган бу тарихий ҳужжатни қайтариб олишга Соғуний домланинг ўзлари ва авлодлари роса уриниб кўрадилар, натижа чиқмайди.

2015 йилда Москвада тарих фанлари доктори, профессор Жамил Гасанлининг «Синьцзян в орбите советской политики. Сталин и мусульманское движение в Восточном Туркистане 1931–1949 гг.» монографияси нашр этилганини айтиб қолди. Унда тахминан 20 йил давомида Шарқий Туркистонда олиб борилган махфий совет сиёсати ҳақида гап боради. 1944–1949 йилларда Шинжондаги мусулмонларнинг миллий ҳаракатига баҳо берилади. Тадқиқот ишида совет сиёсий ва дипломатик, шунингдек, хавфсизлик идораларининг Шинжонга доир Россия Федерациясининг турли архивларида ҳамда АҚШнинг Архивлар ва ҳужжатлар миллий бошқармаси фондларида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланилган.

Китобнинг 30 га яқин бетида Алихонтўра Соғунийнинг Шарқий Туркистондаги фаолияти ҳақида сўз юритилади. Шинжондан туриб, Сталин номига ўлкани озод этишда кўмак сўраб битилган мактублари ҳам ўрин олган. Тўқсон олти варақли «Ҳисобот»дан иқтибослар келтирилади...

– Истанбулда бекор юрган им йўқ, отамнинг «Тарихи Муҳаммадий» китобларини қайта нашр эттирдим. Хусусан, биринчи китобнинг аввалги нашрларда йўл қўйилган камчиликларни тузатдим, жой, шахс номларига аниқликлар киргаздим, оят-ҳадислар ва баъзи матн парчаларининг арабчасини келтирдим. Уни янги фотосуратлар билан бойитдим. «Туркистон қайғуси» деган асарларини эса Олмонияда қайта бостириш насиб этди, – деган эди.

«Тарихи Муҳаммадий» оғир шарт-шароитда росмана ҳадиклар билан 1954–1961 йиллар орасида битилган. Араб имлосида битилган бу асарнинг ёзилиш жараёнида қўлёзма нусхаси хонадоннинг ўзида бир неча бор жойини ўзгартиришга, уни яширишга мажбур бўлинган.

Истанбулда нашр этилган китобни 2012 йилнинг 16 март куни менга тақдим эта туриб, «ҳар ҳолда журна-

листсиз, китобни ўқиб, у хусусдаги фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз жуда миннатдор бўлардим», деб қолди Қутлуқхон ака.

Алихонтўра Соғуний номини мен илк бора 1976–1977 йилларда отам вафоти сирасида эшитган эдим. Хонадонимиз тадбирларининг фаол иштирокчиси, маҳалламизнинг қори амакиси, раҳматли устозим Абдуфаттоҳ Набихўжаев у кишидан иқтибос келтириб, ҳадис ва ҳикоятлар айтиб берарди.

Бир сафарида Алихонтўра домладан эшитганман, деб ҳикоя қилиб берган ривоят ҳали-ҳануз ёдимда сақланиб қолган.

«Азроил (а.с.) бир камбағалнинг жонини олгани уйига келади. Ҳақиқий дунёга равона бўлмасдан аввал эса бу дунёдаги сўнгги тилагини бажаришга ваъда беради. У инсон ҳам бир армони борлиги, у ҳам бўлса умрида тўйиб ҳолвайтар емаганини айтади. Шу онда ғойибдан дастурхонда бир тақсимчада бу таом ҳозир бўлади. Эру хотин хурсандлик билан таомни ейишга қўл чўзган маҳаллари эшик тақиллайди. Йўлакдаги гадоё бир неча ҳафтадирки болаларим оч, деб егулик сўрайди. Камбағалнинг оғзи энди ошга етганда, мендан ҳам ғариб одамлар бор экан, деб ҳолвайтарли тақсимчани унга олиб чиқиб беради. Шунда гадоё «умрингдан барака топ», деб дуо қилади. Жойига қайтиб кўрпачанинг тагини кўтарса, бир катта илон оғзи тўла ҳолвайтар ҳолда ўлиб ётганини кўради. Аслида ўша илон, камбағални чақиб ўлдириши керак экан. Шундан кейин эру хотин яна бир неча йил умргузаронлик қилишади...»

Ҳамон мутолаага киришдим. Илк фикрим қўлни фотиҳага очиш ёки жанозага қатнашиш каби мусулмонликнинг энг жўн урфлари таъқиқланган мустабид замонда бундай китобни ёзишга жазм этишнинг ўзини жасорат деб аташ энг тўғри баҳо бўлади, дедим.

Кўп ўтмасдан тўрт варақдан иборат тақризимни Қутлуқхон акага етказдим. Китобнинг қайта нашри билан яна табриклар, бундан 50 йил олдин Соғуний домла томонидан айтилган фикр-мулоҳазалар бугун ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаганини алоҳида таъкидладим. Муаллифнинг нақадар улуғ зот, узоқни кўра биладиган, вазиятга ва келажакка тўғри баҳо бера оладиган инсон эканини айтиб, Алихонтўра Соғуний жанобларини алқаб қўйдим.

Бир неча йил аввал «Шарқ» нашриёти «Тарихий Муҳаммадий»ни босмадан чиқарди, аммо у Қутлуқхон Шокиров томонидан тайёрлаб, Туркияда нашр эттирган нусхасидан фарқ қилади.

Истанбулда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан бўлиб ўтган суҳбатларимизнинг бирида Алихонтўра домла билан Себзор даҳасида қўшни яшаганликларини айтиб берган эди. Мўътабар дин арбобининг ўткир нафасларидан баҳраманд бўлганликларини мамнунлик билан сўзлаб берганди.

Мен ҳам, ўз навбатида муҳтарам домланинг кичик ўғиллари билан ака-ука тутинганимдан хурсандлигимни айтиб ўтмоқчиман.

Кези келганда ота йўлидан, яъни Тўқмоқдан чиқиб, Қутлуқхон акага кучлари етса пиёда ёки автомобилда Шинжонгача бориш таклифини билдирган эдим. Насиб этса бу таклиф-лойиҳани амалга оширсалар ажаб эмас...





## ФУТБОЛ ФАНАТЛАРИ ЮРТИ – ТУРКИЯ!

Туркиянинг жамики аҳолиси футбол ишқибози десам ишонаверинг. Жамоалар қайси шаҳарга мансуб эканлигидан қатъи назар уларнинг ишқибозларини бутун мамлакат ҳудудидан топиш мумкин. Яъни, Истанбул жамоалари фақат шу шаҳар ишқибозлари учун, деган гап йўқ. Олий лигада 18 та жамоа мамлакат биринчилиги учун курашади, улардан олтитаси мегаполис жамоалари – «Фенербахче», «Галатасарай», «Башакшеҳир», «Бешикташ», «Касимпаша» ва «Гостепе». Мазкур жамоаларга бир ярим минг километр олисликдаги Урфа ёки Карс халқи ҳам ишқибозлик қилаверади.

Оила беш кишидан иборат, улар тўртта жамоага ишқибоз. Мисол: ота – «Фенербахче»ни, она ва қиз – «Галатасарой»ни, икки ўғил бошқа икки жамоани олқишлайди. Оила аъзолари мухлислик қиладиган жамоалар тўқнаш келадиган кунлардаги аҳволни тасаввур қилаверинг!

Кунларнинг бирида турк хонадондаги меҳмондорчилик футбол ўйини кунига тўғри келиб қолди. Бир яйраб футбол томоша қиларканмиз-да, деган ўйга бориб ўтиргандим, бирдан хонадон эгалари бир-бирларига тескари қараб ўтириб олишди десангиз. Ҳа, тинчликми, орада бирор гап ўтдимми, десам, бояги аҳвол – футбол майдонидаги рақиблар қолиб, чинакам рақобат яхшигина гурунглашиб ўтирган оиламизга кўчди! Кимлигини айтсам, танийсиз, шу боис уларни хижолатга қўймай...

Истанбулга янги борган кезларим, дўстлар орттира бошладим. «Ҳозирданок бирор жамоани танланг ва унга хайрихоҳлик қилинг», дейишди.

Хатто давлат арконлари ҳам бир жамоа ишқибози экан. Масалан, Президент Ражаб Таййиб Эрдўғон, собиқ парламент Спикери Исмат Йилмаз, Бош вазир Аҳмад Довутоғлу, бош мухолифатчи Камол Қиличдороғлу – «Фенербахче», собиқ Президент Абдулла Гул, парламентнинг собиқ Спикери Бюлент Аринч, мухолифатчи Давлат Бахчели – «Бешиктош», парламент Спикери Бинали Йилдирим, собиқ Адолат вазири Саъдулла Эргин, Миллий таълим вазири Омер Динчер – «Галатасарой», Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазири Фарук Челик – «Бурсаспор», Озиқ-овқат, деҳқончилик ва чорвачилик вазири Меҳди Экар – «Дирбақирспор». Ўрмон ва сув хўжалиги вазири Вейсал Эроғлу – «Афюнҳисарспор» ва ҳоказо.

Уч-тўрт ойлар давомида жамоаларни ўргандим. Мен ўзим ишқибозлик қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган жамоани аниқлаштиролмай жоним ҳалак, бу ёқда дўстлар ҳар учрашганда, чекка-чеккадан ҳар ким ўзи севган жамоани тавсия қилгани-қилган.

Чўқай Кўчар «Галатасарой» ишқибози, унинг оғзидан чиққан мақтову олқишларга илон инидан чиқибгина қолмай, рақсга ҳам тушиб юборади. Ростанам турк тақимлари ичида УЕФА чемпиони бўлган ягона команда шу! Ўша пайтда жамоанинг молиявий аҳволи бошқаларга кўра анча дуруст бўлган. Чўқай афандим Истанбулга янги борган кезларимизда хонадонига меҳмонга чорлаган эди. Аёлим Гулшодахон: «Биз ҳам уларнинг кўнглини ҳақиқий ўзбек таомларимиз билан хушнуд қилайлик», деб кўярди.

Вақти келиб, Чўқай Кўчар билан Турон Акин ўз аҳли аёллари билан бизникига меҳмонга келишди. Чўқай афандим кенжа қизим Шаҳзодахонга «Галатасарой» футболчиларининг либосини совға қилди ва у осонгина «Галатасарой»чи бўлди-кетди. Мени эса айни шу жамоа иштирокидаги ўйин томошасига олиб боришга ваъда берди.

Профессор Солиҳ Айнурал эса мени «Фенербахче» томонга ўтишга кўп даъват қилди. Бир куни телефон қи-

либ, эртага кечки пайт вақтингиз бўлса футболга тушамиз, деди. Туркияда ўйинлар оқшом соат 20 да, Европа ўйинлари 23 дан кейин бошланади ва асосий ўйинлар шанба-якшанба кунлари, жуда кам ҳолларда жума ва душанба кунларига тўғри келади. Яъни иш вақтларига мутлақо монелик келтирмайди.

Домлага розилик бердим.

– Эртага соат саккизда Фотиҳ Султон кўпригига етмасдан фалон жойда учрашамиз.

Мен бунча эрта, учрашув бошланмасдан уч соат аввал, деб билдирган эътирозимга домла изоҳ берди.

– Биринчидан бу соатларда кўприкда катта «трафик-пробка» – тиғизлик юзага келади, кейингиси у томонга ўтиб, машина қўярга жой топиш амри маҳол!

Аниқлик киритилди. «Фенербахче» стадиони Истанбулнинг Осиё тарафида. Домла одатда ўз арабасини Европада қолдириб, уёғига автобусда кетар экан.

Хуллас, келишилган вақтда учрашдик, йигирма километрлик масофани бир ярим соатда (!) босиб ўтиб, манзилга етишдик.

Стадион атрофи ишқибозлар билан лиқ тўла, ташқарига қийқириқ овозлари келиб турибди. Шу шовқинда домла телефонда ким биландир гаплашди. Одамлар орасидан ўтиб, кириш эшигига келдик. Формасиз полиция ходими бизни ичкарига олди. Сал нарида Истанбул шаҳар полиция бошлиғи ўринбосари Абдурашидбей – дўстлари кутиб турарди. Марказий трибуна томонда иккита бўш жой бор экан, ўша ёққа бизни олиб бориб ўтказишди.

Шундай қилиб, чиптасиз «жойимиз»ни топиб олдик!

Ҳар бир футбол жамоаси ўзи танлаган рангдаги ўйин либосига (формасига), стадионига ва қўшиғи-мадҳиясига эга. Ишқибозлари матнни ёддан биладилар. Ўйин бошланмасдан уни қайта-қайта куйлашар экан. Орасира «Фенербахче» чемпион!», «Ундан бошқа зўр команда

йўқ!», рақибларга қарата «Сизларни осонликча енгамиз, хавотир олманглар!» каби бақир-чақирлар таралиб туради. Бундан ташқари сариқ-ложувард (команда футболчилари либосининг ранги) рангдаги майда қоғозчалар ҳавога отилади, бирпасда майдон ва ўриндиқлар узра ана шу қоғоз зарралари ёғади.

Яна бир нарсани айтиб ўтай. Стадиондаги ишқибозларнинг 85 фоизи мезбон томон, қолгани меҳмонларга мухлислик қилади. Меҳмон мухлислар учун дарвозанинг ўнг ёки чап тарафидан жой ажратилади, у ҳам темир панжара билан ўралган бўлиши шарт! Энди мезбонлар овозларини баралла баландлатиб ашула ёки бирнималар айтаётганда у бечоралар (озчилик-да!) айб иш қилиб қўйган боладек жим ўтиришга мажбур. Овозларини чиқара кўрсинлар-чи!..

Стадионга футболчилар кириб келишади, ҳамма оёқда. Икки тараф ўйинчилари бир-бирлари ва ҳакамлар билан саломлашиб бўлишгач, ўз мадҳияларини айтишади. Агар мамлакатда шу кунлари кўнгилсиз ҳодиса сабабли қурбонлар бўлса, улар хотираси албатта бир дақиқалик сукут сақлаш билан ёдга олинади.

Кафтдек майдон. Майдон билан ишқибозларнинг олд қатори ораси бир-бир ярим метр, холос. Қадимги «Пахтакор» стадионини кўз олдингизга келтиринг, асосий майдондан олдин енгил атлетика мусобақалари учун алоҳида йўлаклар бўларди. Тахминан уч метрлардан кейин футбол майдони кўринарди. Туркияда унақа эмас. Стадионда бевосита ўйинни кузатиш билан телевизорда томоша қилиш орасида осмон билан ерча фарқ деяверинг!

Марказий трибунанинг ҳар ўриндиғида командалар тўғрисида маълумотлар акс этган ихчам рисоалар қўйилган. Стадионнинг юқори мартабали шахслар учун белгиланган (ВИП) салонда ҳар бир ўриндиқнинг орқасида бежирим мониторинглар бор. Тўхтамасдан чой, қаҳвалар муҳайё этиб турилади.



Энди мезбон футболчилар гол киритган ҳолатни тасаввур қилинг. Стадион бирдан жунбишга келади. Ҳайқириқлардан ёнингиздаги одамнинг гапи эшитилмайди. Бу ҳолат тахминан уч-тўрт дақиқа давом этади.

Мезбон учрашувни бой бераётган бўлса борми, уёғи ўйиннинг тинч-осойишталик билан тугашига ҳеч ким кафолат беролмайди. Тренерлар, команда соҳиблари стадионга чиқиб, ҳакамни туғилганига пушаймон қилдиришади. Қайсидир ўйинда ишқибозлар ҳакамларни қамаб қўйиб, уч соат олиб ўтиришган (?). Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдўғон бевосита бу ишга аралашгачгина айбсиз айбдорлар қўйиб юборилган.

Учрашувда қўли баланд келган меҳмон жамоа футболчилари минган автобусларнинг ҳарчанд муҳофаза қилинишига қарамай улар тошбўронга тutilган видеолавҳаларнинг саноғи йўқ.

...«Фенербахче» – «Бешиктош» учрашуви тугади, аммо олган таассуроту ҳаяжонларим битмаяпти сира. Юқорида стадионга кириб олиш ва жойлашишни тасвирлаган бўлсам, стадиондан эсон-омон чиқиб олиш ҳам алоҳида тасвирга лойиқ воқеа экан. Туғён алангасидаги 50 минг киши бирдан ўзини эшикка урганини кўз олдингизга келтиринг! Еростидаги машиналар тураржойидаги ур-йиқитни, кўчани тўлдириб оқиб бораётган, тошиб бораётган тирик тўлқинни тинчлантириш учун қанча куч-қудрат зарурлигини чамалаб кўринг!

Бир соатларда аранг стадиондан узоқлашдик.

Ҳали ўша издиҳомдан қутулиб улгурмасимиздан профессор мендан «Қалай маъқулми?», деб фикримни сўради. Менинг жавобим, табиийки, аниқ эди.

– Аброр ака, бундан буён сиз «Фенербахче» тарафдорисиз!

Бу гап мени шоширтирмади, «тамам», дедим мен туркчасига «маъқул» деган маънода ва қўлни-қўлга бердик!

Орадан 10 йил ўтди, 10 йил мобайнида «Фенербахче»дан кўнглимни узмадим, ғалаба қозонса – қувондим, мағлубиятга учраса – қайғурдим. Жиддий учрашувлар тафсилотидан бохабар бўлиб-танишгачгина, ишга отланиш оддий ҳолга айланди.

Очиғи, ватанимга қайтгач ҳам ўзим севган жамоанинг аҳволдан бохабар бўлиб юраман, садоқатли муносабат ўша-ўша.

Аслида илгарироқдан «Фенербахче»га ишқибозлигим бор эди, бевосита стадионда бу жамоа ўйинини томоша қилиш ишқибозлигим ҳароратини чандон оширди. 2006 йил бошида бу жамоага бир пайтлар дунёни титратган бразилиялик Зико бошчилик қила бошлади. Унинг ҳамюрти Алекс эса жамоанинг юлдузи. 20–30 метрдан ҳам, бурчакдан ҳам чиройли голлар киритиб, ишқибозларни ҳангу манг қилиб юрган даврлар.

Алекс 2004–2012 йиллар асносида бу жамоада тўп суриб, 245 марта «Фенербахче» либосида майдонга тушди ва 136 та тўп уришга муваффақ бўлди. 2012 йилнинг сентябрь ойида стадионга кўшни «Йоғутчи» истироҳат боғида унинг уч метрли ҳайкали қад ростлади. Роса ўхшатган ҳайкалтарош – сариқ-ложувард рангли кийимда елдек югуриб бораётган Алекс! Дунё кезган футбол устасининг ҳаяжондан ва мамнунлигидан оққан кўзёшларини яширолмайд туриши ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак!

«Фенербахче» футбол жамоаси 1907 йилда ташкил этилган. 19 марта Туркия чемпионати ғолиби, 6 марта Кубок соҳиби ва 9 марта Супер кубокни олишга муваффақ бўлган. Унинг 2006–2007 ва 2010–2011 йиллардаги чемпионлик ҳамда 2011–2012 ва 2012–2013 йиллардаги Супер кубок ғолибликларини қўлга киритганлик учрашувларини стадиондан кузатган бахтиёр мухлислар сафида бўлганимдан беҳад мамнунман.

Туркияга борган дастлабки йилларда неча марта стадионга борганимнинг ҳисобини олиб юргандим, кейин

ҳисобдан адашиб ҳам кетдим. Нафақат миллий, балки Европа чемпионати ўйинларининг томошасига бордим. Туркия миллий жамоасининг қатор ўйинларини «Галатасарой», «Бешиктош», «Башакшеҳир» стадионларида мириқиб томоша қилдим.

Бир куни футбол шайдоси бўлган профессор билан навбатдаги матчга тушишга келишиб қўйдик. Мен қайсидир мамлакатдан келадиган мамлакатимиз ҳайъатини кутиб олиб, Ватанга кузатиб қўйишим керак эди. Қиш, Тошкентда қуюқ туман тушадиган кезлар.

2006 йилнинг 13 декабри. Аэропортга келсак, самолётимиз эрталабгача ҳавога кўтарилолмаслиги хабарини олдик, Эрондан қайтаётган ватандошларни меҳмонхонага жойлаштирдик. Солиҳ афандимга бугун ваъдамнинг устидан чиқолмайман, деб аҳволни тушунтирдим. Ишқибоз халқининг кўзи кўр, қулоғи қар бўлади, десалар ишонаверинг. Бўлмаса, кап-катта одам қанча уқдирмай айтганидан қолмади – «Яқинлардаман, ҳозир отелга етиб бораман!» дедию зумда меҳмонларимиз жойлашаётган меҳмонхонага етиб келди.

– Икки-уч меҳмонни бирга олиб киришимиз мумкин! – деди гап орасида. Етти кишилик гуруҳ аъзоларидан биргина Ташқи иқтисодий алоқалар вазири ўринбосари Акмал Камолов стадионга бориш истагини билдирди. Шюкрю Сарачоғлу номидаги стадионда «Фенербахче» ва «Франкфурт А.М.» (Олмония) командалари ўртасида УЕФА кубоги баҳси бошланди. Маҳаллий мухлисларнинг қўллаб-қувватлашидан қулоқлар том битган. Ўйин ҳам роса ўхшади – «бизнинг» жамоа 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди ва ўйин охирлашгани сайин, ғалабасига эртароқ ишониб юборди шекилли, бирдан шашти пасайиб, учрашув дуранг натижа билан яқунланди-қўйди.

Ана энди кўринг, томошанинг қизиғини! 80 дақиқа давомидаги кўтаринкилик қайда қолди? 10 дақиқада эса

мутлақо тескариси, азбаройи қиёмат қойим бўлаётгандек!  
Акмал ака на кўзига ишонади, на қулоғига!

Ҳали-ҳамон Акмал ака билан кўришиб қолсак, Шюкрю Сарачоғлу номидаги стадионда гувоҳи бўлган ҳангомаларни хотирлашга тушиб кетамиз, хотира билан бирга ўша ҳаяжон, ўша завқ қайтгандек бўлади.

Туркияда маҳаллий учрашувлар фақат ва фақат махсус «ЛигТВ» канали орқали томоша қилинади. Телето-мошабинларга унинг йилига 200 долларлик тўлови бор. Қизиғи, учрашув тугагач, орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас, матчдан лавҳалар намойиши бошланади. Ярим тунгача учрашув мутахассислар иштирокида таҳлил этилади. Энг унутилмас ва ҳал қилувчи лавҳалар, киритилган голлар такрор ва такрор, қайта ва қайта видео намойишлари билан муҳокама қилинади. Назаримда бундай кўрсатувларнинг футбол тарғиботи учун катта аҳамияти бор деб ўйлайман, қолаверса, футбол санъатини тушунишга ёрдам беради, албатта.

Хуллас, Туркия – футбол фанатлари юрти, деб баралла айтсак янглишмаймиз!

Аммо ўзимизнинг ўзбегимиз орасида ҳам росмана футбол ишқибози бор экан, узоқ йиллардан бери ака-ука бўлиб, улар тўғрисида ўша пайтда 60 ёшга яқинлашганликларига қарамай ҳалиям тўп суришларидан ортиғини билмас эканман.

2006 йилнинг ёзи. Тадбиркор Набижон ака иш билан Истанбулга келдилари-у, ишлари бироз чўзилиб, яна бир-икки кун қоладиган бўлди. Бу пайтда футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлаётган эди.


Берлинда бўладиган финал ўйинини бирга афғонистонлик ўзбегимизнинг уйида 5–6 киши бўлиб кўришга келишдик.

9 июлда бўлиб ўтган финал матчида Италия – Франция ўйнади, қизиқарли ва чиройли онларга бой

бўлган учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб дуранг 1:1 бўлади. Қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармайди. 11 метрли тўп тепиш баҳсида италияликларнинг қўли баланд келади 5:3.

Матч давомида содир бўлган тарихий воқеани ҳам Истанбулда кўриш насиб этди. Ўйиннинг 109 дақиқасида франциялик машҳур ва моҳир ҳужумчи Зинедин Зидан калласи билан рақиб команда ўйинчиси Марко Матераццини тушириб қолади ва ўша заҳоти майдондан четлаштирилади.

Матчни томоша қилиш жараёнида футбол бўйича баҳс бошланиб кетди. Н.Жўраев акамиз жаҳон ва Европа чемпионатининг финал матчларида қайси команда ўйнаган-у, улардан қайси бири ғолиб бўлганини айтиб берганида меҳмонлар тугул, ўзимнинг ҳам оғзим очилиб қолган.





## IV. ЮРГАН ДАРЁ...

### Элазиқ ва Диёрбақир томонларда

Туркияда рус тилида нашр этиладиган ягона «Вести Туркия - Босфор» газетаси бор. Уни ташкил этган ва бош муҳаррири Талҳа Балиқ. Ўзи бир пайтлар Красноярск университетини битирган, рус тилини билади. Дастлаб тадбиркорлик борасида ўзини синаб кўрган, аммо ўхшатолмаган. Сўнг беш йил умри кечган мамлакат тилига муҳаббатини амалда синаб кўрмоқ умидида шу газетани ташкил этган. Ҳомийлари кўп.

Талҳа биродарим: «Мен туғилиб ўсган юртимни кўришинг керак», деб қистайвергач, розилик бердим. 2010 йилнинг 1–2 август кунлари Элазиқ вилоятига сафарга бордим. Истанбулдан қарийб 1,5 минг чақирим!

Бу томонларга боришни илгарироқдан дилимга туғиб юргандим. Ака-ука Қобақлилар – профессор Аҳмад ва журналист Серветнинг юрти. Қаламкаш дўстимиз ҳам кўп даъватлар қилганди. Насиб – Талҳабей билан бориш экан.

Элазиқ антик кент, милоддан аввалги XX асрларда шаҳар бўлгани айтилади. 1085 йилда салжуқийларнинг қўлига ўтган.

Вақтимиз тиғизлиги туфайли кўп тарихий жойларни кезиш имкони бўлмади. Бу ерга келган сайёҳ жиллақурса Харпут қалъаси ва Биби Марям мақбарасини зиёрат қилмай кетолмайди.

Қалъа милоддан аввалги VIII асрда Урарту давлати тарафидан бунёд этилган. Ичкари ва ташқари бўлимлардан иборат. Жуда кўп жанглarning гувоҳи бўлган қалъанинг ташқи девори деярли йиқилган. Турли давр-

ларда ичкари бўлимидан касалхона, зарбхона, масжид ва бошқа турли мақсадларда фойдаланилган.

2006–2009 йилларда ичкари қалъа атрофида археологик қазиш ишлари олиб борилган. Бунинг натижасида қадимги меҳмонхона, устахона кашф этилган. 36 метр пастликда ерости туннели ҳам топилган.

Қалъа қурилиши тўғрисида турли ривоятлар бор. Улардан бирида қалъани бунёд этишда сувнинг ўрнига сут қўлланилгани айтилади. Шу сабабли уни «Сутли қалъа» деб ҳам аташади.

Милодий 179 йилда бунёд этилган Марям она черкови, шунингдек Қизил черков, Сурёний черкови ва Якубий черкови деб ҳам юритилади. Аввал бу ерда бутлар сақланган, кейин черковга айлантирилган деган тахминлар бор, сўнг эса Якубий уни христианларнинг черковига айлантиради. Дунёдаги иккинчи энг қадимги черков ҳисобланади.

Тик қоялар остида жойлашган черковнинг (бичими 20x8) деворлари ниҳоятда қалин ишланган. Олтита деразаси бор. Ривоятга кўра, бу ерда Исо пайғамбарнинг туғилиши ва ўликнинг тирилтиришига оид сурат бўлган эмиш. Ҳозир черков замонавий ҳолда безаб қўйилган: иконалар қўйилган, шамлар ёниб туради ва ҳоказо.

Шаҳар ва қишлоқни пиёда кездик, тўхтаб кексалар билан суҳбатда бўлдик. Марказий кўчаларидан бири Аҳмад Қобақли номи билан аталар экан. Истанбулга қайтиб боргач, кичик Қобақлига бу тўғридаги мамнунлигимни айтиб телефон қилсам, мендан хафа бўлганини яшириб ўтирмади. «Сени неча марта таклиф этган эдим. Жуда бўлмаса кетаётганигни айтсанг бўларди, сени у ерда бошқача қаршилашарди», деб ўпкаланган эди раҳматли.

Элазиққа саҳармардон самолётда етиб келган бўлсам, пешиндан ўтгандан кейин Талҳабей билан автомобилда Диёрбақир томон йўлга тушдик. Тоғ йўлларида ўтиб борар эканмиз, Ўзбекистонимиздаги довон йўллари,

хусусан Китоб ва Шаҳрисабз довони кўз ўнгимда намоён бўлди. Ҳеч фарқи йўқ, айнан ўзи.

Диёрбақир шаҳрига 60 километр чамаси етмасдан Эгил туманига етиб келганимизни билдирувчи белги чиқди. Бироз ўтиб ҳамроҳим Қуръони каримда номлари келган набий ва пайғамбарларнинг қабрлари бор, зиёрат этмаймизми, деб сўради. Бундай нарсалар сўраб ўтирилмайди, ҳайда, ўша ёққа!

Муқаддас Китобимизда «элчи» (ар-расул) ва унинг ҳосилалари 368 марта ҳамда «пайғамбар» (ан-набий) сўзи 75 марта тилга олинган. Шу қаторида Зулкифл (а.с.) Қуръони каримда икки марта ва Ал-Ясаъ (а.с.) бир марта тилга олинган. Ҳар иккала зотнинг қабри шу ерда экан!

Исроил ўғилларига юборилган Зулкифл (а.с.) милоддан аввалги 821 йилда 25 ёшларида пайғамбар этиб тайинланган. Бу унинг исми эмас, лақаби дейилади, ҳақиқий исми устида баҳслар ҳамон сўнган эмас. Кўпроқ унинг исми Бишр бўлган деган тахминлар бор. Зулкифл ва Ал-Ясаъ (а.с.) ҳазратлари амакивачча бўладилар. Мўминлар ҳузурда Ал-Ясаъга бир нимада кафил бўлиб чиққанлиги сабабли Зулкифл номини олган дейилади.

Қуръонда Айюб (а.с.)нинг қиссаси ҳикоя қилинганидан кейин баъзи пайғамбарларнинг номлари тилга олиниб, улар мадҳ этилади. Ана шундайлардан бири Зулкифл (а.с.), бу зот ҳам сабр-тоқатда собити барқарор бўлган.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам Мусо алайҳиссаломнинг динини тарқатиш учун юборилган.

Ҳазрати Ал-Ясаъ (а.с.) ва Ҳазрати Зулкифл (а.с.)нинг қабрлари Диёрбақирнинг Эгил туманида эканига ишонилади. Бошқа ривоятга кўра, Айюб пайғамбар (а.с.) зиёратига борганида Ал-Ясаъ (а.с.) Урфа шаҳрида вафот этган ва ўша шаҳарда қабрга қўйилган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Ал-Ясаъ (а.с.) милоддан аввалги 896 йилда Фаластинда туғилган бўлиб, 30 ёшларида пайғамбар бўлади.



90-йилларда Эгил туманида улкан тоғлар этагида сув омбори қуриш мўлжалланади. Виқорли тоғларнинг ён бағрида эса Аллоҳнинг икки элчисининг қабри бўлган. Омборнинг суви тобора кўтарила борган сари қабрлар сув остида қолиши хавфи кучаяди.

Ҳукуматнинг махсус қарори билан 1995 йилда қабрлар кўчирилади. Олимлар, дин арбоблари ва сув ишлари мутасаддиларидан иборат 9 кишилик асосий гуруҳ бу ишга масъул этиб тайинланади.

Икки ойлик тайёргарлик ишларидан сўнг асосий тадбирни амалга оширишга киришилади. Дуои фотиҳалар ўқилгандан кейин 7 метр пастликдан арқонлар ва махсус жиҳозлар воситасида қабр ер устига чиқарилади. Икки жасад ҳам гўё кечагина тупроққа қўйилгандек заррача ўзгармаган, жасадлар худди тирикдай экан! Бу чинакам мўъжиза эди! Комиссия аъзоларидан бири бу ҳолатни кўриб ҳушидан кетади.

Жасадлар бироз наридаги баланд жойда янгидан қуриб битказилган махсус мақбара-зиёратгоҳга жойлаштирилади. Бу жой Зулкифл ва Ал-Ясаъ (а.с.) ҳазратларининг янги қўналгоҳи бўлиб қолади.

Зиёрат қилдик, шукроналар келтирдик.

... Диёрбақир Онадўлунинг жануби-ғарбий минтақасининг ўрта қисмида, Месопотамиянинг шимолий томонида, Дажла дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган. Шаҳарнинг қачон бунёд этилгани тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ, тарихий манбаларга кўра, милоддан аввалги III минг йилларда бу ерларда ҳаёт бўлган, дейилади.

Меҳмонхонада бизни Истанбулдан дўстимиз Усмон Акил кутиб олди. Эрталаб ўша тарихий Ҳасан поша Хани ресторанида нонушта қилдик. Шунини алоҳида қайд этиб ўтишни истардимки, туркларда нонушта билан сийлаш одати бор, нафақат четдан келганларни, балки ўзаро бир-бирларини бундай меҳмондорчиликка тез-тез таклиф этиб турадилар.

Бу 1572–1575 йилларда қурилган икки қаватли карвонсаройдир, унинг ертўласида йўрғалар сақланган. Ҳозир ерусти қисмида китоб уйи ва совға-саломлар дўкони жойлашган. Унинг меъморий услуби Туркиянинг бошқа жойида учрамайди. Нотинч минтақа бўлгани учун хорижий сайёҳлар бу томонларга деярли ташриф буюрмайдилар.

Нонушта қилиш учун ҳам бир кун аввалдан буюртма бериб қўйиш шарт экан. Якшанба соат саккиз яримларга етиб бордик, жойларнинг ярми тўла, бироздан кейин бўш жой қолмади.

Емакхонадаги дастурхон нонуштабоп этиб тўлдириб ташланди, эринмай санаб чиқдим – 24 хил турли анвойи егулик: чой, курдча махсус нон, сариёғ, асал, мураббо, пишлоқ, колбасанинг икки-уч хили, тухумли помидор, булғор қалампери билан пиширилгани, алланималар пайдарпай дастурхонга қўйилди. Жажжи қатлама ва ҳолвайтарни кўриб лол қолдим. Ўша заҳоти бу икки нарсанинг пиширилиш йўсинини суриштирдим. Бизники билан айнан бир хил! Ажабланасиз-да!

Овқатдан кейин Ҳазрати Сулаймон масжидини бориб кўрдик. Бу номни эшитгач, бехосдан Сулаймон пайғамбар (а.с.) хаёлга келади. Усмонбей дўстимизнинг англатишича, бу зот 639 йилда Диёрбақир фатҳи жанглирида шаҳид кетган Холит ибн Валид саҳобийнинг ўғли Сулаймондир. Мачит 1155–1160 йилларда бунёд этилади.

Макка фатҳидан тўққиз йилдан кейин саккиз минг ислом лашкарлари, улардан минги саҳобий бўлган, шимолий Месопотамияга йўл оладилар. Ҳазрати Умар замониди Диёрбақир фатҳи айнан шу ердан бошланган, дейилади. Мачитнинг орқа тарафида 27 нафар саҳобий дафн этилган.

Бу шаҳардаги Улуғ масжиди Онадўлунинг биринчи ибодатхонаси ва мусулмон оламининг бешинчи Ҳарами шарифи (1-Каъба, 2-Набавий, 3-Ал-Ақсо, 4-Шомдаги Умавий масжиди), деб қабул қилинган. Мартома номидаги

черков. 639 йилдан эътиборан масжидга айлантирилган. Тарихнинг ҳар даврида бу макон ибодат маркази ролини ўйнаб келмоқда. Ҳозир ҳам бу масжиднинг бир тарафида ҳанафийлар ва бошқасида шофеъийлар ибодатларини қилишмоқда.

Диёрбақирнинг қадимги қалъасини томоша қилгани бордик. Ушбу минтақада одамлар яшай бошлаган милoddан аввалги 3700–3500 Хурри-Митаннилар тарафидан қурилган қалъадан ҳар даврда турли мақсадларда фойдаланилган. Бунёд этилган даврдан бери 33 турли давлатларнинг маданиятларига хизмат қилган.

Қалъа деворини 346 йилда Византия императори Константинус II қурдирган. 5 километр узунликдаги шаҳарнинг ғарбида жойлашган деворнинг баландлиги 10–12 метр, кенглиги эса 3–5 метрни ташкил этади.

Август ойида пешиндан кейин деворнинг устида юриш роса мароқли, майин шабада кўнгилга илиқлик бағишлайди. Баландликдан шаҳарни кузатиб роҳатланасиз.

Саёҳатимизни тугатиб, Усмонбей дўстимизнинг таклифи билан унинг отасини зиёратига бордик.

Кўринишидан етмишнинг нари-берисида, чайир, ҳаракатлари чаққон. Бутун умр меҳнатда тоблангани шундоқ билиниб турибди. Пахта толаси ва мато ишлаб чиқариш, уларни бўйяш асосий тадбиркорлик ишлари экан. Ундан ташқари оила эҳтиёжлари учун далада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам етиштиришар экан.

Ҳамроҳим журналист Талҳабей бир ойдан кейин Конституцияга ўзгаришлар киритиш учун бўлиб ўтадиган референдумда қатнашиш-қатнашмаслиги ва унда кўтарилаётган масалалар билан қизиқди. Бобой ўйлаб ўтирмай ҳукуматни мақтай кетди. Ислоҳотлар, тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар тўғрисида гапирди.

Очиғи, мен ҳам ҳангу манг бўлиб қолдим. Чунки бу минтақа айрим сабабларга кўра бирмунча беқарор, шун-

га кўра ҳукуматнинг бу тарафларга бўлган қарашлари, муносабатлари ўзгача.

Юқорида таъкидлаганидек, Туркияда Наврўз байрамини нишонлаш 2000 йиллардан урфга айланди. Мамлакатнинг жануби-ғарбий минтақасида истиқомат қилувчи курдлар бу байрамни қадимдан нишонлаб келадилар. Ҳукуматнинг тўсқинлик қилишига қарамай Месопотамия замонидан бери нишонланиб келади, анъанани бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб туриб олганлар.

Диёрбақирдаги Наврўз дабдабалари мамлакатнинг бошқа жойларидаги тадбирлардан катта фарқ қилади. 2008 йилда шаҳар чеккасида «Наврўз» истироҳат боғи бунёд этилди. 21 март куни бу ошиёнга атрофдаги вилоят ва шаҳарлардан миллионлаб одамлар оқиб келади. Азалий удумга биноан улкан гулхан ёқилиб, унинг устидан сакраб ўтиш машқлари бажарилади. Турли миллат вакиллари миллий либосларида курдча, арабча, форсча, инглизча ва туркча куй-қўшиқлар айтадилар, ҳақиқий Наврўз байрами шу тариқа шодиёнага айланиб кетади. Ярим тунга қадар истироҳат боғидан одам аримайди!

Истанбулга қайтиш билетини Диёрбақирдан олган эдик. Шаҳардан тахминан 20 километр узоқликдаги аэропортга самолёт учишидан икки соат аввал етиб бордик. Йўловчилар санокли, лекин хавфсизлик мақсадидаги текшир-текшир жиддий, нақ уч жойда махсус текширув ташкил этилган. Йирик дераза ойналаридан аэропорт майдонида қантариб қўйилган бор-йўғи иккитагина учоқ кўринди, холос. Бунинг қандай ҳолат эканлигини тушунолмадим. Андек хавотир аралаш маъмурларга мурожаат қилдим. Аниқланишича, курдлар шаҳри. Марказ билан борди-келди йўқ ҳисоби. Фақат сайлов пайтида давлат арконлари борадилар, холос.

Хуллас, учоққа ўтириб олгач, икки кунда олган таасуротларимни хаёлимдан ўтказдим. Зиёратдан руҳим тетик бўлиб, Аллоҳга шукроналар айтиб хизмат маконимга етиб келдим.



## ҚУНИЁ. МАВЛОНОГА ТАЪЗИМ

Истанбулга келганимдан буён Қуниёга борсам, мавлоно Жалолиддин Румий қабрини зиёрат қилсам деган орзу бирор лаҳза хаёлимдан кўтарилмади. Ниҳоят бу ният 2009 йилнинг ёзида амалга ошди. Консул Жаҳонгир Пармонов билан кечқурун поездга миндик. 750 километрлик йўл давомида поезд етти марта тўхтаб, саҳарлаб манзилга етказди.

Қисқа нонуштадан кейин орзуимиздаги манзил сари ошиқдик. Сайёҳлар мен кутганимдан кўра кўп экан, айниқса катта ва ҳашаматли автобусларда пешма-пеш келаятган япон сайёҳларининг кўплиги кутилмаган манзара эди. Европаликлар ҳам улардан қолишмаяпти. Осиёликлар, яъни ўзимизнинг аҳли мусулмонлар эса оз. Кейин тушунтириб беришди, Қуниёда ҳали ҳам «зиёрат туризми» ривожланмаган, оддий сайёҳлик устунлик қилмоқда экан.

1273 йилнинг қаҳратон қиш кунларидан бирида – 17 декабрь куни Мавлоно Эрам боғчада, отасининг қабри ёнига дафн этилади. Машхур яшил нуқрали гумбаз қад кўтаради. Орадан етти асрдан ортиқроқ вақт ўтди, мақбара энг машхур зиёратгоҳлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавлоно ўлим кунини туғилган куни билан тенг кўрган. У вафот этгани заҳоти Аллоҳга етишишини биларди. Шунинг учун у ўлим кунини тўй маъносида келадиган «Шаби аруз» деб атарди. У дўстлари, шогирдларига видо онлари фарёд чекмасликларини васият қилган эди. «Мен вафот этгач мозоримни ердан ахтарманг! Менинг мозорим орифлар кўнглидадур!», деган эди.

Мавлоно издошлари унинг вафотидан кейин мавлавий тариқатини тузадилар ва кейинчалик диний ва тасаввуф василаси билан ижро этиладиган самоъ рақсига асос соладилар. Бу рақс ўзига хос зикр шакли ҳамдир. Унда оппоқ узун кийимлар ва бошига салла ўраган 20 чоғли дарвеш ҳазин куй оғушида саллона юришлар ва ўзига хос ҳаракатлари билан Ҳаққа қовушишни ифода этган чиқишлар қиладилар. Улар орасида бўлган шайх эса Мавлонони шакллантиради.

Раққосларнинг чарх айланишида Аллоҳ исми ёзуви пайдо бўлади, дейилади. Бутун рақс давомида тўрт марта Аллоҳга эгилиб, қуллуқ ва салом берилиб, дуо қилинади.

Рақс бошланишидан аввал Мавлононинг Аллоҳ таолога шукрона ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) мадҳ этилган шеъри ўқилади.

Раққосларнинг бошидаги салла қабр тошига, узун ва кенг энг ҳамда этакли ёқасиз кийим эса кафанга ўхшатилади.

Самоъ рақсини томоша қилатуриб, беихтиёр кишини хаёллар узоқ-узоқларга олиб қочади.

Ҳар йили декабрь ойида Қуниё шаҳрида шоирнинг «Шабии аруз» – хотира кечалари ўтказилади, унинг шеърларига басталанган илоҳий куйлар, самоъ рақслари ижро этилади. Бу тадбирларга дунёнинг турли ўлкаларидан зиёратчилар келади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари мамлакатимиздан ҳам кўплаб зиёлилар, олимлар қатнашар эдилар.

Президент ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат аъзолари ҳам бу анъанавий тадбирнинг фаол иштирокчиларидандир.

2007 йилда Мавлоно таваллудининг 800 йиллиги нишонланди. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Румий йили деб эълон қилинди.

Мавлононинг вафотидан кейин қурилган мақбара ҳар янги султон тахтга келгач, уни янгилаш ва обод қилишга

интиларди. 1954 йилдан эътиборан эса у музейга айлан-тирилди. Зиёратгоҳ очик бўлган пайтларда ҳофизлар Қуръон тиловати ўқиб туришади. Бу ерда Румий ҳазратларининг устози, шогирдлари ва авлоди вакилларининг 50 га яқин қабри бор, уларнинг баридан Мавлононики ажралиб туради. Бу албатта саёҳатчиларнинг эътиборини ўзига тортиши табиий.

Мезбон ҳамроҳларимиз тушунтиришга киришишди. Маълум бўлишича, Жалолиддин Румий устозларидан аввал вафот этади. Вақт-соати етгач боқий дунёга устоз ҳам рихлат этади.

У замонлар ҳали бугун биз кўрган муҳташам бино қад ростламаган макон ростмана қабристон бўлган. Устознинг тобути бу томонга яқинлашгач, кутилмаганда зилзила каби тушунарсиз ҳолат юзага келади. Одамлар ер силкиняпти, деб ўйлайдилар. Аслида ҳеч ким ўйламаган нарса содир бўлади.

Ривоятларга кўра, Мавлоно қабристонга келтирилаётган устозларини чўкка тушиб туриб қаршиламоқчи бўлади. Ётган жойида озроқ қимирлай олади, холос. Ана шунда зилзила содир бўлгани каби ҳолат сезилади. Натижада Ҳазратнинг қабрлари оддий кўринишдан фарқ касб этиб, бироз нишаб ҳолига келади. Бу ҳолат салкам тўққиз асрдан буён шундай қолмоқда.

Қабрлар атрофидаги музей экспонатлари билан танишдик. Уларнинг кўпи турли даврларда ва турли босма усулларда мавжуд. VIII асрдан бери чоп этиб келинаётган турли хил кўриниш ва ҳажмдаги Қуръони карим нусхалари териб қўйилган.

Бундан ташқари мўъжазгина жавонда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг мўйи-соқолларидан ва бошқа ашёларидан намуналар сақланади.

Мажмуа таркибида Султон Салим томонидан 1566–1574 йилларда қурилган масжид ҳам фаолиятда. У Истанбулдаги Султон Аҳмад масжидининг кичик кўринишини олган.

Мақбаранинг ёнида музейсифат Мавлоно замонидаги овқатхона вазифасини ўтаган мўъжазгина бино бор. Унда ошпазлар, хизматкорларнинг манекенлари ўша пайтдаги қиёфаларда жойлаштирилган. Бир қарашда улар худди тирик каби таассурот уйғотади. Ўчоқхона ҳам «жонли» кўринади, гўёки унинг ичида олов гупиллаб ёниб турибдию қозонда таом пишаётгандек!

Бу тарихий маконнинг ичи ва атрофида қабрлар сероб. Улардан ташқари бир дона қабр катта кўчанинг юзида қолиб кетган. Бунинг ҳам ўз тарихи бор.

Шаҳарни ободонлаштириш ва тартибга солиш режасига кўра, ҳокимият бир неча бор қуниёли Саит Семи (1773–1884 йиллар)га оид бу қабрни кўчиришга ҳаракат қилишади. Ҳар сафарида муваффақиятсизликка учрашади. Икки-уч нафар ишчининг ўша жойнинг ўзида жони узилган, шу ерда ишлаб турган трактор ва экскаваторлар ағдарилиб тушган!

Марказий ҳукумат масъуллари воқеалардан хабар топгач, қабрни жойида қолдириш ва уни ободонлаштириш қарорини чиқаради.

«Бир тилда гаплашган қардошлардан ҳам муҳими – бу кўнгилларнинг яқин бўлганидир». «Кел, кел, ким бўлсанг ҳам кел».

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг бу мурожаатларини амалга ошириб оқшом поездга ўтириб Истанбулга қайтдик.







## КАППАДОКИЯ – СЕҲРИ ДИЁР

Истанбулда танишган дўстларимиздан Илкер Юрекли билан қарашларимиз деярли бир хил экан. «Сени албатта юртимга олиб бораман, Каппадокияни кўрмаслик Туркияни танимаслик билан баробар», дерди. Ниҳоят, кунларнинг бирида Илкер: «Юртимга боришга баҳона топилди, тоғам ўғлини уйлантираяпти» деб қолди. Оила аъзоларимиз ҳам у қадимий шаҳарни кўриш орзусида эканини яширмадим. Бунинг устига тўй шанба-якшанба кунига тўғри келяпти.

2010 йилнинг 17–18 июль кунлари ният амалга ошди. Самолётда Қайсарига учиб, у ердан машинада 60 километрдан кейин Невшеҳирнинг Озконак қишлоғига етиб келдик.

– Тўйхонага боришга ҳали эрта, унгача зерикиб қолмасликларинг учун ерости шаҳарини томоша қилдираман, – деб бизни қишлоқнинг бир чеккасига олиб борди Илкербей.

Тахминларга кўра, милоддан аввалги хититлар замонида қурилган шаҳар экан. Ривоят этилишича, у тўрт қаватдан, баъзи манбаларга кўра 19 қаватдан иборат бўлган. Археологик қидирув натижасида уч қавати топилган. 1972 йилдан музей сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ерости шаҳрининг тарихи бўйича маълумотларни жуғрофия фанининг отаси ҳисобланмиш юнон олими Страбон ўзининг 12-китобининг 538-саҳифасида келтиради. Эрамиздан аввалги 400 йилларда қурилганини тахмин қилади олим.

Унинг ичида кичик хоналар, вино пиширадиган жойлар, сув қудуғи, мол охурлари ҳам топилган. Қизиғи, «шаҳар»-нинг ичида ҳаво алмашиб туриши учун махсус мўри ўринлари сақланган.

Шаҳар ерости туннелларидан иборат, тор, ингичка йўлакчалардан бошқа хоналарга ўтилади. Бошни эгиб юриш одамни чарчатиб қўяди. Ярмига етмасдан орқага қайтишга мажбур бўлдик.

Озконак бизнинг қишлоқлардан фарқ қилмайди: озода кўчалар, икки тарафда дарахтлар саф тортган. Уйлари кўзни қамаштирмайдиган, одми рангларга бўялган, ёғочдан ясалган эшик ва дарвозалар бизникидан жуда оз фарқ қилади!

Дўстим тўйхонага яқинлашганимизни кимгадир телефон қилиб билдирди. Машинамиз келиб тўхташи билан бизникига ўхшаш сурнай ва турк дўмбирасининг жаранги авж пардага чиқди. Аслида бу чолғу асбобларининг кўриниши бизникидан фарқли бўлса-да, сурнайнинг овози деярли бир хил, дўмбиранинг саси эса бизнинг на доирага ва на ноғорага ўхшайди.

Илкербейнинг қариндошлари билан салом-алик қилдик, Тошкентдан келтирган совғаларимизни улашдик. Ҳовлининг ўртасида ўчоғи ерга кўмилган иккита дошқозонни кўриб ҳангу манг бўлиб қолдик. Ёпирай!

Қозонларнинг атрофига тупроқ бостирилган, унинг устига наMAT тўшалган. Ўчоққа бир хил катталиқдаги ғўлалар ташлаб турилибди. Аёллар чўкка тушиб олиб қозон қовлаш билан овора.

Эскидан бизда ҳам айни шундай катта дошқозонларда ҳовлиларда тўй оши пишириларди.

Уй соҳибининг бизга англатишича, пешинда элу улусга маҳаллий емак бериб, бу ерда тўй бўлаётганини билдиришар экан. Бунинг учун бир буқа ағдарилибди, 30 дона товуқ ва битта қўй сўйилган. Бу овқат учун қозонда нўхат

узоқ вақт қайнатилар, ичига турли сабзавотлар солинар, кейин перловка қўшиб қовурилар экан, натижада мазали бир куюқ емак ҳосил бўлади.

Бир маҳал ҳовлида ғала-ғовур бошланиб қолди. Ёшлар ҳовли ва кўчага жой солишга тушишди. Жой ерда – оппоқ қоғозлар тўшалди, унинг ўртасига нон ва тўғралиши бизниқидан фарқ қиладиган, мазасида эса фарқ бўлмайдиган аччиқ-чучук ҳамда бежирим идишда қатиқ-айрон тарқатилди. Меҳмонлар кела бошлашди. Хизматчилар биздака тизилишиб аввалига кўлма-кўл қилиб ош узатишди. Икки оворадан овқат улашилди. Кетидан «бордоқ» – туркларнинг «пиёласи»да чой берилди. Ярим соат-қирқ дақиқада «иш» битди!

Маҳалланинг имоми бизниқидан кўп фарқ қилмайдиган узун дуои фотиҳа қилди, ёшларга бахт-саодат тилади.

Мезбонлар кўчада тизилишди – аввал ота, кейин куёв бўлмиш йигит ва кетидан бошқа қариндошлар. Меҳмонлар иккикўллаб (!) кўришиб уларни тўй билан қутлашиб ўтишар экан. Уларнинг аксарияти отага ёки куёв болага тўёна беришар экан.

Бу маросимнинг номи «байроқ оши» экан. Меҳмонлар тарқалар-тарқалмас икки-уч хил турли матолардан тикилган «кўлбола байроқ»ни икки йигит одамлар кўз ўнгида уйнинг томига чиқиб осиб кўйишар, тўй ўтгач – учинчи куни у тушириларкан.

Бизнинг пойтахт Тошкент билан Невшеҳирнинг ораси салкам олти минг километр. Бизда тобора йўқолиб бораётган урф-одатлар бу ерда ҳали давом этмоқда. Сақланиб қолаётган, воз кечилаётган одатлар, удумларни ўрганиш, таҳлил қилиш, зарур хулосалар чиқариш фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Каппадокия ниҳоятда қиёси топилмайдиган вулқонлар натижасида юзага келган ландшафти билан ажралиб туради. Каппадокиянинг Ургюп шаҳарчасида Гёреме,

Зельве, Чавушин, Учсихар каби осмон остидаги очик музейлар бор. Улар эрамиздан аввалги V минг йилларда юзага келган, дейилади.

Бу ерда христианликнинг илк даврларидаги ибодатхоналар, ерости шаҳарлари, ғорлар ва бошқа кўплаб қадимги осори атиқалар сақланган. Табиати ва тупроғи ўзига хос хусусиятга эга бўлгани учун бу ерларда дарахт ҳам кўкармайди.

Бизга тушунтирилишига кўра, тоғли рельефларда вулқон портлагач, кетидан кучли шамол натижасида қояларда турли шакл-шамойиллар ҳосил бўлган. Бир кўришда қилич, шапка кийган узун бўйли ингичка одам ва ҳоказо. Ҳатто икки ўрқачли туя шакли ҳам кўзга ташланди.

Минг йиллар аввал ғорларда одамлар яшаган, бугун уларнинг ичига замонавий меҳмонхоналар жойлашган. Энг муҳими, бу ерда совиткич-иситкичлар ишлатилмайди, чунки отелнинг ичи ёзда муздек, қишда мўътадил ҳаво бир маромда бўлади.

Ғорлар ва ибодатхоналарда фрескаларни кўриш мумкин. Улар IX–XI асрларга оид, деган тахмин бор.

Гереме миллий боғи ва Каппадокиянинг ғорлар ичида жойлашган тураржойлар ЮНЕСКО томонидан Жаҳон маданий ёдгорликлари махсус рўйхатига киритилган.

Олис мозийдан «жонли» ҳикоялар қилувчи шаҳарни тарк этар эканмиз беихтиёр ўйлайсан киши: қадамимиз етмаган қанчадан-қанча қадамжолар бор, уларнинг қанчасига етишолмасмиз, етишганимизда-чи? Ҳаммасини батафсил кўриш, идрок этиш, англаш учун эса фурсат зиқлиги йўл қўймайди. Мезбонлар билан хайрлашяпмизу, Каппадокия мезбонларга қўшилиб, «Бунчалик тез қайтаяпсизлар? Узоқроқ қолинглар ахир!» деяётгандек бўлди.



## ТУРКИЯДА РАМАЗОН КАЙФИ

Ўзбек тилида «кайф» сўзи одатда салбий маънода қўлланилади, туркларда эса акси. «Мазза қилдим», «роса хурсанд бўлдим» каби ижобий маъноларни англатади. Масалан, қардошларимиз футболдан ҳам, концертдан ҳам «кайф» оладилар. Ҳаммасидан ҳам Рамазон ойининг «кайфи». Бизнинг тилимизда айтганда эса сеҳри шукуҳи ўзгача!

Такрор бўлса узр, Туркияда аҳолининг аксарият қисми рўза тутишга ҳаракат қилади. Бунинг иложини қилолмаганлар ҳам ифторлик қилиб, рўзадорларга бир пиёла чой тутиш учун интиладилар. Ойнинг ўттиз куни шаҳар ва қишлоқларнинг маҳалла гузарида ифторлик чодирлари қурилади. Хайрсевар тадбиркорлар навбати билан у ерларда ифторлик учун дастурхон ёзадилар. Ташкилий юмушлар эса маҳаллий ҳокимият зиммасида. Истаган одам учун эшик очиқ – ичкарига кириб оғиз очиши мумкин. Навбат – жонли!

Йирик масжидлар ва азиз-авлиёларнинг мақбаралари атрофида рўзадорлар оилача жамулжам бўлиб ифторлик қилиш анъана тусини олган. Мўмин-мусулмонларнинг ҳақиқий сайли. Одамлар оқими ифторлик бошланмасдан бир соат аввал тугайди, негаки, кечикиб келганлар жойсиз қолади. Кейинги йилларда туман мутасаддилари кўча ва майдонларда енгил кўчма стол-стулларни батартиб жойлаштириб рўзадорларга енгиллик яратмоқдалар.

Бу ерга келувчилар чим устида ўзлари билан олиб келган ифторлик дастурхонини ёйиб оилача оғиз очадилар, аммо «қуруқ» келганларга тадбиркорлар томонидан ифторлик «тугун»лари тарқатилади.

Ҳукумат, вилоят, шаҳар, туман ва барча сиёсий партия етакчилари бир кун ҳам уйларида ифторлик қилмайдилар – шу кунлари уларнинг барчаси халқ ичида бўлади. Бироз илгарилаб айтиш керакки, сиёсатчилар бу диний маросимдан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қоладилар. Оғиз очиб бўлингач, нутқ ирод этадилар. Нутқнинг аввалида Аллоҳга шу кунларга етказгани учун ҳамду санолар айтилади ва кетидан сиёсий маъруза уланиб кетади.

2006 йил илк марта Рамазон ифторида чет давлатнинг олий даражадаги мулозимини кўриб кўзимга ишонмаган эдим. 5 октябрь куни Олмония канцлери Ангела Меркель шарафига Истанбулнинг ўша пайтдаги кўркем «Лютфи Кирдар» саройида қабул маросими ўтказилди. Ҳаммаси оддий: салонда ҳозир бўлган бир ярим минг киши азон ўқилгач оғзини очди. Дастурхонда ҳам ортиқча дабдаба йўқ, махсус ифторлик емаклари, холос! Меркель хоним ҳам ўша куни рўзадорлар қатори савоб олди-ёв!

Расмий ифторлик маросими битгач, икки ҳукумат раҳбарлари икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга бағишлаб нуқт ирод этдилар.

Истанбулдаги барча ресторан-кафелар, турли маросим уйлари бу муқаддас ойнинг оқшоми ифторлик ўтказиш билан банд бўлади. Шунга кўра, оғиз очиш маҳали шаҳарда автомобиллар тиғизлиги оддий кунлардагига қараганда анча ошади. Бизда, масалан, ифторликка кечикиб бориш йўқ, Истанбулда эса бор. Бизда чет элликлар учун зиёфатга кечикиб борилмайди, у тарафларда эса «трафик» сабаб бир соатгача кечикиб қабул маросимига келиш оддий ҳол, ҳеч ким бир-биридан хафа бўлмайди.

Хорижий давлатларнинг ваколатхоналари, нафақат бу мегакент, бошқа шаҳардаги идоралар ҳам, Рамазоннинг ўттиз кун ифторликка даъватли. Хусусан, мен ҳам ойда бор-йўғи икки-уч кун уйда ифторлик қилар эдим. Дастурхонлар ҳам камтарона – исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Сув, хурмо билан оғиз очилади. Тақсимчаларда оз-оз пишлоқ, асал, енгил гўшт маҳсулотлари териб қўйилади. Бизнинг сомсага ўхшаган бўрак, каттароқ пиёламиз ҳажмида енгил гўштсиз шўрва, кетидан иккинчи иссиқ овқат ва охирида ширинлик тортилади.

Рамазон ойи бошланмасдан ва ўша кунлари радио-телевидение ва газета-журналларда бу ойда оғиз очиш ва ёпиш билан боғлиқ овқатланиш тартиблари тўғрисида мутахассислар тўхтовсиз чиқишлар қилиб туришади.

Таровеҳ намози пайти катта-кичик барча масжидлар тўла бўлади.

Аксарият ибодат қилувчилар саҳарликка қадар ухламайдилар. Марказий жойларда таниқли санъат усталарининг байрам концертлари, шоир-ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, арзонлаштирилган бозорлар ва ҳоказолар ташкил этилади. Шу кунлари шаҳар айлансангиз худди кимўзар бўлаётгандек. Туманларда бу каби «мусобақа» бор, чунки маҳаллий ҳокимиятларни етакчи партиядан ташқари мухолиф партиялар ҳам бошқаради.

Давлат арконлари шу кунлари талаш, ўттиз кун ичида у бечоралар қайси район, ё маҳалла гузарига ёки бирор таниқли инсоннинг ифторига улгурсин!

10 йил давомида икки кун Рамазон ойида Ўзбекистон кунларини ўтказишга муваффақ бўлганмиз. Биринчи марта Айюб туманига этник ўзбегимиз Исмоил Қовунжу раҳбар бўлганида. Бу туманда «Фейсхане» кўнгилочар хиёбонда Туркия турли вилоятларининг таништирув кечалари бўлиб ўтар экан.

– Сизга бир ҳафтага хона ажратиб бераман, уни Ўзбекистонни таништирувчи ашёлар билан тўлдилинг, қолганини мен ҳал этаман, – деди барака топгур Исмоилбей.

У ерлар ифторлик оқшомлари одам билан лиқ тўла бўлади. Мамлакатимиз тўғрисида саволларга мароқ билан жавоб берасан, китоб-журнал, ҳунармандлик асарларидан намуналарни сўраганларнинг самимиятига қараб тарқатасан. Ана сенга бепул давлат рекламаси!

Иккинчи марта Бейликдузу тумани марказида ўтказилди. Бизга 30–40 квадрат метрлик хона ажратилди. Бисотимиздаги – омборхонамиздаги бор нарсалар билан уни чиройли қилиб уни тўлдирдик. Туман ташкилотчилари, ўзбек куй-қўшиқларини жонли айтадиган гуруҳ келса, ажойиб иш бўларди, деб қолишди, ҳатто барча харажатларни қоплашни ҳам зиммаларига олишди. Икки кун ичида «Ўзбегим» гуруҳи етиб келди.

Тасодиф шундай бўлдики, бизнинг «кунимиз» давом этаётган 2010 йилнинг 28 августида Истанбулга янги тайинланган волий – губернатор Ҳусайн Авни Мутли бу туманга ташриф буюрди. Майдонни айланиб юриб, концерт сахнасига яқинлашди. Ташкилотчиларга раҳбарни концертга олиб киришларини илтимос қилдим.

Мутли жаноблари шоирликка ҳам даъвогарлардан, унча-мунча ижодидан намуналар газеталарда босилиб турарди. Ижодкор, санъат шайдоси. «Йўқ» демади. Концерт дастури тамом бўлмасдан турмоқчи бўлди, битта куй-қўшиқ эшитайлик, кейин рухсат, дедим. «Лазги»дан завқланмаган инсон йўқ бу дунёда. Волийбейнинг ҳам бехосдан оёқ-қўллари ҳаракатланди, юзлари ёришди.

Тадбир тугади. Ҳусейнбейга сахнага чиқиб санъаткорларимизга миннатдорлик билдириб қўйинг дейишга тилим бормай турган бир пайтда ўзи югуриб сахнага чиқиб кетди. Иккаламиз йиғилганларни Рамазон ойи билан қутладик. Волий ўз нутқида Ўзбекистон бизнинг ота



юртимиз, деб тарихдан бошлаб ҳозирги кунигача унинг тутган ўрни тўғрисида жўшиб, роса алқаб гапирди.

Ясатиб қўйган «Ўзбекистон уйи»га таклиф этдим. Ўн дақиқалар расмлар ва макетларга узоқ тикилиб турди, ҳунармандлик намуналарини қўлида ушлаб, уларнинг маъноларини сўраб олди. Кейин чойимиз бор, дедим. Атрофидаги мулозимларининг вақтимиз зиқ, дейишига қарамай таклиф этилган жойга бориб ўтирди.

– Ҳақиқий ўзбек паловини охириги марта қачон егансиз? – деб савол бердим.

– Ўзбек палови деган овқат билан мени сийлашган, аммо ҳақиқийсини тотиб кўрмаганман, билмайман, – деган заҳоти бироз илиб қолган сариқ сабзи солиб тайёрланган паловхонтўра билан губернаторни сийладик.

– Бу лаззатни ҳеч қачон тотмаганман, умримда биринчи марта ҳақиқий ўзбек паловини ейшим! – деди самимий.

Ундан кейин волийни Мирзачўлнинг қовуни билан сийладик, бунақа ширали қовунни биринчи марта еганини эътироф этди. «Аммо бундан кам ейман, оғзим бунақа ширин тотга ўрганиб қолса, уни тополмай қийналаман», деди.

Волий Мутлуга ўн кило атрофида чиқадиган қовунни совға қилганимда, унинг оғзи ланг очилиб қолди. Тарихий суратларда буни кўриш мумкин.

... «Рамазон тухфаси», «Рамазон суҳбатлари», «Рамазоннинг кайфини чиқаринг» сингари диний-маърифий дастурлар давлат ва хусусий телевидениеда оқшом соатлари бошланиб, саҳарлик битиши билан тугайди.

Бунинг орасида диний бадий ва ҳужжатли фильмлар пешма-пеш намоиш этилади.

Айни шундай жонли суҳбатлар барча туман марказларида ташкил этилади. Масалан, Султон Аҳмад номидаги майдонда таниқли илоҳиётчи профессор Ниҳат Хатипоғлу ифторликдан бир ярим соат олдин, саҳарлик вақти

яна икки соатдан маърифий суҳбатлар ўтказди, тўпланганларнинг саволларга оддий халқ тушунадиган тилда жавоблар беради.

Истанбулнинг бошқа омма тўпланадиган жойларида бошқа илоҳиётчи олимлар – Мустафа Караташ, Фотиҳ Читлак, Бекир Девели, Фотиҳ Саваш, шунингдек, дин уламолари, домлалар амру маъруфлар ўтказишади.

Бу ерда бир марта Рамазон ойида бўлган киши кейинги йилда айна шу пайтда такрор келишга ошиқади. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Истанбул бу ойда ҳақиқий мусулмонобод ўлкага айланиб, уни севган ва севмаган одамларни ўзига тортади.





## ПАЙҒАМБАРЛАР ДИЁРИДА РАМАЗОН ЖЎШҚУСИ

Менинг Истанбулдаги хизматим даврида онам тўрт марта зиёратга бордилар. Бир сафарини Рамазон «кайфи»дан баҳраманд бўлиш учун атайин бу муқаддас ойни бирга ўтказишни истадим.

Мегакентнинг Европа ва Осиё қитъаларидаги йирик зиёратгоҳларни роса кездик. Бўғознинг нариги бетидаги Юша пайғамбар макони, Оқбобо қабристониди дуои фотиҳалар қилиб, кун оралатиб бу тарафдаги қадимий маконларда Рамазон кечаларини бедор ўтказдик.

Онам бошқа ҳамроҳлари билан машҳур Султон Аҳмад масжидида ифторлик қилишди.

Кафеда ифторлик ҳам, саҳарлик ҳам қилдик, ўзбекларимизнинг уйларига бориб, уларнинг ифторлик дастурхонида оғиз очдик.

Суҳбатларининг бирида дўстларим бу кунларда Шонлиурфани зиёрат этиш анча савоб ишлардан бўлади, деб қолишди. Онамга бу фикрни айтсам, кўнмадилар. Ишимга зарар бермайдиган қилиб, шанба-якшанба кунлари бориб келамиз, десам ҳам розилик бермадилар.

– Биз фарзандларингизни бир кўзлаб катта қилдингиз, отам вафотидан кейин қанча машаққатлар чекдингиз. Сизнинг баҳонангизда мен ҳам бу тарихий жойларни кўриб келаман. Кўпдан бери эшитиб, орзу қилиб юрган эдим!

Ҳаракатга тушдим. Сайёҳлик фирмасига мурожаат этдим, икки кунда ҳаммаси ҳал бўлди, 2011 йилнинг 23–24 август кунлари сафарга чиқдик.

Асли қадимдан номи Урфа бўлган, инглизлар ва французларга қарши озодлик курашидаги қаҳрамонликлари туфайли 1984 йилда унга «Шонли» сўзи қўшиб берилган.

Милоддан 11 минг йил аввал бунёдга келган бу ўлка. Иброҳим пайғамбарнинг туғилган жойи, Айюб пайғамбарнинг сабр макони, деб эътироф этилади. Кўп асрлар турли ҳукмдорлар қўлида қолган шаҳар 1094 йилда салжуқийлар томонидан босиб олинади.

Пайғамбарлар шаҳри ёки Пайғамбарлар диёри, деб бежизга аталмайди. Ҳазрати Одам отамиз билан Ҳовво онамиз бир муддат бу ўлкада яшаб қолишган, деб ривоят қилинади.

Мисрда шайтоннинг иши билан Фиръавн қавмидан бўлган кишини ўлдириб, у ерлардан қочган Мусо (а.с.) Урфа атрофига келиб жойлашади, анча пайт Шуъайб пайғамбар ёнида чўпонлик қилади. Шу ернинг ўзида Шуъайб (а.с.)нинг қизи Сафура хонимга уйланади.

Араб тарихчиларига кўра, Урфа маълум Нух тўфонидан кейин қурилган илк шаҳарлардан.

Ислом олимларидан Ибн Тайммие (1263–1328 й.) ва астроном, астролог ва математик Баттани шу ерда туғилиб, яшашган.

Урфадан 44 километр узоқликдаги Ҳаррон бу шимолий Месопотамиянинг қадимги ўлкаларидандир. Дунёнинг илк Афина, Мардин ва Урфа каби илм марказларидан ҳисобланади. Дунёдаги биринчи университет деб тан олинadиган Ҳаррон дорилфунуни ҳам шу ерда.

Иброҳим пайғамбарнинг ўғли Исҳоқ (а.с.) ота васиятига кўра Ҳарронга келиб уйланади.

Ҳазрати Ёқуб укаси Ойс томонидан ўлдирилиши мумкинлигидан қўрқиб, Ҳарронга қочиб келади ва тоғасининг қизига уйланади ва бу ерда 15 йил қолиб кетади.

Дунё тарихидан маълумки, антик даврлардан сақланиб қолган шаҳар ва қишлоқларда деярли одам яшамайди. Ҳарронда эса ҳалиям ҳаёт давом этмоқда. Уч минг йиллик

Месопотамия уйлари замонавий тарзда таъмир этилиб, сақланиб келмоқда. Бу ердаги аксарият аҳоли араб миллатига мансуб бўлиб, Туркия Жумҳуриятининг ватандошларидир.

Онам билан Ҳарронни кезиб юрибмиз. Ҳамроҳимиз чўлнинг 1–2 километр нарисини кўрсатиб, ана ўша Ҳаррон университетининг қолдиқлари, деб гапирди. Бир-икки устун ва алланималар кўзга ташланади.

Бу маконнинг «аҳоли яшайдиган жойи»га ўтамиз. Ташқари 50 даража иссиқ. Лойдан қурилган пастқам уйларга кирамиз. Жоннинг роҳати – муздек! Биздаги каби узун хонтахта атрофига кўрпачалар солинган. Иссиқдан силла қуриган эканми, ёнбошладик.

Ҳовлини кезар эканмиз, бехосдан «астағфируллоҳ» сўзи оғзимиздан чиқиб кетди, шундоқ ёнгинамизда ёз пайти хонадонларимизда жонга аро кирадиган ёғоч сўри! Фарқи бир метр баланд, унга ёғочдан ясалган зина билан чиқилади.

Истанбулдан бир ярим минг километр, Тошкентдан эса олти минг километр узоқликда бундай ўхшашликни кўрамиз, деб кимнинг хаёлига келибди дейсиз!

Навбат асосий зиёратга келди. Барча китоб аҳли Иброҳимни (а.с.) ҳурмат билан тилга оладилар. Қуръони каримда исми шарифи кўп, яъни 69 марта зикр қилинган. Бу зотга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Зотан у Халилур Роҳман, Анбиёлар отаси, Улул азим пайғамбарлардан бири, ҳам яҳудийлик, ҳам насронийлик, ҳам Исломда катта мартаба соҳиби.

Мустабид, золим подшоҳ Намруд ҳукмронлик қилган замонлар. У ернинг одамлари айшу ишратга, молу дунёга берилган эдилар. Шу билан бирга ширкка берилиб, буту санамларга сиғинар эдилар. Эътиқоднинг бузуқлигидан подшоҳ ўзини Худо деб эълон қилади.

Ривоятга кўра, Намруд туш кўради: юлдуз чиқиб ойнинг ойдинлиги ва қуёшнинг нурларини тўсиб қўяди. Сехргар

ва коҳинлар тушнинг таъбирини айтиб беришади. «Сенинг юртингда бир ўғил туғилади ва у халқнинг динини ўзгартиради. У туфайли салтанатинг таназзулга юз тутуди», дейишади.

Шу кундан бошлаб Намруд туғилган ўғил чақалоқларни ўлдириш фармонини беради ва бу буйруқ тўла-тўкис амалга оширилади. Иброҳим (а.с.)га ҳомиладор онаси кўзлардан четларда беркиниб юради, кўзи ёрийдиган пайт эса ғорга яшириниб олади ва шу ерда кўзи ёриydi. Болани шу ерда қолдиради.

Вақти-вақти билан ғорга бориб ўғлидан хабар олиб туради. Сафардан қайтгач турмуш ўртоғи Озар ҳомила тўғрисида сўраганда, «ўғил туққан эдим, у ўлди», деб жавоб беради. Кейинчалик ҳақиқатни эшитганда, аёлининг ёлғон гапиргани учун кечиради.

Ана шундай жаҳолат замонида туғилган Иброҳимнинг онаси Абйуна эри вафот этганидан кейин амакисининг ўғли қарамоғида бўлади. Ўғай ота бут-санамларнинг муҳофизини ва бошқарувчиси ҳамда унинг тижорати билан шуғулланар эди. Ўғай ота ўғлини ўзи билан бирга олиб юрарди, ёш Иброҳим эса бу хил ишлардан хушланмасди. Илоҳий таълимотлардан узоқлашган бузуқ бир жамиятда ўсган йигит тош ва тахталарнинг қиймати йўқлигини биларди. Аввало ўғай отаси, кейин эса бутун қавмни ширкдан, жонсиз бутларга сиғинишдан қайтаришга ҳаракат қилади.

Аллоҳ таоло Иброҳим (а.с.)га рушди ҳидоят ато қилган эди. Ана шу сабабдан у зот ёшлигидан ширк, зулм ва истибдодга қарши бўлиб ўсди. Бир кун бутхонадаги санамларнинг ҳаммасини парчалаб ташлайди.

Иброҳимни тутиб, Намруднинг ёнига олиб келишади.

– Сен ўзинг айтган илоҳингни кўрганмисан? – дағдаға ила савол қотади ҳукмдор.

– Менинг Раббим ҳам тирилтирур, ҳам ўлдирур, – жавоб беради Иброҳим.

Давомида: «Аллоҳ таоло кўёшни Машриқдан чиқаради, агар сен устун бўлсанг уни Мағрибдан чиқариб кўр-чи!», дегандан кейин Намруд уни олов ичида ёндиришга буйруқ беради.

Тошлоқда кенг чуқур қазилиб, ҳудудсиз гулхан ёқишга ҳозирлик кўрилади. Уч ой ўтин тўпланади. Жараён бошланганда олов шу даражада юксаладики, у ердан қуш учиб ўтса, куйиб кул бўларди.

Иброҳим (а.с.) ни баланд қияликка олиб чиқишади, оёқ-қўлини чандиб боғлашади. Тайёрланган махсус сим орқали олов томон улоқтирилади. Оловга отилаётганда Парвардигорга таваккул қилади.

«Эй, олов! Иброҳимга салқинлик ва омонлик бер!», дейди Аллоҳ таоло.

Олов унга зиён келтирмайди!

Гулханнинг ўрни сув билан тўлиб, унда олов куллари-дан ҳосил бўлган илоҳий балиқлар яралади. Бу балиқлар ҳамон тирик эканига ишонилади.

Бу воқеадан биров ўтиб аёллари Сора, жиянлари Лут ва бошқа дўстлари билан биргаликда бу ўлкани тарк этиб, аввал Иордания ва Мисрга, кейин Фаластинга келиб жойлашадилар.

Бу тарихий ҳикояни «Ирфантуризм» ширкатининг Шонлиурфадаги ходими Аҳмадбей ўша тарихий макон – «Урфа қалъаси»да туриб бизга гапириб берди. Қуръони каримда ҳам баён этилган бу воқеаларни жойида туриб, кўз билан кўриб, такрор эшитиш тош қалбли кишини ҳам ҳаяжонга солиши шубҳасиз!

Ўша баландликда ўрнатилган икки устун ҳамон бор, унга боғланган Иброҳимни тасаввур қилиб ва ҳозир ҳам мавжуд бўлган «Балиқ кўли»га бир назар ташлаб, Аллоҳнинг мўъжизаларига яна бир бор тан беради инсон.

Бу ердаги мингларча балиқ тирик, тахминан бир қаричлик, ранги қора, илоҳий, деб ишонилади. Ҳамроҳимизнинг айтишига кўра, 60-йилларда бир одам уни тутиб емоқчи бўлади ва ... ўша заҳоти ўлади. Балиқлар махсус овқат билан боқилмайди. Сувнинг ўзида бўлган минераллар улар учун кифоя экан. Одамлар томонидан ҳовузга ирғитиладиган ул-бул емишлар балиқлар қорнини тўйдирмайди.

Кейинги манзилимиз Иброҳим (а.с.)нинг туғилган ғорлари! Аёллар ва эркаклар учун кириш эшиклари алоҳида. Қоронғи ғорга табиий ёруғлик туширилган. Бугун унинг ичида сув бор. Бу шифоли сув кўп касалликларга даво деб билинади, ундан юз-қўлимизни ювиб, дуолар этдик.

Ғорнинг шундоқ ёнида XIII асрда бунёд этилган «Ҳазрати Иброҳим» масжиди бор. Унинг биқинида машҳур диний уламо Бадиуззамон Саид Нурсийнинг мақбараси жойлашган.

Ҳазрати Исҳоқнинг ўғли Ойснинг наслидан бўлган Ҳазрати Айюб Урфада туғилмаган бўлса-да, бу ерда турли ривоятларга кўра, 7–8 йил ёки 16 йил касал бўлиб қолиб кетган.

Чуқурликда жойлашган ғорсифат, торгина нимқоронғу жой. Кишиларга мусибат етганда «Айюб (а.с.)нинг сабрини берсин», деганда тушуниладиган макон айнан мана шу! Айюб (а.с.)дан: «Сени энг кўп ранжитадиган нарса нима?», деб сўрашганида: «Душманларимнинг шовқин-суронидир!», деб жавоб беради. Шунга кўра, Қуръони каримда қуйидаги оятлар келади: «Аллоҳ сабрлилар билан биргадир» («Бақара, 153»), «Биз Айюбни сабр қилувчи, деб топдик. У нақадар яхши бандадир!» («Сод», 44).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Улуғ набийни катта синов билан синади ва у бутун инсониятга, мусулмонларга ибрат бўлди. Бир одам эҳтиёжига нима керак бўлса зиёдаси билан неъмат ато этди. Молу дунёсининг чеки йўқ эди, бир



кунда кул бўлди. Етти ўғил, етти қизи вафот этди. Ҳар сафаридида шайтон келиб устидан кулаётганида ҳам «Алҳамдуллиллоҳ, Тангри неъматларни ўзи берди, ўзи олди. Бу дунёга яланғоч келган эдим, яланғоч кетаман», деб шукур қилди, норозилик билдирмади.

Танасига дард келди: гўштлири титилиб тушадиган даражада аҳволи оғир эди, терилари шилинди, ундан ёқимсиз ҳидлар тарқала бошлади.

Парвардигор фақатгина Айюб (а.с.)нинг тилигаю қалбига зарар бермади, холос!

Атрофидаги ёру-дўстлари қочиб кетди, ёнида ёлғизгина бир аёли – Юсуф пайғамбарнинг қизи Раҳима қолди. Юришга мажоли йўқ эди, хотини уни шунча йил кўтариб боқди. Эрининг ва ўзининг қорнини қишлоқ аҳли буюрган барча қора ишларни қилиб тўйдирарди.

Бир куни аёли: «Ахир сен Пайғамбарсан, Аллоҳга ёлворсанг, дуоинг қабул бўлиб, шифо топардинг», деб эрига насиҳат қилади.

– Мен Парвардигорнинг элчисиман, Яратганнинг ўзи аҳволимни кўриб-билиб турибди, – деб жавоб беради.

Аёли ундан узоқлашгач: «Менга мусибат етди, ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан. Мени шайтон машаққат ва азобга тутди», дейиши билан Аллоҳ таоло унинг илтижосини қабул этади. Оёғи билан ерни тептириб сув чиқариб, уни чўмилтириб, заҳматдан халос қилади.

Устига тилла чигирткалар юбориб, такроран бой қилди, ана шундан кейин яна етмиш йил умр кўради. Турли ривоятларга кўра, салкам 200 ёшга етганида вафот этади.

Ривоятларга кўра ўша сув ҳамон оқиб турибди, бу шифоли сувдан ичиб, дуо қилиш онам билан менга ҳам насиб этди.

Истанбулда сайёҳлик ишларимизни расмийлаштираётганда, меҳмонхонада яшайсизми ёки хусусий уйдаи, деб сўрашганда онам билан маслаҳатлашиб, иккинчи манзилни танлаган эдим.

Биз тушган хонадонда бир марта ифторлик ва бир марта саҳарлик қилдик. Шом пайти яқинлашгач, оила аъзолари баб-баравар дастурхон тайёрлашга тушишди. Аёллар шўрва ҳозирлаб, сут маҳсулотлари ва алланималар билан дастурхонни тўлдиришса, эркаклар иккинчи таом – маҳаллий усулда кабоб пиширишди. Беш-олти нафар болалар эса биздаги каби ҳовлига сув сепиш-сидириш ишлари билан машғул бўлдилар.

Яшасин аҳил оила!

Ўн икки жон билан ифторлик қилдик, дастурхондаги барча неъматларни сут маҳсулотларидан тортиб, сабзаёт ва полиз экинларидан, нонгача барчасини ўз боғчаларида етиштирар эканлар.

Кунимиз оғир ўтди: рўза оғиз ва ҳаво ҳароратининг 50 даражадан юқори бўлишига қарамай режамиздаги саёҳатни тўла-тўкис бажардик. Энди мириқиб дам оламиз, деб турсак, мезбонлар фақатгина бир ой бўладиган «Рамазон кайфи»ни чиқариш учун шаҳарни кезишга таклиф этишди. Гапнинг рости хушламайгина розилик билдирдик. Кейин эса афсус қилмадик.

Урфа қалъасида одам гавжум. Кундуз кунни кўрган Иброҳим (а.с.) ни баландликдан ташланган жой ва «Балиқ кўли» чироқлар билан ёритиб қўйилган, файзи ўзгача. Илоҳий куй-қўшиқлар янграмоқда. Бу тарафларда бир «бордоқ»дан чой ичиш ва музқаймоқ ейиш учун жой топилмади. Одамлар саҳарликкача бу ерда ўтириб, дам олиб, тонг ёришганда уйларига тарқалишар экан!

Бу сафаримиз тўғрисида мамлакатимиздан келган таниш-билишларга айтиб беришим билан уларда у ерларни бориб зиёрат қилиш истаги туғиларди. Биз у тарафларга борган пайт тинч замонлар эди. Озгина ўтгач, қўшни мамлакат билан орага «совуқчилик» тушди. Чегарада беқарорлик бошланди. Бир йиллардан кейин у томонларга суриялик қочқинлар жойлаштирилди...



## СОГЮТ – УСМОНЛИ ИМПЕРИЯСИНИНГ ИЛК ПОЙТАХТИ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2014 йил 4 апрель сонидида профессор Акмал Саидовнинг «Буюк соҳибқирон сиймоси» мақоласи босилади, унда Туркияда Амир Темур бюсти бор, деган маълумоти берилган. Муаллиф билан боғланиб, унинг қайси шаҳарда эканини сўрадим.

– Билганимда мақолада кўрсатиб ўтган бўлардим, энди буёғига сиз топишга ёрдам қилинг, – деди Акмал Холматович.

Газетада «Согют» номи биров бузиб ёзилгани учун уни Интернетдан топиш мушкуллик туғдирди. Журналист дўстимиз Атиф Ала бюстнинг суратини топиб берди ва шу асосда бюстни ахтаришга тушдим.

Согют Билежик вилоятидаги туман, бу ерда милoddан 700 йил аввал одамлар яшаган. Кейин Рим империяси таркибига кирган. XIII асрдан эса бу ҳудудда янги тарих бошланади.

Туман марказида эса «Турк буюклари платформи» деб номланадиган майдон бор. Бу ерда турк давлатларини қурган 17 буюк инсоннинг бюслари териб қўйилган. Улар орасида Амир Темур, Муҳаммад Хоразм Шоҳ ва Бобур тимсолларини кўриш мумкин. Шунингдек, Буюк Хун императорлиги (Теомен), Ғарб Хун императорлиги (Пану), Европа Хун императорлиги (Атилла), Оқ Хун императорлиги (Аксувар), Гоктурк хоқонлиги (Бумин Каган), Авар хоқонлиги (Каган хоним), Каспий хоқонлиги (Хазар Хон), Уйғур давлати (Қутлуғ Билги Қул Хоқон), Қорахонийлар давлати (Абдулкарим Сатук Буғро Хон), Ғазнавийлар давлати (Алп Тегин), Буюк Салжукли императорлиги (Салжук Бей), Хоразмшоҳлар давлати (Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ), Олтин Ўрда давлати (Боту Хон), Темур

салтанати (Амир Темур), Бобур салтанати (Бобур Шоҳ), Усмонли салтанати (Усмон Ғози) ва Туркия Жумҳурия-ти (Мустафо Камол Отатурк). Ҳар бюстнинг бошида ўша салтанатнинг байроғи ҳилпираб турибди.

Ражаб Таййиб Эрдўғон Президент этиб сайлангач, қароргоҳида бу 17 буюк давлатлар қурувчиларининг салтанатлари ҳарбийларининг қиёфасини тиклайди. Уларни Туркияга расмий ташриф билан келган хорижий давлатлар раҳбарларини қаршилашга чорлайди. Турли даврларнинг ҳарбий кийимларини кийиб олган баланд бўйли, алпқомат йигитлар янада расмий маросимда савлат тўкиб туришларини кўз олдингизга келтиринг.

Бундан ташқари, Туркия Президентининг 30x30 ҳажмдаги герби ҳам бор. Қирмизи байроқдаги ой ва юлдузларга қўшимча равишда байроқнинг чап тарафига ўртасида кўп қиррали катта ҳамда атрофида 16 та майда юлдузлар жойлаштирилган. Бу юлдузлар юқорида келтирилганидек, буюк турк салтанатларини англатади.

Бу гербдан давлат раҳбарининг қароргоҳида, хизмат жойида, зиёрат этадиган барча маконларда, фойдаланиладиган автомобилида қўлланиш мажбурияти бор.

Герб 1925 йилдан эътиборан қўлланиб келинади. Мазмунига зарарсиз ҳолда йиллар давомида унга оз ўзгаришлар киритилгани айтилади.

17-этиб бюстлар сонига эса Туркия биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк ҳам қўшилганини эслатиб қўйиш керак.

Ҳар йили сентябрь ойининг иккинчи якшанба куни бу майдонда Усмонли салтанатини хотирлаш маросими ўтказилади. Буюк империянинг илк одимлари айнан шу ҳудудда қўйилди. Ота-бобо Усмонлилар шу ерда қадр топди, катта йўлга бу ўлкадан чиқилди.

18 май якшанба куни саҳарлаб автомобилда йўлга тушдик, уч соатда манзилимизга етиб келдик. 10-12 минг нуфузли кичик шаҳарча. Ҳаммаёқ озода, покиза.

Эртуғрул Ғози (1229–1281 й.) оиласи Чингизхон зулми-дан қочиб, Ўрта Осиёдан бу тарафларга кўчиб келишган, деб билинади. Ғози афанди замонасининг кучли раҳбарларидан бўлган, учта Бейликка бошчилик қилган. Шу ерда вафот этади, XIII аср охирига келиб мўъжазгина мақбара бунёд этилади. Султон III Мустафо 1757 йилда атрофини кенгайтиради, 1886 йилда эса Султон II Абдулҳамид мақбарани бугунги ҳолига келтиради.

Мўъжазгина мақбаранинг ичида бутун турк давлатларининг байроқлари териб чиқилган, шу жумладан Ўзбекистон байроғи ҳам бор. Мақбаранинг бир чеккасида эски Усмонли салтанатига кирувчи давлатлардан келтирилган тупроқлар бежирим идишларга солиб қўйилган.

Шу жойдаги масжидга Эртуғрул Ғози номи берилган. Айтишларича, Султонларнинг бобоси шу ерда намоз ўқиган. Тағин қизиғи масжид ҳовлисида қудуқ бор, ундан шифоли сув чиқармиш, Бобо Ғози шу сувдан истифода қилган, деган ривоятлар бор. Бугунги кунимизда ҳам бу қудуқдан сув чиқиши тўхтамаган.

Усмон Ғози (1258–1326 йиллар) дунёни 600 йилдан зиёд титратган ва дунёда энг узоқ давр сурган салтанатнинг бунёдкори. Жасур, ақлли, фаросатли, мусулмон йигит.

Ёшлигидан ҳарб илмига мойиллиги бор эди, кураш, қиличбозлик, от минишда унга етадиган топилмасди. Унинг Онадўлуни исломлаштириш ва турклаштириш фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқ. Замонасининг етук шайхларидан Эдаболидан маънавият дарслари олиб улғаяди.

19 ёшида бир туш кўради. Шайх Эдаболи кўкрагидан ой чиқиб, унга яқинлашгани, бутун осмони фалакни қоплаган бир дарахтнинг чиқиши, юксак тоғ ва булоқлардан фойда кўради. Тушининг таъбирини билиш учун Шайхнинг олдига боради.

– Сенга мужда бор. Аллоҳ Таоло сенга ва сенинг авлодларингга салтанат берди. Бутун дунё ва авлодларингнинг ҳимоясида бўласан. Қизим Бала хотун билан турмуш курасан, – дейди.

Шундай қилиб, Усмон Ғозининг туши ўнгидан келиб, аёли билан бахтли ҳаёт кечиради ва у қурган салтанат узоқ йиллар яшайди!

Ўрхон Ғози (1281–1359 йиллар) Усмоннинг фарзанди, падари бузрукворидан қолган кичкина бир ўлкани давлат ҳолига келтириб, у ҳам дунё тарихида ўзидан кейин муносиб ном қолдиради. 36 ёшида Бейликнинг бошига келган. Илк бор ҳарбий армия тузади, қонунлар ишлаб чиқади. Усмонли салтанатининг илк пуллари Урхон зарб этади.

Ислом динини ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадисларини яхши ўқиб ўрганган Султон Ўрхон биринчилардан Константинополь шаҳрини забт этишга ҳаракат қилган, аммо тарихий вазиятлар бунга йўл бермаган. 33 йил ҳукмдорлик қилади.

Шу ҳудудда Бала хотун мақбараси борки, у Шайх Эдаболнинг қизи, Усмон Ғозийнинг аёли номига бунёд этилган. Шайх куёвига устозлик қилган, салтанатнинг маънавий қурувчиси. Айнан шу Соғот қишлоғида Усмонли империяси тузилганини эълон қилган шахс. У кишининг қабри бироз узоқроқда, шаҳардан чиқишда, уни ҳам зиёрат қилдик.

Бу тарихий жойларни зиёратимга сабабчи бўлган академик Акмал Саидовдан миннатдор эканимни таъкидламоқчиман. У кишининг биргина илтимоси билан Туркия тарихига оид тасаввурим ва билимимни орттирдим.

Дарвоқе, мен юборган суратлар Акмал аканинг франциялик шарқшунос олим Люсьен Керен билан нашрга тайёрлаган ва 2016 йилда Тошкентда босилган «Амир Темур ва Франция» китобини безаб турибди...



## «ИЛИАДА» ВА «ОДИССЕЯ» ДОСТОНЛАРИ ЁЗИЛГАН ЮРТ

Туркияда нефть конлари, табиий ерости бойликлари йўқ ҳисоби, аммо маданият ва тарихий обидаларга бой ўлка. Мамлакатнинг тарихи ўн минг йилларга боради. Бу қадим ўлка бошидан нималарни ўтказмади. Исталган ҳудудга бориб, тошини кўтарсангиз тарих чиқиб келаверади. Археологлар бу давлатда ҳеч қачон ишсиз қолиб кетмайдилар.

Бу мамлакат ҳудудида мусулмонларга оид тарихий асарлар тўғрисидаги айрим ривоят ва ҳикоятларни аввалги бобларда бериб ўтдик. Шунингдек, милоддан аввалги йиллар тарихидан сўз юритиладиган бўлса, қадимги номи Кичик Осиё ва Месопотамия, ҳозирги ҳудудлари Ўрта Ер ва Эгей денгизлари атрофлари, айниқса, Измир, Анталия ва Памуққалъа сингари жойларда антик тарихнинг намуналари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Ҳар бир ўлка ва обиданинг ўзига хос тарихи бор. Масалан, Измир шаҳри Эгейбўйи юрти, Туркиянинг йирик вилоятлари сирасига киради. Нуфузи ҳам катта, иқтисодиётдаги улуши ҳам салмоқли. Шаҳардан бор-йўғи 80 километр нарига чиқсангиз ҳақиқий тарих билан юзлашасиз.

Эфес антик шаҳрини турклар хароба шаҳри, деб атайди. Биз хароба сўзини салбий маънода ишлатамиз, улар эса том маънода қабул этишади. Зиёратга кириш учун чипта харид қилиш жойидан у ер ҳавосининг кескин ўзгарганини ҳис этилади. Ўзбекистоннинг чин дўсти измирлик Паша абининг шогирди Тахабей бунга алоҳида эътибор беришимизни сўрайди.

Бу ернинг ҳавоси билан бирга руҳи бошқача. Узоқлардан юксакка бўй чўзган устунлар, чала ярим қолган саройлар,

тўкилиб-нураб бораётган катта-кичик биноларни кўриб кайфиятингиз туша бошлайди. Уларнинг салкам XXX асрдан қолган қолдиқлари эканини яна бир фаҳмлагач, беҳосдан: «Балли, барака топсин ўша замон меъморлари», деб саёҳатга ошиқасиз.

Антик даврнинг энг муҳим марказларидан бўлган Эфес Геленистик, Рим, шарқий Рим, Бейликлар ва Усмонли даврларида, IX минг йил давомида бу ерларда одамлар яшаган, ўз пайтида йирик порт, маданият ва тижорат маркази бўлиб хизмат қилган. Эфес 1994 йилда ЮНЕСКОнинг дунё маданий мероси рўйхатига киритилган, 2015 йилдан эътиборан эса дунё мероси, деб қабул этилган.

VII асрда араблар Эфесгача етиб келадилар, аммо кўп ўтмай византияликлар томонидан бу ерлар такрор қайтариб олинади. 1330 йилдан турклар тарафидан босиб олинади.

1600 гектарли (80 километрлик) кенг майдонда тарих ёйилган. Дунёнинг етти хариқасидан бири ҳисобланган Артемис ибодатхонаси антик дунёда илк мрамор тошдан бунёд этилган иншоот, деб тан олинади. Милoddан аввалги VII асрда қурилган ушбу бино 130x68 метр ҳажмида 118 та устунли бўлган, дейилади. 1863 йилда Британия музейи томонидан қазиш ишлари бошланиб, 6 йилдан сўнг илк натижаларга эришилади. Бугун унинг кўриниши Афинадаги акрополь каби фақатгина унинг устунларини, қадимий қошоналарнинг вайроналарини кўриш мумкин.

Қадимги Эфесда иккита парламент биноси бўлган. Улардан бири, усти ёпиқ бўлгани маслаҳатчилар парламенти дир. Салкам 1,5 минг ўринли ярим айланасига қурилган бу жойда мажлисдан ташқари концертлар берилган. Бугун парламент биносининг усти очиқ амфитеатр ҳолининг ярмидан кўпи сақланган. Саёҳатчилар ушбу парламент аъзолари сингари узун ўриндиқларда ўтириб суратга тушишади.



Оилам билан зиёрат этган Марям она уйи ҳам кўп ўзгаришларсиз сақланиб қолингани айтилади. Ривоятларга кўра, Ҳазрати Исонинг онаси Марям охирги йиллари-ни Юханна билан шу ердаги черковда яшаган, дейилади. Христианларнинг ҳаж ибодат жойи ҳисобланган, бир неча Папалар бу ерни зиёрат этишгани қайд этилган.

Бу ердаги узун деворга ёпиштириб кетилган беҳисоб қоғозларни кўриб аввалига тушунмадик. Кейин айтиб беришди: инсонлар Биби Марям қадами етган жойларни зиёрат этиш билан бирга мавжуд шахсий муаммолари тўғрисида сўз юритиб, ечимида ундан ёрдам сўрашар экан.


Йўлбошловчимиз Тахабей буюк Ҳомернинг шу ерда яшаб, ижод этгани тўғрисида берган маълумотлари Эфес зиёратимизнинг мазмунига айланди.

Дарҳақиқат, юнон шоири Ҳомернинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, у тахминан милоддан аввал XII–VII асрлар орлағида яшаган, деб ҳисобланади. Аммо тарихчилар ва адабиётчиларнинг тадқиқотларига кўра, юнон шоири Эфесда яшаган, деган ягона хулоса бор.

Бундан ташқари, тарихий манбаларда Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» поэмалари милоддан аввалги IX–VIII асрларда Кичик Осиёда ёзилган, деб ҳам айтилади. Ҳар икки дoston 24 тадан шеър-қўшиқдан иборат бўлиб, замонавий Туркиянинг бошқа вилояти Чанаққалъада бўлиб ўтган Троя урушининг сўнгги ўн йили тўғрисида ёзилган. Яъни бу поэмалар тўқима асарлар бўлмай, тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган.

«Илиада»нинг номи ҳам Троя подшоҳлигининг маркази Илион номидан келиб чиққан. «Одиссея»да эса поэма афсонавий қаҳрамони Одиссейнинг Троя урушидан қайтиши билан боғлиқ саргузаштлар баён этилади.

Ҳомернинг яшаган ва ижод қилган тарихий жойларни кўриш ижодкорлар учун олам-олам илҳом бағишлайди. Энг муҳими, кетган вақтингизга ҳам, сайру саёҳатдан орттирган чарчоқларингизга ҳам афсусланмайсиз!



Истанбул волийси Восип Шаҳин қабулида



Истанбул ҳокими Қодир Топбош бош консуллар  
билан нонушта вақтида



Беруний университети ректори



Истанбул волийси Ҳусайн Авни Мутлу  
Ўзбекистон уйи зиёратида



Турк зиёлилари билан



Россия Федерацияси бош консули В.Кривенко билан



Профессор Илбер Ортайли билан



Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов билан



Истанбул ва АҚШ Туркистонлилар жамиятлари раислари



Бейкуз ҳокими билан



Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан



Аданадаги Шермухаммадбек қабри зиёратида  
Чағатой Кўчар билан



Шермухаммадбекнинг кенжа қизлари Саодатхонимдан  
дуо олиш вақти





Эски шаҳардаги  
Хўжа Насриддин ҳайкали



Али Кушчи  
қабри зиёрати




Кема – ресторан



Ўзбекистонлик талабалар даврасида




Истанбул манзаралари




Капали Чорсу бозори



Истанбулнинг «Ҳақиқий Ороли»да



«Шонлиурфа» зиёратида



Эфес харобалари зиёратида




Лола сайли



Истанбул кўринишлари

# OSMANLI PADIŞAHLARI



Усмонли подшоҳлар





Истанбулдаги ўзбеклар билан



МДХ давлатлари бош консуллари кузатиш кечасида



## АФСОНАВИЙ ТРОЯНИ КЕЗИБ...

2018 йилда Троя қолдиқларининг ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилганига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан Туркияда «Троя йили» нишонланди.

Машҳур ва тарихий Троя шаҳри Туркиянинг Чаноққалъа вилоятига киради. У Истанбул каби Европа ва Осиё қитъалари ўртасида жойлашган бўлиб, Мармара ва Қора денгизлар ўртасидаги бу ҳудудни Дарданелл бўғози боғлаб туради.

Троя бутун бошли цивилизациялар учун илҳом манбаи, Шарқ ва Ғарб учрашган ва курашган ҳудуд ҳисобланиб, у ноёб меросга эга.

2004 йилда АҚШ, Мальта, ва Буюк Британия ижодкорлари томонидан суратга олинган «Троя» саргузашт фильми тўғрисида икки оғиз тўхталишга тўғри келади. Кинокартина Ҳомернинг «Илиада» достони асосида яратилган.

Фильмда юнонлар билан трояликлар ўртасида бўлиб ўтган жанглар ҳикоя қилинади, унда ёғоч отнинг ҳам ўзига хос роль ўйнаган саҳналари бор. Қаҳрамон Одиссей ҳийла ишлатади. Трояликлар юнонлардан бўшаган лагерга дуч келадилар, эпидемиядан ўлган жасадларни ва ниҳоятда катта ёғоч отни кўришади. Отни ёндириш ўрнига уни шаҳар ичига олиб кириб, ғалаба нашидасини сурадилар, базму жамшид уюштирадилар. Бу фурсатдан фойдаланган ёғоч от ичига яшириниб олган юнон аскарлари чиқиб, атрофдаги душманларни ўлдириб, шаҳар дарвозасини очишадида, сафдошлари шаҳарга кириб, тўлиқ ғалабага эришадилар.

Саргузашт фильмнинг қисқа мазмуни шундан иборат.

Фильмда иштирок этган ёғочдан ясалган от Чаноқ-қалъа ҳокимиятининг ёнгинасида турибди. Ғарб кино-ижодкорлари билан маҳаллий идоралар ўртасидаги ўзаро келишувга борилади. Турк томони фильмни суратга олиш учун изн беради, улар эса фильмда қўлланилган отни 20 йилга ҳокимиятга ижарага ташлаб кетади.

Унинг атрофидан хорижлик сайёҳлар аримайди, унинг теғрасида расмга тушиш каминага ҳам насиб этган.

Троя давлати эрамиздан III минг йил аввал ташкил топгани айтилади.

Узоқ йиллар Троя афсона, Ҳомернинг тўқима асари, деб келинган, унинг аниқ жойлашган ери тўғрисида деярли маълумот ҳам бўлмаган. Ҳомер асарларидан руҳланган ва поэмаларда зикр этилган жойларни биринчи бўлиб кезиш шотландиялик журналист ва археолог Чарльз Макларенга насиб этган. У 1822 йилда Троя жанги бўлиб ўтган Ҳисорлик, деган жойда қазилма ишларига рухсат олган. Шериги Френк Калверт билан 7 йил давомида бу ерда тер тўкканлар.

Археолог Генрих Шлиман ҳам XIX асрнинг сўнгида бу ерда қазилма ишлари олиб боради. У пайтда топилган қадимий осори атиқалар Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажи ва Москвадаги Пушкин музейида сақланмоқда.

2010 йилларга келиб, археологлар Ҳисорликда турли даврларда қурилган тўққизта қалъани топишга муваффақ бўладилар.

Бу асарлар Россияга қандай бориб қолади?

Усмонли салтанати билан келишган археолог Шлиман топилмаларни Истанбулдаги археология музейига қолдириб кетиши керак эди. Аммо у қадимий қолдиқларни яширинча Юнонистонга олиб ўтади. Дунёнинг машҳур музейларига сотишга ҳаракат қилади, уддасидан чиқолмагач, Берлинга йўл олади. Тўплаган қазилма асарлари намуналарини маҳаллий ҳокимиятга топшириб, эвази-

га фуқароликни олади. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан бу тарихий асарлар Москвага олиб кетилади!

1988 йилдаги йирик қазилма ишлари натижасида Ҳомер даврида олти-ўн минг аҳоли яшаган шаҳар бўлган, деган хулосага келинади. Немис археологи Манфред Корфман экспедицияси хулосасига кўра эса, аҳоли 170 минг квадрат метр майдонда яшаган.

Бугун ҳам тошдан қурилган уйлар, шаршаралар, такрорланмас манзаралар, қадимий Рим уйлари билан безалган тор кўчаларни кўриш мумкин. Бироз ичкарига кирилгач эса Троянинг пойтахти Илион шаҳрига дуч келасиз. Албатта у бугунги замонавий шаҳар эмас, паст-текисликларда жойлашган хароба жойлар. Илион ўз даврида кўп урушлар кўрган, қазилмалар давомида топилган қадимги тош уйча ва қалъаларнинг қолдиқлари бор.

Маданият вазирлигининг тавсияси билан 1973 йилда антик шаҳарга кираверишда Ҳомер асари қаҳрамонларидан – ёғочдан ясалган от қўйиш таклифини ҳукуматга киритади. У қўллаб-қувватлангач, икки йил ичида 12,5 метрли от Трояда бўй ростлайди.

Бу маҳаллий усталар томонидан ишланган от Чаноқ-қалъа ҳокимияти олдидаги киночилар томонидан ижарага берилган отдан кўп ҳам фарқ этмайди. Кинода фойдаланилган от маҳаллий отдан бироз каттароқ ҳажмда ишланган, холос.





## ТУРКИЯДАГИ АСҲОБИ КАҲФЛАР

Қуръони каримнинг «Каҳф» сурасида Асҳоби каҳф қиссаси тўғрисида сўз боради. «Каҳф» сўзи тоғдаги катта ғор маъносида келади. «Асҳоби каҳф» эса ғор соҳиблари деганидир.

Муфассирларнинг шарҳларига кўра, Асҳоби каҳф қиссаси ва улар атрофида бўлиб ўтган ҳодисаларни Аллоҳнинг бошқа оятларидан фарқ этиб, ҳикматлар ичида ўхшаши бўлмагани, қиссалар ичида мислсиз ва бебаҳо, деб ўйлаш нотўғри бўлади.

Уламоларнинг зикр этишича, Асҳоби каҳф воқеаси Рим мамлакатада содир бўлган. Подшоҳ Дақёнус халқни ботил худоларга сиғинишга мажбурлар экан, мўминлар орасида подшоҳнинг яқин кишиларидан саналган бир гуруҳ йигитлар ҳам бўлиб, кечаю кундуз яширин ҳолатда Аллоҳга ибодат қилар эди. Айғоқчилар ёшларнинг сўзларини эшитиб, қилаётган ибодатларини кўриб, унинг хабарини подшоҳга етказибдилар.

Дақёнус бу хабардан ғазабланиб, йигитларни ҳузурига чақиртиради. Йигитлар подшоҳнинг бутларга сиғиниш даъватини рад этадилар ва: «Биз фақат Раббимиз Аллоҳга ибодат қиламиз», – деб суҳбатни кесадилар.

– Сенларни барибир жазолайман, аммо сенларнинг ёшлигингни эътиборга олиб, бироз муҳлат бераман, токи ўйлаб, ақлинг кирганда такрор кўришамиз, – деб подшоҳ уларни саройдан чиқариб юборади.

Йигитлар маслаҳатлашиб, чорасизликдан озиқ-овқатларни олиб ғорга чиқиб кетадилар. Аллоҳга тазаррулар билан ибодатни давом эттирадилар. Улар уйқуга кетадилар, уларнинг орқасидан ит ҳам эргашиб келган бўлади. Аллоҳ уларни мана шу ҳолатда 309 йил ухлатиб қўяди.

Подшоҳ саройида имон-эътиқодли икки мўмин бор эди. Улар ҳеч кимга билдирмасдан тоққа чиқиб беркиниб олган йигитларнинг исмлари ва воқеаларни бир тош лавҳага битиб, ғорнинг оғзига яшириб қўйишади.

Йигитлар уйғониб, бир-бирларидан қанча ухлаганликларини сўрайдилар. Улардан бири шаҳарга овқат олиб келиш учун кетади. Уйларнинг кўриниши, одамларнинг қиёфалари ўзгариб кетганини кўриб, йигит кўрқиб кетади. Сотувчи харид учун йигитнинг пулини кўриб қаерликсан, деб сўрайди. Хуллас, одамлар йигитнинг орқасидан ғорга боришади...

Тарихчи-уламоларнинг билдиришича, ер юзида 30 дан зиёд Асҳоби қаҳф деб аталмиш ғорлар бор экан. Италия, Испания, Юнонистон каби мамлакатлар қаторида бу рўйхатга Туркия ҳам киради. Измирнинг Эфес минтақасида, Мерсиннинг Тарсус районида ва Қаҳрамонмарашнинг Афсин мако-нида уларни кўриш мумкин.

Журналист акамиз Чигатой Кўчар оиласи билан Тарсусдаги ғорга борганмиз. У шаҳардан 12 километр узоқликда, Энжюлус тоғининг этагидаги Додалар қишлоғида жойлашган экан. Ғор ҳам, мусулмонлар ҳам христианлар учун муқаддас жой бўлгани учун бу ердан одам аримайди.

Ривоятларга кўра, табиат ўзгаришлари натижасида бу ерда ғор пайдо бўлади. Қуръони карим ва юқорида келтирилган шарҳлар асосида «жонли» ғорни кезамиз.

Ғорнинг кириш қисми денгиз сатҳидан 214 метр баландликда, охири нуқта 10 метр юксакликкача чиқади. Унинг узунлиги 470 метр, жами 300 квадрат метр ҳажмда. Эшикка яқин жойдаги ҳаво ҳарорати доим 19–20 даражада бўлади.

Ғорнинг шундоқ биқинида масжид бор. У 1873 йилда Султон Абдулазиз томонидан бунёд этилгани ҳақида лавҳа турибди.

Ҳамкасбим бунинг Туркиядаги қолган Асҳоби қаҳфлардан жуда катта фарқи бўлмаганини айтиб беради.



## V. ИСТАНБУЛ ХОТИРАЛАРИ

### ХОЛИТ ЭРЕННИНГ АРМОНИ

Истанбул чинакам маънода мегаполис шаҳар. У ердаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг саноғи йўқ. Ана шулардан бири 1980 йилда ташкил этилган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг (ИҲТ) Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш марказидир. 1976 йилда ИҲТ доирасида Туркия ҳукуматининг шундай марказ ташкил этиш ташаббуси аъзо давлатлар томонидан тўла қўллаб-қувватланади. Тамойилга кўра, у Истанбулда жойлашади.

Мусулмон давлатларнинг тарихи, илми ва санъати тарихи, маданий мероси мавзуларида тадқиқотлар олиб бориш, уларга оид китоб, библиография ва альбомлар нашр этиб, кенг оммага етказиш Марказнинг асосий фаолиятига киради.

ИҲТга аъзо давлатларда илм ва маданиятга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, бу улкан меросни келгуси авлодларга етиб боришини таъминлаш учун уларни авайлаб сақлаш, таъмирлаш ишлари олиб бориш, уларнинг электрон нусхаларини яратиш ҳамда бошқа хорижий мамлакатларда мусулмон ўлкаларга оид асарларни қидириб топиш ва уларни бир ерга жамлаш каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, Марказ икки йилда бир марта ИҲТга аъзо давлатларда турли мавзуларда халқаро анжуманлар ўтказди.

Марказ ташкил этилганидан бошлаб 25 йил давомида унга Акмалиддин Эҳсонўғли раҳбарлик қилди, 2005 йилдан эса Холит Эрен Марказни бошқариб келмоқда.

1969 йилда мусулмон давлатлар раҳбарларининг конференциясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий

соҳаларда ҳамкорликни таъминлаш, колониализм ва расизмга қарши кураш ҳамда Фаластиннинг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш мақсадлари белгилаб олинган. Бугунги кунда бу ташкилотга 1,5 миллиард аҳолини ўзида бирлаштирган 57 давлат аъзо. Бир қатор Европа мамлакатлари ва хусусан, Россия кузатувчи мақомига эга.

Туркия фуқароси бўлган Холит Эрен билан турли расмий қабулларда кўришиб-танишганмиз. 2006 йилда уни мақомида зиёратда бўлганман. Ўшанда Марказ тўғрисида батафсил маълумот олгандим. МДХга кирувчи икки мамлакатда зўрма-зўраки халқаро конференция ўтказганини айтиб, Марказнинг мазмун-моҳиятига кўра, халқаро тадбир ўтказиш учун Ўзбекистонга ҳар томонлама ҳақ беришини таъкидлади.

– Ислоннинг тараққий этиши бу ўлкада бўлган, олим уламолар, муҳаддислар бу юртдан етишиб чиққан. Ҳалиям Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари номини эшитган мўмин-мусулмон борки, ҳаяжондан ўзини кўярга жой тополмай қолади. Қолаверса, неча юз йиллардан бери сақланиб келаётган муҳташам тарихий обидаларнинг сон-саноғи йўқ. Ислон дини ва тарихига оид ноёб қўлёзмаларнинг саноғига етиб бўлмайди. Серқуёш бу юртда анжуман ташкил этишга яна аллақанча асосларимиз етарли, – дея суҳбатдош айнан Самарқандда бу шаҳарнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини билдирди.

Мен ҳам ўз навбатида, бу нозик таклифни марказга етказишга ваъда бердим.

ТИВ билан узоқ ёзишмалар олиб борилди, қўшимча ҳужжатлар сўралди, аммо натижа кутилганидек ижобий бўлмади. Биз тарафдан конференция иштирокчиларини ётоқ ва меҳмондорчилик билан таъминлаш эди, қолган барча харажатларни Марказ зиммасига оларди.



2007 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги нишонланиши муносабати билан хорижий давлатларда сақланаётган бу кўҳна диёрга оид китоб, расм, фото, хулласики, нима бўлса топиб, Марказга юбориш топшириғи келиб тушди.

Холит Эрен билан Марказда бўлиб ўтган аввалги учрашувимизда у XIX аср охири ва XX аср бошида олинган Туркистон, хусусан, Ўзбекистонга оид Султон Абдулҳамид II архивида 500 дан зиёд фото сақланаётганини айтганди.

Такрор кўришиш вақтини белгилаб у кишининг ҳузурига бордим, мақсадни тушунтирдим.

Мавзу муҳокамасига киришишдан аввал Холитбей мамлакатимизнинг ИХТ ва Марказга тўланадиган аъзоллик бадаллари йиғилиб қолганини айтиб, дастлаб ана шу қарзлар тўланса, сўнг суҳбатни давом эттириш талабини кўйди.

Гапнинг рости, айти ушбу мавзу бундан бир йил муқаддам ҳам кўтарилганди. Ўшанда саъй-ҳаракатлар билан қарзимизнинг бир қисми тўланган эди.

Хуллас, кўлимда навбатдаги қарздорлик варақаси, унда кўрсатилган рақам йил охиригача эмас, яқин йилларда ҳам батамом тўланишига кўз етмас эди.

– Ҳукуматингиз ярмини тўласин, кейин фотосуратлардан бераман, – деди қатъиян бош директор.

Иложи йўқ, вазиятдан чиқиш йўлларини излай бошладим. Самарқандга бағишланган нуфузли альбомда Марказдан олинган суратлар жойлашса Сизнинг ва Марказнинг обрўси бўлмайдими, дедим. Суҳбат давомида хаёлимга бир фикр келди-ю, уни айтайми-айтмайми, деб хаёллар чигилини ёзгунча 5–10 дақиқа ўтди.

– Холитбей, сизни Ўзбекистонга юбораман, АЙСЕСКО томонидан Тошкент ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани муносабати билан халқаро анжуман ишида қатнашасиз, – дедим-у, қора терга ботдим.

Аслида бу каби расмий таклифлар ТИВ билан келишмасдан айтилмайди – бу бир, иккинчидан, Тошкент менинг таклифимни қабул қилмаса-чи? У ҳолда ким деган одам бўламан!

Таваккалчининг ишини Яратганнинг ўзи қўллайди.


Холитбейнинг қорамағиз юзига табассум югургандай бўлди.

Билганим – Бош директорнинг армони бор. Ростдан, мусулмон давлатлари билан ишлайдиган нуфузли ташкилотнинг раҳбари 57 давлат ичида ўзига хос ўрин эгаллайдиган Ўзбекистонни зиёрат этмаган!

Бош директор белгилаган учинчи куни Марказга келдим. Компьютерда Самарқандга оид ўн беш дона тарихий фотосуратни кўрсатди. Улардан бор-йўғи бештасини беришини айтди. Илтимосларим ерда қолишини билиб, ортиқча гап-сўз қилиб ўтирмадим.

Унинг сўнгги талаби – суратларнинг тагига Марказдан олинганини қайд этиш шарти эди, у ҳам қисман bajarилди.

Марказнинг аввалги раҳбари Акмалиддин Эҳсонўғли ИХТга раис бўлиб кетган эди. Табиийки, у ҳам Тошкент конференцияси ишида иштирок этади. Унинг ёнида бўлган Холит Эреннинг нуфузи бироз тушади. Аммо бунга қарамасдан Марказ директори боши осмонда – Ўзбекистондан мамнун қайтди.





## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САМИМИЙ ДЎСТИ – АККАН СУВЕР

«Мармара груп» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар жамғармаси бош директори Аккан Сувер 2000 йилдан буёғига Ўзбекистонда ўтадиган президентлик ва парламент сайловларида халқаро кузатувчи мақомида иштирок этиб келади. Мамлакатимизнинг бор ютуқ ва камчиликларига қарамай уни чин қалбидан севади.

Асли касби журналист, узоқ йиллар Туркиянинг бир қатор нуфузли газеталарида ишлаган. 20 йилдан бери бу жамғармани бошқариб келади. 76 ёшига қарамай ҳалиям тетик.

2005 йилда Истанбулга келган дастлабки ҳафтала-римдаёқ Тошкентга келиб-кетиб юрган вақтида танишган дўстим «Догу» газетаси сиёсий шарҳловчиси Ирфан Улька билан Жамғармага бордим. Хонасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида «40 йил сиёсат ичида юриб, америкаликларга мамлакатимдан ҳарбий базангни олиб чиқиб кет, деб талаб қўйган давлатни ҳеч эшитмаган эдим. Жасоратли Ислон Каримовнинг қатъияти билан бу муаммо ҳал бўлди», – деб юртимни, унинг раҳбарини алқаган эди.

Суҳбатимиз давомида турли мавзуларда баҳс-мунозара юритгандик. «Қуш тилини қуш билади», дегандек фикр-мулоҳазаларимиз анча яқин чиқди. Шу-шу расмий қабул маросимларида, норасмий учрашувларда самимий, дилдан ва ошкора суҳбатлашадиган бўлдик. У ҳам мамнун, мен ҳам!

Илк кўришганимиздаёқ «Мармара груп» йилда бир марта февраль-март ойларида халқаро конференция ўтказишини, унинг ишида куннинг долзарб мавзулари,

хусусан, иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, экология масалалари кўтарилишини айтиб берган эди. Ўзбекистондан бирор вакил қатнашмаслигини афсус билан таъкидлаганди.

Бу борадаги илтимосни ижобий ҳал этишга бош кўшиш истаги борлигини билдирдим-у, афсус, истакларим амалга ошмади – орадаги вазият, муносабатлар туфайли ўн йилда ҳам бу ишнинг уддасидан чиқолмаганимни бугун эътироф этаман!

Юқорида таъкидлаганимдек, Аккан Сувер мамлакатимизда ўтадиган сайловларда фаол иштирок этади. Республикамизнинг деярли барча вилоятларида бўлган, ўзининг сиёсий фаолиятдан ташқари кўрган-кечирганларини газета-журнал саҳифаларига олиб чиқади. Мамлакатимиздаги ўзгаришларга алоҳида урғу бериб, келажаги буюклигига шубҳа қолдирмайди.

Акканбей ҳар сафар Ўзбекистонга кетаётганида кузатиб кўяман, қайтганда кутиб оламан. 2007 йилдаги президент сайлови қаҳратон қиш даврига тўғри келди.

– Ўн беш даража совуқни кўрдим, росса изиллатди, ҳафта ичи кўчаларда одамлар кам кўринган бўлса ҳам, сайлов куни участкалар сайловчилар билан лиқ тўлди.

– Ўзингиз совуққа қандай бардош бердингиз?

– Инсонларингизнинг иссиқ тафтидан совуқ ҳам унчалик билинмади! – деди Истанбул аэропортида бўлиб ўтган қисқа суҳбат давомида, – пешинда ёнингизга бораман, жойингизда бўлиб туринг!

Бугун дам олинг, эрта-индин кўришармиз, деганимга қарамай соат бирларга яқин офисга кириб келди.

– Ёрдамчиларга айтсангиз, келтирган нарсаларни хонага олиб кирсинлар!

Ҳайронлигимни сездирмасликка ҳаракат қиляпман.

– Мен бу сафар Самарқандда кузатувчи бўлиб қатнашдим. Имом Бухорий мажмуасини зиёрат этдим, мен билмаган анча маълумотлар бор экан. Мажмуа ичидаги музейни кездим, турли тилларда «Саҳиҳ»лар бор. Туркчаси

йўқ, хафа бўлдим. Мен мажмуа мутасаддиларига Туркияга қайтган заҳотим туркча ҳадислар тўпламини юбораман, деб ваъда қилганман. Бугун кечқурун Тошкентга самолёт бор экан, зудлик билан уларни юбориш керак.

30 килограмм атрофидаги китобларни бирдай юборолмаслигимни, уларни бўлиб-бўлиб жўнатишимни ва биринчи қисмини пайшанба куни амалга оширишни тушунтирдим. Истанбулдан туриб назоратни бўшаштирмадим, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди.

Навбатдаги меҳнат таътилида атайин Самарқанд зиёратига бордим, Имом Бухорий музейида териб қўйилган туркча китобларни кўрдим, уларнинг тагига «Мармара груп» раҳбари Аккан Сувердан ҳадя», ёзувларини суратга туширдим. Истанбулга қайтгач, бир нечта расмларни А.Суверга топширдим. Роса севинди ўшанда, котибасига дарҳол Жамғарманинг сайтига бу суратларни жойлаштиришни буюрди.

Бу инсон икки турк давлатининг совуқ муносабатидан жуда қайғуга ботарди.

– Мана, Туркия ҳам айрим қўшни турк давлатлари билан муаммолари бор, аслида, бир-бирларини кўрарга кўзлари йўқ. Аммо бу сирлар дунёга ошкор қилинмайди, ичларида уни ҳал этишга уринадилар. Ўртада икки томон учун ҳам иқтисодий фойдалар бор, зарари икки давлатга ҳам етади, – деб мисоллар келтиради.

«Ака-укалар ўртасида ҳам жанжаллар бўлиб туради, ўткинчи дунёда кечиримли бўлиш керак, сиёсатчиларнинг иззатталаблиги халқнинг зарарига бўлмоқда», – деб мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни юмшатиш юзасидан таклифлар берган.

– Ҳатто сен рухсат ололсанг, Туркиянинг собиқ президенти Сулаймон Демирэлни ва ўн нафар етакчи газеталардан мухбирларни олиб, Ўзбекистон зиёратига бораман. Фақат ижобий фикрлар ёритилиши кафолатини ўзим бераман, – деган пайтлар ҳам бўлган.

Суҳбатларимизнинг бири турк мактабларининг Ўзбекистондан чиқариб юбориш мавзусида бўлди.

– 90-йилларнинг охирида сизнинг ҳукумат жуда тўғри иш қилган эди. Бошқа давлатлар сиз қилган ишни энди амалга оширмоқда, ҳатто Туркиянинг ўзида ҳам номақбул мактаб ва университетлар ёпилмоқда, – деганди.

Менинг Истанбулдаги фаолиятим тугашини эшитиб, бир пиёла чойга таклиф этди. Беш-олти нафар сиз танийдиган кишилар бўлади, деди. Борсам, ўн беш чоғли одам. «Мармара груп» бошқарув аъзолари ва дўстлар. Улар ичида шаҳар собиқ волийси Ҳусайн Авни Мутлу ҳам бор эди.

Маросим бошланмасдан анча хотираларимиз билан ўртоқлашдик. Бу ажойиб инсон сиёсат билан бирга шоирликка ҳам даъвогар эди. Кўнгилларнинг туташган жойи бор эди.

Дастурхон устида ҳам анча самимий фикрлар билдирилди.

Сўз навбати менга келганда барча, хусусан, «Мармара груп» раҳбариятига давлатимизга эътибори учун миннатдорлик билдирдим. «Мен Истанбулни тарк этаётган бўлсам ҳам, ўрнимга Акканбейни қолдириб кетяпман. Сувер жаноблари Ўзбекистонни шу қадар қалбдан севадиларки, мен уларни мамлакатимнинг Истанбулдаги элчиси, деб биламан, у киши билан шунга яраша муомала қилинглар», – дедим ярим ҳазил оҳангда.

Қарсақлар давом этар экан, у киши ўрнидан туриб, ёнимга келиб, мени кучоқлаб олди.

Аккан домла билан суҳбатларимиздан бирида курд масаласини баҳс этдик. Гап орасида ҳозирги Шимолий Ироқ бошлиғининг отаси оз муддат Ўзбекистонда яшаган, деб маълумот берсам, ишонмаган ва «бўлмаган гапни гапирма, курдларнинг сизларнинг мамлакатда нима иши бор», – деган.


Бутун умри курашларда ўтган Мулла Мустафо Барзани (1903–1979 йиллар) 1943 йилда Бағдодга қарши йирик ҳаракат бошлайди, икки йиллик курашларда мағлуб бўлгунча, 1945 йилда Эронга қочиб ўтади. Бир йилдан кейин эса совет ҳукуматининг қатъияти билан у ердан олиб чиқилади. Оз муддат Бокуда таълим олгач, Ўзбекистонга жўнатилади, Тошкент вилоятида яшайди. Сталин вафотидан кейин Москвада Хрушчев билан учрашади, қайта кўмак олиб, Ватанига қайтиб кетади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасида ишлаб юрган кезларимда Оҳангарондаги автомобилларни тузатиш устахонасига ишим тушиб борган эдим. Унинг раҳбари ўзини курд, деб таништирганди. Менинг илтимосимга кўра, бу миллат тўғрисида маълумот берган эди ўшанда.

Советлар юртидан марксчи-ленинчи бўлиб қайтади, ўзини бу ғоя тарафдори, деб кўрсатса-да, аслида, миллатчи ўлароқ турмушини-курашини давом эттиради.

Шуларни Аккан Суверга ҳикоя қилиб берганимдан кейин курдларнинг Ўзбекистондаги «иш»ларидан бохабар бўлди.

Ана шундай ажойиб инсон билан танишиб, ҳамкорлик қилганимдан ҳануз кўнглимда мамнунлик ҳиссини сезиб юраман.





## ДЕЛЬФИНБОЗ ВА ДЕЛЬФИНЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Россия Федерациясининг Истанбулдаги Бош консулхонаси дам олиш кунларига тўғри келмаса ҳар йили 12 июнда «Россия куни»га бағишланган қабул маросими ўтказлади. Бу бино ўн тўққизинчи асрнинг бошида Россия томонидан сотиб олинган ер участкасида 1837–1845 йилларда швейцариялик меъмор Госпар Фоссати лойиҳаси ва раҳбарлиги остида бунёд этилган.

Ривоятларга кўра, Екатерина II нинг талабига биноан иншоот тупроқлари кемаларда Россиядан ташиб келтирилган. «Россия биноти ўз тупроғидан яратилиши керак», – деган экан қиролича. Уни бунёд этишда фақат россиялик усталар қатнашган.

Бош консулхона биносининг ичи ўша Чор Россиясининг маҳобатини ифода этади. Деворлар ва шифтлардаги йирик ойналар, кенг баланд хоналар, зинапоялар. Масалан, Колонналар залининг баландлиги 13 метр, торроқ айвонча билан қўшиб ҳисоблаганда 500 квадрат метрни ташкил этади.

Аввал Россия ваколатхонаси, кейинроқ элчихонаси бўлиб хизмат қилган бу бино Мустафо Камол Отатурк маслаҳати билан пойтахт Истанбулдан Анқарага кўчирилгач, Бош консулхона вазифасини ўтай бошлаган.

...Ёнимга бир йигит келиб, «Ассалому алайкум, сиз Ўзбекистон вакилимисиз?» – деб ўзини таништиради. Икки оғиз гапдан «бизнинг тарафлардан» деган фикр лип этиб ўтди хаёлимдан.

Қримтатар миллатига мансуб, Наманганда туғилган Сайрамбей 90-йилларда ота-онаси билан Ўзбекистондан



кўчиб кетишади. Аввал Россияда, кейин Қримда яшашади. Дельфин боқиш хизматига киради, уларга росмана кўнгил кўяди. Москва ва бошқа шаҳарларда дельфин боқиб, уларни тарбияси ишида қатнашади. Аста-аста дельфинлар билан томошалар ташкил этишни йўлга кўйишади. Бу ишда катта тажриба орттиргач, уни раҳбарлари Истанбулга мустақил ишга юборишади.

– «Дельфинарий»га келинг, дельфинлар, моржларнинг ўйинларини томоша қилинг, – деб таклиф этди.

Оилам билан бордим. Ўзбек кўли қуруқ бир жойга бормайди, биз ҳам қадрига етса керак, деб палов пишириб олдик, алоҳида қази ва яна алланималар.

– Ҳаммасини биламан, ўзбекча паловни онам ҳалиям бизга тайёрлаб беради, қазини отам севиб тановул қилади. Ҳар замонда Ўзбекистондан танишлар, қариндошлар келишса, булардан олиб келишади.

Янги дўстимни ҳайрон қолдиролмадим, деб хафа бўлиб турсам, менинг оилам ҳам буларни севиб тановул қилишади, деди.

Қримда яшайдиган ота-онаси соф ўзбек тилида гаплашишини, Ўзбекистон, айниқса, Наманганни кўп-кўп эслаб туришларини айтиб берди.

Томошадан вақтлироқ борганимиз учун дельфинарийни кездик. Унинг ичи 5 800 квадрат метрни ташкил этади, ташқари ҳовли билан ҳисоблаганда салкам 9 000 квадрат метр жойни эгаллайди. Бино ичида 7 та ҳовуз ва 950 ўринлик томоша зали бор.

Ҳайҳотдек бир ҳовузда она-бола дельфинлар яшар экан, бошқаларида морж ва Шимолий денгиз айиқларининг «уйлари». Улар ҳар бирининг, болаларидан ташқари, минг килограммгача вазнга эгалигини тасаввур қилсангиз, бир кунда уларнинг қорнини тўйдириш учун неча тонна овқат зарур бўлишини билиб оласиз. Уларнинг асосий озиғи – балиқ! Ҳар куни уларни боқишга бир тоннагача балиқ кетади.

Бу ҳайвонлар фақат денгиз сувида яшашлари шарт экан. Барча ҳовузларга уч минг юз куб метр ҳажмда сув зарур. Истанбулдаги денгизлардан қувурларда келтирилган сувлар зовурларда бир неча кун тиндирилгач, қайта ишланиб, ҳовузларига қўшилар экан. Сувнинг тузли бўлиши яна бошқа бир муҳим шарт. Туз ва ем-балиқларнинг аксарият қисми хориждан экспорт қилинади.

Морж ва Шимолий денгиз айиғи Скандинавия яриморолдан келтирилган. Дельфиннинг бири Россиядан, биттаси Истанбул сувларидан тутиб олинган.

Сайрамбей 2011 йилда илмий тадқиқотларимиз асосида дельфинариймизда она дельфиндан соппа-соғлом насл олинганини айтиб ўтди. Бу Туркия тарихида илк бора юз берган воқеа эди.

Томоша вақти келди. Ҳайвонларнинг ҳаракатлари ва ҳар чиқарган товушларига залда ўтирган болаларнинг ҳайқириғи қоришиб кетади. Салом беришни ўрнига қўйган ҳайвонлар, мусиқа остида турли рақсларга тушади, баскетбол тўпини тўрга туширади, бир сўз билан айтганда, телевизорларда бу ҳайвонларнинг кўрсатган ҳаракатларини бу ерда «жонли» кўрасиз.

– Томошалардан ташқари дельфинлардан болаларнинг саломатликларини тиклаш ишида фойдаланилади. Шаҳар хокимияти томонидан берилган кам таъминланган ва сурункали касал болаларга бепул хизмат кўрсатилади, – деди Сайрамбей.

Маълум бўлишича, дельфинлар болаларни дудуқланишдан даволайди, кечалари ўрин-кўрпани хўллаб қўйиш касаллигидан фориғ қилади ва ҳоказо.

Сайрамбей билан дўстлашдик, мамлакатдан келган меҳмонларни у ерга олиб борадиган бўлдим.

Бир кун Интернетдан Қримда Ўзбекхон томонидан қурдирилган масжиднинг 700 йиллиги нишонланишини ва бу санага бағишлаб Украина Марказий банки томонидан кумуш танга зарб этилганини ўқиб қолдим.

Бу хабарни Сайрамбей билан ўртоқлашдим, эшитмаган экан. Илтимосимга кўра, Украинадан тангани олдириб берди.

VII аср аввал подшоҳи олам Ўзбекхон Қримда ўзидан хотира асари қолдирганидан ҳам севиндим ва ҳам ғурурландим. Кумуш танга эса бир баҳона эди!





## ИСТАНБУЛНИНГ ҲАҚИҚИЙ ОРОЛИ – БУЮК АДА

Истанбулнинг атрофида бир неча катта-кичик ороллар бор. Кичикларига машина йўллари туташ, уларни ҳақиқий орол деб ҳам бўлмайди. Ҳақиқий оролга автомобилда етиб бориб бўлмайди, фақат кема ёрдамида борилади. Ҳафта ичи ҳар куни ҳар икки соатда йўловчи кемалар қатнайди, дам олиш кунлари – ҳар соатда.

Жамоат кемаси икки бекатда икки дақиқали тўхташ билан бир ярим соатда манзилга етади. Хусусий кемаларнинг манзилга етиб бориши ярим соат-қирқ дақиқа бўлади. Йўлчилик Мармара бўғозидан бошланиб, Мармара денгизи орқали давом этади.

Оролга етиб олиш узун йўлчилик экан, деган хавотир асло бўлмаслиги керак. Кемада кичик қаҳвахона бор, чой, кофе ичиб атрофни мириқиб кузатиб, манзилга етиб олганингизни сезмай ҳам қоласиз.

Вақтни мароқли ўтказиш учун истасангиз палубага чиқасиз. Кема ўз ортидан вишиллаган овоз билан узун тўлқинлар қолдириб кетмоқда, бу саслар кишини тинчлантиради. Вақт ўтиши унутилади.

Йўловчи болалар каби катталар ҳам кемада бирор-бир машғулот билан овунадилар. Маълум манзилгача кемаларни кабутарлар кузатиб келади. Сизнинг истагингизга кўра, улар йўловчиларни узоқ-узоқларга кузатиб боришлари мумкин. Бунинг йўли осон. Ўша кеманинг айвонига туриб олиб, нон бурдаларини ҳавога ирғитасиз, улар моҳирлик ва чаққонлик билан увоқни ерга туширмасдан олиб қочадилар. Тасаввур қиляпсизми: бир гала кабутар сиз осмонга улоқтирган нонга бирдан ташланади, улоқлар эпчилига насиб этади.

Баъзан кабутарларнинг осмонда жанжаллашиб қолишининг ҳам гувоҳи бўласиз. Беўхшов овоз чиқаришиб, бир-бирларидан хафа бўлганликларини билдириб қўйишади. Улар тилини ўзбекчага ағдарганда: «Ҳадеб ўзинг олаверасанми, анув миттивойларга ҳам йўл бер», «бунча очофат бўлмасанг, ўзингдан катталарга ҳам йўл бер, эй ноинсоф», – деяётгандек туюлади.

Манзилга ҳам етиб келдик. Кемадан тушиб улгурмасингиздан пойгакдагилар йўловчиларни турли хил ресторанларга таклиф этиш бошланади, уларга ташриф картлари тақдим этилади. Дарвоқе, Истанбулга кемага ўтириш олдидан ҳам худди шу манзара кузатилади.

5,36 квадрат километр майдонда жойлашган оролда йўловчи автобус ёки таксилар мутлақо учрамайди. Гоҳо-гоҳо адашиб, «Тез ёрдам» ва маиший чиқинди ташийдиган машиналарни кўриб қоласиз. Эҳтимол, «Ёнғин ўчириш» машинаси ҳам бўлса бордир...

Соғлиғи кўтарганлар оролни пиёда кезадилар ёки ижарага велосипед олиб минадилар. Дангасалар учун эса от-арава – фойтунлар хизматингизга шай. Улар орасида «шайтонлик» йўқ, шаҳардаги таксичиларга ўхшаб навбати билан йўловчи олишга келаверишади.

Оролда расман 7 минг одам истиқомат қилади, булардан ташқари бу ерда «дача»лар кўп, бадавлат одамларнинг виллалари бор. Ёз пайтида бу ерда 50 минг киши яшаши айтилади. Бу ерда турли-туман 800 та бино бор. Улар ичига турар-жой, вилла, кафе, ресторан, масжид, черков ва бошқалар киради.

1930 йилда оролдаги христианлар қабристонини ёнида Искандар Зулқарнайнинг отаси, Македония қироли Филипп IIга оид олтиндан ишланган ҳайвонларнинг қозиғи топилган. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг тахминларига кўра, оролнинг тарихи милоддан аввалги йилларга бориб тақалишидан дарак беради. 207 олтин қозикдан иборат буюрс Истанбул археология музейида сақланмоқда.

Византия даврида эса оролдан сургун ери сифатида фойдаланилган. Фотиҳ султон Истанбулни забт этмасдан бир ой аввал оролни қўлга киритган.

Оролда иккита тепалик бор. Энг баланд тепада «Ая Йорги» черкови ва «Ая Йорги» монастирини кўриш мумкин.

Бошқа бир тепаликда Христос черкови ва монастири ҳамда румликларнинг етимхонаси жойлашган.

Бошқа турли ерларда арманлар ва католикларнинг черковлари ва яхудийларнинг синагогалари бор.

Оролда тўрттагина мўъжазгина масжид бор. Улардан охиргиси «Ҳамидия» масжидини Султон Абдулҳамид II бунёд эттирган.

Сайёҳларни оролга жалб этиш мақсадида денгиз соҳилида 10 га яқин пляжлар ташкил этилган.

Шунингдек, туристларни айрим тарихий жойлар қизиқтиради. 1929–1933 йилларда бу оролда Сталин томонидан сургун қилинган революционер, октябрь инқилоби ташкилотчиларидан, ҳарбий вазир бўлган Лев Троцкий яшаган.

Оролда яшаб, Тўртинчи интернационал – халқаро коммунистлар ташкилотини тузиш ғоясини ишлаб чиққан дейилади.

Инқилобчи яшаган 18 хонали, саккизта ҳаммоми бўлган 150 йиллик уй 2015 йилда сотувга чиқарилди.

Туркларнинг машҳур ёзувчиси Рашот Нури Гунтекин ҳам шу оролда яшаб ижод этган. 1922 йилда чоп этган «Чолиқуши» романи уни кенг жамоатчиликка танитган. Кейинчалик роман асосида бадиий фильм, сўнгра эса сериал ишланган.


Шунингдек, унинг «Ҳазонрезгилик» («Yaprak dokumu») романи асосида 2006–2010 йилларда ишланган сериал 5 йил давомида киноишқибозларни телевизор экранига михлаб қўйган эди.

2010 йилда «Истанбул – Европа маданиятлари маркази» тадбирлари доирасида Орол музейи ташкил этилади.

Унда орол тарихидан ҳикоя қилувчи 20 мингдан зиёд ҳужжат, 6 мингдан ортиқ фотосурат, қисқа видео ва аудио лавҳалар сақланмоқда.

Оролга келган сайёҳ, албатта, Мармара денгизи бўйида тамадди қилмасдан кетмайди. Тушлик ва оқшом пайтлари 50 дан зиёд ресторан мижозлар билан лиқ тўла бўлади. Янги сувдан олинган денгиз балиғи ва маҳсулотларини ким ҳам хуш кўрмайди, дейсиз.

Шунингдек, сайёҳлар совғалар ҳадялик магазинидан хотира учун оролга боғлиқ бир нималар сотиб оладилар.





## ИСТАНБУЛ БЎҒОЗИНИНГ МИНГДАН БИР ХУСУСИЯТИ

Китобнинг қайсидир фаслида айтиб ўтган эдим, хизмат ва турар жойларимдан Босфор бўғози ҳамда Фотих Султон номидаги кўприк кафтдек кўриниб туради, деб. Истанбулга қадам босган кунимдан бошлаб, унинг тарихига қизиқдим, адабиётлар ўқидим, олимлар билан суҳбатда бўлдим.

Бу лавҳамни – эссеми устоз Эркин Воҳидовнинг бу гўзал кентга берган таърифи билан бошламоқчиман.

«Истанбул шаҳрида мовий Босфор устида бу кўрфазнинг икки қирғоғини туташтириб турган улкан кўприк бор. Бу машҳур ва маҳобатли иншоот Осиё ва Европа қитъаларини бир-бирига улайди. Ҳар гал шу кўприк яқинига борганимда ўзининг улуғворлиги, кўтарган юкининг залворлиги, табаррук уҳдаси билан мени ўзига ром этади».

Мармара ва Қора денгизларни боғлайдиган сув йўли – Босфор ёки Истанбул бўғози, деб аталади. У ҳаракатларининг тиғизлиги бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. 1936 йилда бўғоздан йилда ўртача 4 минг 700 кема кечган бўлса, сўнгги йилларда улар сони 60 мингга яқинлашган.

Кунига ўртача 150 халқаро танкер ўтади, бундан ташқари бу сув йўлидан жамоат транспорти сифатида «денгиз автобуслари», паромлар, океан «лайнерлари» ва балиқчи кемалар фойдаланадилар.

Яна биров кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, бўғоз Болқонларга, Яқин Шарқ ва ғарбий Евроосиёга йўл очиб беради. Янада аниқроқ айтилса, Мармара денгизидан Чаноққалъа (Дарданелл) бўғози орқали Эгей ва Ўрта Ер



денгизларига чиқиб олиш мумкин. Шундай қилиб, бўғоз Қора денгиздан то Гибралтар орқали Атлантика океанигача ва Сувайш канали орқали Ҳинд океанига чиқадиган денгиз йўлларини ташкил этади.

Маҳаллий ва хорижий олимлар Босфор бўғозининг эрамиздан аввалги 5600–5000 йилларда пайдо бўлгани тахминини илгари суришади. Олимларнинг назариясига кўра, ичимлик суви бассейни бўлган Ўрта Ер ва Мармара денгизлари тошишларидан бўғоз ҳосил бўлиб, Қора денгизга йўл очади.

Антик даврда оддий сув йўли, деб аталган Босфор номи ни узоқ йиллар бу шаҳарда ҳукмронлик қилган византияликлар берган, деб тахмин қилинади.

Усмонли замонида ҳам Константинополнинг ишғолига ҳозирлик кўриш жараёнида, аввало, бўғоз қўлга киритилган, унинг атрофларига қишлоқлар қурилган. 1453 йилнинг 29 май куни эришилган ғалабада бўғоз ва шу қишлоқларнинг муҳим улуши бор, деб айтилади.

Бўғоз соҳилларини янада кўркам, салобатли қилиб турган Долмабахчи, Бейларбейи ва Чирағон султон саройлари XIX асрда кетма-кет бунёд этилган.

Биринчи жаҳон урушида Усмонли салтанати тарафсизлик йўлини тутгани сабабли Босфор ҳамда Дарданелл бўғозларига хориж кемаларининг киришига йўл берилмаган. Аммо 1918 йилга келиб, салтанат емирилиши аён бўлиб қолгач, йигирма икки инглиз, ўн икки француз, ўн етти итальян ва тўрт юнон кемалари Босфорга кириб келиб, шу ерда жойлашадилар. 1936 йилгача бўғоз назорати хорижлик денгиз флотлари қўлида қолади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида тижорат кемалари, деб ёлғон ишлатиб, Туркия Олмония ва Италия ҳарбий кемаларининг Қора денгизга киришига рухсат беради. Аммо советларнинг жиддий эътирози туфайли бўғоздан ҳарбий кемаларнинг урушга киришига йўл қўйилмайди.

Истанбул бўғози режими тўғрисидаги 1936 йилдаги Монтре конвенциясига кўра, халқаро кемалар ўтадиган йўл, деб баҳоланган. Шу билан бирга фавқулодда вазиятларда Туркия ҳарбий-денгиз сув йўллари чеклаш ҳуқуқига эга. Бунга мисол тариқасида 2008 йилда Россия–Грузия ўртасидаги низони келтириш мумкин. Ўшанда Туркия узоқ тортишувдан кейин НАТО номидан АҚШ ҳарбий кемаларининг бўғоздан кечиб, Грузияга инсонпарварлик ёрдами олиб боришига изн беради. Бу сафар ҳам бу воқеа Россиянинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

Яқин-яқин йилларгача Истанбулда росмана қиш бўлмаган эди, сўнгги йилларда етарли даражада қор тушиб, ҳаво ҳарорати 10 даражага тушиш ҳоллари кузатилди. Аммо бўғозга бу совуқларнинг заррача таъсири бўлмади. Бўғоз бутун тарихи давомида бор-йўғи тўрт марта музлаган экан, холос: 401 йил византияликлар замонида, 1621 йил усмонлилар замонида ҳамда замонавий Туркия тарихида – 1929 ва 1954 йилларда. Сўнгги қаҳратон қиш 23 февралда бошланиб, Истанбулни фалаж ҳолатига олиб келади – шаҳарда ҳаёт умуман тўхтайтиди, шаҳар транспорти тугул, поезд ва самолётлар ҳаракатланолмай қолади. Икки кундан кейин бўғоз музлайди, музлар 15–20 метр чуқурликка етиб боради ва кемаларнинг кечишига рухсат берилмайди.

Бўғознинг соҳил бўйларида шаҳар ҳокимияти аҳоли учун тўла шароитлар яратиб қўйган. Инсонларнинг истироҳат этишлари учун ўриндиқлар, спорт билан шуғулланишлари учун турли тренажёрлар, болаларга махсус бежирим ўйингоҳлар мавжуд. Дам олувчилар учун ҳар қадамда чой, қаҳва ва енгил тамаддилар таклиф этилади.

Иш тиғиз бўлмаган вақтларда соҳил бўйида сайр этишни хуш кўрардик, толиққанимизда ўриндиққа чўкиб, бўғоздаги кемалар ҳаракатларини мароқ билан кузатардик. Мамлакатимиз меҳмонлари билан эса 45 дақиқали ёки бир ярим соатли «Бўғозтури»га чиқардик. Ёз пайти

сайёҳлик кемалари лиқ тўла бўларди. Улар орасида «Тошкент-1» ва «Тошкент-2» кемалари диққатимизни тортган эди. Эринмай кема сардоридан унинг сабабини сўраганмиз.

– Тўла ишонч билан айтолмайман-у, аммо ота-боболаримиз XIX асрда Тошкентдан Онадўлуга келиб қолишган, дейишади. Аждодларимнинг хотиралари учун кемаларимиз шундай номлаган, – деганди ёш кемачи.

Бундан ташқари катта ресторанларнинг тўй ва бошқа тадбирлар ўтказадиган махсус кемалари бор. Кичик кемалар эса улфатларни емакли кема сайёҳатига олиб чиқади. Ана шундай пайтларда бўғозни бошқа томондан англашга ҳаракат қиласан.

32 километрли бўғоз бир торайиб, бир кенгаядиган, ўнг томон – чап томонга бурилиб ҳаракатланадиган мураккаб сув йўли ҳисобланади. Айрим жойларининг кенглиги 3700 метрни ташкил этса, тор жойи эса 700 метр атрофида. Бўғознинг чуқурлиги ҳам кўп фарқли – 36 метрдан 124 метргача.

Бўғознинг ҳамма тарафида ҳам чўмилишга изн йўқ. Биринчидан, оқар сув, иккинчидан, 50 метр нарида ҳайбатли кемалар ўтиб туради, улардан оқиндилар сизиб туради. Ва, энг муҳими ва қизиқарли факт: бўғоз, одатда, Қора денгиздан оқиб Мармара денгизига боради, аммо маълум бир чуқурликда сув қарама-қарши томонга ҳаракатланади! Бу ҳам инсонларга жиддий хавф туғдиради.

2010–2012 йилларга келиб, бўғоз соҳилларида махсус чўмилиш ҳавзалари ташкил этилди. Биздаги «морж»лар каби маҳаллий ишқибозлар тонг саҳарда «ўз жойларини» эгаллайдилар. Таътил кунлари болалардан бўшамайди бу масканлар. Дам олиш кунлари бу бизга ҳам насиб этган.

Отатурк номидаги аэропортдан чиқиб, соҳил бўйлаб кетишда Мармара денгизидан бўғозга кираверишда ниҳоятда кўп кемаларга кўзингиз тушади, уларнинг нима сабабдан қантариб қўйилганига қизиқардик. Кейин билсак,

бу божхона макони экан. Айни шундай манзара Қора денгиздан бўғозга киришда ҳам кузатилади.

Бўғоздан кечмоқчи бўлган хорижий юк кемалари росмана божхона кўригидан ўтказилади. Шунингдек, шу ернинг ўзида кемаларнинг бош тарафига турк ва орқа тарафига хориж давлат байроғи илинади. Кемани эса бўғоздан маҳаллий кема сардори (лоцман) ўтказиб беради. 30–35 фоиз чет эллик кемалар бундай пулли хизматдан фойдаланмайдилар, улар бутун масъулиятни ўзларига олиб бўғоздан ҳаракатга кечадилар.

10 йил давомида денгизларда жиддий фалокатларни кўрмадим. Аммо йилда камида бир марта баъзан ундайроқ, баъзан бундайроқ содир этилган «сув транспорт ҳодисаси»нинг гувоҳи бўлганмиз.

Энг сўнггиси 2018 йил 7 апрелда содир этилди. Қора денгиздан Мармара денгизи йўналиши бўйича йўлга чиққан Мальта давлатининг «Витаспирит» юк кемаси Фотих султон номидаги кўприкка етмасдан Ҳакимбоши Солих афанди вилласига келиб урилган. 225 метр узунликдаги ва 32 метр кенгликдаги кема Россияда юкланган 62 тонна арпани Саудия Арабистонига олиб кетаётган бўлган.

150 йиллик вилланинг бугунги нархи 90 миллион долларга баҳоланган.

Бу тарихий виллада кўп серияли анча шов-шувлар олиб келган «Минг бир кеча» ва бошқа кўп фильмлар суратга олинган.

Вилла ва унинг атрофидаги кичик ресторанлар талафот кўрган, одамлар зарар кўрмаган.

Экспертлар қуруқ юк кемаси ўрнига нефть-газ ташувчи танкер бўлмаганига шукрона келтиришди. Яшиллар-экологлар эса телевизион баҳсларда бўғоздан ўтувчи танкерлардан келадиган хавфга тўхталдилар.

Аслида эса бунга уларнинг асосли хавотирлари бор эди. 1966, 1979, 1982, 1994, 1999 ва 2004 йилларда Истанбул

бўғозида танкерларнинг ҳалокатга учраши оқибатида ўн мингларча тонна нефть ва газ сувга қоришиб кетган экан. 1979 йилдан бу кунгача турли транспорт ҳодисалари оқибатида сувларга чўккан 28 кемадан 11 таси ёқилғи ташийдиган танкерлар экан!

Истанбулнинг ҳақиқий оролига бир неча марта саёҳатларимиз давомида бор-йўғи уч-тўртасидагина дельфинларни кўришга муваффақ бўлганмиз. Кейинроқ билсак дельфинлар экологик тоза сувларда яшар экан. Сўнгги ўн беш-йигирма йилларда эса бўғозда яшайдиган бу ҳайвонларнинг сони жуда оз қолган.

Шаҳар сув ва канализация бошқармасининг 2013 йилдаги маълумотига кўра, 70-йилларнинг охирида Истанбул бўғозида олтмишдан зиёд балиқ турлари яшаган. Сўнгги йилларда сувларнинг ифлосланиши оқибатида уларнинг сони йигирматага тушиб кетган!

Бўғоз Европа ва Осиёнинг чегаралари ҳисобланади. Унинг соҳилида жойлашган Истанбул икки қитъани бирлаштирадиган дунёдаги ягона шаҳардир.

Яқин-яқинларгача бу қитъаларни икки кўприк бирлаштириб турарди. 1074 метрли илк Босфор кўприги Туркия Жумҳуриятининг 50 йиллигига тухфа қилинган – 1973 йилда фойдаланишга топширилган. 2016 йилнинг ёзидаги қонли фожиаларга гувоҳ бўлган кўприкнинг номи ўзгартирилиб, унга «15 июль шаҳидлар кўприги» номи берилган.

Султон Меҳмет номидаги иккинчи кўприкнинг узунлиги 1090 метр бўлиб, бундан роса ўттиз йил аввал – 1988 йилда ишга туширилган.

Учинчи кўприк 2016 йилнинг 26 август куни ишга туширилган бўлиб, узоқ баҳслардан кейин у Усмонли салтанатининг тўққизинчи подшоҳи Ёвуз Султон Салим номи билан аталган.

Қитъалар бу кўприклар билан чегараланмаган. 2000 йилларда денгиз остидан туннель йўли очиш лойиҳаси

тўғрисида гап кетади ва қисқа муддатда уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар бошланади. Дастлабки режага кўра, 2009 йилда битиши лозим бўлган туннелда ишлар маълум сабаблар билан анчага сурилади. Ерости ва ерусти қазилма ишлари давом этаётган бир пайтда бу ерлардан «янги тарих» бўй кўрсата бошлайди. Археологлар енгшимариб ишга тушиб кетадилар.

Лойиҳа 2015 йилдагина амалга ошади, оқибатда, икки қитъани денгиз остидан ўтадиган 1,4 километрли «Мармарай» темир йўли бирлаштиради. Бу йўлдан Пекиндан чиққан поезд Лондонга бемалол етиб бора олади.

Босфор бўғозининг соҳиллари ҳар замонда аҳолининг севимли масканлари ҳисобланган. Асосан, икки-уч қаватли қадимий виллалар соҳилнинг кўркига кўрк қўшади. Бутун бўғоз давомида ана шундай ёғочли виллалардан 600 га яқини сақланган. Энг қадимги тураржой соҳилбўйининг Қонлича масканидаги вазир Хусайнпоша Кепрюлю томонидан 1699 йили қурилган вилладир. Энг қиммати Еникўй масканидаги «Эрбилгин» вилласи. 2010 йилларда «Форбс» журнали маълумотига кўра унинг нархи 100 миллион доллар атрофида баҳоланган.

Бўғоз соҳилида яшовчи аҳоли ўзининг замонавий транспорт воситаси – кемаларига эга. Кундалик бозор-ўчар, қариндош, ёру дўстлари билан борди-келдиларда улардан фойдаланишади. 2015 йилги рақамларга кўра, Европа соҳилларида 1781 шахсий кема, Осиё тарафида эса 1653 кема, жами 3434 кема қайд этилган.

«Денгиз транспорти» сотиб олишга қурби етмаганлар дам олиш ва байрам кунлари соҳил бўйларига шошиладилар. Яшилликка бурканган бу маконларда тўрт кишилик жой тополмай сарсон бўлганимизни эслаб бугун мийиғимизда кулиб қўямиз.

Эрталабдан то қош қорайгунча турк оилалари соҳил бўйида бўғозда ҳордиқ кайфини чиқарадилар. Мангал-қўраларда мол ва товук гўштлири пиширадилар, ихчам-

гина кўчма газ ускунада икки қаватли чойнакларда чойлар дамланади. Бу каби чой дамлаш усули ўзимизнинг самоварникига ўхшайди. Тагидаги чойнакда сув қайнайди, устидагисига чой дамланади. Дам егач, ихтиёрга кўра аччиқ ёки суюқ чой таклиф этилади. Аслида, барча турк хонадонларида шу усулда чой дамлаб ичилади!

Бўғознинг Мармара денгизига икки чақирим етмасдан сувнинг ўртасида оролча, яъни бир мўъжазгина иншоот бор, унинг номи «Қиз қалъаси»дир. У ҳам азим Истанбулнинг тимсолларидан ҳисобланади. Бўғозга тушган кема борки, у йўловчиларнинг диққатини тортади. Оролчага фақатгина кема ёки қайиқда етишиш мумкин.

Бу тарихий асар византияликлардан қолган хотира, у милоддан аввал 24-йилларда бунёд этилган. Истанбул забт этилгач, Фотиҳ султон бу кичик қалъани йиқитиб, янгисини тошдан қурдиради. Бутун бир тарихи давомида бир неча бор кучли зилзилалардан зарар кўради.

Дастлабки ишга тушган пайтда оролчада жойлашган маконда бўғоздан кечувчи кемалардан бож олинар эди.

1857 йилда француз усталари қалъага маёқ қуриб берадилар, бу эса кемаларнинг ҳаракатланишида муҳим ўрин тутган. Жумҳурият замонида бу орол денгиз флоти хизматига топширилади.

2000 йилда эса шаҳар ҳокимиятининг қарори билан бу ерда ресторан очилади.

«Қиз қалъаси»нинг юнон, рим ва усмонли афсоналарига асосланган ажойиб ҳикоялари бор. Уларнинг айримлари билан танишиб ўтамиз.

- Рим императорининг турмуш ўртоғи касалланиб, ўлим тўшагида ётиб қолади. Хастага озор бермаслик учун орол бунёд этиб, у ерга жойлаштирилади. Императорнинг ўзи ва айрим хизматчилардан ташқари ҳеч ким бу ерга йўлатилмайди. Тақдирдан қочиб бўлмаганидек, қироличага берилган емишлар ичига яшириниб олган илон уни чақиб ўлдиради.

– Салжуқий султонларидан бири тушида жуда севимли кенжатоё бемор қизини илон чақиб ўлдирганини кўради. Дарҳол қизи учун орол қурдиради. Эркатоёга махсус қувурлар орқали овқатлар етказиб турилади. Касалланган қизчани ўз даврининг машҳур табиби тузатади. Бундан қувонган яқинлар турли тарафлардан қизга совға-саломлар юборишади. Улар орасида бир саваат узум бўлиб, унинг ичида илон яширинган эди. Ўша илон уни заҳарлаб ўлдиради...

Денгизда қазоларнинг кўпайиб кетиши билан кемаларга йўл кўрсатувчи маёқлар ўрнатила бошланади. Илк кўлбола маёқ Истанбул бўғозида 1755 йилда қурилади. Роппа-роса юз йилдан кейин Усмонли салтанати билан Франция ўртасида тузилган шартномага кўра, чет элликлар бўғозда маёқ иншоот этишлари бошланади.

Бугунги кунда Туркия ҳудудидаги 369 маёқдан 37 таси Истанбул бўғозида жойлашган.

Улардан бири Яшилкўй мавзесидадир. Мармара денгизидан бўғозга кирган кема борки аввало бу маёққа кўзи тушади. У 1856 йилда француз мутахассислари томонидан бунёд этилган. Баландлиги 23 метр бўлган тошдан қурилган маёқ 1945–1988 йиллар орасида уч марта таъмирланган.

Истанбулда ресторанларнинг сон-саноғи йўқ. Улар ичида энг гўзаллари соҳил бўйида жойлашгани ҳисобланади. Шунингдек, улардан икки қитъани бирлаштирувчи осма кўприк кўриниб туриши емакхоналарнинг қийматини янада оширади. Ана шундайлардан бири «Фенер» («Маёқ») ресторан айнан шу салкам 170 йиллик маёқ ҳудудида жойлашган.

Рестораннинг қуруқликдаги атрофи яшилликка бурканган бўлса, денгиз тарафдан эса узоқлардаги мусаффо осмоннинг мовий ранги билан туташиб кетади...

Бу кайфиятингизни кўтариш билан бирга иштаҳангизни ҳам очиб юборади.





## «ЖОНЛИ ҚОМУС» – ИЛБЕР ОРТАЙЛИ

Туркияда зиёли йўқки, профессор Илбер Ортайлини танимаса! Давлат ва хусусий телеканалларда кўриниб қолса, ундан кўз ололмай қолишади, зеро устознинг ҳар бир чиқишида, албатта, бирор янги гап, янги фикр, янги тарихдан баҳс ўртага ташланади. Олим тележурналистлар ўртасида доим «талаш», уларнинг энг севимли суҳбатдоши.

Профессорнинг бир марта суҳбатини эшитган одам унга талпинаверади. «Шпаргалкаси», исталган суҳбатдошнинг саволларига мавзуга оид факт ва рақамлар билан ҳамиша ҳозиржавоб. У кишининг сўзлаш услуби ҳам ўзгача, бошқа илм одамларникидан фарқ қилади. Ўзининг жавобидан ўзи тўлқинланиб, 10–12 сония беғубор кулиб туради. Бундай инсонларни одатда «жонли қомус» деб аташади.

Олимни телевизорда саҳар 7 да ҳам, оқшом 24 да ҳам кўриш мумкин. Дунё сиёсатида бирор янгилик ё ўзгариш рўй бердими, у кишининг, албатта, фикри олинади. Яқин Шарқ мавзуси дейсизми, Болқонларми, Узоқ Шарқ ё Америка қитъасидаги воқеалар – профессор учун фарқи йўқ, айтдик-ку, қомусий олимда ҳар соҳага доир фикр, қараш ҳамиша тайёр! Тарихдан дейсизми-бошқаданми, мустақил ва фавқулудда фикр тингловчини лол қолдиради.

Илгари Туркиянинг энг кўп ададли «Миллиет», сўнгги йилларда эса «Хурриет» газеталарининг якшанба кунги сонларида чиқишлар қилиб туради. Яна мавзуни у кишининг ўзи белгилайди. Кундалик сиёсатга қараб мавзу танлайди-ю, аммо сиёсатга қараб истиҳола қилиб ўтирмайди. Оқни оқ, тўғрини тўғри, қорани қора, нотўғрини нотўғри, дейди.

Илбер Ортайли 1947 йили Австрияда туғилган, миллати қримтатар. Икки ёшлигида оиласи Туркияга кўчиб келади. Анқара университетининг икки – сиёсий фанлар ҳамда тил ва тарих географияси факультетларини битиради.

Шунингдек, Вена университетининг Славистик ва Ориенталистик факультетида таълим олган. Магистратурани Чикаго университетидеда ўқиган. Усмонли тарихи бўйича йирик мутахассис.

Европа давлатлари ва АҚШдаги нуфузли университетларда дарс берган. Анқарада Билкент ва Истанбулда Галатасарой университетларида дарс берган, узоқ йиллар «Топкапи» музейида бош директор лавозимида ишлаган.

Йилда камида битта, бўлмаса икки китоби босмадан чиқади.

Олим усмонли, араб, форс, немис, француз, итальян, лотин, рус, словак, румин, серб, хорват ва босния тилларини билади.

– Ўзбек тилини қачон ўрганасиз? – деб сўраганимда, аслида, у тилни ҳам биламан, секин-секин гапирсангиз, гапингизнинг мазмунини айтиб бераман, – деганди домла.

Профессор уч марта мамлакатимизга келган. Охириги марта 2012 йилда. Қайтиб боргач, «Миллиет» газетасининг 15 апрель сонидеда «Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ» мақоласини чоп этган.

Мақолада генерал Кауфман бошчилигидаги босқинчиларнинг кириб келиши, Самарқанд ва Бухоро каби қадимий шаҳарларимиз тарихига батафсил ўрин беради.

Имом Бухорий, Термизий, Ибн Сино хизматлари ва бебаҳо асарларини тилга олади.

Мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар, айрим музейлар, кутубхоналарни санаб ўтиб, ундаги мислсиз, тенги йўқ асарлар юртнинг бойлиги, деб таърифлаб ўтади.

«Самарқанд, Бухоро ва Фарғонани кезиб, Хивада нималар бўлганини тушунмасдан асл турк тарихини англаш қийин», – дейди туркийзабон давлатлар ичида Ўзбекистоннинг нуфузи тўғрисида гапириб.

Илбер Ортайли қайси тадбирга борса, атрофидан одам аримайди, бири олиб, бири қўйиб у кишига саволлар бериб чарчатишади. Мен ҳам унинг кўп суҳбатларида бўлиб, баҳраманд бўлганман.

Ўзбекистонга сўнгги саёҳатидан олдин «Тўпқопи» саройида бафуржа суҳбат қурганмиз. У замондаги икки давлат ўртасидаги совуқ муносабатларга билдирилган фикрлар бугун долзарблигини йўқотмаган, деб ўйлайман.

– Амир Темур Наполеон ва Отатуркдан ҳам буюк саркарда бўлган. 200–300 минг аскарнинг бошини бирлаштириб, дунёнинг у чеккасидан бошқа тарафига қурол кўтариб бориш маҳорати бугунги ҳарбий академияларда ўрганишга арзийди. Жангнинг ҳарбий тактикаси ва стратегиясини ўзи белгиларди, мавриди келмагунча бу ҳақда энг яқин лашкарбошисига ҳам сўзламасди. Аслида, буюк саркарданинг ғалабасини шу каби усуллар таъминлар эди.

Боязид Йилдирим билан бўлган жанг Усмонли тарихида катта хато бўлган, дейди олим ва айбни кўпроқ турк томонига ағдаради.

Буюк саркарда Кавказдан кириб, Онадўлунинг шимолий қисмини деярли босиб олади. Эрон, Хуросонга бу тарафлардан боради.

Эгей денгизи бўйидаги гўзал Измирни турклар олишга кўп ҳаракат қиладилар. Чакабей бошчилигидан турк аскарлари XII асрда катта жанглар натижасида бу шаҳарни қўлга киритади, аммо уч-тўрт ой ичида юнонлар уни такрор қайтариб оладилар. Бу каби воқеалардан воқиф бўлган Темур 1403 йилда Измирга юриш қилади. У ерга аввалдан разведкачиларини юбориб, вазиятни ўрганади. Қуруқликдан шаҳарга кириш анча талафот келтириши-

ни англаб, денгиздан шаҳарни бостиради ва бир неча кун ичида катта талафотсиз уни христианлардан тортиб, турк биродарларига қайтариб олиб беради.

- Измир шундан кейин озодлик кураши йиллари оз муддат юнонлар қўлига ўтади. Шаҳар аҳли Амир Темурдан умрбод миннатдор бўлишлари керак, унинг хотирасига бир нималар қилиш керак. Афсуски, шаҳар ҳокимияти бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмапти, - деганди куюнчаклик билан Илбер домла.

Саркарда бобомиз билан боғлиқ хотира йўқ деймиз-у, бу шаҳарда Ислом Каримов кўчаси бор. Шунга ҳам шукур!





## ИСТАНБУЛДА ЛОЛА САЙЛИ – ЛОЛА ЗАВҚИ

Истанбул ҳокимиятининг расмий хабаридан парча:

«2018 йилнинг 1–30 апрель кунлари Истанбулда лола фестивали бўлиб ўтади. Шаҳарнинг майдон ва кўчалари ҳамда турли бошқа жойларда сайиллар ўтказилади. Бу йил шаҳримизда 125 турда экилган 30 миллион лола очиқлиб, мегаполисни безайди, кўнгилларга ҳузур бағишлайди. Лолалардан ҳосил этилган дунёнинг энг катта «жонли» гиламининг намойиш маросими 11 апрелда султон Аҳмад майдонида бошланади. Гиламнинг ҳажми 1734 квадрат метрни ташкил этиб, уни «тўқиш»га 565 минг дона лола сарф этилди...»

Бир ўқишда оддий хабар бўлиб кўриниши мумкин. Аммо лоланинг турлари ва доналарига эътибор берилса, унинг орқасида қанча машаққат, қанча меҳнат, қанча азоб борлиги англашилади.

Турк халқи лоланинг Онадўлуга Ўрта Осиёдан кириб келганини яхши билади. Бунинг исботи сифатида Жалолиддин Румий шеърларида келгани айтилади.

Фотиҳ Султон ҳам Истанбул фатҳидан кейин шаҳарни гулларга, лолаларга буркаш амрини бергани тўғрисида ҳужжатлар бор.

Гулларнинг тожи лола XVI–XVII асрларда Усмонли ерларида анча кенг тарқалади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, 1718–1730 йиллар лола даври деб эътироф этилганмиш.

Эски замонларда лолаларни султонларнинг гули деб ҳам аташган. Улар оила аъзолари ва яқинларгагина тухфа қилинарди.

XVI асрда Қонуний Султон Сулаймон лолани Голландия қиролига совға этиб юборади. Қиролнинг кўнглига ёққан лолани ҳамон кўпайтириш тадбирларини амалга оширишга фармон беради. Шундан кейин бу давлатда лола кенг ёйилади, кейинроқ эса Европанинг бошқа давлатларига ўтади.

Бу нафис чечак ёзувчи-шоирларни илҳомлантирган. Адабиётдан кейин хунармандлар ундан кенг фойдалана бошлашган – чинни, сополларга кўчган, ҳали ҳам лола шакли безаган идишлар сотувга чиқарилади. Газмоллардаги лолагулли кийимлар анча вақт «мода»дан қолмаган.

Лола тимсоли масжид ва хонадон деворларида ҳам кенг қўлланилган.

1681–1726 йиллар орасида қайд этилган бир тарихий ёзувда «Дафтари лолазор Истанбул» ёзувида Усмонли пойтахтида 108 хил лола экилгани айтилади.

...Расмий давлат идоралари Истанбулда хизмат қилаётган барча хорижий ваколатхоналарни сира зериктирмайди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, ҳеч қайси хорижлик маҳаллий хокимиятнинг тадбирларига тўла қатнашмаган, бу аниқ! Ҳар куни бир янгилик. Катта шаҳарнинг тадбири ҳам кўп бўлар экан.

Янги иш бошлаган давримнинг илк баҳорида «Истанбул лола билан учрашмоқда» шиори билан бошланган I фестивалга таклифнома олдим. 2006 йилнинг март ойи охирларида бўлиб ўтган маросимда бор-йўғи тўрт нафар ҳамкасбим билан иштирок этган эдим.

Қадимги Истанбул қалъаси деворлари тагида, Зайтунбурну соҳилбўйида ўтган илк тадбирда қатнашган маҳаллий аҳолининг сони 50–60 нафардан ошмасди. 3–4 хил рангдаги лолалар ҳам 8–10 квадрат метр майдонда очилиб турганди, холос.

Истанбул мэри Қодир Топбаш ўшанда ўз чиқишида:

– Лоланинг асл ватани Ўрта Осиё, Усмонли замонида 200–300 йил салтанат хонадонлари ва шаҳар майдон-

ларини безади. Гапнинг ростини айтадиган бўлсак, лола Европада қадр топди. Биз мегашаҳар маъмурияти бизга номаълум сабаблар билан унутилиб кетган анъанани тиклашга қарор қилдик, – деган эди.

Ўша-ўша, лола сайли йиллар оша тобора кенгайиб борди.

2010 йилдан бошлаб шаҳар мэри Истанбулда фаолият олиб бораётган хорижий ваколатхоналар раҳбарлари билан нонушта устида учрашув ўтказишни йўлга қўйди. Тадбирларнинг дастлабки учтаси мегаполиснинг гўзал манзарали, соҳилбўйларидаги ресторанларида бўлиб ўтди. Ҳокимбува чой устида сўнгги йилларда шаҳарда олиб борилган бунёдкорлик ишлари ва келажак йилда амалга оширадиган режалар тўғрисида ахборот берарди. Бу орада Қодир Топбаш хорижликларни қизиқтирган саволларга жавоб берар, мавжуд муаммолари бўлса уни ҳал этишга интилар эди.

2013 йилдан эътиборан ҳоким билан анъанага айланиб қолган нонушта-учрашув шаҳарнинг энг кўркем Истиние микрорайонидаги Босфор бўғози соҳили бўйида жойлашган Эмирган боғида ўтадиган бўлди.

Бу боғ тахминан XVII асрда ташкил топган. Усмонли султони Мурод IV уни эронли Эмир Гуне Хонга армуғон этади. Ундан кейин турли қўлларга ўтиб кетади. XIX асрда Султон Абдулазиз Миср бош вазири Исмоил Пошага беради. 1940 йилдан истироҳат боғига айлантиради.

Лола сайлининг расмий очилиш маросими ўтгач, хорижликлар боғда учрашув-нонуштага таклиф этиларди. Чойдан кейин эса ҳамма баравар боғни кезишга чиқардик.

Кенг чаманзорда лолалардан турли шакллар ясалган. Улар ичида ҳар хил лола рангларида ясалган шаҳарнинг герби, Истанбулнинг тарихий жойлари ва манзаралари акс этганини кўриш мумкин.

Боғдаги кичик «гилам» шаклида очилган лолаларнинг экилган тарихи, ранги ва бу рангнинг келиб чиқиши

тўғрисида лавҳалар ёзиб қўйилади. Бундан қаноат қилмаганлар учун ҳокимбуванинг атрофидаги мутахассислар эринмасдан лолалар тўғрисида батафсил маълумотлар беради.

Йилдан йилга лолаларнинг тури ҳам, ранги ҳам тобора кўпайиб борди. Биргина 2018 йилнинг ўзида бу 47,2 гектарлик боғда 125 турда уч ярим миллион дона лола экилди. Мен сўнгги қатнашган 2016 йилдаги лола фестивалида бу боғда 2 миллион 800 дона лола бўй кўрсатган эди.

Нонушта ва лола сайли тугагач, шаҳар мэри ҳар меҳмонни бирма-бир қўлини сиқиб, миннатдорлик билдириб кузатади. Эшикка чиқишда эса меҳмонларга тувакда очилиб турган лолалар ҳадя этилади.

Дарвоқе, шаҳарнинг лола сайли ўтадиган йирик майдонларда лола пиёзини сотиш ташкил этилади. У ердан истаган рангдаги лола пиёзини сотиб олишингиз мумкин. Сотувчи-мутахассислар уни қачон ва қандай экиб, етиштириш бўйича маслаҳатлар берадилар.

Лола етиштиришнинг ҳам ўз машаққати бор. Бу тенги йўқ чечак бор-йўғи 20-30 кун очилиб туради. Гўзал ўсимлик пиёзлари рангларини тўғрилаб, ерга қадаб, уни очилгунча 3-4 ой парваришланади. Лола ғунчалари тугагач эса ўсимликнинг пояси қирқиб олинади. Технологияга кўра, ўсимлик бор қувватини илдизига беради. Ёз ўрталарида илдиз ер тагидан чиқарилиб, пиёзлари тўплаб олинади ва қишгача махсус жойда сақланади.

Лола ана шундай етишади. Катта ҳафсала ва кучли ирода билан лола фестивалини тиклаганларга офарин, дегинг келади.





## ТУРҒУТ ЎЗАЛ ЎЛДИМИ – ЎЛДИРИЛДИМИ?

Бу савол Туркия жамоатчилигини 20 йилдан буён қийнаб келади. Тортишувлар, баҳс-мунозараларни асти қўяверинг! Аниқ жавоб йўқ, шунга қарамай, мазкур савол ҳамон кун тартибидан тушмаган, ора-сира қайта «бош» кўтарар, жавоб эса...

Турғут Ўзал Туркия тарихида ўчмас из қолдирган буюк арбоб ва шахслардан бири. Биринчи президент Мустафо Отатурк Туркия давлатини тузган, уни оёққа турғазган, дунёга танитган. Саккизинчи президент, яъни Турғут Ўзал эса давлатни ислоҳ қилган, мамлакатга эркинлик олиб кирганлиги билан тилга олинади.

Маълумки, М.К. Отатурк 1937 йили вафот этади. 1980 йилдаги ҳарбий тўнтаришдан кейинги илк сайловлардаги «Она Ватан» партияси ғалаба қозонади. Неча ўн йилликлардан кейин ҳукуматни ислоҳотчи Бош вазир Турғут Ўзал бошқаради.

1983 йилда янги Вазирлар Маҳкамасининг раиси иш бошлаганида мамлакатнинг иқтисоди анча таранг вазиятга тушган, аксарият халқ ночор аҳволда яшаётган эди. Фуқароларнинг чет элларга чиқиши деярли чекланган, фақат ҳукуматлараро келишуви бўлган Олмонияга ёлланма ишга бориш мумкин бўлган. Киссасида 10 доллар билан полиция қўлига тушган киши «хорижий валюта операцияси» айби билан узоқ йилларга ҳукм қилинар эди.

Турғут Ўзал Туркияни дунёга очди, Туркия дунё учун очилди, деб таъриф беришади тарихчи-сиёсатчилар унга нисбатан. У XX асрнинг кўзга кўринган сиёсатчиларидан бўлди. У тарихда новатор раҳбар, бозор иқтисодиёти талабгори, ислоҳотчи бўлиб қолди.

Унинг даврида мамлакатга чет эллардан замонавий технологиялар кириб кела бошлади, одамлар хорижга чиқиб иш ўрганишди, тажриба орттиришди. Бу даврга келиб, Европа мамлакатлари «экология бузиляпти», деб йирик саноатини четга чиқариш кампаниясини бошлаб қолди. Автомобиль заводлари, пахтани қайта ишлаш, ип йигирув, тўқимачилик фабрикалари ва бошқа саноат локомотивлари Туркиянинг турли вилоятларига кўчириб келтирилади.

Кенг кўламда мафия, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлайди. Ҳатто ўқотар қурол ва сигарета контрабандалари билан шуғулланувчилар президентнинг ислохотларига зимдан қарши чиқиб, унинг оиласига таҳдидлар қилишгача боришади.

1988 йилнинг июль ойида партиянинг съезди бўлиб ўтаётган мажлислар залида Картал Демиарг исмли жиноятчи Турғут Ўзалга қарата икки марта ўқ узади. Давлат раҳбари бахтли тасодиф туфайли омон қолади, лекин унга нисбатан таҳлика-тажовуз бу билан барҳам топмайди.

Давлат раҳбари Туркиянинг бугун ҳам бошоғриғи бўлиб турган курд айримачилари билан музокаралар бошлайди. Чет элда яшаётган Абдулла Ожалан билан хат алмашувларини йўлга қўяди. Аммо атрофдаги ислохотларни сингдиrolмаётган, уларни қабул этолмаётган баъзи сиёсатчилар Бош вазирни бу йўлдан қайтаришга уринадилар.

Туркиянинг еттинчи президенти Кенан Евреннинг етти йиллик муддати тугагач, 1989 йилдаги президент сайловларида Турғут Ўзал Фетҳи Челикбаш рақибини ортда қолдириб, парламентдаги учинчи тур сайловларида 263 овоз билан давлат раҳбарлигига сайланади.

1993 йил. Совет Иттифоқи тарих саҳнидан тушган, миллий республикалар ўз мустақиллигини эълон қилганига ҳам икки йил тўлмоқда. Айна баҳор айёми Турғут Ўзал Марказий Осиёнинг тўрт мамлакати – Ўзбекистон

(4–7 апрель), Қирғизистон (7–9), Қозоғистон (9–11), Туркма-нистон (11–13) ва Озарбайжонга (13–15 апрель) ташриф буюради. 12 кун давом этган бу ташриф чинакам маънода-ги воқеа эди. Табиий, Турғут Ўзал бу кетма-кет ташрифла-ридан муайян хулосаларга келган, дунё ҳамжамиятига, хоссатан туркий давлатлар халқларига кутилмаган режа-ларни дилига тугган бўлиши муқаррар эди. Бироқ... юк-сак мавқеларда ташкил этилган ташрифлардан кўп ўт-май ватанига қайтган Ўзал оғир касалликка дучор бўлади. Хос шифокорлар бор маҳоратларини сафарбар этадилар, афсус барча саъй-ҳаракатлар наф бермайди – Туркия пре-зиденти Турғут Ўзал 17 апрель куни вафот этади. «Қазо эт-ганимда мени Истанбулда дафн этинглар, қиёматга қадар Фотиҳ Султон Меҳметнинг маънавий руҳияти ёнида бўлишни истайман», – деган васияти амалга оширилади.

Ўзбекистон сафари давомида Бухорога ҳам боради. Бу қадимий шаҳарнинг инфраструктураси етарли бўлма-гани учун кичик самолётда ихчам ҳайъат билан келади. Улар орасида «Ихлос» ахборот агентлиги бош директори Февзи Қаҳрамон ҳамда журналистлар Мужоҳид Орен ва Сервет Кабаклилар ҳамроҳлик қиладилар.

Нақшбандийнинг оналари ва ўзларининг қабрлари-ни зиёрат этишади, икки ракат намоз ўқиб чиққач, Турғут Ўзал кўз ёшлари билан узоқ дуо қилади.

Ф.Қаҳрамонга: «Бу муқаддас жойдан тупроқ ол, уни онамнинг қабри устига обориб сепаман, – дейди Ўзал жа-ноблари. Бироз тин олгач – мен вафот этганимда қабрим-нинг устига ҳам шу тупроқни ёясизлар», – деб топшириқ берган экан.

Астағфируллоҳ, деб гапириш керакки, икки ҳафта ўтар-ўтмас унинг васияти амалга ошади!

– Шундай қилиб, Истанбулда, раҳматли Ўзалнинг қабрида Бухоро тупроғи бор, – деб бу ҳикояни менга айтиб берган эди профессор Невзат Ялчинтош.

Турғут Ёзал 1927 йилда Малатия вилоятида туғилган. Истанбул техника университетининг электрмуҳандиси мутахассислигини битиради. Американинг Техас университетиде иқтисодий билимларини оширади.

Раҳматлининг аёли Семра Ёзал турмуш ўртоғининг ўз ажали билан ўлмаганини йиллар давомида иддао этиб келади. Ҳатто Турғутбейнинг соч толасини АҚШга олиб бориб, таҳлил қилдирди, деган гаплар юради.

Ўша пайтда соч толаси қаердан чиқди, деган гапларга, меҳрибон хоним «хотира учун сақлаб юрган эдим», деб жавоб беради.

Туркия қонунчилигида 20 йил ичида исталган жиноятни қайта кўриб чиқиш муддати белгилаб қўйилган, ундан кейин чиқадиган даъволар кўриб чиқилмайди.

Семра хоним турмуш ўртоғининг ҳаётда ҳеч бир жиддий касал бўлмагани, унинг беҳосдан юраги тўхтагани чуқур таҳлил қилинмасдан зудлик билан дафн этиб юборилганидан шубҳаланади. Турғутбейнинг заҳарлаб ўлдирилгани тўғрисидаги тахминларни Президент Абдулла Гулга етказди. Оиланинг саъй-ҳаракатлари ижобат бўлиб, мамлакат раҳбари ижозати билан Давлат назорати қўмитаси ўлим билан боғлиқ барча тафсилотларни ҳужжатлар асосида қайта текширув ўтказди.

Ярим йилдан зиёд вақт давомида 19 йил илгари Турғут Ёзалнинг оила аъзолари ва у билан бирга ишлаган сарой маъмурларию ходимлари, хавфсизлик идоралари масъуллари-ю саройга боғлиқ барча катта-кичик мансабдорлар билан суҳбатлар ўтказилади.

Суриштирув ва таҳлиллар тугагач, Қўмита томонидан тузилган 12 кишилик сараланган тиббиёт мутахассислари гуруҳининг мамлакат раҳбарига берган 625 саҳифалик хулосаси ичида эксгумация қилиш, жасаддан намуналар олиш таклиф этилади.

2012 йилнинг 2 октябрь куни, яъни дафндан сўнг ораддан 19 йил ўтгач қабр очилади!

Қабр очилишига, мурданинг безовта этилишига қарши чиққанлар ҳам бўлди. Ҳатто айрим уламолар Ўзал оиласининг Аллоҳ қарғишига қолиши билан кўрқитдилар.

Бу тадбирга ниҳоятда катта тайёргарлик кўрилди, прокуратура, хавфсизлик тизимлари, суд-тиббий экспертиза, дин уламоларидан иборат салоҳиятли комиссия тузилди. Турғут Ўзалнинг жанозаси давлат миқёси даражасида қандай ташкил этилган бўлса, эксгумация маросими ҳам шундай ўтади. Қабристон атрофи ҳуқуқни идора этиш ходимлари томонидан ўраб олинади.

Давлат арконлари ҳам, халқ ҳам раҳматлининг жасади қай аҳволда экан, деб хавотирда эди.

Комиссия саҳарлаб иш бошлаган пайтдан бошлаб, то жасад Истанбул суд-тиббиёт экспертизаси муассасасига олиб борилгунча давлат ва хусусий телеканаллар «жонли» репортажлар олиб боришади.

Мулоқотлар давомида мутахассислар қабр очилиши муносабати билан дин уламолари, мутасаддилар, олимлар, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари Давлат назорат кўмитасининг хулосалари тўғрисида гапира бошлашди.

Турғут Ўзалнинг қабри қайта очилгач, жасаднинг катта қисми ҳеч бир ўзгаришсиз, абадий уйқуга қандай кетган бўлса, шундай ҳолатда қолгани кўрилди. Водариғ!

Бу хабарга ишонч билдирмаганлар ҳам топилди.

– Турғут Ўзал Аллоҳнинг севган бандаларидан эди, шунинг учун Яратганнинг ўзи унинг жасадини ҳам азиз қилди. Тарихдан бу каби азизу авлиёларнинг хоклари ҳечам чиримаган ҳолда бўлгани тўғрисида етарли даражада мисоллар бор, – деб шарҳлар бердилар дин уламолари.

Ўзбек халқининг ардоқли, маърифатпарвар, ватанпарвар шоирларидан Фурқатнинг Ёркентдаги қабри 1958 йилда зилзила туфайли кўчирилганда жасаднинг бош қисми тириклигидаги ҳолда турган...

Хабарларда, шунингдек, Турғутбейнинг қабри яқинида сув дренажи ўтгани учун доим нам бўлиб тургани тўғрисида изоҳ ҳам тарқатилди.

Турғут Ўзал даврида Соғлиқни сақлаш вазири бўлган Халил Шивгин «давлат раҳбарининг ўлимида кўп шубҳалар бор. Масалан, саройда фавқулодда вазиятлар режаси ишлаб чиқилмаган эди. Касалланган Турғутбейни сарой яқинидаги хастахонага элтиш ўрнига узоқдагиси танланган. Мен шахсан Чанкая саройига янги «Тез ёрдам» автомобили ажратган эдим, тушунарсиз сабаблар билан у манзилда фойданилмади. 1964 йилда ишлаб чиқарилган «Тез ёрдами»ни ишлатишда давом этилди», деб баёнот берган эди вазири.

Заҳарлаб ўлдирилган, деган тахминлар узоқ давом этди. Улар орасида ҳарбийлар айбланиб тилга олинди, чунки раҳматли 80-йиллардан кейин армиянинг давлат ишига аралашини анча чегаралаб қўйган эди.

Турғутбейни янги Усманийлар давлатини тиклаш ташаббускори, деб ҳам айблаганлар бўлди. Турк дунёсини бирлаштириб, буюк ҳамдўстлик тузмоқчи, деб ҳам кўришди. Минтақада лидерликка даъвогар, деб шубҳа ҳам қилинди ва ҳоказо.

Оммавий ахборот воситалари 1998 йилда Семра хоним яшаётган уйга бегона киши уни сўраб келгани, хоним афандининг ташқарига чиққанидан хабардор бўлгач, кўриқчига «Ўзалнинг Glikonoginoid препарати билан ўлдирилганини, жиноятчининг Озарбайжонда яшириниб юрганини айтиб чиқиб кетади», – деган хабар тарқалди.

Аслида Турғут Ўзал роппа-роса бир йил аввал турк жумҳуриятларига ташрифларни мўлжаллаган эди. Ўзаро маслаҳат чоғида Бош вазири Сулаймон Демирэл бу давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш устувор вазифа эканини уқтириб, биринчи бўлиб, қардошларнинг зиёратига боради. Эҳтимол ўша пайтда бу

«разведка ташрифлари» тўғри бўлгандир. Агар жаноб Ўзал бу ташрифда биринчи бўлганда оқибати нима тугарди?

Турғутбей Ғарб давлатларининг турк жумҳуриятларига нисбатан «фотиҳа»сини олган, аммо у кўздан қочирган, хаёлига келмаган «учинчи кучлар» эса эҳтимол, унинг ниятини амалга оширишга халақит берди. У орзу қилган «бирлашув»ни асталик билан, аввало, иқтисодий муносабатларда ҳамкорликда бошлаш керакмиди!

Хуллас, эксгумация натижаларига кўра, Турғут Ўзал тўртта заҳарли модда – ДДТ, америций, кадмий ва полоний билан заҳарланган, деб топилди. Буларнинг жасаддаги миқдори нормадагидан ўн баробар ортиқ чиқади. Ана, сизга ҳақиқат! Мана сизга фавқулодда ўлим сабаблари! Фан-техника тараққий топгани сайин тирик юрган инсоннинг жонига қасд қилиш усуллари ҳам ривожланмоқда, кўз кўриб-қулоқ эшитмаган кимёвий дорилар воситаси-ла исталган инсоннинг умрига зомин бўлиш, энг даҳшатлиси, бунинг олдини олиш ёки давосини топиш мумкин бўлмайдиган даражада мураккаблашиб бораётган бир замонда...

Тургут Ўзалдай инсоннинг бевақт вафоти кимга, кимларга зарур бўлди? Кимлар тиш қайраган эдилар бу инсон жонига?

Таассуфлар бўлсинким, алламбало атамалардан иборат заҳарнинг собиқ президент организмга қандай тушиб қолгани ҳали-ҳамон номаълумлигича қолмоқда...





## РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.В.)НИНГ ИСТАНБУЛДА САҚЛАНАЁТГАН АШЁЛАРИ

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Константинополь шаҳрининг фатҳ этилишига доир ҳадислари тўғрисида батафсил ҳикоя қилган эдим. Усмонли султонлари борган жойларида ўша-ўша Аллоҳ расулига оид ашёларни тўплаб келишни одат қиладилар. Натижада Туркиянинг кўплаб вилоятларида, айниқса, Истанбулда бу каби азиз ва муқаддас нарсалар ниҳоятда кўпдир.

Истамбулнинг «Хирқаи шариф» масжидида йилда бир марта ажойиб кўргазма бўлиб ўтади, унинг очилишида, албатта, давлат арконлари, хусусан, Президент ёки Бош вазир қатнашади. Рамазон ойининг 30 куни давомида эрта саҳармардондан одамлар навбат олишга ошиқадилар, соатлаб навбатда туриб, уни кўриб кўзлари ёшларга тўлади. Кимларнинг хаёлларидан нималар кечади, фақат Яратганининг ўзига аён.

Бу ерда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Меърожга кийиб чиққан хирқа-кўйлаклари намойишга қўйилади. У нимқоронғи хонадаги катта ойнаванд қути ичида сақланади. Зиёратчилар унга 30–40 сония назар ташлашгагина улгурадилар. Тўхтаб, дуои фотиҳа ўқишга фурсат йўқ. Бу муқаддас хирқани ўзим икки марта зиёрат этганман, кейин онамни ҳам у ерга олиб бориб, ҳайратларга тўлдирганман, дуоларини олганман. Ҳануз бу мавзуда суҳбат очилганда, кўзларига ёш келади, қўллари кўкка бўй чўзади.

Расули акрам (с.а.в.) – Увайс Қараний ҳазратлари билан замондош. У киши мусулмонликни қабул этади. У кўзлари сўқир онаси билан Яман тарафларда яшайди, волидаси-



дан изн олиб, Мадинага Пайғамбаримиз (с.а.в.) зиёратига боради ва уларни кўролмайд дарҳол орқага, онаизорнинг ёнига шошилади. Ҳадисларда Муҳаммад (с.а.в.) ва Увайс Қаранийга «яхшилик ва эҳсонда ҳақиқатнинг хайрлисидирлар», деб таъриф берилади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг вафотлари яқинлашгунча, атрофдагилар «Хирқаи шарифни кимга берайлик», – деб сўрашади. «Увайс Қаранийга», деб жавоб берадилар.

Беш йилдан сўнг Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Али Яманнинг Куфа шаҳрига келиб, нежд халқи орасидан Увайсни қидирадилар. Уни таниган-билганлар у ҳақда яхши фикр билдиришмайди. Хусусан, одамларга қўшилмайдиган, халқдан ажралиб ўзича қандайдир юмушлар билан банд бўладиган, халқ билан овқат емайдиган, ўйин-кулгунни билмайдиган, деб таъриф беришади.

Саҳобалар унинг хонадонини топиб борганларида Увайс намоз ўқиётган экан. Салом-алик тугагач, ундан ўнг қўлини кўрсатишни сўрашади. Унинг қўлидаги Пайғамбаримиз (с.а.в.) баҳс этган белгини кўриб, унга ҳурмат кўрсатадилар ва Расули акромдан салом келтирганликларини айтадилар. Увайс ҳам шу заҳоти уларга жавобан: «Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг хирқаларини менга беринг, дуо қилай», – дейди!

Увайс Қараний Сиффин урушида шаҳид бўлади, фарзанди бўлмагани учун хирқаи шариф укаси Шаҳобиддинга мерос бўлиб қолади. Шаҳобиддиннинг оиласи ва фарзандлари воситасида бу муқаддас либос аввал Эрон ва Ироқларда бўлиб, охири Онадўлуга етиб келади.

Султон Аҳмад I (1603–1617 йиллар) жануби-ғарбий Онадўлуда сақланиб келинаётган хирқаи шарифни Истанбулга олдиради. 1611 йилда Увайснинг 57-авлодини топтириб, уни оиласи билан Истанбулга таклиф этади, меҳмондўстлик кўрсатиб, уларни уй-жой билан таъминлайди.

Султон Абдулмажид (1774–1789 й.) бугунги «Хирқай шариф» масжидини бунёд эттириб, муқаддас кийимни шу ерда халққа намойиш этишга фармон беради.

Салкам бир ярим минг йиллик бу муқаддас ашёнинг замонамизга зарра қадар шикаст етказмасдан келганининг ўзи ажойиб бир воқеликдир.

Юқорида айтиб ўтганимдек, подшоҳлар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муқаддас ашёларини тўплашда жонбозлик кўрсатганлар. Хусусан, Ёвуз Султон Салим (1512–1520 й.) Мисрдан қайтишда Расули акромнинг эчки терисидан тикилган кенг енгли Хирқай Саодатни, Санжаки шариф – қорангли байроқ, Налеини Саодат – шиппакка ўхшаш оёқ кийимлари, Қадаҳи Шариф – сув ичадиган пиёла, Қадами шарифлар, қиличлар, ёй, Уҳуд жангида синган тишлари ва бошқа бир қанча парчаларни олиб келади. Уларни саройга жойлаштириб, 40 нафар ҳофиз томонидан тинмай Қуръон ўқитиб туради. Бу тиловат анъанаси бугунги кунимизда ҳам давом этмоқда.

Отаси Ёвуз Султон Салим вафотидан кейин унинг ўғли Қонуний Султон Сулаймон (1520–1566 й.) тахтга ўтиради. У йиқилган масжиди Набавийнинг бир минорасини қайтадан тиклайди. Мадинани ташқи босқиндан сақлаш мақсадида шаҳар атрофини қалъалар билан ўраттиради. Катта-кичик сарой, уйлар, ҳаммомлар каби турли иншоотлар бунёд эттиради.

Қонуний Султон бир кун тушида Аллоҳ Расули (с.а.в.)ни кўради ва уларнинг ишоратлари билан Сулаймоний масжиди қурилишини бошлатади. Айни ўша пайтда масжид бош устаси меъмор Синан ҳам Султон билан бир хил туш кўради (!).

Каъба атрофидаги куббали равоқлар Султон Салим II (1566–1574 й.) дан хотира бўлиб қолган. Мурод III даврида масжидларда Мавлуд кечалари ўқиш бошланган, шунингдек, бу тадбирларда подшоҳлар иштирок этишган ва минораларда қандил ёқилган.

Меҳмет III (1595–1603 й.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) номи-ни ҳар эшитганида ўрнидан туриб кетишга одатланган эди. У ҳам Эгри сафаридан қайтишда Хирқаи Саодат ва Санжаки шарифни Истанбулга олиб келади.

Султон Аҳмад I (1603–1617 й.) Қоҳирадаги Султон Каитбай мақбарасида сақланаётган Қадами шарифни пойтахтга келтиради, аввал уни Айюб масжидига, кейин эса Султон Аҳмад масжидига қўйдиради.

Каъбадаги масжидга еттинчи минорани қурдирган ҳам Фотиҳ Султондир (унинг тарихи аввалги бобларда келади), замзам суви қудуғига темирдан махсус мослама ўрнатган ҳам шу подшоҳдир. Каъбатуллоҳга бўлган буюк ҳурмати юзасидан уни олтин ёки кумуш ғиштлардан қайта қуришни мўлжаллайди. Аммо дин уламолар бунга изн бермайдилар.

Султон Маҳмуд II (1808–1839 й.) Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг аёллари қабрлари устидаги қуббани янгидан қурдиради ва уни яшил рангга бўятади, бугун ҳаж зиёратига борганлар Қуббаи Ҳадра, деб зиёрат этадилар уни.

Султон Абдулмажид (1839–1861 й.)нинг Истанбулдан юборган меъмор, муҳандис ва усталари Масжиди Набавийни ўн уч йил давомида таъмирдан чиқарадилар. Бу ишлар учун Мадина яқинидаги тоғлардан келтирилган қизил тошлардан фойдаланилади.

Шунингдек, бу султон Расули акрам (с.а.в.)нинг муборак бошлари ва оёқ учларига ҳар бири 48 килограммли соф олтиндан ясалган шамдонларни жўнатади. Бундан ташқари, Султон Абдулмажид Каъбанинг атрофини ёритиш учун уч мингдан ортиқ турли қандиллар қўллаган.

Абдулҳамид IIга (1876–1909 й.) Францияда ва кейин Англияда Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ҳақоратловчи спектакль намоиш этиш режалангани тўғрисидаги хабар етиб келади. Мамлакат ичидаги ниҳоятда ўтқир зиддиятга қарамай, дипломатик йўллар билан бу театр ижросини тўхтатишга муваффақ бўлади.

Бутун мусулмонлар бир-бирларининг тилларини яхши тушунишлари учун Мадинада Луғатлар таълими мадрасасини бунёд эттиради.

Муқаддас жойларга етишишни қулайлаштириш мақсадида Ҳижоз темир йўлини қурдиради. Бунинг учун султон 1464 километрли Истанбул–Мадина шаҳарлари орасидаги темир йўл иншоотида, асосан, мусулмонлар кучидан фойдаланади. 1900 йилда бошланган лойиҳа Абдулҳамид II нинг тахтга ўтирганига 33 йил тўлиши муносабати билан 1908 йилнинг 1 сентябрида расмий очилиш маросими бўлиб ўтади. Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларидан ўтган темир йўл 1919 йилга келиб, тарихий воқеалар туфайли бутунлай ҳаракатдан тўхтади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг юртдошлари Султон Рашад (1909–1918 й.) даврида Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг Хирқаи Саодатни Қуниё шаҳрига кўчиришни илтимос қилдилар. Подшоҳ бунга розилик бермайди: «Бу муқаддас ашёлар Истанбулда тургунча бу ерга душман ҳамла қилолмайди».

1916 йилда қаттиқ сел келиши оқибатида Каъбанинг устунлари анча зарар кўради. Султон Рашад уларни алмаштириш ёки таъмирлаш режасини тузганди, лекин Биринчи жаҳон уруши сабабли у амалга ошмай қолади.

Пайғамбар (с.а.в.)га оид бўлган Истанбулда сақланаётган айрим ашёлар тўғрисида маълумотлар беришга ҳаракат қилдим. Уларнинг деярли барчасини кўришга муваффақ бўлганимдан бугун яна бир бор Аллоҳга шукроналар келтираман.



## МЕЪМОР СИНАН

Ишониш қийин, аммо факт: бутун умри давомида ўзидан 375 та тарихий асар, шулардан 81 та масжид, 51 та жоме (кичик масжид), 55 та мадраса, 26 та «Дорул-курра» (Қуръон ўқийдиган маскан), 17 та мақбара, 17 та иншоот биноси, 3 та шифохона, 5 сувйўли, 8 та кўприк, 20 та карвонсарой, 36 та сарой, 8 та сув омбори ва 48 та ҳаммом!

Буларни санаш осон, уларни бирма-бир зиёрат этиш учун йиллар керак, чунки уларни нафақат Истанбулда, Туркиянинг бошқа вилоятларида, Яқин Шарқ мамлакатларида учратиш мумкин.

Бу асарлар ва уларга тааллуқли бўлган шахслар номларининг кўпини китобхонлар «Муҳташам юз йил» турк сериалида кўрган бўлишлари керак.

Хўш, бу саналган тарихий асарларнинг муаллифи ким?

Усмонли салтанатининг бош меъмори ва иншоот муҳандиси меъмор Синан Абдулманнон ўғлидир (1489–1588 йиллар). Ёвуз Султон Салим, Сулаймон I, Салим II ва Мурад III ҳукмронлик даврларида яшаб хизмат қилган.

Асли исми Синанеддин Юсуф Қайсарининг бугунги номи билан Агирнас қишлоғида туғилган. Оиласининг келиб чиқиши аниқ эмас, ё армани, ёки римлик ва ёхуд турк христиани деб билинади. 1511 йилда Ёвуз Султон Салим замонида Истанбулга келади, мусулмонликни қабул этади ва ўша йили Султоннинг Миср сафарида илк бора меъмор сифатида қатнашади.

1521 йилда Қонуний Султон Сулаймоннинг Белград сафарида янги аскар, 1522 йилдаги Родос сафарида отли суворий, 1526 йилдаги Можаристон урушида кўрсатган

жасоратлари туфайли гуруҳ қўмондони, кейинчалик замбаракчиларнинг бошлиғи этиб тайинланади.

1533 йилда Султон Сулаймоннинг Эронга сафари давомида Ван кўлидан қарши томонга ўтиш йўли берк бўлади, меъмор икки ҳафтада учта кўлбола кема ясаб, катта эътибор қозонади. Хуллас, 17 йил ҳарбий ишларга аралшиб юриб, 49 ёшида бош меъмор лавозимига лойиқ топилган Синан яна 49 йил меъмор бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, аскарлик даврида ҳам меъморлик ишларини баробар олиб юрган. Бош меъморликдан аввал уч асари диққатдир: Ҳалаб (Алеппо)даги Хусравия куллияси (Сурия), Гебзадаги Чўпон Мустафо ва Истанбулдаги Хасеки куллияларидир (яъни мажмуа, унга масжиддан ташқари мадраса, кутубхона, ҳаммом ва бошқа иншоотлар киради).

Синаннинг учта йирик асарига алоҳида тўхталиш лозим. Улардан илки Истанбулдаги Шаҳзода масжидидир. Тўртта қуббанинг ўртасидан чиқарилган қубба шаклида қурилган бу масжид меъморнинг қолган асарлари учун намуна бўлиб қолади.

Султон Сулаймон бу масжидни 22 ёшида вафот этган ўғли шаҳзода Меҳмет учун атаб қурдиради. Бу асарнинг 1543–1548 йиллардаги қурилиши давомида ички безакларда турли рангдаги чиннилардан фойдаланилган. Бу ерда Меҳметдан ташқари шаҳзода Жаҳонгир, Ҳумошоҳ Султоннинг қабрлари бор.

Сулаймоний масжиди (1550–1557 йиллар) меъморнинг Истамбулдаги энг муҳташам ёдгорлигидир. Ўзи айтганидек, усталикка етишган даврида ишланган асар бўлган.

Масжиднинг баландлиги 53 метр, табиий ёруғлик тушиши учун уста 32 та дераза очган. Ёғда ёқиладиган лампаларнинг ислари тепага кўтарилгач, уларни бир катта хонага тўплаб, кейин ташқарига чиқиб кетиши тадбири ҳам олинган.

Шунингдек, унинг теграсида мадраса, кутубхона, шифона, ҳаммом, хазина ва жами 28 иншоотлардан иборат мажмуа бор.

Султон Сулаймон ва унинг хоними Хуррам султонга атаб бунёд этилган алоҳида шинам мақбаралар ҳам масжиднинг ҳовлисидан жой олган. Профессор Илбер Ортайлининг билдиришича, «Муҳташам юз йил» сериали бошланиши билан мақбарини зиёрат этувчи маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар сезиларли даражада кўпайган.

Қурилиш давомида Синаннинг душманлари унинг масжид ўртасига ўтириб олиб, норгил – чилим тортиб ўтирганини султонга етказдилар. У ҳам зудлик билан етиб келиб, ғазабини яшириб, нима қилиб ўтирганини сўрайди. Бу ҳақдаги ҳикоя аввалги боболарда батафсил келтирилган.

Синаннинг энг буюк асари эса 86 ёшида бунёд этган Эдирнедаги Селемия масжидидир (1575 йил). «Буни энг уста бўлиб етишган давримда қурганман», – деб ўзи эътироф этган.

Уч бўлимдан иборат масжиднинг ичи 1620, ҳовлиси билан ҳисоблаганда 2475 квадрат метр сахнда бунёд этилган. Қуббасининг баландлиги 43,28 метр, яъни Аё София музейидан ҳам баланддир.

Минбар ва меҳроблари мрамрдан ясалган.

Бу бунёдкорлик ишларидан ташқари, Синан кўпгина иншоотлар, сувйўллари, кўприklar ва бошқаларнинг таъмир ишлари билан банд бўлган. Айниқса, унинг Аё София мажмуасининг таъмирига анча меҳнати сингган. 1573 йилда унинг қуббасининг атрофини тўла мустаҳкамлаш ишлари билан шуғулланади. Бунинг натижасида ўша қуббалар бугунги кунимизга қадар бус-бутун етиб келгани айтилади.

375 асардан 100 тасини Истамбулда бунёд этган. Усмонлининг илк денгиз капитани Хайриддин Поша Барбарос мақбараси, Атик Волида султон куллияси, Иброҳим Поша саройи (Турк ислом асарлари музейи) ва бошқалар бор.

Синан аскар ва меъморлик ишлари билан машғул бўлгани тўғрисида гапириб ўтган эдик. У оддий инсон каби севги-муҳаббатни бошидан кечирганмиди, деган табиий саволга турк халқи ҳалиям тўғри-дуруст жавоб ололмаган.

Форсчада ой ва қуёш маъноларида келадиган Султон Сулаймоннинг қизи Меҳрумоҳ 17 ёшга етганида турмуш қуриши тўғрисида гап очилади. Ўшанда султонга қуёвлик учун икки номзод ўртага чиқади. Бири Диёрбақир волийси Рустам Поша ва бошқаси меъмор Синан. Аммо у пайтда меъмор оилали, бола-чақали бўлган ва ёши элликларга бориб қолган эди.

Рустам Поша билан ҳаётлари бирлашгандан кейин бир кун Меҳрумоҳ меъмор Синанни ҳузурига чақириб, Истанбулнинг гўзал жойида ўз номига масжид қуришни топширади. Шундай қилиб, бу гўзал хонимга атаб 1540–1548 йилларда Ускударда Искале масжиди қурилади.

Орадан 14 йил ўтгач, хоним афанди меъморни такрор ҳузурига чақириб, яна битта ўзига атаб масжид бунёд этишни илтимос қилади. Бу эса 1562–1565 йиллар орасида Эдернекапи қишлоғида ичида чашма, ҳаммом ва мадрасаси бўлган Меҳрумоҳ масжидидир.

Севгилисининг висолига етишмаган уста бутун зикру ҳаловатини, меҳру муҳаббатини шу икки масжид қурилишига сарфлайди. Бу бунёдкорлик асносида чиққан яна бир сир кейинчалик ошкор бўлади.

Математика ва геометрияни ниҳоятда яхши билган уста яна бир «усталик» қилади ой ва қуёш исми гўзал қизга монанд равишда бир ишни амалга оширади. Йилнинг апрель ва май ойларида бор-йўғи бир неча кун масжиднинг орқа томонида қуёш ботаётганида ой туғилиши кўринади!


Синан ва Меҳрумоҳ ўртасидаги севги можароси тўғрисида 1970 йилда спектакль ҳам қўйилган. Фозил Ҳайоти Чорбажиоғли томонидан саҳналаштирилган бу асар анча муваффақиятли чиққан.



Профессор Илбер Ортайлидан бу муҳаббат ростданам бўлганми, деб сўраганман.

– Бу ошиқ-маъшуклик можароси тўғрисида ҳеч қандай хат-хужжат чиқмаган. Бу фантазия, афсона, холос. Салтанатнинг бош вазири султоннинг куёви Рустам Поша бу каби ошиқ воқеаси бўлганида, ким бўлишидан қатъи назар, уни калласидан жудо қилиши аниқ эди, – деб ишонтирган эди мени олим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, меъмор Синаннинг Истанбулдаги асарларининг ярмидан кўпини кўрганман, зиёрат этганман. Дарҳақиқат, буюк уста ўзига ҳайкал яратиб кетганига шубҳа қилмайди киши. Бу зиёратларга чоғланишдан аввал унинг кичик тарихи билан танишиб йўлга чиқилса, йўл-йўлакай устанинг фаҳми фаросатига чин юракдан тасанно айтади инсон беихтиёр.





## ИСТАНБУЛДАГИ ЎЗБЕК ЕМАКХОНАЛАРИ

Туркияда оддий сув ёки товук сувида қайнатилган гуручни «пилав» дейишади. Унинг мазмунини бойитиш учун турли сабзавотлар, майда тўғралган хамирмиди, бироз товук ва бошқа нарсалар қўшиб ҳам пиширилади. Муҳими бу емакда гуруч иштирок этиши! Қолгани чикора! Илк бора «пилав» билан танишганимизда бу паловга ҳақорат-ку, деб юборганмиз!

Орқадослар бизда «ўзбек пилави» ҳам кенг тарқалган, деб вазиятни юмшатишга уринишган. Ресторанга олиб боришиб, бу овқатдан буюртма қилишди. Бир кўришда ҳамма нарса солингандек: гуруч бор, майда тўғралган гўшт ва қизил сабзи мўралаб қўяди. Таъми... ўзига хос, аммо ҳеч қачон биз билган, биз севиб истеъмол қиладиган, жонимиз-фахримиз, кунига икки марталаб есак ҳам меъдага тегмайдиган палов бўлолмас!

Истанбулда бизнинг палов учун ошнинг барча хоми бор, ҳатто гуручи ҳам. Камчилиги фақат сариқ сабзи ва думба йўқ. Шунинг учун Туркияга ёки бу ердан бошқа мамлакатга ўтиб кетаётган транзит йўловчилардан сариқ сабзи ва думба олиб келишларини илтимос қилардик. Бу давлатда танқис бўлган ўзбек паловининг асосий малзамаси бизда доим бўлган.

Туркияда думба йўқ экан деб бироз бўрттирдим чоғи. Мамлакатимиздаги каби қанорларда осиб қўйиб гўшт сотиш йўқ, чунки бизнинг тасаввурдаги қорақўчқорнинг ўзиям йўқ. Маълумингизким, чет элларда етиштириладиган қўйлар, асосан, думсиз, думбасиз. Истанбул-

га борган илк йилларим уйдаги захира тугагач, хўжалик мудирини магазинлардан қидириб топиб келишни буюрдим. Қайтиб келиб ҳеч ўзини тутолмайди. Ҳа, десам тўрвахалтани очиб кўрсатди. Карс думба ўрнига майдалаб бўлаклаб ташланган думба парчалари!

Кейин билсак турли баҳоналарни рўқач қилиб турклар ҳам думба емас эканлар. Гўштлар магазин пештахталарига думбалардан тозалаб олиб чиқилар экан. Ейишга ярамайдиган «оқ» парчалар ташлаб юборилар экан.

Яқин турк дўстларимизга вақти бемаҳал ўзим паловхонтўрани ясаб, уларни сийлаб турардик. Муболағасиз, бу лаззатни бошқа ҳеч қаерда емаганмиз, деб алқаб кетишарди. «Қачон яна палов пишириб берасиз?» – илҳақ бўлишарди.

– Бу орада палов тайёрлаш технологияси билан қизиққанлар чиқиб қоларди. Астойдил ўрганиш учун савол берганларга эринмай жавоб берардик. Энг муҳими палов пиширишда учта технологияга қатъий амал қилиш кераклиги уқтириларди. Яъни палов шундай ажойиб емак турики, у Қовуриш, Қайнатиш ва Димлаш жараёнларига амал қилиш натижасида ҳосил бўлади. Масалан, шўрва фақат қайнатиб пиширилади, қовурдоқ қовурилиб, парҳез овқатлар эса димлаб, деб тушунтирилганидан кейин «Энди англадик нима учун ўзбек палови бундай лаззатли бўлишини», – деб алқашарди.

2006 йилнинг охирларида Тақсим майдонида уйғур дўстимиз Собир Догба «Марказий Осиё софраси», яъни «Марказий Осиё ошхонаси»ни очиб, менинг мушкулимни анча осон қилди. Унинг очилиш маросимида Истанбулда хизмат қилаётган МДХ давлатлари вакиллари олиб борганмиз.

Собир Урумчида туғилган, Москвада лицейни битирган, Истанбулда таълимини давом эттирган. Тадбиркорликни шу ерда бошлаб қолиб кетган. Кўли очик, дўстларга

меҳрибон, оилапарвар йигит. Тошкентда қариндошлари бор.

Ресторан тахминан икки йиллар атрофида ишлади, Тошкентдан ошпазлар олиб келди, овқатларнинг сифати анча дуруст эди. Очиги 60 кишилик емакхонанинг тўлиб турганини ҳеч кўрмадик. Ёғли овқатларимизни нозиктаъб орқадошлар бир-икки севиб истеъмол қиладилар-у кейин... кўнгиллари тусамай қолади. Палов пишириш технологияси бузилса, у тот чиқмайди – бу маълум нарса!

Даромад кам бўлгани учун уни ёпишга мажбур бўлади.

Ўшандан кейин беш-олти йил ичида Оқсарой-Лалили мавзеларида – катта бозор ҳудудларида 10–15 кишилик кичик овқатхоналар очила бошланди.

Росмана ўзбек овқатлари тайёрланадиган нуфузли «Меҳмон – Ўрта Осиё ошхонаси» 2010 йилда Оқсаройнинг бироз юқорироқ, шаҳар ҳокимиятига яқинроқ қисмида ишга туширишга шай бўлган пайтда ишбоши Аҳмаджон биз билан танишгани хизмат еримизга келди ва емакхона очилишга таклиф этди.

Ота-боболари Андижондан бўлган, ўтган аср бошидаги қирғин замонда Шарқий Туркистонга ўтиб кетишган. Ўзи Мустақиллик пайтида беш-олти йил Андижонда, Тошкентда тадбиркорлик билан шуғулланган. Истанбулда туғишган опаси оиласи билан яшар экан, уларнинг таклифи билан бу ерга ишлашга келиб қолган.

Почча Розик Есекенинг ҳам боболари Андижоннинг Асакасидан бўлишган, туғилган жой номини сақлаб қолиш учун кексалар уни фамилия қилиб олишган «ЕСЕКЕ» – Асака.

Маслаҳат билан рестораннынг очилиш маросимини бир ойга кечиктирдик, уни Наврўз байрами кунлари иш бошлашига таклиф этдик. Шаҳар ҳокимиятидан, бошқа нуфузли идоралардан вакиллар чақириб, чиройли ўтказишга келишдик.

Дарҳақиқат, тадбир ниҳоятда кўнгилдагидек ўтди – Истанбул волийси ва мэри ўринбосарлари, Марказий Осиё билан ҳамкорлик қиладиган турли идоралар вакиллари, дипломатлар қатнашишди.

Шу кунлари Истанбулда концерт бераётган Самарқанднинг «Эл мерос» гуруҳи бор эди. Хонанда Асаджон ака бошчилигидан кичик гуруҳни ресторан очилиш маросимида қатнашиб беришларини сўрадик.

Тадбир меҳмонларига том ўзбекча емаклар – қовурилган чучвара, патир нон, аччиқ-чучук ва Тошкентдан келтирилган сариқ сабзи ва гуручдан тайёрланган зарчавали палов тарқатилди. Пахта гулли чойнак-пиёла, тақсимча ва лаган-косаларнинг таърифини эшитиб, барча тадбир иштирокчилари ҳайратда қолишди!

Бир йиллардан кейин бу ресторан Лалили бозори ҳудудига кўчирилди. Соат 11:00да иш бошлаб, ярим кечаси 23:00 гача одам аримай қолди, емаклар рўйхатида биз севиб тановул қиладиган овқатларимизнинг бариси бор эди. Турк биродарларимиздан ташқари хўрандалар орасида мамлакатимиздан тижоратга келган ҳамшаҳарларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этадиган бўлди.

2013–2014 йилларда ўзбек емакхоналаримиз бодроқдай бирдан кўпайиб кетди, талаба йигитларимизни шаҳар айлантириб, атайин уларни санаттирганман. Айнан шаҳарнинг марказида роппа-роса катта-кичиклар сони қирқта чиққан.

2012 йилда «Самарқанд» деб номланган ресторанны ўзбек ва турк ишбилармонлари ҳамкорликда очишди. Икки қаватли жиддий тамаддихона бўлганди, кечқурунлари бу ерда ўзбек ва турк кўшиқлари «жонли» янграрди. Раҳматли Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Ориповни шу ерда меҳмон қилганмиз.

Емакхоналар ичида яна бир нуфузлироғи 2014 йилда фаолият бошлаган «Дипломат» ресторанидир, у Лалили мавзеидаги «Ўзбегим» ва «Чапа Тиб» маконлари оралиғи-

да жойлашган. Оппоқ дастурхон устидаги пахта гулли идиш-товоқлардан овқат ейиш иштаҳангизни очиши билан баробар кайфиятингизни ҳам кўтаради.

«Ўзбегим» ўзбек тадбиркорлари ташаббуси билан очилган бўлса, «Дипломат» биз билган Собир Догбага тегишли.

Бу ресторанларнинг «реклама»сини кўп қилдик, алоҳида-алоҳида дипломатларни ва бошқа ёру биродарларимизни олиб бордик.

Шундай қилиб, орқадoshлар учун ош пишириш ишидан бироз тин олганмиз...





## ИСТАНБУЛ СЕВГИСИ

Турк ҳамкасбларим яна сўрашди: Ватанингга қайтиб боргандан кейин Туркияни, Истанбулни соғинасанми, деб.

Ёлғон гапнинг кераги йўқ, ҳар ҳолда етук йигитлик давримнинг росмана 10 йилдан кўп вақтини ҳар томонлама тўла-тўқис юртда кечирганимдан кейин – соғинмайманми, деб уларнинг саволларига савол билан жавоб бердим.

Мухлисларим ҳам китобимда зикр этган хотираларимни ўқигач, жавобим адолатли ва тўғри бўлган, деган фикрга боришларига ишонаман.

Дипломатияда шундай удум борки, бир жойда узоқ йиллар ишлаганингдан кейин бора-бора сен «дуайен», яъни дипломатик корпус вакилларига раҳбар бўлиб қоласан. Унинг вазифаларини санаб ўтирмайман, хуллас, нуфузи баланд вақтинчалик амал бу! Унга кўра, маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг муносабати ҳам бошқача бўлади. Айтмоқчиманки, сўнгги 4–5 йиллар шаҳар ҳокими ўтказган расмий тадбирларда давлат протоколи тартибларига кўра, ҳамиша унинг ёнидан жой олганман.

Анъанавий нонушта атрофидаги учрашувларда дипломатик корпус номидан жавоб нутқи сўзлардим. Бир сафарида нутқимнинг охирида Истанбулга бағишланган туркча шеърни ўқиб бердим:

*Hârikasın İstanbul, sende ümit tükenmez  
En yoksul insan bile, sana asla gücenmez  
Senin eşsiz değerini, tekrar tekrar denenmez  
Hangi tepeden baksak, seni görmek ne güzel!*

Ўзбекчаси:

*Гўзалсан Истанбул, сендан умид туганмас,  
Энг йўқсил инсон ҳам, сендан асло хафа бўлолмас.  
Сенинг тенгсиз қадринг такрор-такрор синалмас,  
Қайси тепадан боқсак ҳам сени кўрмоқ не гўзал!*

2005 йилда телевизорда бу кўшиқни эшитиб, маъноси-ни тушунмаганим учун биттагина созда куйланган оҳангини севиб қолган эдим. Эрол Гунгор сўзи ва куйини ҳам ўзи басталаган. Кейинчалик шу тўрт қаторини ёдлаб олгандим.

Дастурхон атрофида ўтирган турк орқадошларимиз шеърни битиришим билан қарсак чалиб юборишди, ҳоким Қодир Топбош ҳам кўлимни секин сиқиб кўйди. Ёнма-ён икки соат ўтириб турли мавзуларда баҳс этамиз. Шулар орасида ҳоким: «Ростини айтинг, Истанбулни севдингизми?» – деб сўраганида «Шу ўқиб берган шеърим муҳаббатимни ҳақ этмайдими?» – деб жавоб бергандим.

Ҳокимиятнинг халқаро бўлим бошлиғи кейинчалик менга айтиб берганди: мэр бу шеърни алоҳида ва кўшиқни алоҳида ёздириб, расмий сайтга кўйган экан!

Китобнинг бобларидан бирида шунча йил бу шаҳарда яшаб, ўзимни ҳеч бегона ҳис этмаганимни айтган эдим. Буни кўп такрорлашдан чарчамайман. Расмий-норасмий инсонларнинг биз ўзбекистонликларга муносабати, меҳри муҳаббати алоҳида. Яширишнинг кераги йўқ, Марказий осиелик ҳамкасбларимиз бир даврада йиғилишиб қолсак, бизнинг суҳбатга кўшилмоқчи бўлиб келган ҳокимми ё волийми, ҳамма билан кўл олишиб чиққач, менга алоҳида самимий муносабатини кўрсатарди. Бундан, албаттаки, мен деганимда, Ўзбекистонни назарда тутяпман, даврадагилар эса рашкларини яширолмай, билдириб кўярдилар.



Ишхонамизга келиб турадиган таниш-билиш турк орқадощларимиз хонадонларида хизмат қилиб юрган опа-сингилларимиз тўғрисида фақат ижобий фикрлар эшитганини айтиб қолишарди. Отаси ёки онасига боқувчи кераклиги, ана шундай меҳнаткашлардан топиб беришни сўраган вақтлари ҳам кўп бўлган. Бизнинг аёллар уй-рўзғор ишлари, пишириш-куйдиришда ҳам, кекса ё бемор боқишда ҳам бошқа миллат хотин-қизлардан анча фарқ этишларини эътироф этишган.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, албатта, миллатимиз шаънига доғ туширганлар, оз бўлса-да, афсуски, учраб турарди. Баъзиларининг ҳаёти фожиавий тугаганини эсласам ҳалиям юрагим увишади.

Ўзбекларнинг турклар билан кўнгли яқин, деймиз. Аммо яна битта омил бор, у ҳам бўлса сўзларимизнинг 70–75 фоизининг бир хиллиги. Масалан, бош, калла, соч, қулоқ, бурун, ошқозон-меъда, қўл, оёқ ва ҳоказо. Ёки талаффузида биров фарқ бўлган саноқ сонлар: бир, икки уч, ўн, йигирма, юз, минг.

Эски бадий фильмларда фақат ота, она, нон каби сўзлар ишлатилган, баба, анне, екмек, дейилмаган, бора-бора улар шаҳарларда унутилишгача борган. Аммо қишлоқларда бу каби сўзлар ҳамон фаол қўлланилади.

Туркча гап тузилиши ҳам бир хил: аввалига эга келлади, кейин гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ва ниҳоят кесим!

Фақат орқадощлар сўзларни анча юмшоқ талаффуз этадилар, ҳарфлари ширали жаранглайди. Агар суҳбатдош уни дона-дона қилиб гапирадиган бўлса, ўзбек тили грамматикасини яхши билган ва сўз бойлигига эга одам унинг мазмунини дарров англаб олади.

Халқ мақолларининг аксарияти ҳам бир хил: Етти ўлчаб бир кес – İki ölç, bir biç; Олма пиш оғзимга туш – Armut piş, ağzıma düş; Пичоқ суякка қадалди – Bıçak kemiğe dayandı; Дўст ачитиб сўзлар – Dost acı söyler; Эски ҳаммом, эски тос –

Eski hamam eski tas; Ёмон хабар тез тарқалади – Kara haber tez (çabuk) duyulur; Ёиқилган курашга тўймас – Yenilen pehlivan güreşe doymaz; Қизим, сенга айтаман, келиним сен эшит – Kızım Sana Söylüyorum Gelinim Sen Anla (işit); Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар - Sütten ağzi yanan, yoğurdu üfleyerek yer; Сендан ҳаракат мендан баракат – Nerde Hareket Orda Bereket; Олов чиқмаган жойда тутун бўлмас – Ateş olmayan yerden duman çıkmaz; Пичоқ яраси битар дил яраси битмас – Bıçak yarası geçer, dil yarası geçmez; Тилнинг суяги йўқ – Dilin kemiği yok ва ҳока-золар.

Турк эртаклари ҳам «бир бор экан, бир йўқ экан» – «Bir varmış bir yokmuş» дан бошланади. Мазмун-моҳияти ҳам бир хил, уларда ҳам биздаги барча эртак қаҳрамонлари иштирок этади. Хуллас, уларда ҳам «эртаклар яхшиликка етаклар» экан.

Бобнинг бошидаги саволга қайтиб, айтмоқчиманки, Истанбулни соғинмадим, десам, ёлғон бўлади, ўша тарафларга ҳамон қуш бўлиб учиб кетгим келмаяпти, десам, рост гапирган бўламан. Телевизорда ҳужжатлими-бадийми фильмларни кўрсам диққатим дарров бир жойга жамланади. Ҳалиям турк телеканалларини томоша қиламан. Беихтиёр «мана шу жойларда яшаганман, мана шу жойларни кезганман, ёки мана шу одамларнинг суҳбатини олганман», деган ўй-фикр ўзидан-ўзи ўтади. Кайфиятим кўтарилади, хурсанд бўлиб кетаман, Яратганга ҳамдлар айтаман.

Шаҳар мэри Қодир Топбош билан «нонуштали учрашувлар»да ёнма-ён ўтирганда турли мавзулар муҳокама қилганларимизни айтиб ўтган эдим. Бир сафарида шундай таклиф айтдим.

Бу муқаддас шаҳарда элчи бўлган катта дипломатлар ҳам ишлайди, деб мисоллар келтирдим. Хусусан, мен янги келган пайтимда Буюк Британия Бош консули Барбара Хей эди. У киши бир неча йиллар аввал мамлака-

тимизда Элчи бўлиб хизмат этган эди. Турли тадбирларда кўришиб қолганимизда: «Аброр, мен Ўзбекистонга боришни хоҳлайман», – дейишдан толиқмасди.

Россия ва Қозоғистон бош консуллари бўлиб ишлаган Владимир Кривенко Москвага қайтиб боргач, Абутолиб Аҳмедов эса Истанбулдан кейин Тожикистонда Элчи бўлиб ишлаб юрганида вафот этганликларини айтдим. Уларнинг бу мегакент тўғрисидаги хотираларини ўзлари билан олиб кетдилар, дедим.

Мэрга ана шулардан баҳс этиб, узоқ йиллар ва самарали хизмат қилган дипломатларга «Истанбулнинг фахрий фуқароси» унвони беришни таклиф этдим. Жуда осон иш бу, деди. Унинг розилигини олиб, микрофонда таклифимни маслакдошларимга етказдим.

Мендан кейин сўз олган Қодир Топбош розилигини билдириб, бу ишни, албатта, амалга оширамиз, деб ваъда берди. Роса қарсакбозлик бўлди. Эртасига матбуотда бу гаплар босилди.

Кейинги учрашувларимизда бу таклифнинг бажарилиши тақдири билан қизиқдим. Мэр ёнига ёрдамчиларини чақириб, уларга ҳам бу масалани назоратга олишни буюрди.

Афсус, таклиф амалга ошмади!





## ОРҚАДОШЛАР, ОРҚАДОШЛАР

Журналист дўстларим яна сўрашади: сизнинг назарингизда турклар қанақа инсонлар экан?

Беш бармоқ бир хил бўлмайди, дедим ўша заҳоти...

Турк халқи жуда меҳмондўст, чеҳраси очиқ, муомаласи чиройли инсонлар. Кўчада кетатуриб, уни йўлидан қолдириб, бир нималар сўрасангиз шошиб турган бўлса ҳам билган нарсасини яхшилаб тушунтириб беради.

Янги танишган орқадошлар сизни емакка даъват этади. Овқат устида суҳбатлашишни яхши кўришади. Бу эрталабки нонуштами, кечки овқатми – фарқи йўқ. Муҳими, баробар бўлиш.

Кўча-куйда бирор сабаб туфайли муҳтож билан қарши-лашса, дарров кўмакка шошилади. Белингизни кўтаролмай, ўтириб қолсангиз ҳам, «сизга бир нима бўлдими, ёрдам қилайми?» – деб дарров атрофингизда парвона бўлишади.

Бу каби меҳрибончилиқни ҳамма ҳам баб-баравар қилавермайди. Ота-онаси, аёли ва бола-чақаларини ҳам аямай кўчага ҳайдаганлар ҳам бор ораларида, жоҳиллари ҳам етарли.

Йўлда кета туриб автомашинангизда бехосдан нотўғри ҳаракат қилиб кўйсангиз, тамом, бошингиз балога қолди. «Жабрланувчи» сизни қувиб етиб, калтаклашдан ҳам тоймайди, агар ундан баттарини қилмаса. Такси ҳайдовчилари ёнларида доим ярим метрли темир олиб юрадилар!

Кўчадаги безориликлар бир сари, баъзан парламентда бўладиган мушткеттиларни айтмайсизми! Ўша пайтда телеканаллар кимўзар бошлайдилар: қанча кўп боши ёрил-

ган, кўзи чиққан депутатларни кўрсатиш. Бу жанжалдан халқ вакиллари кейин ғурурланадилар. «Мен партиямнинг манфаатларидан келиб чиқиб, мени сайлаган халқнинг ишончини оқлаш учун бунақа кўнгилсиз ишга боришга мажбур бўлдим», – деб изоҳ беради.

Сизга иши тушиб келсаю, ҳожатини чиқариб берсангиз, сиздан яхши инсон бўлмайди. Мабодо имкониятингиз чегараланган бўлиб, илтимосини бажаролмасангиз сиздан ёмон одам йўқ. Бу тоифага кўпроқ тадбиркорларни киритаман. Мен уларни «манфаат инсонлари» деб атаганман.

Бугун қасамнинг каттасини бериб, эртасига унутади-ганлар ҳам кўплаб топилади. Йирик ва жиддий ваъдаларини бажармаганини юзига солсангиз, парвосиз «нима бўлибди, бошқа сафар бажараман», дейди хотиржамлик билан.

Кўзингга тик қараб ёлғон гапириб кетишларини ҳеч ҳазм қилолмадим. «Ҳозиргина ўз кўзим билан кўрдим», – деб бир нимага гувоҳлик берсангиз ҳам, – «йўқ, нотўғри кўргансан», – деб сизни уриб енгади.

Аммо сиз ҳам орқадошнинг илтимосини бажаролмаган ҳолларда, «ҳа майли, жонинг соғ бўлсин», деб хафа бўлмасдан кетаверадигани ҳам кўп.

Аёлларга паст назар билан қараш қишлоқларда кенг тарқалган. Уларга нисбатан зўрлаш, ҳақорат, хўрлаш, камситиш мисоллари ҳар куни телевизорларнинг кундалик хабарларидан жой олади.

Бир шаҳарда яшаётган қариндош-уруғлар, дўстлар ўзаро уйига зиёратга бориш учун рухсат сўрайди! Розилик ололса – боради, бўлмаса мулзам бўлиб қолаверасиз. Ёки хонадон эгаси очиғини айтиб қўя қолади, бугун бозор қилмаган эдим, эртага кела қол, деб. Энг муҳими, қарши томон бу каби очиқ мулозаматдан сира ҳам ранжмайди.

Режаланмаган ишини уриб ҳам қилдиролмайсиз. Бирор илтимосингизга рад жавобини бердимиз, тамом, ундан ҳеч қачон умидвор бўлманг. Ширин гап, совға-саломлар чикора!

Бу оддий халқ ҳаётидан мисоллар, албатта. Сиёсий партиялар ўртасида бўладиган даҳанаки жанглари эшитиб сочларингиз тикка бўлиб кетади. Бу ҳақорат сўзлар, ўтмишда қолиб кетган айбларни такрор эслатиб, изза қилишлар!

Рамазон ойида рўза тутиб туриб, оғзидан чиқадиган гапларга илон пўст ташлаб юборади. Ўзи ўттиз кун ибодатда, беш вақт намоз ўқийди, таровеҳга чиқади, уёғини ҳам ўзи билади. 2018 йил ёзда ўтган охириги давлат раҳбари ва парламент сайловлари ҳам худди шундай бўлди. Ифторлик тугар-тугамас, сайловчиларнинг овозларини тўплаш учун сиёсий баҳслар бошланади...

Яхши гаплардан гапирадиган бўлсам, орқадошларнинг суннат ва никоҳ тўйларида ҳам қатнашдим. Уч хил никоҳни кўрдим. Биринчиси, жуда жўн - 50-80 одам тўпланган салонда магнитофондан куй-қўшиқ янграб туради, бутун оқшом ёшлар ўйин-кулги қилишади. Чарчаганларида дастурхондаги бир дона ширинликни бир стакан «Кока-кола» билан ичиб, ҳордиқ чиқариб, ёшларга бахт-саодат тилаб тарқаладилар.

Иккинчи хил тўйда салатлар, қуюқ-сууюқ овқатлар тортилади. Бир қадахдан ё спиртли ичимлик, ёки шароб берилади. Официантни чақариб қадахларни яна тўлдир, десангиз, аввал пулини тўланг, деб туриб олади! Бир қадахдан кўпи меҳмонларнинг ўз ҳисобидан! Саҳнада эса битта санъаткор хизматда бўлади.

Энг олди тўй худди биздака тўкин-сочин дастурхон атрофида бўлади, столлар «синаман» дегунча турли ноз-неъматлар билан тўлдирилади. Пешма-пеш санъаткорлар алмашиб, хизмат қилишади. Бунақа тўйни бой-бадавлат, ўзига тўқ инсонларгина қилади!

Тўй таклифномаси почтадан юборилади. Даъватноманинг сўзлари деярли бизники билан бир хил. Фарқи, тагида оиланинг икки-уч телефони ёзиб қўйилган

бўлади. Унда: «Сиздан илтимос, тўйда қатнашолмасангиз, хабарини шу телефонга қўнғироқ қилиб билдиринг», – деб ёзилади.

Агар тўйга икки-уч кун қолганда жавоб бермаган бўлсангиз, тўй эгалари ўзлари сизга телефон қилиб, сўраб олади. Боролмайман, деб узр айтсангиз, етарли. Турли баҳоналар кўрсатиш шарт эмас. Мезбон ҳам сизни тўйга келишингизни жуда қистаб ўтирмайди.

Тўйга даъватли барча келин-куёв ёки суннати бўлаётган болага совға-салом олиб келиши шарт! Тўй сабабчилари бирор соатдан кейин рақсга тушадилар ва ундан кейин ҳар бир столнинг олдига бориб, меҳмонларга таклифларини ижобат этганлари учун миннатдорлик билдирадилар. Мусофирлар ҳам бу пайтда ёшларга совғаларини улашадилар. Совға турли кўринишда бўлиши мумкин: пул, турли ҳадяликлар, заргарлик буюмлари ва ҳоказо.

Баъзи бадавлат одамлар бояги тўй таклифномасининг тагига: «Бизга келтирмоқчи бўлган совғангизни фалончи жамғармага ўтказинг. Бизни тўғри тушунасиз, деган умиддамиз», – деб ёзиб қўйишади.

Туркларни ёмонотлиққа чиқариб қўйдинг-ку, деб ранжийдиганлар топилиши мумкин. Бутун масъулиятни зиммамга олиб, шуни айтмоқчиманки, мақсадим ҳеч кимни камситиш эмас, ўзим гувоҳи бўлган, кўрганларимни китобхонлар билан ўртоқлашиш эди.

Мен келтирган мисоллар мамлакат ичкарасида кўрган-кечирганларим, ўзим гувоҳи бўлган ва эшитган воқеалар тўғрисида эди, уларни шарҳладим, холос.

Дунё миқёсида Туркияга тош отиладиган бўлса, орқадошларнинг бир тану бир жон бўлишларини кўриб ҳайратдан ёқамни ушлаган пайтларим ҳам бўлган, наҳотки турклар шунчалик аҳил бўлса, деб ўйлаб қолган вақтларим ҳам бўлган.

Ватан ва миллат учун зарар келадиган бирор кўргилик содир этилса, иқтидор – муҳолифат, давлат сиёсатини

қўллаган-қўлламаганлар бир позицияни эгаллайдилар. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб «душманга қарши курашади.

Мамлакат аҳолиси учун энг ҳассос мавзулардан «арманиларнинг қатлиоми» ҳар йили 24 апрелда кун тартибига келади. Дунёда бу кун нишонланади. Ким шу куни Туркия зарарига гап отса балога қолади. Бу йирик Ғарб давлатлари бўладими, мусулмон мамлакатлари бўладими, фарқи йўқ, тегишли жавобни ҳукуматдан ҳам, муҳолифатдан ҳам олади.

2009 йилда Давосда бўлиб ўтган иқтисодий форумда Исроил президентига йигирма беш дақиқа изн бериб, Бош вазир Ражаб Таййиб Эрдўғонга ўн икки дақиқадан зиёд сўзлашга изн бермаган мезбон тараф раисига «ван минут» – бир дақиқа, мен ҳам гапирай, дегани жамоатчиликни ларзага солган эди.

Давосга иккинчи келганим бўлсин, деб мезбонларнинг ҳай-ҳайларига қарамасдан зални тарк этиши турк муҳолифатининг таҳсинига сазовор бўлганди. Режадаги дастурини тўлиқ бажармасдан ярим кечаси соат 2 ларда Истанбулга қайтиб келади. Партиядошлари ташкил этган минглаб аҳоли уни аэропортда қаҳрамон даражасида кутиб олдилар.

Мамлакат футбол терма командасининг Европа, жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги иштирокини қўллаб бутун турк халқи оёққа қалқади. Махсус самолётларда дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, ўйинни томоша қилишга етиб борадилар. Жамоа ғалабага эришса, ярим кечаси бўладими, тонг саҳар бўладими давлат арконлари бош тренерга қўнғироқ қилиб табриклайдилар.

Матч Туркияда ўйналган тақдирда меҳмонлардан устунликка эришилса раҳбарлар ўйинчиларнинг ювиниш-кийиниш хоналаригача кириб қутлайдилар.

Маҳаллий футбол ўйинларида эса командалар... «бир-бирларининг гўштларини ейишга тайёр!».





## VI. БУГУНГИ ТАРИХ

### ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР ЎЗARO БИРЛАШАДИЛАРМИ?

Совет давлати тугатилгани заҳоти Туркия унинг ўрнига пайдо бўлган тили бир, дини бир, келиб чиқиши бир Марказий Осиё ва Озарбайжон республикаларига соҳиб чиқишга ошиқди. 1991 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб мустақил республикалар ўртасида ўзаро фаол борди-келдилар бошланиб кетди. Ўша замонлар матбуотда «Турк модели» деган гаплар урчиб кетди.

«Агар 145 миллион нуфузли турк дунёси бирлашса (Россиядаги қавмдош мухтор республикаларни ҳам қўшганда) Адриатика денгизидан то Хитойгача «йирик империя» ҳосил бўлади. Агар Татаристон, Бошқирдистон, Эроннинг жанубий Озарбайжони, шимолий Афғонистон ва шимолий Ироқни қўшиб ҳисобласак ҳудудимиз саккиз миллион квадрат километрдан ошиб кетади. Нега бўлмасин экан, афсонавий Амир Темур ҳам Самарқанд пойтахти бўлган туркларнинг империясини бунёд этган эди-ку! Анварпоша ҳам Туркистондаги советларга қарши курашида ҳам шу маъно бор эди. Қолаверса, Исмоил Гаспиринский, яъни Исмоилбек Гаспиралининг ҳам асл мақсади турк дунёсида тил, фикр ва иш бирлиги эди-ку!», – деган шиорлар кўп қайтариладиган бўлди.

Хориж оммавий ахборот воситалари «Туркия янги туркийзабон давлатларни ўзига оғдириб олаяпти, турончилик сиёсатини авж олдираяпти, пантуркизм қайта тикланмоқда» каби тезисларни илгари сурган бўлса, Россия матбуоти Туркиянинг бундай сиёсатини жиддий нишонга ола бошлади.

Анқара ҳам Москва билан муносабатларни бузиш тарафдори эмасди. Шунинг учун 1992 йилнинг 20 январида Туркия Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Россия пойтахтига учиб боради, Бош вазир Сулаймон Демирэл февраль ойида Туркия бошкентига келган Россия ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғи Андрей Козиревни қабул этиб, русларнинг безовталанишларига асос йўқлигини уқтиришга ҳаркат қилади.

Шунингдек, февраль ойида Вашингтонда Президент катта Буш билан кўришган Демирэл жаноблари 13 моддалик иш режаси тўғрисида баҳс этади. Унга кўра, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари Ғарб дунёсининг, айниқса, АҚШ, Япония ҳамда Туркия каби мамлакатларнинг кўмагига муҳтожлиги, демократия, дунёвийлик ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишлари учун ёрдам бериш каби фурсатлардан иборат эди.

Апрель ойида эса Бош вазир Ўрта Осиё ва Озарбайжонга ташриф буюриб, ўнлаб ҳамкорлик шартномаларини имзолаб, Анқарага қайтади.

Рус матбуотида расмий Москванинг роҳатсизлиги тўғрисидаги очиқ-равшан баёнотлар янада кўпаяди. Сулаймон Демирэл бу сафар фавқулодда Россияга визит билан боради. Борис Ельцин билан узоқ музокаралар олиб бориб, русларнинг безовта бўлмаслигига ишонтиради.

Турк оммавий ахборот воситалари ҳам жим ўтирмайдилар. «Европа Иттифоқи ўз атрофига кўшни давлатларни тўплаши мумкин-у, турклар баробар бўлишлари мумкин эмасми? Француз тилли давлатлар бир орага келсалар, ҳеч ким ҳеч нарса демайди... Америка сиёсатини қўллаган давлатларга пан-американизм, дейилмайди...» ва шунга ўхшаш бошқа фикрлар илгари сурилади.

Ҳатто машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов ҳам бу баҳсга дохил бўлади. «Тўғри, ҳаммамиз туркмиз, ҳаммамиз қардошмиз. Аммо ҳаммамизнинг айри давлати бўлажак. Бу-

нинг турончилик билан қандай алоқаси бўлиши мумкин?», деган баёнот билан чиқади.

1992 йилнинг январида Туркия, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари Давосдаги иқтисодий форумда иштирок этиш учун келадилар. Сулаймон Демирэл илк бора форум ишида қатнашаётган Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев билан музокарага киришади. Ёпиқ эшиклар ортида келажак режалар кўриб чиқилади.

1991 йилнинг кузида эса турк дунёсида маданий ҳамкорлик алоқалари бўйича илк одимлар кўйилади. Хусусан, тилшунослар тил ва алифбо бирлигини яратиш устида иш бошлаб юборилади.

18–20 ноябрь кунлари Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистонлик олимлар Мармара университети профессори Инжи Энгинун бошчилигида «Замонавий турк алифбоси» мавзуидаги конференцияда лотин ёзувига асосланган 34 ҳарfli турк дунёсининг ягона алифбосини яратиш устида иш олиб боришга келишилади.

1992 йилнинг 19–20 июнь кунлари Истанбулда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон маданият вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтади. Туркийзабон давлатларнинг лаҳжаларида 300–500 га яқин бир хил калималар аниқлангани тўғрисида ахборот тайёрланади.

Маданият вазирлари ўша йилнинг 30 ноябрь – 2 декабрь кунлари Бокуда такрор учрашдилар. Кейинги йилнинг 9–14 июль кунлари бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда турк дунёсининг ЮНЕСКО каби халқаро маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ тузилади. Турк халқларининг умумий моддий ва маданий ёдгорликларини сақлаш, ривожлантириш ва уларни келажак авлодга етказиш масалаларида ҳамкорлик қилиш – Ташкилотнинг асосий мақсади этиб белгиланади.

Бироз кейинроқ бу Ташкилотга кузатувчи мақомида Россиянинг Олтой, Бошқирдистон, Хакас, Саха (Якутия), Татаристон, Тува ва Молдованинг Гагауз мухтор ўлкалари

ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмаган Шимолий Кипр қўшилади.

1993 йилнинг 21–22 март кунлари Анталияде туркийзабон давлатларининг қурултойига йиғилишади. Унинг ишида турли вазирликлар, сиёсий партия лидерлари, олимлар ва ёзувчи-шоирлар иштирок этадилар. Мутахассислар тил, адабиёт, маданият, таълим, фан, иқтисод, технология ҳамда сиёсат ва ҳуқуқ комиссияларига бўлиниб иш олиб борадилар.

Матбуот анжуманида бу қурултойни ўтказишдан мақсад туркийзабон давлатлар ўртасида дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро муносабатларнинг давомийлигини таъминлаш ҳамда бу давлатларнинг мустақиллик, демократия, дунёвийлик, ҳуқуқ устуворлиги, дин ва виждон эркинлигини таъминлаш каби ишларда кўмаклашиш экани таъкидланади.

1995 йилдаги навбатдаги қурултой ишида Марказий Осиё ва Озарбайжондаги каби Туркияда ҳам Наврўз байрами кенг кўламда нишонланиши тўғрисида қарор қабул қилинади. Аммо 2000 йилнинг ўрталарига келибгина, Наврўзи оламини кенг маънода нишонлаш бошланади.

Туркийзабон давлатлар раҳбарларининг илк саммити 1992 йилнинг 29–31 октябрь кунлари Анқарада ўтади. Унда Абулфайз Элчибей, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев, Сапармурод Ниёзов, Турғут Ўзал, Ислом Каримовлар қатнашадилар. Тожикистон президенти Акбаршоҳ Искандаров йиғинга даъват этилади, аммо у мамлакатдаги ички вазиятни баҳона қилиб, саммитга келмайди.

Гапнинг очиғини айтиш керак бўлса, Туркия Тожикистонни ўз ораларида кўришни жуда истарди. Аммо айрим ташқи кучлар унинг турк дунёси билан яқинлашишини хоҳламас эди. Чунки Бош вазир Сулаймон Демирэлнинг 1992 йилнинг 27 апрель кунлари Тожикистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида Душанбеда Туркияга қарши жиддий норозилик акциялари ташкил этилади...

Саммит ишида ўша пайтда анча долзарб бўлиб турган Тоғли Қорабоғ, Афғонистон, Тожикистон, Босния-Герцеговина ва Кипр муаммолари кўриб чиқилади.

Йиғилиш якунида давлат раҳбарлари 11 моддадан иборат турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Якуний баёнот қабул этадилар. Умумий турк бозори яратиш тўғрисидаги модда Қозоғистон лидерининг жиддий эътирози билан қабул этилмайди.

А.Элчибей тарихда илк марта ўғуз ва қипчоқ турклари бир мақсадда йиғилганликларидан мамнунлигини ифода этади. «Миллиет» газетаси эса: «Агар Амир Темур ва Йилдирим Боязид урушмасайди турк дунёси тарихи тамоман бошқача бўларди», – деб ёзган эди ўшанда.

Саммит кунлари Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон элчихоналарининг очилиш маросимлари бўлиб ўтади. Озарбайжоннинг ваколатхонаси биров аввал очилган эди.

Ўзбекистон элчихонаси 29 октябрь куни очилади. Турғут Ўзал иштирок этган тадбирда сўзга чиққан Президент Ислон Каримов икки давлат ўртасидаги қардошлик ва дўстлик алоқалари абадий бўлишини урғулаб, Туркиянинг мамлакатимизга берган ва режалаштираётган ёрдамлари учун алоҳида миннатдорлик билдиради.

Туркия президенти ҳар замон мустақил Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш тўғрисида гапиради.

1993 йилда туркийзабон давлатлар раҳбарларининг Бокуда режаланган учрашуви Турғут Ўзалнинг вафоти муносабати билан ўтказилмайди.

1994 йилда Истанбулда, кейинги йили Бишкекда ва ниҳоят тўртинчи саммит 1996 йилнинг 21–22 октябрь кунлари Тошкентда ўтади. Шундан кейин Ўзбекистон учун турк дунёси йиғинлари эшиги ёпилади...

Агар яна биров тарихни давом эттирадиган бўлсак, 2008 йилда Туркийзабон давлатларнинг парламент-

лари ассамблеяси (ТуркПА) тузилади. Унинг қароргоҳи Бокудадир.

2009 йилда Озарбайжоннинг Нахичевань шаҳрида ўтказилган тўққизинчи учрашувда қароргоҳи Истанбул деб белгиланган Туркийзабон давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши ташкил этилади.

2011 йилда Олма-Отада ўтган учрашувда Туркийзабон давлатлар ҳамкорлик кенгашининг номи ўзгартирилиб, қисқача «Турк кенгаши саммити», деб аталадиган бўлди.

Турк кенгашининг 2015 йилда Истанбулда бўлиб ўтган саммитидан кейин орадан уч йил ўтиб, 2018 йил сентябрда Бишкекда навбатдаги турк дунёси раҳбарлари тўпландилар. Унинг ишида биринчи марта Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмон сифатида қатнашди. «Ҳозирги босқичда Кенгаш фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёр эканимизни билдираман», деб баёнот берди давлат раҳбари. 2019 йилнинг кузида Ўзбекистон Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг тўлақонли аъзоси бўлди.

Ҳамма керакли гапни айтдим, деб ўйлабман...

Бу менинг илк китобим. Устоз Эркин Аъзам айтганларидек, ижоднинг ҳам ўзига яраша машаққати бор экан! «Бу ишга қўл уриб кўрмаганлар: «Ҳе, ёзишдан осон иш бормикан» деб ижодни қадрламайдиган бор», деган эдилар.

Бошимдан ўтди. Таваккалига ишни бошладим. Шиддат билан бошланган ишни чамаси ўн кунлардан кейин қайта ўқимоққа тушдим. Ёзганларим газета репортажи, лавҳа, ҳикоя-мақола каби жанрларга тўғри келмоқда. Бадиийлик йўқ, шира йўқ, фақат қуруқ факт ва маълумотлар ифодаси!

Ижодга озгина оро бериб бадиий асарлар мутолаасига киришдим.

Кейин режалар тузган бўлдим. Тўрт-беш ойларда китобнинг асосий кўриниши ҳозирлангандек бўлди. Дурадгорнинг ранда ишига монанд иш бошланди. Кемтик чиқарди, эътибор бермасаммикин, деган ҳаёл ҳам келар экан. Йўқ, дедим қатъий! Бу ижод маҳсули, мен хизмат сафарим тўғрисида мақола-ҳисобот ёзмаяпман-ку!

Кўлёмани ўқиган Хуршид Дўстмуҳаммад ва Акмал Саидовлар Истанбулда бевосита давлат хизматингиз тўғрисида гапирмабсиз, китобхонлар учун бу мавзу ҳам қизиқ бўлади, дейишди бир овоздан.

Устозларнинг талаб-истакларини бажариш амру вожиб!

Дипломатия мустақил давлатларнинг қадимдан келаётган мулоқот воситасидир. Унинг мазмуни давлатларнинг ташқи сиёсий манфаатларига боғлиқ. Дипломатия фаолияти натижасида давлатларнинг тақдири ҳал этилади, агар ундан оқилона фойдалана олинган тақдирда қудратли воситага айланиб, мисли кўрилмаган қарорлар чиқаришга олиб келади. Кўплаб халқаро можаролар ёмон ёки адолатсиз дипломатия юритилиши натижасида келиб чиқади. Шунингдек, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги муваффақиятлар айнан юқори даражадаги дипломатияга оиддир. Ҳар икки ҳолат бўйича ҳам, тарихда ҳам, кунимизда мисоллар етарли.

Мен мамлакатимизнинг Истанбул шаҳридаги Бош консулхонасига раҳбарлик қилдим. Вазифаларига кўра элчихона фаолиятдан фарқ қилади. Халқаро ҳуқуқда белгилаб берилган доирада хизмат кўрсатаётган давлатида ўз мамлакатининг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилади. Савдо-иқтисодий, маданий, илмий ва дўстона алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўзбекистонга бориш истагида бўлган чет эл фуқароларига кириш визаларини расмийлаштиради. Нотариус вазифасини бажариб, фуқароларни никоҳ қайдидан ўтказади, ўлим ҳолатларини қайд этиб, гувоҳномалар ёзиб беради. «200» юкларини мамлакатга жўнатиш ишида қатнашади.

Асосий ишлар шундай иборат. Бундан ташқари чет эл давлати қонун-қоидаларига зид келмаган бошқа маъмурий ва ташкилий ишларни бажариш ҳам юклатилган.

Консуллик маъмурлари ҳам дипломатик мақомга эга, улар ҳам дипломатик иммунитетдан фойдаланади. Вазифалари «Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси» (1961 йил) ва «Консуллик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси» (1963 йил) асосида амалга оширади.

Истанбулда мен ва консул бу мақомдан фойдаланар эдик. Қолгани хўжалик ишлари мудир-бухгалтер ва ҳайдовчи, жами тўрт киши – кичик жамоа катта ишларни бажарар эдик. Аэропортга чиқмаган кунимиз деярли бўлмасди, ҳар рейсда жилла курси бир киши бўларди, уни Тошкентдан кутиб олиб, бошқа рейс билан учинчи давлатга кузатиб қўйиш вазифаси қўйиларди.

2005 йилнинг кузида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниямиз самолётлари ҳафтасига Тошкентдан Истанбулга бор-йўғи 3 мартагина парвоз қиларди. Мамлакатимиз фуқаролари Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасидан виза олиб, учиб кетардилар. Шунга кўра Истанбул ва бошқа шаҳарларда ватандошларимиз озчиликни ташкил этарди. Яъни Бош консулхонага муаммолари билан мурожаат қиладиган фуқароларимиз сони ниҳоятда кам эди.

2007 йилда Абдулла Гул Туркиянинг навбатдаги Президенти этиб сайлангач, август ойида турк жумҳуриятлари фуқароларига мамлакатга кириш визаларини бир томонлама бекор қилди. Бу мамлакатга саёҳат этувчилар бирдан кўпайди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам «Турк ҳаво йўллари» ҳам ўзаро келишувга бориб рейсларини биттадан кўпайтиришди. 2016 йилга келиб икки авиакомпания ҳафтасига еттидан 14 тагача рейслар сонини оширишига қарамай йўловчиларни ташиш муаммоси ҳал этилмади. 2013 йиллардан бошлаб ёз пайтида Тошкентдан Истанбул ва Анталия шаҳарларига чартер рейслар амалга оширила бошланди.



Рейсларнинг кўпайгани Бош консулхона учун муаммоларнинг кўпайгани демакдир. 2005 йилда Ўзбекистон фуқаролик паспортини йўқотиш, фуқаролик ҳолатларини ёки ўлимни қайд этиш масалалари билан муурожаат этувчилар сони бармоқ билан санарли эди. Ҳамма фуқароларимиз ҳам юрак ютиб Бош консулхонага бош урмасдилар. Улар консулхонани жазоловчи идора деб билардилар. Гўёки бу ерга келганларни тутиб мамлакатга жўнатиб юборилар эмиш! Ватандошларимизни консулхонага эмин-эркин келишиб, ўз мамлакатининг бир идораси деб қабул қилдургунча анча тер тўкишга тўғри келган.

Хуллас, 2016 йилда каллаи саҳардан қош қорайгунча Бош консулхона эшигидан одам аримайдиган бўлди.

Юқоридагилардан ташқари хонадонда боқувчи бўлиб ишлаётган аёлларимиз ёки бошқа турли ишларни бажараётган йигитларимиз меҳнат ҳақларини ололмаётганликларидан шикоятлари кўпайди. Турли жиноий ишларга қўл уриш натижасида полиция маҳкамасига тушиш ҳоллари кескин ошди. Айбдорлар билан полиция идораси ёки қамоқхоналарда ўтказган учрашувларимизда бечора йигит-қизларимиз кўз ёшлари билан маъсум эканликларини ҳикоялари пайтида уларга ишониб-ишонмасликни билмай иккиланганимиз ҳолатлар қанча бўлган.

Ойлигини келишилган ҳажмдан кам бергани ва кундалик ҳақоратлар эшитган эру-хотинлар хизмат қилаётган хонадон эгасини бурдалаб ташлагани воқеаси маҳаллий оммавий ахборот воситаларида узоқ вақт муҳокамага сабаб бўлди... Қамоқхонада суҳбатлашиб ўтирибмиз-у йигитнинг кўзёшлари билан «жонимизни ҳиқилдоғимизга келтирди», деган гаплари узоқ вақт қулоғимиз остидан кетмади.

Энди фуқароларимиз жасадларини танишга боргандаги бизнинг ҳолатни бир тасаввур қилиб кўринг...

Маҳкама ишлари битгач мурдага оид қонли кийим-кечак, ашёларини қабул қилиб олиш жараёни-чи!..

Ватандошларимизнинг аллақачонлар жаргонига айланиб қолган «ҳайвон», «эшак» сўзлари туркчада ҳам бир хил айтилади. Туркия давлат маъмурлари йигит-қизларимизнинг оғзидан бехосдан чиқиб кетган шу калималарни ишлатгани учун маҳкамага тортилгани тўғрисида мисоллар ҳам талайгина.

Маҳаллий матбуотда Ўзбекистон фуқароси «бир бало ишлар қилиб, қамалди», деган хабарларни биргина биз ўқисак майли эди, кўшни давлатлардаги ҳамкасбларимиз олдида мулзам бўлган вақтларимиз қанча!

Номуси булғалган, эрининг шиддатларига чидай олмаган аёлларимизнинг арз-додлари сўнгги йилларда кўпайганда кўпайди.

Ўзбек аёлидан бола туғдириб, ўзини ҳайдаб юборгани тўғрисидаги мисолларни эсласам ҳали ҳам энтикиб кетаман. «Инсофлилари» фуқароларимизни таксига ўтказиб юборишади, «инсофсизларидан» амаллаб қочиб қутулган бечоралар консулхонага дод-вой солиб келишади. Пайтида уларнинг бир неча кунлаб Ватанга қайтиш ҳужжатларини расмийлаштиргунча қорнини тўйдирдик, консулхонага келтирган такси ҳақларини тўлаб бердик...

2017 йилгача фуқароларимиз Туркияда 30 кун визасиз эмин-эркин юришлари мумкин эди. Агар бу муддатдан кўпроқ қолиш нияти туғилса мутасадди идоралардан бу ҳақда махсус, яъни вақтинчалик яшаш учун изн олиши керак. Бундай имтиёз туркка турмушга чиққан ёки турк аёлига уйланган, расмий йўл меҳнат фаолияти олиб боришга рухсат берувчи лицензияси бўлган, истисно тариқасида врачларнинг махсус тавсияномасини олган оғир хасталаргагина маълум вақт мамлакатда қолиш учун бериларди.

Бундай изни бўлмаганлар аэропортдан чиқиш пайтида Туркияда бўлиш муддатига кўра жарима тўлагач самолётга ўтиришга рухсат бериларди. «Етарли маблағим йўқ, мен шунча пул ишламадим», – деб тўполон қиладиганларга жа-

рима ўрнига Ўзбекистон фуқаролик паспортига Туркияга беш йил кирмаслик шарт билан депортация қилинади.

Маълум муддат ўтгач йигит-қизлар яна Туркияда пайдо бўларди. «Паспортимни йўқотиб қўйдим», «эримдан ажрашдим, қизлик фамилиямга ўтдим» каби баҳоналар билан янги паспорт расмийлаштириб қайтадан мамлакатга кирардилар. Тахминан 2010 йилларгача фуқароларимизнинг бу «номерлари» ўтди. Туркия чегарачилари ҳам анойилардан эмас экан. Паспортимизга қўйиладиган идентификация номеридан шахсни аниқлай бошлайдилар!..

Ўтган йилдан бошлаб фуқароларимиз Туркияга келиб-кетиб юриб йил давомида жами 190 кун яшашлари мумкин!

Аслида ўзим кийим-кечак бозорига тушишни ёқтирмайман. Баъзан мамлакатдан келган ҳайъатимиз аъзоларининг кўнглида ҳеч нарса харид қилиш бўлмаса ҳам «бир бозорини айланиб кўрайлик», дерди. Бир куни нуфузли идоранинг раҳбарини бозорга олиб тушдим. Нарх-навони кўриб ҳайратдан ёқасини ушлади. «Мунча арзон. Нега бизда бу матоҳлар қимматга сотилади?» – деб соддаларча савол берди. Билганимча жавоб қайтардим: «Тошкентга боргунча транспорт, божхонадаги расмийлаштириш ишлари, маҳаллий бозордаги солиқлар ва ижара харажатларининг барчаси ўша 20 долларлик маҳсулотнинг устига қўшилади. Натижада у товарларни бу ердаги нархдан уч-тўрт барабар қимматига сотишга мажбур».

2016 йилнинг баҳори уйга қайтиш тараддудида бозорга тушдим. «Ака нима керак эди», «костюмларнинг додаси мана шу ерда сотилади», «спорт кийимлари арзонлаштирилди, кепқолинг». Астағфируллоҳ! Гўёки Тошкентдаги бозордамиз...

Консуллик округи деган тушунча бор. Бу дегани ўша чет эл давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхонаси йўқ, бу давлат билан алоқалар учинчи давлатдаги элчи-хона ёки консулхона орқали амалга оширилади. Болгария

ва Руминияда ҳеч қандай ваколатхоналаримиз йўқ. Икки давлат Истанбулдаги Бош консулхона округига киради. Вақти бемаҳал бу давлатларга бориб ватандошларимиздан хабар олиш, уларнинг муаммоларини ечиш, қолаверса, ўша давлат Ташқи ва Ички ишлар вазирлигида бўлиб, фуқароларимиз тўғрисида маълумотлар олиш вазифаси юклатилган.

Руминия Ички ишлар вазирлигида 4 нафар фуқаро қайддан ўтиб меҳнат юритаётган бўлса, Болгариядаги фуқароларимиз сони юздан ошар эди.

Йилда бир марта борилар эди у тарафларга. Истанбулдан Софиягача ва Истанбулдан Бухарестгача автомобиль йўли роппа-роса 600 километрни ташкил этади. Бу равон йўлларни 6–7 соатда босиб манзилимизга етиб борар эдик. Бир мартагина Болгарияга самолётда боришга тўғри келган: ҳукуматимиз ҳайъатининг расмий ташрифи амалга оширилган эди ўшанда.

Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги мисралари ёдга келади:

*Гурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,  
Булбулға тикандек ошиён бўлмас эмиш.*

Роса ўн йилу олти ой Туркиянинг нонини еб, сувини ичдим. Бу китоб «ошу туз ҳурмати» миннатдорлик ўрнида деб билурман. Лекин «олтин қафас»ни жонажон Ватанимга алиштирмасман!

Халқимизнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуф айтгандек:

*Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,  
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.  
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,  
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.  
Айланайин қаро қошу кўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.*



## ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

Туркия президенти Р.Т. Эрдўғон 2018 йил апрель ойи охирида мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига мурожаатини Халқ шоири ва Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасининг туркча таржимасидан бир шингил ўқиб бериш билан бошлади.

Туркия давлати раҳбари Президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йилнинг октябрь ойидаги давлат ташрифи чоғида Анқарада Халқ шоири ва Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон – Ватаним маним» шеърідан парча ўқиб олқишга сазовор бўлганди.

Шунингдек, Р.Т. Эрдўғон ўша йили Тошкентдаги оммавий ахборот воситалари билан учрашувда эса «Бир киши ариқ очади, минг киши ўша ердан сув ичади» ўзбек мақолини айтиб, икки президентларнинг учрашуви ва эришилган келишувларни ўша ариққа менгзатганди.

Бундан ташқари, Туркия раҳбари Ўзбекистон пойтахтида XX асрнинг буюк шоири Абдулҳамид Чўлпоннинг Онадўлудаги воқеалар муносабати билан турк аскарларини шарафлаб битган «Тўфон» шеърідан ҳароратли сатрларни ўқиб беради.

Юқорида келтирилган бу кўчирмалар Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистонга бўлган самимий интилишидан, ошкора ва дўстона муносабатларнинг янги саҳифадан бошлашга қатъиятини белгилайдиган далиллар, деб баҳоласак бўлади.

– Биз Туркия Республикасига улкан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган, халқаро майдонда

обрў-эътибори тобора ортиб бораётган йирик давлат сифатида қараймиз. Ота юртингиз – Ўзбекистоннинг эшиклари сизлар каби яқин қардошларимиз учун очик, – деганди Ш. Мирзиеёв оммавий ахборот воситалари учун брифингда.

Шунингдек, давлат раҳбари ўзбек-турк ишбилармонларининг бизнес-форумида ҳозир бўлган Бош вазир ўринбосарлари, вазирларга қарата Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш истагини билдирган туркиялик барча тадбиркорларни тўлиқ қўллаб-қувватлашга кўмак бериш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берганини эслатиб ўтиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари «бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар сизга хизмат кўрсатади, имкон ва шароит яратадди, Туркия ишбилармонларига нисбатан қилинган хиёнатни давлат сиёсатига хиёнат ўлароқ баҳолайман», деб қардош тадбиркорларни Ўзбекистонга ҳалол бизнес қилишга чорлаган эди.

Икки давлат президентларининг нияти яхши, ҳар иккиси ҳам ўз юртларига, халқларига хизмат қилиш, давлатлараро муносабатларни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш каби вазифалардан келиб чиқиб жон куйдирмоқдалар, деб айтиш мумкин.

Уларнинг иккиси ҳам ўз мамлакатларининг ички аҳволини яхши биладилар, ҳар иккиси ҳам – бири 11 йил (2003–2014 йиллар), бошқаси 13 йиллик – Бош вазирликдан (2003–2016 йиллар) президентлик лавозимига келганлар. Уларнинг дунёқараши ҳам, характери ҳам деярли бир-бирларига анча яқин.

Р.Т. Эрдўғон 2016 йил ноябрь ойида марҳум Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун Самарқандга келганида Ш. Мирзиеёв билан илк маротаба бақамти келди. Кўҳна заминда бўлиб ўтган дастлабки дўстона самимий учрашув муносабатларнинг келажагини белгилаб бергандек бўлди.

Ўшандан кейин турли вазирликларнинг экспертлар даражасидаги ўзаро учрашувлари, борди-келдилари жадаллашганда жадаллашиб кетди. Иқтисодий муносабатлар тараққиёти устувор вазифа этиб белгиланди. Биз тарафдан Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов бу ишга бош этиб тайинланди. 2017 йилнинг февралида Анқарада ўзбек-турк ишбилармонлари учун нуфузли бизнес-форуми ташкил этилди. Унинг натижасида 1 миллиард доллар миқдорида ҳамкорлик режалари имзоланди.

Р.Т. Эрдўғон Р. Азимовни қабул этиб, иқтисодий ҳамкорликнинг илк қадамларини қўллаб-қувватлаганини билдирди.

Ўша йилнинг май ойида Тошкентда икки мамлакатнинг ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги 4-йиғилиши ўтади (сўнгги 3-йиғилиш 2008 йилда бўлганди). Икки миллиард долларлик ҳамкорлик лойиҳалари имзолангани режаларнинг буюклиги ва қатъиятини англатган эди.

Давлат раҳбарларининг расмий учрашувига ҳозирликлар бу каби ташкилий ишлар билан чегараланмади. Ш. Мирзиеёв ва Р.Т. Эрдўғон 2017 йилнинг май ойида Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми, сентябрь ойида Остонада ўтказилган Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти Фан ва технология бўйича саммити ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессияси ишида қатнашиш доирасида такрор-такрор кўришадилар.

Бу учрашувларнинг натижасида 2017 йил кузида Ўзбекистон президенти бошчилигидаги ҳайъат Туркияга, келаси йилнинг баҳорида қардош давлат раҳбари бош бўлган нуфузли ҳайъат мамлакатимизга келади.

Гапнинг индаллосини айтиш керак бўлса, бу ўзаро ташрифлардан кейин ҳамон натижа кутиш тўғри бўлмаслигини ақли расо кишилар биладилар. Президентларнинг самимияти бир тараф, аммо ишбилармонларнинг ҳам

ўз ҳисоб-китоблари бўлади. Узоқ йиллик ўзаро ишончсизлик элементлари яна бирор йиллар сақланиб қолишини эътиборга олиш керак.

Ўзбекчада ҳам туркчада ҳам айна бир хил мақол бор: «Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди» – «Evdeki hesap çarşıya uymas». Доно халқларимиз бир нарсани билмасдан гапирмайдилар!

Аммо илк натижаларни қуйидаги рақамларда кўриш мумкин: ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилда 1,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, келаси йил у 300 минг долларга кўпайди.

Икки раҳбар бу иқтисодий ҳамкорлик натижаларини яқин йилларда 5 миллиард долларга етказиш тўғрисида азму қарор қилишган.

Икки мамлакат ўртасидаги бир ярим йиллик (2016 йил ноябрь – 2018 йил май) ҳамкорликнинг илк натижалари ана шулардан иборат.

Муносабатлардаги совуқ ва ишончсизлик даври тугади, дейишди баралла икки юрт раҳбарлари!

Миллати, дини, тили бир халқларнинг мамлакатлари нима сабабдан бу даражага тушиб қолгани, албатта, китобхонларни қизиқтиради. Аввалги бобларда одоб доирасида қисман бу саволга жавоб бергандек эдик, қолгани тўғрисида тарих вақти соати билан унга ойдинлик киритар.

Бошқа бундай вазиятга тушиб қолмаслик учун икки халқнинг қўллари дуода бўлмоғи лозим.

Шайтони лаин деймизми, «учинчи кучлар» деймизми, «қора кучлар» деймизми, уларни қандай ном билан атамайлик, ўз «иши»ни қиладилар.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари муносабатлар жуда чиройли бошланганди, «турк модели» бизга маъқулдек эди. Кейин орага шайтон оралади. Яна оғирлик қилдик: Президент И.А. Каримов сўнгги бор 1999 йилда Истанбул – халқаро саммитга борганди...



Қардошларимиз юртида коалицион ҳукуматлар даври, яъни уч-тўрт сиёсий партия аравани тўрт тарафга олиб қочишлар даври битгач, Р.Т. Эрдўғон бошчилигидаги Адолат ва тарақиёт партияси ҳукуматни бошқаришни қўлга олади ва Бош вазир 2003 йилда Ўзбекистонга келди.

Томонлар узоқ музокаралар олиб боришади ва кутилган натижага эришолмайдилар. Ундан кейин муносабатларни тиклаш учун бир томонлама ҳаракатлар ҳеч тинмайди. «Ака-ука ўртасида ҳам гап-сўзлар ўтади, аммо ришталар ҳеч узилмаслиги керак», дейишади орқадослар.

2014 йилнинг ёзида Бош вазир Аҳмад Давутоғлунинг Тошкентга ташрифи яқунларига кўра, икки томонлама муносабатларда бурилиш, деб эътироф этилди. Турк матбуоти бу ҳақда бонг урди, ёлғон бўлмаса бир ойлар атрофида уйғун пайт бўлганда ҳукумат раиси Ўзбекистон билан муносабатларда янги саҳифалар очилмоқда, деб баёнотлар беришдан чарчамади.

Амалда эса ... яна ҳеч нарса ўзгармаганди!

Кимлардир ўзбекларни ва бошқалар эса туркларни айблашда давом этди!

Қарс икки қўлдан чиқади!..





## ТУРКИЯНИНГ АЙРИМ СТАТИСТИКА РАҚАМЛАРИ ВА ДАРОМАД МАНБАЛАРИ ХУСУСИДА

Китобнинг сўнгги бобида Туркия ҳақидаги билимларини янада тўлдириш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан тарқатилган айрим қизиқарли факт, рақамлар ва хазинага келиб тушадиган даромад манбаларини китобхонлар эътиборига ҳавола этишни истадим.

\*2018 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, мамлакат аҳолиси 80 миллион 810 минг 525 кишини ташкил этди. Бу аҳоли сонининг ўтган йилга нисбатан 995 минг 654 кишига ортганини кўрсатади.

\*Улардан эркаклар нуфуси 40 миллион 535 минг 135 киши, аёллар сони эса 40 миллион 275 минг 390 кишидир.

\*Мамлакатда 81 вилоят (вилоят дейилганда шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқ ва маҳаллалар ҳам кириб кетади), 972 район бор. Маҳалла сони 31 минг 937 та, қишлоқлар эса – 18 минг 292 тадир.

\*Нуфуси икки миллиондан зиёд вилоят ҳокимликлари сони 51 тадир, уларга боғлиқ район ҳокимиятлари – 519, умуман шаҳарлар сони эса 919 тани ташкил этади.

\*Энг катта шаҳарлар сирасига биринчи бўлиб Истанбул киради (аҳоли сони 15 миллиондан зиёд), Анқара (беш ярим миллион), Измир (тўрт миллиондан сал зиёд), Бурса (уч миллионга яқин) ва ҳоказо.

Мутасаддиларнинг билдиришича, Истанбулга бошқа вилоятлардан юмуш билан келадиган маҳаллий аҳоли ва чет эллик туристларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бир кунда 22–25 миллионга яқин киши яшаши айтилади.

\*Мамлакат еттита географик минтақага бўлинган: Ўрта Ер денгизи минтақаси; Шарқий Онадўлу; Эгей; Жануби-ғар-

бий; Ички Онадўлу; Мармара ва Қора денгиз минтақаси. Диққат этилса, минтақалар номларининг тўрттаси денгизлар номи билан ва қолган учтаси Онадўлу билан боғлиқ тақсимланган.

1941 йилда амалга оширилган бундай тақсимот жараёнида минтақаларнинг жойлашуви, иқлими, саноати, қишлоқ хўжалиги, ерости бойликлари, транспорт алоқалари, туризм каби омиллар асосга олинган.

\*Вилоятларнинг тартиб рақами турк алифбосига кўра саналади: 1. Адана, 2. Адиёмон, 3. Афёнқораҳисор... 6. Анқара, 10. Баликесир, 34. Истанбул. 35. Измир. 42. Қуниё ва ҳоказо.

Шунингдек, автомобилларга давлат рақамлари ҳам юқоридаги алифбо асосида берилади. Истанбулдаги машиналарнинг давлат белгилари 34 рақамидан бошланади, Анқараники – 6.

Давлат арконлари, яъни давлат протоколи рўйхатига кирган машиналарга қирмизи рангдаги номерлар тақилади. Унда фақат рақамлар акс этади, ҳарфлар бўлмайди. Биргина президент автомобилида номер бўлмайди, унинг ўрнига давлат раҳбарининг герби осилади.

Шаҳарда давлат рақамли машиналар ниҳоятда кам учрайди. Бундай рақамларни, асосан, расмий идоралар, ҳарбийлар ва оз миқдорда йўловчи ташиш жамоат транспортларида кўриш мумкин. Аксарият раҳбарлар хусусий автомобилларда юрадилар.

Автомобиль сотиб олган ҳайдовчи давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимидан ўзига истаган рақам ва ҳарфли номерни олиши мумкин, бунинг учун ҳеч қандай чеклаш йўқ. Айримлар туғилган ой-кун-йилига ҳамда ўз исми, отасининг исми-шарифининг бош ҳарфларини танлаб номерга буюртма беради. Мисол, 34 ГАА 1962.

\*2018 йилнинг январь ҳолатига кўра, мамлакатда 22 миллион 134 минг 792 та транспорт воситалари қайддан

ўтган. Улардан 54,1 фоизи автомобиль, 16,4 %– юк машиналари, 14% - мотоцикиллар, 8,3 % трактор, 3,8 % катта юк машиналари, 2,2 % минибаслар ва 0,2 % махсус транспорт воситаларидир.

Истанбулда 2000 йилларда бир миллион 217 минг транспорт воситаси рўйхатга олинган бўлса, бугунги кунга келиб, яъни сўнгги саккиз йил давомида улар сони уч баробарга кўпайган. 2018 йил боши ҳисобларига кўра, мегакентда уч миллион 571 минг автомобиль ҳаракатланмоқда. Шаҳардаги транспорт воситалари бир ерга тўпланса, улар 68 миллион 343 минг квадрат метр жойни эгаллар экан. Бу Истанбулнинг энг йирик олти районининг ҳудудига тўғри келади.

Мегакент аҳолиси куз-қиш ойлари транспортнинг тиғизлиги туфайли ҳафтасига 7,5–9 соат вақтини ҳаракатланиш учун сарфлайди. Анқарада эса бир кунда ҳайдовчи 71 дақиқа, Анталияда 63, Измир ва Бурсада 62 дақиқа «транспорт тўлқини» ичида сабр-бардошли бўлишга мажбурдир.

Доно ҳокимият раҳбарлари катта йўллар бўйича «Трафик – бу ҳаётдир!» деб ёзиб қўйишни унутишмаган.

Ўзим ҳам, мамлакатдан келган ҳайъат аъзолари ҳам бир неча марталаб «трафик»ка тушиб қолиб, манзилга, ҳатто аэропортга кеч қолиб келган вақтларимиз кўп бўлган.

\*Барча солиқларни қўшиб ҳисоблаганда, дунё мамлакатлари орасида энг қиммат бензин Туркияда. Бир литр сифатли бензиннинг нархи салкам 2 доллар атрофида. Давлат 100 лиралик ёқилғидан тушадиган маблағнинг 60 лирасини солиқ сифатида олиб қолади.

Туркия бир йилда 16 миллион баррель нефть ишлаб чиқаради, холос, бир йиллик эҳтиёж эса 173 миллион, яъни эҳтиёжнинг бор-йўғи 9 фоизини қоплайди. Қолгани эса бошқа давлатлардан импорт қилинади.

Кўшни мамлакатларда нефть чиқади-ю, Туркияда йўқ, деган гап-сўзларда жон бор. Тахминларга кўра, мамлакат ерости захирасида 5,5 миллиард баррель бор. 1940 йилдан 2014 йилгача 4 минг 200 та бурғулаш ишлари олиб борилди, аммо бу катта рақам эмас. Биргина АҚШнинг Техас штати 2013 йилда 3 минг нефть қазиш ишлари олиб боргани айтилади.

Аллоҳ таоло бизга тўртта денгиз берган, нефтни эса кўшниларга, деб орқадощлар ўзларини овутадилар. Шунга қарамай, 10 йил давомида бир кун ҳам автомобилларнинг бензинсиз қолиб кетганини билмайман, узун навбатлар бўлмаганининг гувоҳиман.

Шу ўринда бир ҳангомани гапириб берай. Мамлакатдан келган бир ҳайъатни шаҳарда кездириб юрибман-у, биз ҳаракатланаётган марказий йўл очиқ, ўнг тарафга кетадиган йўл «трафик»ка тиқилиб қолган. Буни кўрган меҳмон акахонимиз: «Мана бу бечоралар бензинга очередга турибдими?» – деб сўраб қолса бўладими!

Тушунтириб берганимдан кейин: «Охирги кунларда Тошкентда бензин тақчил бўлиб қолган эди, ўша хаёлимга келди-да», – деганди! Ҳар каллада ҳар хаёл!

\*Истанбулнинг Европа тарафидан Осиё томонига уч автомобиль кўприги, «Евроосиё» ерости ва «Мармарай» метро туннеллари ҳамда денгиз кемалари орқали ўтилади. Бу йўллардан фойдаланганлик учун автотранспорт воситаларидан ҳақ олинади. Бундан ташқари, вилоятларга олиб борувчи кенг ва равон йўллар борки, улардан ўтишда ҳам маълум маблағ тўланади.

Хуллас, 2006–2015 йиллар орасида кўприклардан 1 миллиард 469 миллион 659 минг 848, пулли йўллардан 1 миллиард 973 миллион 326 минг 229 автомобиль ўтади. Булардан олинган даромад 6 миллиард 671 миллион 446 минг 557 лирани ташкил этган.

\*2017 йилда 38 миллион 620 минг сайёҳ Туркияни зиёратига келди, бу бир йил аввалгисига нисбатан 7,3

миллион кўпдир. 2017 йили 4 миллион рус туристи дам олиб кетган бўлса, 2018 йил 6 миллион келиши кутилган. 2017 йили, шунингдек, Олмониядан тўрт миллионга яқин, Эрон ва Грузиядан икки ярим миллиондан, ва Болгариядан салкам икки миллион сайёҳ келган.

2017 йилда туризмдан олинган даромад 26,5 миллиард долларни ташкил этган. Бу йиллик даромаднинг салкам 21 ярим миллиард доллари шахсий харажатлардан ва қолган салкам 5 миллиард доллар сайёҳлик пакетларидан келди.

Бу фойданинг 77,7 фоизи хорижлик сайёҳлар ва қолган 22,3 фоизи маҳаллий сайёҳлар томонидан сарфланди.

2018 йилда 40 миллион сайёҳ келиши кутилмоқда эди улардан келадиган даромад 32 миллиард доллар атрофида бўлиши кутилган.

\*Туркияда кинофильм ва сериаллар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилди. Масалан, 2017 йилда 151 фильм ишлаб чиқарилди. Расмий хабарларга кўра, мамлакат аҳолиси бир суткада ўртача тўрт соат вақтини телевизор кўришга сарф этар экан, табиийки, улар орасида сериаллар кўп вақтни олади.

Сериалларни чет эл мамлакатларига сотиш бўйича Туркия дунёда АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларидан кейин навбатдаги ўринларни эгалламоқда. 2008 йилда чет элга сотилган сериаллардан тушган даромад 10 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2017 йили 150 дан ортиқ мамлакатга сотилган сериаллардан олинган даромад 350 миллион доллар бўлди.

Яқин йилларда фильмнинг ҳар бир серияси 500 доллардан сотилган бўлса, охириги йилларда уларнинг нархи анча ошди, бугун фильмнинг оммабоплигига қараб, ҳар бир серия учун 50 минг ва 600 минг доллар орасида сотилмоқда.

Энг кўп сотилган Султон Сулаймон ва Хуррам султон муҳаббатлари, сарой ўйинлари кенг акс этган «Муҳта-

шам юз йил» фильми бўлди. Ушбу фильм 80 давлатда, «Косем султон» эса 50 мамлакатда намоиш этилмоқда.

Бу фильмлардан кейин «Фотмагулнинг айби нима?», «Қора савдо», «Кузей-Гуней», шунингдек, яна Холит Эргенч роль ўйнаган «Минг бир кеча» сериаллари ўрин эгалламоқда.

\*Кўчмас мулк сотишдан даромад ҳам қизиқ. 2017 йилда Туркияда чет элликларга 22 минг 234 объект сотилди, бу бир йил аввалги кўрсаткичдан 22 фоиз кўп. Натижада норезидентлардан келган даромад 4,6 миллиард долларни ташкил этди.

Давлат статистика кўмитаси маълумотига кўра, 2018 йилнинг биргина май ойида 2 минг 415 та объект сотилди. Хорижликлар энг кўп олди-сотди шартномасини Истанбулда (854 та), Анталия, Бурса, Ялова ва Анқарада тузганлар.

Кўпсонли харидорлардан Ироқ вакиллари (407 уй-жой сотиб олган, Саудия Арабистони (206), Россия (165) ва Афғонистон (131) саналади.

Туркия чет элларда ваколатхоналари кўп бўлган бешинчи давлат ҳисобланади. Беш қитъада мамлакатнинг 138 та элчихонаси, 86 шаҳарда Бош консулхонаси, халқаро ташкилотларда 13 доимий ваколатхонаси, биттадан тижорат офиси ва консуллик агенти бор. (АҚШнинг 273, Хитой – 268, Франция – 266 ва Россиянинг 242 ваколатхоналари бор).

Расмий маълумотларга кўра, Ташқи ишлар вазирлигида олти мингдан зиёд ходим ишлайди, ундан 4 мингдан кўпи чет элда хизмат қилади. 1 850 дипломатдан 630 нафарини аёллар ташкил этади.

Марказий аппарат ва чет элларда хизмат қилаётган 255 элчи бор, улардан 51 нафарини аёллар ташкил этади.

2015 йилдан бери ФЕТО террор гуруҳига алоқадор деб билинган 568 вазирлик ходими ишдан четлаштирилди, улардан 463 таси дипломат эди.

Ноҳукумат «Чегара билмас репортерлар» халқаро ташкилотининг «2018 йилда ўлдирилган, қамоққа ташланган ёки йўқолган журналистлар» ҳисоботига кўра, бу соҳада Туркия анча танқидларга учраган. «Террор пропагандаси», «турк миллатини ҳақоратлаш» ва «давлат раҳбарини обрўсизлантириш» каби айблар билан фақат ўша йили 80 нафардан зиёд журналист узоқ муддатли қамоқ жазосига ёки жаримага тортилган.

\*Маҳалла ҳам биздаги каби маъмурий ҳудуд. Тарихи қадим усмонли замонларига бориб тақалди. Унинг вазифалари ҳам деярли бизники билан айна. Маҳалла осойишталикнинг ҳукмронлигини, кўни-кўшниларининг ҳамжиҳат яшаши, кўчаларнинг ободлигини таъминлайди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги мактаб ва лицейларда тарбиявий соатлар олиб боради.


Ҳудуддаги коммуникацияга оид муаммолар ҳам ушбу маҳаллий идора маъмурияти орқали ҳал этилади.

Маҳаллани халқ тарафидан сайланган мухтор (раис) бошқаради. Маҳалла район ҳокимиятидан беш километр радиусда жойлашган бўлиши ва камида беш минг киши истиқомат қилиши лозим.

Икки минг кишидан оз бўлган ва район марказидан беш километрдан узоқда қолган истиқомат жойлар қишлоқ деб аталади. Унинг вазифалари ҳам маҳалланики каби бир хил, фақат номланиши фарқли.

Маҳалла – албан, румин, бошнак, болгар, юнон тилларида ҳам бир хил ёзилади ва айна маънони беради. Бу Усмонлиларнинг Болқон ва Юнонистондаги таъсири натижаси эканини билдиради.





## VII. ИСТАНБУЛДА ТОПГАНЛАРИМ ВА ЙЎҚОТГАНЛАРИМ (ХОТИМА ЎРНИДА)

### ТУРКИЯ БАЙРОҒИ, МАДҲИЯСИ ВА БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Шундай қилиб, Истанбулдаги фаолиятим ҳам ниҳоясига етиб қолди. Бутун онгли ҳаётимни журналистикага бағишлаганман, Туркиядаги дипломатлик вазифам вақтинчалик, деб доим уқтириб келганман.

Шу ўринда журналистдан чиққан илк дипломат раҳматли ажойиб инсон, дўстларига меҳрибон, ҳар қандай шароитда ҳам кайфиятини бузмайдиган, доимо хушчақчақ юрадиган, кўнгли ҳамиша навқирон устоз Насриддин Муҳаммадиевни хотирламоқ истадим. У кишининг жойлари жаннатда бўлсин.

Дипломат бўлиб, бир замонлар Эронда элчихонада ишлади. «Жаҳон» ахборот агентлигида бирга хизмат қилдик. 1996 йилдан мустақил Ўзбекистоннинг хориждаги илк мухбири – «Жаҳон»нинг мухбирлик пункти раҳбари бўлиб тўрт йилга яқин Анқарада фаолият кўрсатди.

У кишига ҳавас қилувчи журналистлар оз эмасди, хусусан, ўзим ҳам бу инсоннинг мухлисларидан эдим. У киши «Тошкент оқшоми» газетасида ишлаб юрганларида мен «Тошкент ҳақиқати»да мухбирлик қилганман.

Устоз Насриддин акага журналистика ота мерос касб, падари бузрукворлари 35 йил район газетасига муҳаррирлик қилган. Ўзлари ҳам 10 йилдан зиёд «Тошкент оқшоми» газетасида, ундан кейин турли журнал ва нашриётларда ишлаган. Эронда таржимонлик қилган. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ташқи ишлар ва-

зирлигида кейин «Жаҳон» ахборот агентлигида фаолият юритган.

1996 йилдан эътиборан республикамиз матбуоти тарихида илк бор чет элда мухбирларимиз иш бошлайди. Журналистни чет элга ишга юбориш омади биринчилардан бўлиб «Жаҳон»га насиб этади. Ҳукумат қарорида илк ўнта чет давлатда мухбирлик пунктлари очиш белгилаб берилган эди.

Н.Муҳаммадиевни узоқ муддатли четга ишлашга юбориш ҳангомаси бор. Бир-икки йил аввал Германияда малака ошириб, университетда немис тилидан олган сабоқларини мустаҳкамлаб келган эди. Устознинг раъйларига қараб у пайтда пойтахт Боннга мухбирлик вазифасини бажаришга юборишга келишилди. Вазирликнинг ички комиссиясида менинг у кишини Германияга ишга юбориш тавсиям қабул этилмайди. «Уҳ, чёрт», дейди у киши, аммо кайфиятини туширмайди (асаб метиндек мустаҳкам эди). Менинг илтимосимга кўра комиссия аъзоларининг қисқа «консилиум»идан сўнг у кишини Туркияга юборишга келишилади.

Шундай қилиб, Насриддин ака журналист-дипломат лавозимини эплаган, журналистдан ҳам дурустгина дипломат чиқишини исботлаган биринчи ўзбек журналисти эди. Мен ҳам у кишидан кейин журналист-дипломат бўлганимдан фахрланаман.

Илк бора журналист дипломи билан Бош консул бўлдим. Ҳозир шогирдларимдан икки нафари журналист дипломи билан хорижий ваколатхоналаримизга раҳбарлик қилмоқда...

Хулоса шу – журналистдан ҳам яхши дипломат чиқади!

Менинг Истанбулдан айрилиш вақтим яқинлашаётганидан хабар топган журналист дўстларим ўн ярим йиллик хотираларим билан ўртоқлашишни кўп сўрашди. Бирисини кўнглини олсам, бошқаси хафа бўлиб қолиши мумкин, қолаверса, ўзимнинг ҳам бундай «реклама»ларга

хушим йўқроқ. Ҳаммасига чиройли муомала билан рад жавобини бердим.

Диктофонсиз суҳбатларда касбдошларимнинг мурожаатларига шундай жавоб қилдим: энг кўп соғинадиганим масжидлардан чиқаётган азон товушлари бўлади, дедим!

Истанбулда, умуман, Туркияда бўлганлар яхши билади, қайси кўчадан юрманг, қайси маҳаллага кирманг, намоз хабарчиси – азон ўқилади. Бу ерда намозхонлар соат олиб юрмайдилар, чунки унга эҳтиёж йўқ. Баъзан азон товушлари масжидлардан баб-барабар тарала бошлайди, жуда кам ҳолларда эса сониялар фарқи билан айтилади. Яқин-яқинларгача уни муаззинлар ўқирдилар, бора-бора уларга эҳтиёж қолмади, чиройли овозларда айтилган азон товушлари магнитофон ва овоз кучайтиргичлардан чиқариб бериш йўлга қўйилди.

Овоз кучайтиргичлардан воз кечиб, муаззинлар чиройли товушлари билан азон ўқишга қайтарилсинлар, масжидлар орасидаги масофа унчалик узоқ эмас, деган жамоат ичида баҳсталаб фикрлар ҳам бор.

Қандай бўлишидан қатъи назар, азон товуши инсон кўнглига ҳузур бағишлайди, бир неча дақиқа бу дунё ташвишларини унутасиз, истироҳат этасиз. Кўрганларим бор, йирик масжидларни зиёрат қилаётган ғарблик сайёҳлар ҳам азон товушини маҳлиё бўлиб тинглаганлар. Маҳаллий аҳоли бу овозга ўрганиб-кўникиб кетганидан бўлса керак, бунга кўп эътибор ҳам қилмайди, улар учун илк овоз етиб келса етарли, масжидга ошиқадилар.

Бу сеҳрли даъватлар етиб бормаган макон бўлмагани учун мен ҳам азон овозидан уйғониб, унинг товуши билан уйқуга кетардим.

Азон тўғрисида гап кетганда, унинг тарихи ҳақида эслатиб қўйишни лозим топдим. XIX асрдан бошлаб Усмон-

ли салтанатида туркчилик ҳаракати сезиларли даражада кенгайиб борди. Ана шундай бир пайтда Султон Абдулазиз азон, хутбалар ва намознинг сураларини турк тилида ўқишни амр этади.

1932 йилга келиб, Диёнат ишлари вазирлиги тавсияси билан Вазирлар маҳкамаси масжидларда турк тилида азон ўқилишини қарорлаштиради. Ўша йили илк бор «Ерга ботган», кейин Сулаймоний, Фотиҳ ва Султон Аҳмад номидаги масжидларда бир-икки кун фарқи билан бошланган туркча азон айтиш 3 февраль Қадр кечаси Аё София масжидида туркча Қуръон, такбир ва қомат ўқилади.

Бир йилдан кейин эса Пайғамбаримиз (с.а.в.) га дурудунинг саловатлар айтиш ҳам ўзгаради, у ҳам туркчалаштирилади...

1941 йилда араб тилида азон, қомат ўқиганлар уч ойга қадар қамоққа олиниши ва катта миқдорда жаримага тортилишини белгилаган Туркия Жазо қонунига ўзгартиришлар киритилади.

1950 йилда иқтидорга келган Демократик партия азонни такрор араб тилида ўқиттиришга ҳаракат бошлайди. Унинг натижасида турк тилида азон ўқиш бекор қилинмайди, аммо шунинг билан бирга азон араб тилида айтилишига эркинлик берилади.

Ўша йилдан бошлаб, Анқара радиосида Қуръони карим ўқиш йўлга қўйилади.

Юқорида диний ислоҳотлар билан боғлиқ келтирган мисоллар ўша замондаги каби бугун ҳам айрим дин пешволарининг қалбида Отатуркка нисбатан салбий фикр сақланиб келмоқда.

Мени ҳайратга солган, мени тўлқинлантирган кейинги омиллар ичида турк халқининг байроғи, мадҳияси ва биринчи президентига бўлган садоқатидир, бу амаллар, очиқчаси, мингларча таҳсинларга лойиқ.

Давлатнинг бу рамзлари – атрибутикасига меҳр-муҳаббат мактаб остонасидан бошланади. Мактаб ва лицейларда душанба куни дарслар эрталаб мадҳия айтишдан бошланиб, жума куни дарслар тугагач, уни айтиш билан икки кунлик таътилга чиқилади. Шунинг учун мамлакатда мадҳияни ёд билмаган зот йўқ!

Расмий маросимлар борки, барчаси мадҳия куйлаш билан очилади, баъзан жонли айтилади, баъзан эса магнитофондан чиқартирилади. Маҳаллий аҳоли кўлини кўксига кўйиб, уни жўр бўлиб куйлайди. Айрим диний конференция, симпозиумларда унга Куръони карим тиловати ҳам кўшилади.

Хизмат хонамда ўзбек рубоби доим бўлган, яқин дўстлар келганда уларнинг илтимосларига кўра, бир нималар чалиб бериб, кўнглини овлаганман. Атайин десам ҳам бўлади, синаш учун ҳам десам бўлади, рубобда бехосдан Туркия мадҳиясини чаламан. Тахминан 30–40 киши учун чалиб берган бўлсам, ундан ярмиси ўрнидан туриб уни тинглашга ҳаракат қилганди...

Мадҳиянинг ёзилиш тарихи ва унинг муаллифи тўғрисида аввалги бобларда батафсил маълумот берганим учун бу ўринда тўхтаб ўтирмайман.

Учоқдан тушиб, энг яқин меҳмонхонага етиб боргунча кўчаларда, соҳилбўйларида ҳилпираб турган камида ўнлаб қирмизи байроқларга кўзингиз тушади. Ватанпарварлик ғурури кучли бу ўлкада байроқ тикилмаган идора йўқ: давлат ташкилотларини кўятуринг, ўзини ва мамлакатини ҳурмат қилган хусусий идоралар ҳам бир сари, маиший хизмат уйлари, ҳатто атомобиль устахоналари иншооти устида ҳам байроқ ҳилпиради.

Вилоятлар кимўзарга катта байроқ тайёрлаш мусобақасини бошлаганлар. Янги иш бошлаган пайтимда телевидордаги репортажни кўриб ҳайратга тушдим. Мерсин вилоятининг Торослар ҳокимияти ташаббуси билан Торос тоғи ёнбағрига 4 ярим минг квадрат метрлик майдонда

байроқнинг сурати чиздирилган. Унинг учун 5 тонна бўёқ сарф этилган. Байроқ Мустафо Камол Отатурк вафотининг 68 йиллиги кунига бағишлаб тайёрланган эди.

Османие вилояти марказида 2010 йилда 600 квадрат метр катталигидаги байроқ осилди. Бунинг учун 45 метрлик темир устунлар ишлаб чиқилди.

2008 йили Қаҳрамонмарашда ҳажми 294 квадрат метр бўлган 38 килограмм оғирлигидаги 83 метрли байроқни жойлаштириш учун 160 тонна бетон, 150 килограмм темир ашёлар ва 100 дан зиёд тош-шағаллардан фойдаланилди. Байроқ ҳам соатига 160 километр тезликдаги шамолга чидамли этиб яратилганди.

Хўжайли вилоятининг Карамурсил районида яриморол шаклида кўнгилочар жой – истироҳат боғи бор. Ўша ерга 2017 йилда 39 метр баландликда 150 квадрат метр ҳажмдаги байроқ ўрнатилди.

Журналистлар ҳокимга мамлакатимизда бундан ҳам катта байроқлар бор, деб берган кесатиқ саволига:

– Яриморол бўлгани учун бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 170 километрга чиқади. Мутахассисларимиз бундан каттасини тавсия этишолмади. Унинг осилиб тушмаслиги учун махсус материаллардан тайёрлатдик. Байроқ ва унинг устунининг оғирлиги уч тоннадан зиёд!

Истанбул ҳокимияти 2006 йилда шаҳарнинг тарихий ва юксак жойларига ўнта йирик байроқ осиб ташаббуси билан чиқди. Илк 150 квадрат метр ҳажмидаги ва 50 килограмм оғирлигидаги ҳайҳотдек байроқ вертолёт ёрдамида 36 метр юксакликда Саройбурни районида осилди. Ундан кейин Эмирган тепалигида, Бейликдузу районига киришда, шаҳардаги Туркия телевидение ва радиокомпаниясининг ваколатхонаси биносида ва бошқа жойларда улкан байроқлар ўз ўрнини топди.

Сўнгги бор Истанбулда энг катта байроқ 2016 йилнинг 29 май кунини шаҳар фатҳ этилганининг 563 йиллиги муносабати билан осилди. Шаҳарнинг Осиё қисмида шаҳарнинг

тўрт тарафидан ҳам кўринадиган Чамлижида тепалигида Ражаб Таййиб Эрдўғон томонидан тамал тоши қўйилган «Чамлижа» масжидининг икки минораси орасида жойлаштирилди. Байроқнинг ҳажми Истанбулнинг византияликлардан тортиб олинган йил тарихи – 1453 квадрат метрни ташкил этди.

Турк байроғи тарихи ҳақида сўз кетганда, бир неча ривоятлар келтирилади. Улардан айримлари қуйидагилардан иборат. 1389 йилда Сербияда Усмонли империяси билан Болқонлар иттифоқи ўртасида жанг бўлади, у тарихда биринчи Косово уруши деб номланади. Турклар анча талафот кўради, ердаги шаҳидларнинг қони аралаш юлдузга ўхшаган бир нима ҳосил бўлганига кўзи тушган дала кўмондонларининг тавсияси билан бу нарса турк байроғи учун асос қилиб олинади.

Бошқа ривоятга кўра, 1389 йилнинг 28 июлида Аллоҳнинг иродаси билан Юпитер ва Ой бир чизиққа келгани ишонилади. Подшоҳ осмонда содир бўлган ўша воқеа сабабли турк байроғига асос солинади.

XVIII асрга келиб Султон Салим 400 йил илгари қабул этилган турк байроғи тарихи билан қизиқиб қолади. Косово жангидан кейин яратилган байроқ асосида бугунги кундаги турк байроғига яқин тимсол ишлаб чиқилади. Аммо унинг юлдузи саккиз қиррали бўлади.

1844 йилга келиб Султон Абдулмажид юлдузлар қиррасини бешта этиб белгилайди. 1936 йилнинг 29 август куни Туркия парламенти расмий байроқ шаклини тасдиқлайди. 1985 йилнинг 25 январида Вазирлар маҳкамаси турк байроғи тўғрисида алоҳида қарор қабул қилади.

Бундан ташқари, узундан-узун байроқлар ясаб, шаҳар кўчаларида уни байрам кунлари ёки бирор воқеа-ҳодисага боғлаб олиб юриш одати ҳам бор. Кейинги йилларда террор балосини лаънатлаш учун шундай акциялар ўтказилмоқда. Ўртача минг метрдан бошлаб уч минг метрга-

ча бўлган алвон байроқни тадбир иштирокчилари шаҳар марказидан ва соҳилбўйларидан тантанали равишда олиб ўтадилар.

Мустафо Камол Отатуркни эшитмаган, унинг ҳаёти билан таниш бўлмаган турк фуқароси топилмайди! Усмонли салтанатининг битиши ва парчаланиши оқибатида бугунги Туркия ҳудудларини сақлаб қолиш учун бор куч-ғайратини сарфлаб, оммани оёққа турғазиб, сафарбар этган бу зот ҳалиям эл-улус оғзидан ҳеч тушмайди.

1934 йилнинг 24 ноябрида парламент аъзолари бир овоздан Жумҳуриятнинг қурувчиси ва миллат отаси деб тан олинган Мустафо Камолга «Отатурк» нисбасини беради. Шунингдек, бундан кейин ҳеч қайси шахс Отатурк номини ололмаслик шарти ҳам белгилаб қўйилади.

Биринчи президентнинг соғлиги 1937 йилдан бошлаб ёмонлаша бошлайди, унга цирроз ташхиси қўйилади. Европадан докторлар чақиртирилади. 1938 йилнинг 10 ноябрь куни соат 9 дан 5 дақиқа ўтганда Истамбулдаги Долмабахче саройида вафот этади, ўн кундан кейин унинг жасади хорижлик давлат раҳбарлари иштирок этган маросимдан сўнг Анқарада вақтинча Этнография музейига қўйилади. Тўрт ойдан сўнг – 1939 йилнинг 31 март куни дафн этилади.

1953 йилнинг 10 ноябрь куни унинг жасади бугун унинг мавзолейи бўлган Аниткабирга кўчириб ўтказилади.

Ҳар йили шу куни ва шу соатда Президент бошчилигидаги давлат арконлари, муҳолифат партиялар лидерлари, ҳукумат аъзолари Аниткабир мавзолейида хотирлаш маросимида қатнашадилар. Давлат раҳбари Хотира дафтарига бу кунлар учун миннатдорлик ёзуви қолдиради.

Шунингдек, барча вилоят, шаҳар, қишлоқлар марказларида, барча идоралар, олий ва ўрта ўқув юртларида мана шундай маросимлар ўтади. Соат 9 дан 5 дақиқа ўт-



ганда мамлакатда ҳаёт 60 сонияга тўхтайтиди: ҳаракатдаги автомобиллар ва йўловчи кемалар бир дақиқа давомида биринчи президент хотирасига сигналлар берадилар.

2005 йилнинг 12 октябрь куни янги иш бошлаган бўлсам, бир ойдан кейин илк хотира куни машина ва кемалар сигналларини эшитиб, тўғриси, ваҳимага тушганман. Уйда ўтирган оилам ҳам кўрқувдан менга қўнғироқ қилишган. Табиийки, буларнинг нима маъно касб этишини тушуниб етгунимча маълум дақиқалар ўтади, унгача эса хотирлаш маросими ҳам тугайди.

Кейинги йиллардан бошлаб хонамдаги деразадан Бўғозда тўхтаб қолган кемалар ҳамда кўприклар устидаги ва кўчалардаги машиналарни кузатаман, ҳайратланаман ва уларга қўшилиб Отатуркка ҳурмат бажо келтираман!

Туркия номи жаҳон афкор оммасига маълум ва машҳур. Аммо бу ном қаердан келиб чиққанини кўпчилик билмас керак. Бу тўғрида турли қарашлар бор. Бу ном Мустафо Камолнинг ташаббуси билан танланган, деган фикрлар ҳам мавжуд. Аммо айрим манбаларда 1200 йилда италияликлар Онадўлуни Туркия деб атаганлари тўғрисида гапирилади. Бир нарса аниқки, Усмонлилар ҳеч қачон Туркия номини қўлламаганлар.

Катта давлатнинг муаммолари ҳам катта бўлади, кўп бўлади. Ҳар куни бир ижобий воқелик ва ҳар куни жиноят содир этилади. Уларнинг очилиши натижаси жуда юқори. Махсус хизматлар замонавий анжомларнинг энг замонавийси билан таъминланган. Истанбулнинг айрим майда кўчаларидан ташқаридан ҳамма майдонлар, катта-кичик магазинлар, автомобиль турадиган жойлар, хуллас, барча ерда видеокамера кузатуви йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги ҳайъати Истанбул аэропортида хавфсизликни таъминлаш масалаларини ўргангани келади. Мутассаддилар аэропорт ичи ва ташқарисида беш мингта (?) видеокамера жойлашганини

айтиб, махсус катта залда уларнинг хизмат тизими билан таништиришади. Чивиннинг учиши ҳам назоратда! Қойил!

Маҳаллий телевидение каналларида дам-бадам аэропорт залларида содир этилган жиноятнинг видеокамера орқали фош этилгани тўғрисида лавҳалар намойиш этиб турилади.

2007 йилнинг 19 январида нафақат Туркияни, бутун дунёни ларзага солган жиноят содир этилади. Арман тилида чиқадиган «Агос» газетаси бош муҳаррири Хрант Динк шаҳар марказидаги таҳририят биноси яқинида отиб кетилади. Гувоҳлар 18–19 ёшлардаги жиноятчини таърифлаб беришади. Истанбулдаги у юрган кўчалар видеокамералар орқали қотилнинг изига тушилади ва таъқибга олинади. Жиноятдан 18 соат ўтиб, Истанбулдан 750 километр наридаги Самсунг шаҳрида автобусдан тушаётган пайтда қотил Огун Самаст қўлга олинади.

Ёшу қари барча давлат мадҳиясини билади, дедим. Заррача муболағаси йўқ: 7 ёшдан 70 ёшгача ҳамма турклар қўшиқ айтади. Катталар «турку» – классик ва мақом ашулаларни билишса, ёшлари замонавий санъаткорларнинг «хити»ни баробар куйлашади. Тўй-ҳашам, бошқа турли маданий тадбирларда кекса-ёш баробар ашула айтади.

Эски замонларда бизда уйга меҳмон келса қўлимизни кўксимизга қўйиб «хуш келибсиз», деб кутиб олардик. Бугун катта ёшдаги онахонларимиз кўп айтишади ва фарзандли бўлгунча янги келинлар айтишади бу калимани, холос.

Туркияда эса олий мақомдаги расмий учрашув ва музокаралар «ассалом» ўрнига «хуш келибсиз»ни айтиш билан бошланади. Остонадан ҳатлашингиз билан магазин сотувчиси ҳам булбулдек шу калимани такрорлайди. Бунга, албатта, тасанно айтиш керак!

Мамлакатдан келган ҳайъат билан кун давомида бирга бўлиб, кечқурун аэропортда хайрлашаётганимда ҳайратла-

рини яширмай бирнималарни гапириб беришди. Охирида эса «бу турклар «хуш келибсиз» деявериб хит қилиб ташлашар экан», деб қолди. «Амалдорларнинг ҳам биринчи калимаси шу, магазинчиси ҳам, официант ҳам бу сўзни такрорлашдан чарчамас экан», – деди бироз оғриниб.

Яна бир гап. Хонадонимизга, офисимизга келган меҳмонга чой таклиф этамиз. Турклар-чи? Магазинда пойабзалми, кийим-бошми танлашингиз бироз чўзилса, бироз вақт бор, дегандек, «нима икром этай?» – деб туради. Қайноқ чой, қаҳва, муздек сув ва мева шарбатлари ҳамиша бисёр!


Баракалла орқадоллар, деб ҳайқиргин келади одам!

Кўча-кўйда мушук, итлар бемалол сайр этиб юради, ҳеч ким уларни ҳайдамайди. Маҳалла ҳайвонларини қўни-қўшнилар таниб қолишган, галма-галдан уларни боқишади, улар ҳеч қачон оч қолмайдилар!

2000-йилларнинг иккинчи ярмида Истанбулда қиш бир ҳафтадан ошмасди, уч-тўрт кун қор тушиб, болажонлар мазза қилиб олишарди. Бора-бора бир ҳафта, ҳатто икки ҳафта совуқлар сақланадиган бўлди. Бу аёз кунлари ҳокимият вакиллари ижтимоий таъминот идоралари билан биргаликда уйи иситилмайдиганларни мактаб спорт зали ёки дам олиш уйларига тўплаб олиб боради ва иссиқ овқат билан таъминлайди.

Кўча ҳайвонларига ҳам шундай бир хил муносабат! Махсус машиналар уларни тўплаб олиб кетади, ҳаво исиши билан жойига қайтариб олиб келинади!

Ибрат олса арзимайдими?!





## ОНАМНИНГ ОРЗУЛАРИ, ЎГИТЛАРИ ВА ДУОЛАРИ (СЎНГСЎЗ)

Азиз китобхон! Эътибор берган бўлсангиз «Истанбул дафтари»нинг илк сўзларини «Онамнинг ўгитлари» дея бошлаган эдим. Хотираларни яна Онамга бағишланган сўзлар билан якунлашга қарор қилдим.

Дўстлар, орқадoshлар сўраб қолишади: «Истанбулдан қандай ибратлар орттирдингиз?»

Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукур, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деган ҳикматлар ҳаётининг энг гуллаган 10 йилини мусофирчиликда ўтказган одам учун ниҳоятда қадрли бўлиб қолади. Тўғри, мен хизмат юзасидан, қолаверса, катта шоду хуррамлик билан хизматга отландим. Хорижда хизматни ўташ ҳар қандай дипломат учун шараф. Бундай эътиборга сазовор бўлиш шукуҳи, тантанаю дабдабалар ўз ўрни билан бўлаверади, лекин оила, ота-она, туғишганлар, ёр-биродарлар, ватан, маҳалла, ўзинг вояга етган хонадон деган тушунчалар ҳам бор. Мусофирчилик эса уларнинг баридан узоқлашиш дегани ҳамдир. Ким нима деса десин, лекин мансаб-мартабасидан қатъи назар хизматдаги инсон ана шуларга ҳам тайёр бўлмоғи шарт.

2005 йил 11 октябрь. Ниҳоят, йўлга отландик. Туғишганлар бизни кузатиш тараддудида. Зимдан Онамнинг нигоҳларига кўз қиримни югуртираман. Онам мендан кўзларини олиб қочадилар, келин ва невараларини бағриларига босадилар. Ахир Онам оиламизнинг дуогўйи сифатида ҳамisha ишларим ўнгидан келишини орзу қилганлар, ўйлаган эзгу ниятларимиз рўёбга чиқишини Яратгандан сўраганлар. Мана, ўша илтижолар ижобатга ўтиб сафар

онларига етганимизда... Билмадим, ким нима дейди, лекин ўзбек учун соғинч туйғусидан азизроқ, изтироблироқ туйғу бўлмаса керак! Шу нуқтаи назардан 10 йиллик «Истанбул дафтари»нинг ҳар бир куни соғинчларга қоришиб кетган йиллардан иборат десам муболағага ёки сентименталликка йўйилмаса дегандим.

Истанбулдан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳар бир танишув, ҳар бир тадбир, ҳар бир катта-кичик воқеа-ҳодиса ҳаётий тажрибага айланар экан, айниқса, бундай тажрибалар давлат хизматлари, икки халқ манфаатларига эш бўлиб кетар экан уларнинг ҳар бири кўнгилда, хотирада, асабларда из қолдирмаслиги мумкин эмас.

– Қаерда бўлсанг ҳам бошинг омон бўлсин, Аллоҳ таолонинг ўзи мададкоринг бўлсин, ёмон кўзлардан асрасин!

Онамнинг дуолари кўнглимга муҳрланиб қолди. Ҳар қандай ҳолатда ана шу меҳрибон овозлар орқали вужудимга сингиб қолган яхши ниятлар мададкоримга айланди. Мени хушёрликка ундади, қўллаб-қувватлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, хизмат юзасидан неча турфа одамларга рўпара келасиз, улар билан қандайдир тадбирни келишиш, аҳдлашиш керак – тўғрими, холисми, дўстми, нияти покми?.. Бундай саволлар иштибоҳлар туғдирмаслиги мумкин эмас. Атрофдаги ўз хизматчиларимиз-чи? Улар ҳам инсон, уларнинг ҳам орзу-ҳаваси бор, қизиқиши, нафси бор. Муросаи мадора деганларидек... бор-йўғи тўрт киши, аравани тўрт томонга олиб қочмаслигига сен масъул!..

Баъзан хизмат хонасига икки-уч кунлаб боролмай қоласан. Саҳарлаб Ватандан келиб кўнган учоқдаги меҳмонларимизни кутиб олиш, кун бўйи уларни шаҳар айлантириш, ярим кечаси қайсидир давлатга кузатиб қўйиш, уч-тўрт соат дам олишга улгурмай, яна учоқни қаршилашга чопиш. Давомли, давомли. Орада яна бир талай расмий-но-расмий топшириқлар!

Айрим ҳолатлар юзага келадики, бундай вазиятдан фақат ўзинг йўл топиб чиқиб кетишинг керак. Вақт эса зиқ. Маслаҳатлашай, десанг, олдингда устозларинг йўқ. Беш минг километр нарига – Ватанга сим қоқиб, дардингни дoston қилишни ўзингга эп билмайсан. Устига-устак алоқа симлари нозик, ҳар қандай ташвишларингу нағмаларингни кўтаравермайди...

Ўз ёғингга ўзинг қовураласан, дегани шу бўлса керак!

– Сабрли бўлгин, болам! Ҳар дамда ўзингни кўлга ола бил, ўғлим!

Яна Онаминг ўғитлари, дуолари кўмакка келади.

Сабрнинг тагидаги олтинни кўрдим, минг шукурлар бўлсин!

Яхшига ҳам, дўстга ҳам, ёмонга ҳам, ғанимга ҳам муомала «тили»ни топишга ҳаракат қилдим. Асаб толаларини ўз ҳолига қолдириш ҳадисини эгаллагандек бўлдим Истанбулда.

Юриш-туришда, кийинишда одмиликка интиладиган бўлдим. Турклар ўзларига жуда қулай бўлган кийимлар танлаб кийишади, ўзларини маълум қолипга солишдан қочишади. Дам олиш кунлари давлат арконлари турли рангли ва безакли қиёфатларда халқ олдига чиқишдан тортинмайдилар. Ҳатто расмий идора вакиллари ёзининг жазирама кунларида костюм ва бўйинбоғдан воз кечишади. Дастлабига булар бачканадек туюлди, кейинроқ кўникдим. Охирида ибрат олдим.

Зиёли орқадosh қаршисидаги айбдорни «тепиб ташламас экан», бўйнини эгиб турган бўлса, «жонинг омон бўлсин», дея кечириб юборар экан. Дўстларимизнинг ишлари ўхшамай қолса, ичдан зил кетади-ю, ташқарига билдирмайди. Кайфиятини бошқага рўкач қилмайди. Кўнгил сўраган кишига «хайрлиси бўлади» ёки «Аллоҳ истамаган нарсага бандаси кўникиши керак», деб ўзини овутади.

Булар ҳам ибрат, булар ҳам сабоқ.

Туркия катта давлат. Бир ёни Европа, бир томони Осиёга туташ оҳангларга қулоқ тутишга мажбур. Туркия мураккаб давлат, Истанбул мураккаб шаҳар. Қандай воқеа юз берса ўша заҳоти матбуот орқали оламга ёйилади. Баъзан нохуш ҳодисалар юракларни ларзага солади. Хавотир ортади. Оммавий ахборот воситаларида «Туркия» ёки «Истанбул» атамаларининг тилга олинишиёқ ҳаммамизни – Тошкентдаги Онажонимгача хушёр торттиради. Ишқилиб, яхшилик бўлсин-да, деган ният яшин тезлигида учиб ўтади хаёлдан. Дарҳол Онамга қўнғироқ қиламан. Фақат яхши воқеалардан сўз очаман. Онанг тинч – сен тинч-да. Онанг хотиржам бўлмаса қўлинг ишга борадими, хотиржам хизматга отланасанми?! Буёқда Онангнинг егани ичига тушармиди?! Уйқусида ҳаловати бўлармиди?!

– Ёмонларнинг юзини тескари қилсин Туркиядан, ўғлим!

Ўтган 10 йил мобайнида неча ўн, юз марталаб айтдилар Онам бу сўзларни, бу илтижоларни. Ҳар сафар Онамнинг сўзларига илова қиламан:

– Айтганингиз келсин, она! Бутун дунё тинч бўлсин, бутун ер юзидан ёмонларнинг юзини тескари қилсин. Омонликда, фаровонликда яшаб ўтиш насиб этсин ҳар бандасига Аллоҳ таоло, Онажон!

2018 йил.



## МУНДАРИЖА

I. МУҚАДДИМА.....	3
2005 йил 11 октябрь: нақди асал! .....	3
Туркия билан танишиш.....	7
II. МОЗИЙДАН САДО.....	19
Уч салтанат пойтахти – Истанбул.....	19
Дунёни 623 йил титратган – Усмонли салтанати.....	28
Ўрта асрлардан бугунги кунгача: ўзбек-турк муносабатлари....	37
Константинополь фатҳида – ўзбеклар .....	51
Истанбуллик саҳобалар .....	59
Ўзбек хонлари ва Усмонли султонлари .....	66
Ўзбек «такка»лари.....	75
Истанбул ва Усмонлининг озодлик учун курашида – ўзбеклар	81
Анқара аэропорти кимнинг номи билан аталган?.....	88
Насриддин Афанди қачон яшаб ўтган? .....	90
III. МУНОСАБАТЛАРНИНГ АВВАЛИ: ИЛИҚЛИК ВА СОВУҚЛИК ОРАСИДА.....	94
Янги давр сабоқлари.....	94
Туркиядаги ўзбеклар .....	107
Туркистонликлар жамиятлари – кеча ва бугун. Эртага-чи?.....	132
Таниш-билишчилик иллоти ёхуд президент кўрсатган намуна .....	139
Туркиянинг илк ҳижобли биринчи ледиси .....	143
«Арго» операцияси» қаҳрамони – Рўзи Назар .....	149
Турк дўстларим, қардошларим.....	158
Истанбулни кўрган ва кўрмаган Эркин акалар .....	163
Абдулла Орипов сабоғи.....	171
«Братан» .....	176
Амир Темурнинг кўнгил куйчиси – Абдулқодир Мароғий .....	180
Кенжа Соғуний нима дейди?.....	183
Футбол фанатлари юрти – Туркия .....	188



IV. ЮРГАН ДАРЁ.....	197
Элазиқ ва Диёрбақир томонларда.....	197
Қуниё. Мавлонога таъзим.....	204
Каппадокия – сеҳрли диёр.....	208
Туркияда Рамазон кайфи.....	212
Пайғамбарлар диёрида Рамазон жўшқуси.....	218
Согют – Усмонли империясининг илк пойтахти.....	226
«Илиада» ва «Одиссея» дostonлари ёзилган юрт.....	230
Афсонавий Трояни кезиб.....	233
Туркиядаги Асҳоби қаҳфлар.....	236
V. ИСТАНБУЛ ХОТИРАЛАРИ.....	238
Холит Эреннинг армони.....	238
Ўзбекистоннинг самимий дўсти – Аккан Сувер.....	242
Дельфинбоз ва дельфинлар билан танишув.....	247
Истанбулнинг ҳақиқий ороли – Буюк Ада.....	251
Истанбул бўғозининг мингдан бир хусусияти.....	255
«Жонли қомус» – Илбер Ортайли.....	264
Истанбулда лола сайли – лола завқи.....	268
Турғут Ўзал ўлдими – ўлдирилдими?.....	272
Расулulloҳ (с.а.в.)нинг Истанбулда сақланаётган ашёлари.....	279
Меъмор Синан.....	284
Истанбулдаги ўзбек емакхоналари.....	289
Истанбул севгиси.....	294
Орқадoshлар, орқадoshлар.....	299
VI. БУГУНГИ ТАРИХ.....	304
Туркийзабон давлатлар бирлашадиларми?.....	304
Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг истиқболи қандай?.....	316
Туркиянинг айрим статистика рақамлари ва даромад манбалари.....	321
VII. ИСТАНБУЛДА ТОПГАНЛАРИМ ВА ЙЎҚОТГАНЛАРИМ (ХОТИМА ЎРНИДА).....	328
Туркия байроғи, мадҳияси ва биринчи Президенти.....	328
Онамнинг ўғитлари.....	339









Аброр Фуломовнинг асл касби журналист, университетни хатм этгач, бир муддат "Тошкент ҳақиқати" газетасида мухбир, кейинчалик икки қайта "ЖАҲОН" ахборот маҳкамасига раҳбар бўлди. Ўзбекистон Президенти девонида масъул вазифаларда ҳам хизмат қилган. Шу кунда республика парламенти Қонунчилик палатасининг халқаро робиталар бўйича шуъбасини бошқармоқда.

Бу орада у дипломатик хизматда ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг Истанбулдаги Бош консулхонасига сардорлик қилди. Кам эмас, кўп эмас – қарийб 11 йил! Шунча муддат мусофирлик насибасини татиган одам нималарни кўрмайди, кимлар билан учрашмайди дейсиз! Ана шу таассуротлар зое кетсинми? Айниқса, қўлингизда қаламингиз бўлса!

Олис ва кўп муддатли хизмат сафаридан қайтгач, дипломат-журналистимиз кўрган-кечирганларини йириккина китоб қилиб битди. Туркий эллар дўстлиги йўлида мустаҳкам қовушқоқ бўлгуси ушбу асарнинг китобхонлар сари сафари қутлуғ бўлсин!

Эркин АЪЗАМ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-895-2



9 789943 258952